

С. ҚОРАЕВ, П. ҒУЛОМОВ, Р. РАҲИМБЕКОВ

ГЕОГРАФИК
ТЕРМИНЛАР
ВА ТУШУНЧАЛАР
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

ЎзССР маориф министрлиги тасдиқлаган

ТОШКЕНТ — «ЎҚИТУВЧИ» — 1979

Қўлинигиздаги дугатга ўрта ва олий мактабларнинг дарсликларига учрайдиган асосий географик термин ва тушунчалар — табиий география бўйича умумий табиий география, ландшафтшунослик, геоморфология, иқлимшунослик, метеорология, гидрология, тупроқлар географияси, био-география, гляциология ва бошқаларга оид асосий терминлар; иқтисодий география бўйича эса иқтисодий география, аҳоли ва шаҳарлар географияси, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт географияси, ташқи савдога оид муҳим мақолалар, сиёсий географик тушунчалар ва бошқалар киритилди. Назарий масалаларга, шунингдек, ҳозирги замон фанининг ютуқлари билан боғлиқ бўлган термин ва тушунчаларга алоҳида аҳамият берилди. Геология, биология, тупроқшунослик, астрономия, этнография ва бошқа фанларнинг география билан боғлиқ бўлган айрим термин ва тушунчалари ҳам дугатдан ўрин олди.

Дугат география ўқитувчилари, олий мактабларнинг студентлари, шунингдек ўрта мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган.

Текстда терминлар қисқарттирилиб ёзилди — мас., Автономия — А., Троник ўрмонлар — Т.ў., Қуёш системаси — Қ.с. ва ҳ қ.

На узбекском языке

**Караев Суюн, Гулямов Патихкамал,
Рахимбеков Раҳманбек**

ТОЛКОВЫЙ СЛОВАРЬ ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ

Ташкент — «Ўқитувчи» — 1979

Редактор *Мирашова У.*
Техредактор *Вильданова Э.*

Бадий редактор *З. Мартынова*
Корректор *Ҳошимова М*

ИБ № 1281

Тезишга берилди. 26. 03. 1979 й. Босишга рухсат этилди 13. 11. 1979 й. Формат 84×108¹/₃₂. Тип. қоғози № 1. Кегли 8, шпонсиз. «Литер.» гарн. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 8,19. Нашр. л. 12,12. Тиражи 8000. Зак. № 6600. Баҳоси 55 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 28-79.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг полиграфия комбинатида терилди. область бошқармасининг Морозов номи босмахонасида босилди. Самарканд, Турсунов кўчаси, 82. 1979 й.

Набрано на Полиграфкомбинате Ташкентского полиграфического производственного объединения «Матбуот» Государственного Комитета УзССР по делам издательства, полиграфии и книжной торговли. Отпечатано в тип. им. Морозова областного управления по делам издательства, полиграфии и книжной торговли. Самарканд, ул. Турсунова, 82

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1979 й.

К 70105 — 287
353 (04) — 79

280 — 79 4602020000

СЎЗ БОШИ

Фан-техника тараққиёти юксак даражага етган ҳозирги кунда география фани ҳам жадал суръатлар билан ривожланмоқда ва давримизнинг фундаментал фанлари қаторидан мустаҳкам ўрн олмоқда. Совет географиясининг янги, янада юксак — конструктив боққичга кўтариллиши муносабати билан унинг предмети, моҳияти, илмий-тадқиқот методлари, назарий асослари ва амалий аҳамиятига бағишланган асарлар тобора кўпроқ нашр қилинмоқда; бу масалалар юзасидан қизгин баҳслар юритилиб, жиддий мунозаралар ўтказилмоқда. Географиянинг фан сифатида ривожланиши, мазмунан бойиши, табиийки, унинг асосий тушунчалар системаси ва терминологиясининг кенгайиши ҳамда чуқурлашувиغا сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга географияга янгидан-янги тушунча ва терминларнинг кириб келиши, ҳатто илгаридан шаклланган баъзи тушунча ҳамда терминларнинг бутунлай янги мазмун касб этиши географик адабиётни ўзлаштиришни бирмунча мураккаблаштирмоқда. Бинобарин, янги география луғатларига бўлган эҳтиёж катта. Тўғри, сўнги йилларда рус тилида географиядан бир қанча катта луғатлар босилиб чиқди.¹ Ҳатто табиий географияга² ва илк бор иқтисодий география терминологияси назариясига³ оид махсус китоблар юзага келди. Ҳажми, тематикаси ва мўлжалланган китобхонлари жиҳатидан хилма-хил бўлган бу луғатлар ҳозирги кунда республикамизда етарли миқдорда топилмайди ва, энг муҳими, ўзбек китобхонининг фойдаланиши учун анча қийинлик қилади.

Ўзбек тилида географиядан биринчи ва, айни вақтда, сўнги изоҳли луғатнинг рус тилидан таржима қилиб нашр этилганига йигирма йилдан ортиқ вақт ўтди.⁴ Табиийки, бу луғат ҳозирги талабларга жавоб бера олмайди.

Гарчи ўзбек тилида ўлкамизнинг маҳаллий географик хусусиятлари ҳамда ўзбек тили хусусиятлари ҳисобга олинган изоҳли луғатлар яра-

¹ Агапов С. В., Соколов С. Н., Тихомиров Д. И. Географический словарь. М., «Промсвещение», 1968 (иккинчи нашри). Мактаб ўқувчиларига мўлжалланган. Энциклопедический словарь географических терминов, М., «Советская энциклопедия», 1968. Академик С. В. Калесник таҳрири остида. Словарь общегеографических терминов. М., «Прогресс», I том, 1975, II том — 1976. Инглизчадан таржима.

² Мильков Ф. П. Словарь-справочник по физической географии, М., «Мысль», 1970 (иккинчи нашри).

³ Алаев Э. Б., Экономико-географическая терминология. М., «Мысль», 1977.

⁴ Барков А. С. Табиий географиядан изоҳли луғат. Т., Ўқувпеддавнашр, 1958, русчадан таржима.

тилмаган бўлса-да, географик терминлар назарияси у қадар эътибордан четда бўлгани йўқ. Айниқса, ўқув географик адабиётни рус тилидан таржима қилиш, ўзбекча илмий ва илмий-оммабоп асарлар яратиш, қисман Н. Долимов, М. Қориев, Ҳ. Ҳ. Ҳасанов ва М. Мирбообовларнинг «Қисқача русча-ўзбекча география терминлари лугати» лойиҳасини (Тошкент, Ўқувпедадавнашр, 1953) муҳокама қилиш жараёнида географик терминология масалаларини кўпинча кўндаланг бўлиб турди, бу ҳақда кизгин баҳслар давом этди.

Ўзбекистон география лугатчилиги масалаларини, шу жумладан, терминология масалаларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқаришда ва энг муҳим географик терминлар талқинини тартибга солишда профессор Ҳ. Ҳ. Ҳасановнинг хизмати катта.

Ҳ. Ҳ. Ҳасанов ўзининг «Русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча география терминлари лугати»нинг (Тошкент, 1965) сўз бошисида ўзбек география терминологиясининг манбалари, тарихи ва тараққиётини баён этди ҳамда халқ терминлари намуналарини чуқур таҳлил қилди. Рус тилидаги терминлардан «степь»нинг дашт, «пустыня»нинг чўл, «виадук»нинг ботиқ, «водораздел»нинг сувайирғич, «залив»нинг қўлтиқ деб ва бошқа шу каби кўплаб терминларни ўзбек географик терминологиясида мустақкам қарор топтириш олимнинг хизмати натижасидир. Сўнгги йилларда география терминлари ва номлари имлоси ҳам бирмунча стабиллашди.

Диққатингизга ҳавола қилинаётган ушбу лугат ўзбек тилида географиядан изоҳли лугат яратиш борасидаги илк тажрибадир. Лугатда география терминларидан ташқари муҳим аҳамиятга молик илмий-назарий тушунчаларнинг ҳам изоҳи берилди. Географик номлар эса лугатга киритилмади.

Маълумки, ҳозирги вақтда география фан сифатида икки хил талқин қилинади. Энциклопедик таърифга кўра у табиий географик фанлар — геоморфология, иқлимшунослик, гидрология, гляциология, океанология, геоботаника, зоогеография ва б. билан иқтисодий географик фанлар (аҳоли ва аҳоли пунктлари географияси, саноат географияси, қишлоқ хўжалиги географияси, транспорт географияси ва б.) системасидан иборат. Мантиқий-фалсафий таърифга кўра эса, ҳозирги замон географияси географик-территориал комплекслар — системалар ҳақидаги фандир. Бу жиҳатдан олганда география фанлар комплекси эмас, балки комплекслар ҳақидаги фандир. Ушбу лугатда авторлар географиянинг ҳар иккала таърифи билан боғлиқ бўлган асосий термин ва тушунчаларни қамраб олишга ҳамда таърифлашга ҳаракат қилдилар. Сўнгги йиллардагина пайдо бўлган ва географик адабиётга тобора сингиб бораётган янги илмий йўналиш, тушунча ҳамда терминларга алоҳида эътибор берилди. Чунинчи, мазкур лугатдан ўрин олган амалий ландшафтшунослик, антропоген ландшафтшунослик, конструктив география, мелиоратив география, рекреацион география, ландшафтлар рекультивацияси, геодемология, метангеография, мониторинг, назарий география, кутбий асимметрия қонунияти, экологик мувозанат кабилар қиссан энг тўлиқ ҳисобланган лугат — «Энциклопедический словарь географических терминов» (М., 1968) китобида ҳам учрамайди.

Лугатда иқтисодий географик терминлар камроқ ўрин олди. Бунга сабаб, бир томондан, лугат ҳажмининг кичик эканлигидир. Иккинчидан, иқтисодий география лугати кенгайтирилган тарзда тегишли мутахассислар томонидан алоҳида тайёрланишини маъқул деб ҳисоблаймиз.

Авторлар бир қанча муҳим минераллар ва тоғ жиисларини луғатга киритишни лозим деб тойдилар ва бунда уларнинг территориал тарқалишига аҳамият бердилар. Луғатга соф географик мазмунга эга бўлмаган, бироқ география дарсликларига кўп ишлатиладиган баъзи бир термин ёки тушунчалар ҳам киритилди (масалан, автономия, аграр муносабатлар, агротехника акционерлар жамияти, пахта, пилла, товар маҳсулоти, газлаштириш ва ҳ. к.). Буларни изоҳлашда уларнинг географик талқинига кўпроқ эътибор берилди.

Луғат ўлкашунослик принципида ёзилди. Бинобарин, унда Урта Осиёнинг ўзинга хос табиати, ҳўжалиги ва аҳолиси хусусиятлари билан боғлиқ бўлган маҳаллий географик терминлар каттагина ўрин олди. Классик илмий адабиётни тушунишни бир оз бўлса-да, осонлаштириш мақсадида қисман эскириб, тарихий-географик аҳамиятга эга бўлган терминлар ҳам таърифланди. Бирор термин ёки тушунча мазмунини ойдинлаштиришда ҳам кўпроқ Урта Осиё географияси мисолларидан фойдаланилди. Сўнгги йилларда ўзбек тилида табиий (биология, геология, физика ва б.) ҳамда ижтимоий-иқтисодий фанлардан махсус терминологик изоҳли луғатлар нашр қилинганлигини ҳисобга олиб, тармоқ географик фанларда қўлланиладиган терминларнинг кўпи берилмади.

Авторлар ушбу луғатни ёзишда мавжуд илмий географик, бадний адабиётдан, шунингдек ўзларининг илмий ҳамда кўп йиллик таҳрир-таржима фаолияти давомида тўплаган материалларидан кенг фойдаландилар.

Луғатни тайёрлашда юқорида қайд қилинган луғатлар, шунингдек географиядан ўрта мактаб учун нашр этилган дарсликлардаги термин луғатлари ҳам ҳисобга олинди. Китобхонларнинг ушбу луғат ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини авторлар мамнуният билан қабул қиладилар.

*Бизнинг адрес: Тошкент — 129, Навоий кўчаси, 30,
«Ўқитувчи» нашриёти.*

ҚИСҚАРТМАЛАР

a — аср
a. o. — автоном область
г — грамм
га — гектар
ГЭС — гидроэлектростанция
з-д — завод
кв. — квадрат
квт — киловатт
квт-с — киловатт — соат
ккал — килокалория
км — километр
км² — квадрат километр
км³ — куб километр
км/сек — секундига километр
км/соат — соатига километр
м — метр
м² — квадрат метр
м³ — куб метр

мас. — масалан
млн. — миллион
млрд. — миллиард
мм — миллиметр
м/сек — секундига метр
р-н — район
сек. — секунд
см — сантиметр
т — тонна
terr-я — территория
т. й. — темир йул
т-ра — температура
ф-ка — фабрика
ц — центнер
ш — шахар
шпн — шаҳар тилидаги посёлка
я. o. — ярим оро
қ — қаранг
қ. х. — қишлоқ хўжалиги

А

Абадий музлоқ ер — мангу тўнг ер; қ. *Кўп йиллик музлоқ ер*, *Доимий музлоқ ер*.

Абиоген босқич — географик қобиқ пайдо бўлиши ва ривожланишининг органик ҳаётсиз илк босқичи. Географик қобиқ ўз ривожланиши давомида А. б. дан биоген босқичга, сўнгра эса, инсон пайдо бўлгач, антропоген босқичга ўтган. А. б. географик қобиқ тараққиётининг палеозой эрасигача бўлган даврини ўз ичига олади. У то биоген (добιοген) босқич ҳам деб аталади.

Абиоген компонентлар — Ер дўсти, ҳаво ва сув географик қобиқ ҳамда ландшафтларнинг абиоген (ноорганик) компонентларини ташкил этади.

Абиоген ландшафтлар — асосан абиоген компонентлардан ташкил топган, яъни биоген компонентлар (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда микроорганизмлар) иштирокида пайдо бўлган ландшафтлар. Ҳозирги А. л. га Антарктиданнинг марказий қисмлари ва Гренландиянинг муз қалқонидаги, шунингдек Ҳимолай ва бошқа энг баланд тоғларнинг чуққиларидаги ландшафтлар киради. А. л. асосан ҳаётсиз бўлса-да, унда биосфера маҳсулотлари — атмосфера кислороди, оқактошлар ва бошқа чуқинди жинслар бор. Ой ландшафтлари ҳам А. л. дпр.

Абиоген омиллр — географик қобиқ ва ландшафтларнинг анорганик омиллари.

Абиссал ётқизиклар — дунё океани тубининг 90% қисмида майда

ҳайвон организмларининг скелетларидан, қуруқликдан шамол ёки денгиз оқими натижасида келтирилган минерал заррачалардан, космик чанглардан ҳосил бўлган чуқиндилар. Бундай ётқизиклар кўпинча 3 км ортиқ чуқурликда пайдо бўлади.

Абиссал область — океанларнинг 2000 м дан чуқур қисми. А. о. да сув секин ҳаракат қилади, т-раси 0° га яқин ва бутунлай қоронғи бўлади. Қуёш нури етиб бора олмаганлиги ва босим катта бўлганлигидан А. о. да бактерия ва сапрофит сувўтлардан бошқа ўсимлик организмлари йўқ. Сезги органлари жуда тараққий этган айрим ҳайвонлар учрайди.

Абляция (латинча *аблацио* — олиб кетиш) — 1) музлик массасининг эриш, буғланиш ва механик парчаланиш натижасида камайиши; 2) нураган тоғ жинсларининг оқар сув, муз, шамол ёрдамида кўчиши (қ. *Эрозия*).

Аборигенлар (латинча *аборигинес* — дастлабдан, бошдан) — 1) бирор мамлакат, ўлканинг қадимдан яшаб келадиган туб аҳолиси; 2) ўсимлик ва ҳайвонларнинг бир жойнинг ўзига қадимдан хос бўлган маҳаллий, жайдари нав ва сотлари, автохтон организмлар

Абразия (латинча *абразия* — сидириш) — тўлқин таъсирида қирғоқнинг емирилиши ва текисланиши.

Абсолют баландлик, мутлақ баландлик — ер юзидаги муайян нуқтанинг океан ўртача сатҳи-

дан тик баландлиги. Океан сатҳидан баланд нуқталар мусбат белги (+), паст нуқталар манфий белги (—) билан белгиланади. А. б. нивелирлаш ёрдамида аниқланади. Совет Иттифоқида А. б. Фин қўлтиғидаги Кронштадт футштоғидан ҳисобланади.

Абсолют геологик ёш — бирор геологик ҳодиса содир бўлган замондан бошлаб ҳозирги давргача ўтган вақт. А. г. ё. минг ва млн. йиллар б-н ҳисобланади ва минераллар таркибига кирган радиоактив элементларнинг (уран, торий, ва б. нинг) парчаланиши, чўкиндиларнинг ётқизилиш тезлиги ва лентасинмон гил қатламларининг сони ҳамда қалинлигига қараб аниқланади.

Абсолют монархия — қ. *Монархия*.

Абсолют намлик — 1 м³ ҳаводаги сув буғи миқдори.

Автоморф тупроқ — ер ости сувларининг таъсири бўлмаган шароитда вужудга келган тупроқ. А. т. ли майдонларда ер ости сувлари 5 м ва ундан ҳам чуқурроқда бўлади. Подзол, қора, каштан ва бўз тупроқлар бунга мисол бўла олади.

Автоном ландшафтлар — тупроқ-ўсимлик қопламн сизот сувлар иштирокисиз, асосан ёғинлар таъсиридагина ривожланган элементар ландшафтлар. А. л. сувайирғичларда плакор шароитида ривожланади. Б. Б. Полипов фанга киритган элювиал ландшафтлар терминининг синоними; А. л. автомат тупроқларда ҳосил бўлади.

Автономия (японча *аутономия* — мустақиллик) — бирон давлат таркибидаги айрим миллатнинг сиёсий ва маъмурий жиҳатдан ўз ўзини бошқариш ҳуқуқи. Совет Иттифоқида ва б. социалистик мамлакатлардагина чинкаам ўз ўзини бошқариш ҳуқуқи бўлиб, А. ҳар бир миллатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий жуҳатдан тараққий этиши учун барча имконият

яратиб беради. Совет автономиясининг асосий шакллари: 1) автоном область (а. о.) иттифоқдош республика ёки ўлка тартибига қиради: давлат ҳокимияти органи — Халқ-Депутатлари Совети; 2) автоном округ ўлка ёки область таркибига қиради; давлат ҳокимияти органи — Халқ Депутатлари Совети; 3) Автоном Совет Социалистик Республикаси (АССР) иттифоқдош республика таркибига кирса ҳам, ўз конституциясига, давлат ҳокимияти ва идора қилишининг ўз органилари (Олий Совет, Олий Совет Президиуми, Министрлар Совети, Олий суд) га эга.

Автохтон ландшафтлар — асосан шу жойдаги (маҳаллий) ўсимлик ва ҳайвон турларининг табиий шароит таъсирида ўзгариш натижасида вужудга келган ландшафтлар. А. л. реликт флора ва фауна элементларига бой ўлкаларда, чунончи, Жанубий Узоқ Шарқда ва Закавказьенинг нам субтропикларида кенг тарқалган. Якутиянинг тайга ўрмонлари орасидаги совуқ ўтлоқни даштлар ландшафтлари ҳам А. л. дир.

Агломерат (латинча *агломеро* — қўшиб оламан) — 1) хилма-хил шаклдаги ҳар хил тоғ жинслари парчалари. А. ларнинг цементлашишидан брекчиялар, туфлар ҳосил бўлади. 2) Майда руда ёки кукунсмон металлари маҳсул машиналарида қовуштириб ҳосил қилинган йирик бўлақлар.

Агломерация, аҳоли пунктлари агломерацияси — аҳоли пунктларининг, хусусан шаҳарларининг бир-бирларига қўшилиши ёгона урбанизация ва территориял иқтисодий зона ҳосил қилиши (қ. *урбанизация*). А. да аҳоли зич бўлиб, хилма-хил ишлаб чиқариш тармоқлари, биринчи галда саноат корхоналари, илмий ва ўқув муассасалари ва б юксак даражада концентрациялашган бўлади. Масалан, Москва А. си аҳолиси 9 млн. бўлган 140 га яқин аҳоли пунктини ўз ичига олади.

Аграр муносабатлар (латинча *аграриус* — ер) — қишлоқ хўжалигида кишилар ўртасида бўлган ижтимоий-синфий муносабатлар. А. м. шу жамиятда ер кимнинг қўлида эканлигига (ер эгаллигига), ерда ким ва қандай шарт билан ишлаётганига (ердан фойдаланиш шаклига) қараб фарқ қилади. Ҳар бир ижтимоий тузумда ер эгаллиги ва ердан фойдаланишнинг ўз шакллари ва шу шакллarga мос. А. м. амал қилади.

Аграр-саноат комплекси — муайян территорияда қ. х. маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган ҳамда қайта ишлайдиган ва бир-бирлари билан боғланган қ. х. ва саноат корхоналарининг бўлиши.

Агроиклимшунослик (يونونча *агрос* — дала) — иқлимни қишлоқ хўжалигининг, асосан деҳқончиликнинг муҳим омилли сифатида ўрганувчи фан. А. нинг асосий вазифаси иқлим билан қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши, ривожланиши ва оқилона жойлаштиришни ўртасидаги муносабатни аниқлашдан, агротехника ва мелиорация тадбирларини иқлимий жиҳатдан асослаб беришдан ва қ. к. лардан иборат. Қишлоқ хўжалик экинларини иқлим ва микроиклим шароитига кўра районлаштириш, яъни агроиклимий районлаштириш А. нинг бош масаласидир.

Агротехника — экинларни парваришlash, улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш усулларининг мажмуи. Ерни хайдаш, текислаш, бороналаш ва экишга тайёрлашнинг бошқа усуллари, ўғитлаш, сугориш, уруғни экишга тайёрлаш (саралаш, дорилаш, ивтиш ва б.), экиш ва ҳосил йиғиб-териб олинганча ўсимликни парвариш қилиш ишлари А. усулларидандир. А. га алмашлаб экишни жорий қилиш, ўсимлик қолдиқларини даладан йиғиштириб олиш, кузги шудгорлаш, яхоб бериш, сифатли уруғлик тандаш, экиш схемаларини тўғри қўллаш, кўчатларнинг нормал қа-

лиликда бўлишига эришиш, ўғитлардан тўғри фойдаланиш, экинни қатъий режим бўйича сугориш, ўсимликнинг илдиз системасини зарарлантирмаслик, экинзорларни бегона ўтлардан тоза тутиш, зараркунанда ва касалликларга чидамли навларни экиш ва қ. к. ҳам қиради.

Адаптация (латинча *адаптацио* — мослашув) — 1) организмларнинг яшаш шароитига мослашиши; 2) сезги аъзоларининг ўзига таъсир этадиган қўзғатувчиларга мослашиши натижасида уларда сезгирлик даражасининг ўзгариши (мас., кўзнинг ёруғлик ёки қоронғиликка мослашуви).

Адвекция (латинча *адвекцио* — элтиш) — ҳаво массалари ва уларнинг физик хоссалари (температура, намлик ва қ. к.)нинг горизонтал йўналишида кўчиши. Бирор р-ндаги об-ҳаво ва метеорологик элементлар иккинчи бир р-нга горизонтал кўчганда А. юз беради.

Адирлар — ўрта Осиё тоғлари этагидаги чўл ва чала чўл қирлар. Неоген ва антропоген даврларнинг чўкинди тоғ жинсларидан таркиб топган. Фарғона, Ҳисор, Сурхондарё водийларида кўпроқ конгломерат ва чақир тошлардан иборат бўлиб, баъзи жойларида лёсс билан қопланган. А. пастибаланд бўлади. Уларни кўп жойларда сой ҳамда жарлар кесиб ўтиб, айрим-айрим қисмларга бўлиб юборган. А. нинг абсолют баландлиги 400—500 м дан 1000—1500 м гача боради. А. баланд тоғ этакларидан тектоник ботиқлар орқали ажралган бўлади. Баҳор пайтларида А. да ранг-баранг ўтлар, лолалар ўсиб ётади. Хўжаликда А. дан баҳорги яйлов сифатида фойдаланилади, ёгин кўпроқ тушадиган жойларда ғалла етиштирилади. Копетдоғ ва Қримда тоғ этакларидаги шундай баландликлар байирлар деб юритилади. Қозғистон ва Қирғизистонда унча катта бўлмаган қолдиқ қир ва тоғлар

ҳам адир - деб юритилади; мас., Қирғизистондаги Оқадир.

Аёз — қиш фаслида ҳаво очик, тоза бўлгандаги совуқ кунлар. Одатда Урта Осиё антициклони ёки совуқ Арктика ҳавоси келган пайтларда рўй беради.

Азимут (арабча *ас-сумут* — йўл) — жой ёки картада шимол йўналиши билан танланган предмет йўналиши орасидаги бурчак. А. бурчаклари шимол йўналишидан соат стрелкаси бўйлаб ўлчанади.

Азон — кун чиқишдан олдинги пайт, эрта тонг.

Азоналлик — зоналликдан кўра маҳаллий шароит таъсири кучли бўлган ландшафтларнинг тарқалиши. Мас., қайир ландшафтлари, кум ландшафтлари (чўллاردан ташқаридаги), оҳактошли карст ландшафтлари, автохтон ландшафтлар ва бошқаларда зоналлик қонунияти деярли акс этмайди. Баландлик минтақаларининг тарқалиши ҳам азоналликка киряди. А. — ландшафтларнинг ривожланиш ва тарқалишидаги асосий қонуниятларидан бири. Азонал ландшафтлар шаклланишининг асосий омиллари тупроқ-грунт қоплами, намлик, топографик ўрни, геологик тузилиши ва б. ўзига хослигиндир.

Айдар — устида тош парчалари уюлиб қолган қир, тепа, дўнглар, яъни тош кокилли дўнглар. Шамол қирларнинг устки қисмидаги ғовак майда жинсларни учуриб кетишидан ҳосил бўлади. Жой номлари сифатида ҳам ишлатилади: Айдар шўрхоги, Айдарли посёлкаси.

Айри, а й р и л и ш — дарёлар, тоғ гизмалари, йўлларнинг бўлинган, тармоқланган жойи.

Айсберглар (голландча *ийсберг*) — океан, денгиз ва кўлларда сузиб юрадиган ёки саёзликларга ўтириб қоладиган қатта муз палахсалари. Сувга тушиб келаётган музликларнинг синишидан ҳосил бўлади. А. асосан Антарктида, Ка-

нада Арктика архипелагининг шимоллий ороллари, Гренландия қирғоқларида вужудга келади. Муз ҳамда сувнинг зичлигига қараб, 80—90% қисми сув остида бўлади. Сув устидаги қисмининг баландлиги ўртача 70—100 м, эни ва бўйи юзлаб км га етади. А. кемалар қатнови учун жуда хавфли, кўп кемалар А. га урилиб гарқ бўлган.

Акватория (латинча *аква* — сув) сув ҳавзаси юзасининг бир қисми. Порт акваторияси деганда портнинг қуруқликдаги қисмидан ташқари сув қисми тушунилади.

Акведу (латинча *аква* — сув, *дуко* — элтаман) — кўприк шаклида қуриладиган гидротехник иншоот. А. канал, жар, сой ва йўллар устидан сув ўтказиш учун қурилади. Егоч ва тошдан ишланган А. лар (нов) Ўзбекистонда қадим замонлардан буюн қўлланиб келган.

Акклиматизация — организмларнинг янги иқлим шароитига мослашиши; қ. *Иқлимлаштириш*.

Аккумуляция (латинча *аккумуляцио* — тўпланиш), чўкинди тўпланиши, седиментация — ер юзасида оқар сув, музлик, шамол ва б. геологик кучлар таъсирида минерал ва органик чўкиндиларнинг тўпланиш процесси (қ. *Чўкинди тоғ жинслари*).

Аккумулятив текислик — ер пўсти чўкаётган жойда ёки ер юзининг ботиқ (манфий) шаклларида узоқ вақт давомида сув, шамол, муз келтирган нуроқ ғовак жинсларнинг тўпланиши натижасида ҳосил бўлган текислик. Ер юзаси одатда текис бўлади ёки саёз водий ва ўзанлар билан кесилиб, бир оз паст-баланд бўлиб қолади. Мас., Амударё этаги, Қўйи Зарафшон воҳаси, Шеробод воҳаси ва Ҳ. к.

Акционерлар жамияти — бир неча капиталистга тегишли капиталнинг бирлашуви асосида ташкил топган йирик корхоналар уюшмаси. Капитализмда капитал жамғарилиши ва марказлашуви асосида корхоналар узлуксиз йи-

риклаша боради. Йириклашган ишлаб чиқаришни ташкил этишга айрим капиталист қўлидаги маблағ етишмай қолади. Йирик компания, т. й., канал ёки порт қуриш учун зарур бўлган маблағлар капиталистларнинг А. ж. га бирлашувчи орқали вужудга келади. А. ж. даги капитал акция ёки облигация деб аталган қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва уларни капиталистлар ўртасида сотиш орқали тўпланadi. Акционерлар ишлаб чиқариш билан бевосита шугулланмайди, лекин А. ж. га қўшган маблағлари миқдорида қараб шу жамиятдан келган фойданинг тенгшли қисmini олиб туради. Акционерларнинг умумий мажлисида А. ж. нинг ишига бевосита раҳбарлик қилиш учун директорлар кенгаши сайланади ва жамият фаолияти билан боғлиқ бўлган асосий масалалар шу кенгашда ҳал этилади. А. ж. нинг юқори органи умумий мажлис ҳисобланади, лекин акциянинг кўп қисми қайи капиталист қўлида бўлса, шу киши жамиятда ҳукмронлик қилади, раҳбарлик лавозимини эгаллайди. А. ж. да ҳукмронлик қилиш учун асос бўладиган акциялар миқдори акциянинг контрол пакети дейилади. Контрол пакетга эга бўлган йирик капиталистлар майда ва ўрта капиталистлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Акция эгаси А. ж. дан ўз пулини қайтариб олишни талаб этолмайди, аммо у ўз акциясини бошқаларга сотиши мумкин. А. ж. монополистик бирлашмаларнинг бошқа формалари— концернларнинг ривожланишида ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу бирлашмалар майда А. ж. ни сиқиб чиқариб, капитал марказлашувини янада кучайтиради. А. ж. фаолиятининг кенгайиши капитализм эндилятларини чуқурлаштириб, уни ҳалокат ёқасига олиб келади. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдин Ўзбекистондаги пахта тозалаш, пахта мойи ишлаб чиқариш, кўмир ва нефть саноат-

ларида ҳам йирик банкларга таянган А. ж. бўлган.

Аласлар — Якутия текислигида ёзда қуриб қоладиган қўллар ўрнида ҳосил бўладиган бўлиқ ўтлоқлар. А. майдони ҳар хил — бир неча кв. м. дан бир қанча кв. км гача боради. Баъзи А. ларнинг ўртасидаги чуқур қисмида қўл бўлади. А. жуда кўп жойларда махсус ландшафтлар ҳосил бўлади. А. кўпроқ термокарст натижасида пайдо бўлади. А. дан хўжаликда пичанзор ва яйлов сифатида фойдаланилади.

Аллохтон (юнонча *аллос* — бошқа, *хтон* — ер, тупроқ) — тоғ жинслари, фойдали қазилмалар ва моддаларнинг пайдо бўлган ўринларидан маълум геологик жараёнлар сабабли янги ўринга силжиш (кўчрилиши) ва улар ётқизиқларнинг қайтадан пайдо бўлиши.

Аллювиал текислик — оқар сувлар оқизиқларининг чуқурроқ жойларда қўкиб қолишидан вужудга келган текислик.

Аллювиал тупроқлар — дарё водийларидаги аллювиал ётқизиқлардан (қ. *Аллювий*) вужудга келган тупроқлар. А. т. қатламларининг қалинлиги 1—2 см дан бир неча ўн см гача бўлади. А. т. генетик (келиб чиқиш) белгиларига қараб, ўтлоқи қайир-аллювиал тупроқлар ва ўтлоқи-аллювиал тупроқларга ажралади, ўтлоқи қайир-аллювиал тупроқлар дарё водийларининг қайирларида пайдо бўлади. Ўтлоқи-аллювиал тупроқлар дарёларнинг қайир усти террасаларида бўлиб, уларнинг намлиги дарё режимига боғлиқ эмас. Бу тупроқлар органик моддаларга жуда бой, унумдор бўлади.

Аллювий (латинча *аллювио* — ётқизиқ) — доимий ёки вақтли оқар сувлар келтириб ётқизган жинслар. Кўпроқ майда тош, шағал, кум ва гиллардан иборат бўлади. Баъзи текисликлар, дарёларнинг қайирлари ва террасалари шундай жинслардан ташкил топган. Аллю-

виял жинслар кўпинча саралаб ёт-қизилади: сувнинг юқори оқимида йирик жинслар — тош, шағал, сўнгра қум ва ниҳоят гил ётқи-зилади.

Алмашлаб экиш — иқлими ва тупроқ шароитига қараб қишлоқ хўжалик экинларини навбат билан экиш. Бунда экин майдони бир хил катталиктидаги бир неча далага бўлинадиган ва ҳар бирга белгиланган экин навбат билан экилади. Ўзбекистонда кўпроқ пахта билан беда алмашлаб экилади.

Алюнит (французча *алун* — ачиқтош) — алюминий, калий ва б. дан иборат минерал. А. дан ачиқтош, калий тузлари, олтингу-гурт, сульфат кислота ва алюми-ний олинади. А. нинг Озарбайжон-да, Ўзбекистонда эса Гүшсой, Оқтош, Оқсоқота ва б. жойларда конлари топилган.

Альп бурмаланиши — Ер та-рихининг кайнозой эрасида рўй берган тоғ бурмаланиши. Шу бур-маланишда вужудга келган Альп тоғлари номи билан аталган. А. б. даврида ҳозирги мавжуд кўп тоғ тизмалари ҳосил бўлган. Булар иккита тоғ минтақасини ташкил этади: 1) Альп-Ҳимолай (Пиреней, Андалусия, Атлас, Апеннин, Альп, Болқон, Карпат, Кавказ, Кичик Осиё, Эрон, Хиндиқуш, Ҳимолай, Бирма) ва 2) Тинч океан (Коряк, Камчатка, Сахалин, Япон, Янги Гвинея, Янги Зеландия, Антаркти-да, Анд, Кордильера) тоғлари мин-тақалари.

Альп минтақаси — мўътадил ва субтропик кенгликлардаги тоғ-ларнинг анча баланд қисмида, юқорида доимий қор ва музлик-лар, пастда субальп минтақаси орасида жойлашган баландлик ландшафт минтақаси. Бу минтақа-да совуқ баланд тоғ иқлими, тоғ тошлоқ, торфли, нордон тупроқ-лар, паст бўйли сийрак ўтлоқлар ва қоялар характерлидир. Шимо-лий кенгликлардаги тоғларда А. м. ўрнида тоғ-туңдра ва яланг тоғ ландшафтлари тарқалган.

Альп ва субальп ўтлоқлари — ўрмонлар минтақасидан юқорида ва доимий қор ва музликлардан пастда бўлган баланд тоғ ўтлоқла-ри: тоғлар жойлашган географик кенглик, иқлим ва ёнбағир экспозициясига қараб А. ва с. ў. турлича баландликда: Альп тоғларида, Кавказнинг ғарбий қисмида 1700—3000 м, Ҳимолай тоғларининг жанубий ёнбағрида 3200—5000 м баландликда бўлади. Иқ-лимнинг ниҳоятда совуқ бўлиши, қорнинг қалин бўлиб, узоқ вақт (6—10 ой) ётиши оқибатида А. ва с. ў. ўсимликлари хилма-хил кўп йиллик ўтлар ва пакана буталар-дан (рододендрон ва б.) иборат. Кўпгина ўсимликлар ранг-баранг йирик гуллар очади.

А. ва с. ў. минтақасининг тоғ ўрмонлари яқинидаги қўйи қисми-да субальп ўтлоқлари учрайди. Намгарчилик сероб ва иқлим бир оз иллик бўлганидан бу ерларда бўйи 1,5—2,5 м хилма-хил ўтлар қалин ўсадиган, субальп ўтлоқлари-дан юқорида иқлим ўта совуқ бўлганидан ўтлар пакана бўлиб, альп ўтлоқларини ҳосил қилади. Ҳайвонлар кам. Аксари тик қоя-лардан юра оладиган ҳайвонлар (тур, серна, кийик, тоғ қўйи) ски узоқ уйқуга кирадиган ҳайвонлар (юмронқозиқ, пишчуха ва бошқа кемиручилар); қушлардан — тоғ куркаси, каклик яшайди. А. ва с. ў. дан ёзги яйлов сифатида фой-даланилади.

Альп типидagi рельеф — муз-лик рельефини шакллари кенг тар-қалган баланд тоғ рельефи. А. т. р. тоғларнинг тепасидаги қор-муз-лик минтақасида — нивал минта-қада учрайди. Унинг характерли шакллари ўткир чуққилар, тик қоялар, чуқур ва тор водийлар, карлар ва цирклардир. СССР да А. т. р. Олтой, Тяньшань, Помир ва Кавказ каби баланд тоғли ўлка-ларда тарқалган.

Алюминий рудалари (латинча *алуминус* — ачиқтош) — алюми-ний метали олинмадиган тоғ жинс-

лари ва минераллар. Алюминий, асосан, бокситдан, сунгра алуниг, каолинит ва бошқа минераллар ҳамда тоғ жинсларидан олинади. Бокситдан бошқа А. р табиатда тарқалиши ва гилтупроқни осон ажратиши жиҳатидан сульфатлар ва силикатлар гуруҳига бўлинади. Сульфатлар табиада кам; уларнинг таркибида гилтупроқ кам бўлишига қарамай саноатда ундан калий тузлари, олингургурт ва сульфат кислота ҳам олинади.

А. р. конлари: СССР да — Урал, Қозоғистон, Ғарбий ва Шарқий Сибирь, Ленинград области, Қрим я. о: чет элларда — Гвiana (Жанубий Америка), Ямайка о., Бразилия, Ҳиндистон, Венгрия, Хитой, Франция ва б. Ўзбекистонда А. р. нинг деярли барча турлари учрайди; Ангрндаги Каолинит ва Гүшсойдаги алуниг конлари шулар жумласидандир.

Алюминий хомашёси — қ. *Алюминий рудалари.*

Амалий ландшафтшунослик — амалий географиянинг асосий тармақларидан бири. А. л. турли амалий мақсадлар учун табиий географик районлаштириш, ерларга хўжалик нуқтаи назаридан баҳо бериш, райони планлаштириш, медицина ландшафтшунослиги каби масалаларни ўз ичига олади.

Америка давлатлари ташкилоти (АДТ) — ғарбий ярим шардаги халқаро регионал ташкилот. 1948 йилда тузилган. Уставига мувофиқ АДТ нинг мақсади континентда тинчлик ва хавфсизлиكنи мустаҳкамлаш ташкилотига аъзо бўлган давлатлар ўртасида рўй берадиган ҳар қандай ихтилофларни бартараф этиш, четдан агрессия бўлган тақдирда унга қарши биргаликда ҳаракат қилиш. Америка мамлакатларига тааллуқли сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий проблемаларни ҳал этишга ёрдам бериш, мазкур мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий тараққиёти йўлида ҳамкорлик қилишдан иборат. Аслида эса АДТ Латин Америкаси мамлакатларида АҚШ томонидан

олиб бориладиган иқтисодий ва сиёсий экспансия қуролидир.

Амплитуда, температура амплитудаси — сутка (суткалик А.), ой (ойлик А.) ва йил давомида (йиллик А.) энг баланд температура билан энг паст температура орасидаги фарқ.

Ангкиз кун — жанубдан иссиқ шамол эсган, гармсел келган вақтдаги жазирама кун, иссиқ об-ҳаво.

Ангкизоқ — иссиқ, қуруқ шамол. Ҳаво ва тупроқни қуритиб, ўсимликларга зарар келтиради.

Ангор — 1) ҳосили йиғиб-териб олинган экинзор, мас., буғдойпоя, арпапоя (қ. *ангиз*); 2) қадимий майдон ўлчови; турли жойларда турли сатҳни билдирган. Одатда атрофи уват билан ўралган яхлит экин майдони бир А. дейилган.

Анемометр (испннча *анемос* — шамол, *метрео* — ўлчов) — шамол тезлигини (баъзан йўналишини ҳам) ўлчовчи асбоб. Шамол тезлигини шамол таъсирида айланувчи косачаларнинг айланиш сонларига қараб монометрик усулда ёки электр усулида ҳам аниқлаш мумкин.

Анеронд, металл барометр — атмосфера босимини ўлчаш учун ишлатилэдиган асбоб. А. нинг асосий иш қисми — нчидан ҳавоси сўриб олинган эластик хусусияти яси тўғарак қутича. Ҳаво босими ўзгарганда қутича ўз шаклини ўзгартади (босим ошганда қутича сиқилади, камайганда кенгайди) ва бу ўзгариш ричақлар системаси ёрдамида шкала бўйлаб ҳаракатланувчи стрелкага узатилади.

Антарктика (юнонча *анти* — қарши, *арктикос* — шимолӣ) — жанубий қутб атрофидаги совуқ ўлка. А. га Антарктида материги, Атлантика, Ҳинд ва Тинч океанларининг шу материкка туташ қисмлари, чунончи, Уэдделл, Росс, Амундсен ва Беллинсгаузен денгизлари, шунингдек, Антарктида яқинидаги ороллар киради.

Антарктика минтақаси — жанубий қутб ва унинг атрофидаги географик минтақа. Антарктида материги ва унинг атрофидаги ороллар ҳамда денгизларини ўз ичига олади. А. м. иқлимнинг Ер шарнида энг совуқ эканлиги, биологик ҳамда геохимиявий жараёнларнинг жуда сустлиги ҳамда муз ландшафтларининг устун туриши (85,5%) билан характерланади.

Антеклиза (юнонча *анти* — қарши ва *клизис* — оғиш) — платформаларда ер пўстининг салгини кўтарилган гумбазсимон шакллари, гумбазсимон қирлар. Кенглиги бир неча юз км га етиши мумкин. А. лар ер пўстининг узоқ вақт давомида аста-секин кўтарилиши натижасида ҳосил бўлади.

Антиклиналь (юнонча *анти* — қарши ва *клин* — оғдираман) — қавариқ томони юқорига қараган бурма. А. нинг қайрилган қавариқ ери А. маркази, ён томонлари — қанотлари деб аталади. Марказида қадимий жинслар, қанотларида эса ёшроқ жинслар бўлади.

Антициклон (юнонча *анти* — қарши, *циклон* — айланадиган) — атмосферада бўлиб турадиган катта гирдоб. Босим градиенти ва Ернинг айланишидан юзага келадиган ҳаво оқимлари Шимолий ярим шарда соат стрелкаси йўналишида, Жанубий ярим шарда эса унга қарама-қарши ҳаракатланишидан пайдо бўлади. Ҳаво босими А. марказида энг юқори бўлиб, четларига томон пасайиб боради. А. соатига ўртача 30 км гача тезлик билан силжийди. Урта Осиёдаги А. лар Ер юзининг бошқа районларидагига қараганда тезроқ; ёзда соатига 49 км, қишда эса 60—65 км силжийди. А.нинг пайдо бўлиши ва ҳаракатланишини ўрганиш об-ҳавони олдиндан айтиб беришда муҳим роль ўйнайди.

Антрацит (юнонча — *антракс* — кўмир) — тошкўмирлар қаторига кирадиган ва жуда ҳам кучли метаморфлашган қазилма кўмир. Ранги қора, ялтироқ, баъ-

зан кул ранг ва сарғиш тусда товланади. 7800—8350 калория иссиқлик беради. А. ўздан электр токини яхши ўтказади, шунинг учун ундан электродлар тайёрланади. А. асосан юқори даражали ёқилги сифатида металлургияда ишлатилади.

Антропоген босқич — географик қобикнинг инсон пайдо бўлгандан кейинги тараққиёт босқичи. Инсон географик қобик ва ландшафтларни онгли равишда ўзгартирувчи муҳим омил эканлигидан А. б. ўздан олдинги биоген босқичдан тубдан фарқ қилади. А. б. нинг энг муҳим хусусияти — табиат билан жамият ўртасидаги алоқанинг вужудга келганлиги ҳамда антропоген ландшафтларнинг пайдо бўлганлигидир.

Антропоген давр (система), тўртламчи давр, антропоген — Ер геологик тарихининг энг ёш, охириги даври; ҳозирги замонни ҳам ўз ичига олади. 1,5—2 млн. йил давом этган. А. д. да ер юзасининг катта қисмини тўрт марта материк музликлари босган. Бу даврда ҳозирги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ландшафтлар, географик қобик шаклланган, инсон пайдо бўлган.

Антропоген ландшафт — инсон фаолияти таъсирида вужудга келган ландшафт. А. л. ларга қишлоқ хўжалик ландшафтлари (экин далалари, ўтлоқ-яйлов, боғ ва токзорлар), сунъий ўрмонлар ва сув ҳавзалари, каналлар, сув омборлари), техноген ландшафтлар (тоғкон саноати ерлари), шаҳар ҳамда қишлоқлар киреди. А. л. ларини ландшафтшуносликнинг муҳим амалий аҳамиятга эга тармоқларидан бири — антропоген ландшафтшунослик ўрганади.

Антропоген ландшафтшунослик — ландшафтшуносликнинг антропоген ландшафтларнинг вужудга келиши, структураси, ривожланиши, тарқалиши ва улардан оқилна фойдаланиш йўллариини ўрганивчи тармоғи. А. л. нинг асосий

вазифалардан бири яқин келажакда (10—20 йилдан кейин) инсон фаолияти таъсирида географик муҳитда рўй берадиган ўзгаришларни тадқиқ қилишдир. А. л. ландшафтларнинг вужудга келиши ва ривожланишида антропоген омилнинг ижобий ҳамда салбий ролини ҳам тарихий жиҳатдан, ҳам келажак нуқтани назаридан ўрганади. Бу терминни 1971 й. Ф. Н. Мильков тавсия этган. Бироқ А. л. термини ва унинг талқини фанда хали узил-кесил қарор топгани йўқ.

Ангиз — ғалласи ўриб олинган дала. А. да органик қолдиқлар бўлади.

Анҳор (арабча *анҳор* — наҳр сўзининг кўплиги) — катта канал, ариқ. Хоразм шевасидаги арна сўзига тўғри келади. А. термини баъзан мустақил атоқли от ўрнида ишлатилади. Мас., Тошкентдаги Анҳор ариғи.

Апартейд (буртлар тилида *апартхейд* — айрим-айрим яшаш) — Жанубий Африка республикаси ҳукумати томонидан африкалик туб аҳолининг ва Ҳиндистондан кўчиб келган кишиларнинг қаттиқ таъқиб қилиниши. Африкаликлар қишлоқ жойларда резервацияларда, шаҳарларда эса махсус кварталларда яшашади; улар граждандлик ҳуқуқларидан маҳрум этилган, оқ танлиларга нисбатан кам маош оладилар. А. сиёсатини БМТ қоралаган ва унга қарши бутун прогрессив инсоният курашмоқда.

Апатит (يونونча *апатао* — алдайман) — минерал. Ранги — яшил, кўкиш-яшил, кул ранг. А. асосан фосфат ўғитлар тайёрлаш, фосфор ва унинг бирикмаларини олиш учун, қора ва рангли металлургияда ҳамда хира ойна ишлаб чиқариш учун қўлланилади. Ўзбекистондаги фосфоритларнинг асосий қисми А. дир.

Апогей (يونонча *апо* — дан узоқда, *ге* — ер) — Ой ёки Ер

сунъий йўлдоши орбитасининг Ер марказидан энг узоқ нуқтаси.

Апоселений (يونонча *селене* — ой) — Ой йўлдоши орбитасининг Ойдан энг узоқ нуқтаси.

Араб Шарқи — асосан араблар яшайдиган бир гуруҳ мамлакатлар, Миср, Судан, Ливия, Тунис, Жазоир, Марокко, Арабистон ярим оролидаги мамлакатлар, Сурия, Ливан, Иордания ва Ироқ киради.

Арашон (санскритча *арашан* — обн ҳаёт) — иссиқ сувли минерал булоқ. Ҳозирги вақтда, асосан, географик номлар таркибида қолган А. арасан, аршан шаклларида Сибирда ва Ўрта Осиёда жуда кўп жой номлари таркибида учрайди: Арашон, Арашонбулоқ, Арашонсой, Олмаарасан, Оқарсан ва бошқалар.

Ареал — 1) биогеографиядаги асосий тушунчалардан бўлиб, бирор хил ҳодиса, кўпроқ ўсимлик ва ҳайвон турлари тарқатган майдон, территория, 2) картада воқеа ва ҳодисаларни тасвирлаш усули. Уларнинг чегараси узлуксиз чизиқ, ранг ёки штрих билан кўрсатилади, баъзан А. ичига белгилар қўйилиши ёки изоҳ ёзилиши мумкин. Бу усулдан геоботаник, географик ҳамда иқтисодий карталар ва аҳоли карталари тузишда фойдаланилади.

Арид иқлим (латинча *аридус* — қурғоқчил) — намланиш миқдори ўсимликлар вегетацияси учун етарли бўлмаган қуруқ, иссиқ континентал иқлим. А. и. да мумкин бўлган (потенциал) буғланиш йиллик ёғин миқдоридан анча ортиқ (10 баравар ва ундан ҳам ортиқ, ёз жазирама иссиқ бўлади. А. и. шароитида сўғориладиган ерлардагина деҳқончилик қилинади. Чўл, чала чўл ва қуруқ даштлар иқлими А. и. дир.

Арид морфоскультура — чўл, чала чўл ва қуруқ даштларда рельеф ҳосил қилувчи ташқи омиллар: шамолнинг иши, нурани, вақтинчалик оқар сувларнинг иши ва бош-

қалар таъсиринда вужудга келган рельеф типн. Мисол: барханлар, дюналар, гряда қумлари, дўнг қумлар, тақирлар, қуруқ ўзанлар, бедлендлар ва ҳ. к.

Арид ўлкалар — ҳавонинг суткалик ва фаслий т-ралари катта тафовут қиладиган, нисбий ҳамда абсолют намлиги кам, ёғин-сочин жуда оз (150—200 мм), қуруқ (чўл ва чала чўл) иқлимли ўлкалар.

Ариқ (айриқ сўзидан) — катта сувлар, дарё ва сойлардан айрилган шохобча. Катта А. *анҳор* дейлади. Эски каналларнинг баъзилари ҳозир ҳам А. дейлади. Мас., Тошкентда Захариқ, Кайковус ариғи, Хоразмда Янгиариқ, Самарқанд атрофида Полвонариқ. Далаларда экинларга сув бериш учун тортилган жўяклар ҳам А. деб аталади.

Арктика (юнонча *арктикос* — шимолий) — Шимолий кутбий ўлка Арктиканинг чегарасини 10° ли июль изотермаси бўйлаб ўтказилади. Арктикада муз саҳролари ва тундра зоналари бор.

Арктик тундра — тундра зонасининг энг шимолий зоначаси. Тундра тупроқларида сийрак ҳолда дриадалар, қиёқ, момиқбош, қутб долакнзгалдоғи, йўсин ва лишайниклар ҳамда буталар ўсади.

Арктика минтақаси — Шимолий кутб ва унинг атрофларини ўз ичига олган энг шимолий географик минтақа. Жанубий чегараси энг илқ ойнинг 5° ли изотермасига тўғри келади. Минтақада Арктика совуқ саҳролари ландшафтлари тарқалган: улар совуқ иқлим, доимий музлоқлар ёппасига тарқалганлиги, тупроқларининг яхши ривожланмаганлиги, биологик ва геохимиявий жараёнлар жуда суст эканлиги билан характерланади.

Арна — сув, сув оқими, сув оқувчи жой. А. — Хоразмда бош канал. Мас., Ленинарна, Октябрарна, Пахтаарна ва ҳ. к. Нурута тоғлари этагида қуруқ ўзан, Қирғизистонда сой, Қозоғистонда дарё

ўзани А. деб аталган. Жой номлари таркибида кўп учрайди.

Арт, орт — қадимий географик термин, довод демакдир. А. термини М. Қошғарийнинг «Девону лугат ит-турк» асарида, туркий руник ёзувлардаёқ учрайди. Ҳозирги вақтда асосан географик номлар таркибида қолган. А. сўзидан тузилган жой номлари Қирғизистонда айниқса кўп: Айқарт, Оғачарт, Қайнаррт, Қизарт, Қизиларт ва б.

Артезиан сувлари — ҳар хил чуқурликда сув ўтказмайдиган қатламлар ораллиғида ҳосил бўлган ер ости сувлари. А. с. босим остида бўлади, шунинг учун бурғ қудуғи қазилганда сувли қатламнинг шипидан юқори кўтарилади, босим етарли даражада кучли бўлганда эса ер юзасига кўтарилади ёки фонтан бўлиб чиқади. Артезиан сўзи Франциядаги Артуа вилояти номидан олинган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг Жнззах, Бухоро областларида, ҚҚАССР ва Марказий Фарғонада А. с. дан чорва молларини, айрим ҳолларда кичикроқ экин майдонларини суғоришда ҳамда баъзи корхоналарда технологик мақсадлар учун фойдаланилмоқда.

Архей (юнонча *арханос* — қадимий) — ернинг геологик тарихидаги энг қадимий эра, тахминан 1 млрд. йилча давом этган. Бу эрдан қолган энг қадимий тоғ жинсларининг ёши 3 млрд. йил деб ҳисобланади.

Архипелаг (юнонча *архи* — дастлабки, *пелагос* — денгиз) — бир-бирларидан унчалик узоқ бўлмаган ва одатда бир бутун деб ҳисобланадиган ороллар тўдаси. Бир А. га кирадиган ороллар пайдо бўлиши, геологик тузилиши, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси жиҳатидан ўхшаш бўлади. А. пайдо бўлишига кўра материк, маржон, вулкан оролларига бўлинади.

Арча — сарвдошларга мансуб доимий яшил дарахт ва буталар туркуми. 70 га яқин тури бор.

А. нинг кўпчилиги ўрта минтақаларда ўсади. Баъзи турлари тропик р-нлардаги тоғларда ҳам учрайди. СССРда 20 га яқин ёввойи тури бор. Шулардан совур А., ўрик А., қизил А., қора А. ва Зарафшон А. си каби турлари ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон тоғларида арчазорлар ҳосил қилган.

Асад (арабча — арслон)—1) 12 бурж (зодиак)нинг 5-юлдузлар туркуми; 2) Қуёш ҳисобидаги Шамсия йилнинг бешинчи ойи; июль, август ойларига—21 июлдан 21 августга тўғри келади.

Асбест (юнонча *асбестос* — сўнмайдиган), т о ш п а х т а — толали тузиллишга эга бўлган бир қанча минералларнинг умумий номи. Ўтда куймаслик (эриш т-раси 1500°), товуш ва электр энергиясини ўзидан ўтказмаслик хусусиятлари билан машҳур. А. ни жуда ҳам майда толаларга ажратиш мумкин.

Асбоцемент буюмлар,—шифер, канализация, сув, нефть, газ қувурлари, асбест картони, қоғоз, иссиқлик ва электр изоляциялари, ўтга чидамли қурилиш материаллари ва иссиққа чидамли буюмлар А. Ўзбекистонда Султон Увайс тоғларида кўпроқ учрайди. Свердловск областидаги Асбест шаҳри ёнида катта А. кони бор. А. Кавказ, Сибирда, чет элларда — Канада, ЖАР, АҚШ, Япония, Австралия иттифоқида бор.

Асл металлар — табиатда кам учрайдиган қимматли ҳоссалари (химиявий реакцияларга чидамлилиги, қийин эриши, пухталиги, чиройлилиги) билан фарқ қиладиган металлар. Бундай металлардан танга, химиявий идишлар, қимматли приборларнинг деталлари, зебузийнат буюмлари ясалади. Улар табиатда кам қолган ва шунинг учун ҳам қимматлидир.

Асл қирғоқ — қ. *Қирғоқ*.

Аср (арабча *аср* — давр, вақт)—1) юз йил; 2) геологик даврнинг бир қисmini ўз ичига олган вақт. А. нчида бир яруснинг

барча тоғ жинслари пайдо бўлади. Геохронология жадвалида А. энг кичик қисм (вақт) ҳисобланиб, бир А. тоғ жинсларининг бир ярусини ҳосил бўладиган вақтга тўғри келади.

Астрогеография — Ер типидаги планеталар географик қобигини қиёсий ўрганувчи фан. А. термини И. М. Забелин тавсия этган.

Астролябия (юнонча *астрон* — юлдуз, *лабе* — тутиб олиш) — жойнинг географик координатларини, вақтни, объектнинг азимутини, юлдузларнинг қиқини ва ботиш пайтларини, шунингдек, амалий астрономиянинг бошқа масалаларини ҳал қилишда ишлатиладиган кўчма астрономик асбоб. Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган эди. А. градусларга бўлинган доира, чизгич ва визирловчи диоптрдан иборат. Еритқич баландлигини аниқлаш пайтида А. махсус ҳалқа ёрдамида осиб қўйилар эди.

Астронавт — баъзи мамлакатларда (мас., АҚШда) космонавт термини ўрнида ишлатилувчи сўз.

Астрономия (юнонча *астрон* — юлдуз, *номос* — қонуни) — осмон жисмлари ва Коинотнинг тузилиши ҳамда тараққиёти ҳақидаги фан. А. астрофизика, радиоастрономия, юлдузлар астрономияси осмон механикаси, космогония, космология каби тармоқларга бўлинади. А. турли жойлардаги аниқ вақтни, кенглик ва узунлиқни белгилаш, осмон сферасидаги ёритқичлар ҳолатини, денгиздаги кема ва осмондаги самолётнинг ўрнини аниқлашга хизмат қилдиган махсус асбобларни тасвирлаш билан ҳам шуғулланади. А. нинг янги соҳаси — радиоастрономия катта аҳамиятга эга бўлиб, у осмон жисмларини, улардан тарқалдиган радиотўлқинларни, шунингдек, Ердан жўнатилиб, улардан акс этган радиосигналларни кузатиш йўли билан ўрганади.

Асфальт (юнонча *асфальтос* —

тоғ смоласи)—қўнғир ёки қора рангдаги смолали минерал. Яхши ёнади. А. дан асфальт мастикаси тайёрланади. У асфальт-бетон олишда боғловчи модда сифатида шилатилади.

Атлас (Ливиянинг афсомавий подшоши номидан)— географик, геологик, тарихий, астрономик, иқлимий ва б. карталарнинг системали тўплами; умумий программа асосида альбом шаклида тайёрланади. Қўл ёзма карталарнинг биринчи тўплами милоннинг иккинчи асрида қадимий юнон олими Клавдий Птолемей томонидан яратилган. Географик А. лар 16-асрдан кенг тарқала бошлаган. Семён Ремезов 1701 й. Тобольск шаҳрида тузган «Сибирь чертежи китоби» биринчи рус географик А. хисобланади. Ҳозирги географик А. ларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улардаги карталар бир-бирига мувофиқ бўлади, бир-бирини тўлдирди. Географик А. лар гоята хилма-хил. Улар дунё А. лари айрим мамлакат, область, ўлка, А. лари, умумий географик А. лар, махсус карталар А. лари, комплекс А. лар, туристик, йўл, дарслик ва бошқа А. ларга бўлинади.

Атмосфера (юнонча *атмос* — буг, *сфера* — шар)— Ер билан бир бутундек — бирга айланадиган ҳа-

во қобиғи. А. нинг Ер юзасидан 100—120 км баландликкача бўлган қатлами азот (78.08%), кислород (20.95%), аргон (0.93%) ва карбон кислота газы (0.03%) аралашмасидан иборат. А. да бу газлардан ташқари, сув буғлари, чанг ва жуда кам миқдорда сийрак газлар (неон ва б.) бор. А. да 10 км гача баландликда асосан ерда ҳосил бўлган чанг (Ерда ёндириладиган ёқилғи қуруми ва кукуни, вулкан отилганда чиқадиган маҳсулотлар, шамол билан кўтариладиган туپроқнинг майда зарралари ва б.) бўлади. Катта баландликларда эса, метеор жисмлар ёнишидан пайдо бўлган космик чанг бўлади. Айниқса А. нинг ерга яқин қатламида чанг кўп, бу ерда қуруқ ҳавода 1 см³ ҳавода 100 мингтагача чанг зарралари бор.

Баландлик ортган сари А нинг зичлиги, босими, температураси ва б. физик ва химиявий хоссалари ўзгаради. А. массасининг 50%и 5 км гача баландликда, 99% и эса 30 км гача баландликда тўйланган.

1 м³ ҳаво оғирлиги денгиз сатҳида 1290 г га тенг бўлса, 40 км баландликда —4 г. Баландлик ошган сайин температуранинг ўзгаришига қараб А. қўлидаги 5 та сферага бўлинади:

Сфералар номи	Пастки ва юқориги чегаралари баландлиги (км ҳисобида)	Баландлик ошган сайин температуранинг характерли ўзгариши
Тропосфера	Ер юзидан 8 — 17 км гача	Пасая боради
Стратосфера	8—17 дан 40 — 50 км гача	Кўтарила боради
Мезосфера	50 дан 85 — 85 км гача	Пасая боради
Термосфера ёки ионосфера	85 дан 1000 км гача	Кўтарила боради
Экзосфера	1000 км дан юқориди	

Атмосфера босими — атмосфераининг ер юзасига ва ундаги барча предметларга кўрсатадиган гидростатик босими. А. б. атмо-

сфера ҳолатини аниқловчи асосий белги бўлиб, барометрлар билан ўлчанади. А. б. дина см², мб ёки мм симоб устуви билан ифо-

даланади. Бунда 1000 мб 750,03 мм символ устунига мос келади (1 мб=1000 дина см²). А б. баландликка кўтарилган сари камаяди. 5 км баландликда А. б. ер юзигади босимнинг ярмига тенг.

Атолар (малдивча *атолу* — берк) ҳалқасимон маржон ороллари. Очiq денгизларда учрайди. А. чўккан вулкан ороллари қирғоғидаги маржон рифларидан пайдо бўлади. Кўпинча А. ҳалқаси ичидаги сув (чуқурлиги 100 м гача) денгиз билан тутшиб, қўлтиқ ҳосил қилади. Улар унча катта бўлмайди. Фақат айримлари ҳалқасининг диаметри 50 км ва ундан ошади. Баъзи А. қўлтиғи кемалар тўхташи учун қулай.

Афелий (يونеча *апо* — дан узоқда, *гелиос* — қуёш) Қуёш атрофида айланувчи космик жисм орбитасининг Қуёшдан энг узоқ нуқтаси.

Аччи — аччиқ, нордон, тахир, шўр сувлар; туркманларда ажи, қозоқларда аши, қирғизларда ачу шаклларида ишлатилади. Мас., Лччидарё, Ажикўл, Аччисай, Ашибулоқ ва ҳ. к.

Аэрометодлар — территорияларни авиация ва Ернинг сунъий йўлдошлари ёрдамида ўрганиш методлари. Бунда ер юзасидаги ландшафтлар, айрим предмет, жараён ва ҳодисалар самолётдан олинган ёки космосдан олинган суратлар асосида таҳлил қилинади. А. атмосфера ва гидросферадаги жараёнларни (жумладан, атмосфера циркуляцияси, океан сувлари циркуляцияси, музликлар ҳаракати ва бошқаларни) кузатиб боришда, табиий шароит ҳамда ресурсларни ўрганишда тобора катта аҳамият касб этади.

Аэросъёмка, аэрофото — самолётда жойнинг юқоридан фотосуратини олиш ва шу фотосуратлар воситасида жойнинг плани ва топографик картасини тузиш. А. жойнинг баъзи тафсилотларини ёки иншоотлар

нинг фотосуратларини олиб, сўнг-ра тайёр картага тушириш учун ҳам қўлланилади (аэрофоторекогносцировка). Баъзан А. нинг вазифаси фақат жойнинг тутган ўрни чегараларини аниқлаш билан чекланади (контур А); баъзан топографик ўлчашлар натижасида олинган рельеф ҳақидаги маълумотлар А. ёрдамида олинган карталарга туширилади (мураккаб — комбинацияланган А.) А. воситасида карта тузиб, фотограмметрик ўлчашлар натижасида рельефни шу карталарга тушириш ҳам мумкин (фотограмметрия). Учиш, фотосурат олиш ва тайёр фотосуратларни ўлчаш натижасида жойнинг плани — картаси тузилади. А. топографик карталар тузишда, геология, тупроқшунослик тадқиқотларида, ўрмончилик ва ер тузиш ишларида, йўл ва гидротехник иншоотлар қуриш, ҳарбий иш ва б. да қўлланилади.

Аямажиз — қишнинг охириги ҳафтаси. Аямажиз сўзи «айём ажуз» (кампир кун) сўзларининг талаффузда қисқариб кетишидан ҳосил бўлган. «Аямажиз олти кун, қаҳр айласа қаттиқ кун» деган нақл бор.

Ақба, ақаба (арабча *ақаба* — доvon, тоғ, йўли, кўплиги *ақабот*) — Урта Осиёда тарқалган географик термин. 9—10-асрлардаги арабийнавис географларнинг асарларида кўп учрайди. А. сўзи 10-асрда форс-тожик тилида ёзилган «Худуд ул — олам» ва «Тарихи Табарий» асарларида ҳам тилга олинади. Ҳозир бу термин, асосан, географик номлар таркибида қолган. Туркистон, Зарафшон тизмаларида ва Помир тоғларида А. сўзидан тузилган ўнлаб доvonни учратиш мумкин: Ақбаоши, Ақбаводимий, Ақбан Оббурдан, Ақбан Гишхун, Чоши ақба ва ҳоказо. Бу термин ақба, ағба, овга шаклларида Ўзбекистоннинг бир қанча жойларида турли хил маънода ишлатилади. Мас., Самарқанд, Жиззах областларининг баъзи районлари-

да довонга чиқиладиган тик йўлни овға дейишади ва ҳ.

Ақор (арабча *ақор* — кўчмас, мулк, ер-сув, замин) — ижтимоий термин; Ўрта Осиёда теуририйлар давлатида, шунингдек, Эронда ер-сув, боғ, тегирмон, канал, дўкон, устахона ва бозорлар каби қўзғалмас мулклар А. деб аталган. А. васият билан вақфга айлантирилиши мумкин бўлган. Зарафшон водийсидаги Ақор. Оқар, Ағар каби жой номлари А. терминидан келиб чиққан.

Ақраб (арабча *ақраб* — чаён) — 1) Зодиак зонасидаги юлдузлар туркуми; 2) Қуёш ҳисобидаги (Шамсия) йилнинг саккизинчи оғи, 22 октябрдан 22 ноябргача давом этади. Бу вақтда Қуёш осмон сферасида шу юлдузлар туркумидан ўтади.

Ағдол — тоғ этагидаги жарлик, халта дара, кириш қийин бўлган жой, чуқур ер, тоғ бели, ов ҳайвонлари ҳайдаб қамаладиган жой.

Аҳоли — маълум терр — яда, яъни Ер шари, унинг айрим қисмлари: қитъалар, мамлакатлар, шаҳарлар, р-ларда яшаётган кишилар группаси. Аҳоли табиий ўсиш ҳисобига кўнаяди. Аҳолининг табиий ўсиши деганда маълум бир муддатда (одатда бир йилда) ҳар 1000 киши ҳисобида туғилганлар сонидан ўлганлар сонини чегириб ташлаганда қолган қолдиқ тушунилади. Ҳозирги вақтда Ер шари аҳолисига ҳар йили 80—85 млн. киши қўшилмоқда ёки аҳоли йилига 2% ўсмоқда. Ҳозирги вақтда Ер шари аҳолиси 4 млрд. кишидан ошиб кетди: СССР аҳолиси 263 млн. дан ошди; Ўзбекистонда 15 млн. киши яшамоқда.

Ер шарида аҳоли жуда нотекис жойлашган. Аҳолининг 70% қисми қуруқликнинг 7% ини ташкил этган обод р-лардадир; $\frac{1}{3}$ қисмидан кўпроғи шаҳарларда яшайди. Қуйидаги жадал дунё аҳолисининг ўсиши ва территориял тақсимланиши (млн. киши ҳисобида) ҳақида тасаввур беради.

Йиллар	Бутун дунё	СССР	Хорижий Европа	Хорижий Осиё	Африка	Америка	Австралия ва Океания
1000	280	12	40	170	50	15	1
1500	436	16	64	250	85	20	1
1650	545	20	83	327	100	13	2
1750	728	30	114	475	95	12	2
1800	911	45	152	579	90	25	2
1900	1617	132	300	915	120	144	6
1940	2252	195	381	1212	176	277	11
1950	2508	180	395	1384	207	329	13
1960	3010	214	426	1684	257	412	17
1965	3248	229	446	1837	276	442	19
1970	3632	241	468	2036	356	512	19
1974	3940	253	475	2250	384	557	21
1976	4045	256	477	2306	412	572	22

Аҳолининг зичлиги — территорияда аҳолининг жойлашув даражаси. Мамлакат ёки район аҳолиси сонини майдон кўламига тақсимлаш йўли билан ҳисоблаб чи-

қарилади. Аҳолининг ўртача зичлигини топиш учун барча аҳоли сонини майдонга тақсимланади. Қишлоқ аҳолисининг зичлигини топиш учун барча қишлоқ аҳолиси мам-

лакатнинг (районнинг) шаҳарлар территориясидан бошқа майдонига тақсимланади. Қ. х. аҳолиси zichлигини топиш учун қ. х. аҳолиси сони фойдаланилаётган ерлар майдонига тақсимланади.

Аҳолининг табиий ўсиши — бир йилда ҳар 1000 киши ҳисобида ўлганлар сонидан туғилганлар со-

нининг ортиқ бўлиши. Бу кўрсаткич айрим мамлакатларни табиий ўсиш миқдорига қараб таққослашга имкон беради. А. т. ў. бутун аҳолига nisбатан процент ҳисобида ҳам кўрсатилиши мумкин. Бу йўл билан мамлакат аҳолисининг ўсиш суръати аниқланади.

Б

Бадок — канал тармоғи, ариқ. Одатда далаларга бош каналдан бадоклар — тармоқлар орқали сув чиқарилади.

Базальт — вулкан тоғ жинси. Ранги бўз ва қорамтир. Базальт лавалари ер юзига оқиб чиқиб юзларча ва ҳатто мингларча кв. км майдонни эгаллайди (мас., Ўрта Сибирь ясси тоғлиги, Закавказье). Б. кислотага чидамли химиявий асбоблар, трубалар, электронизоляторлар ясашда ҳамда қурилиш материаллари сифатида ишлатилади. Яхши силликланиши туфайли ҳайкалтарошликда ҳам кенг ишлатилади. СССРда Камчатка, Забайкалье, Арманистон, Украинада ва Ўзбекистоннинг Курама, Туркистон, Томди тоғлари (палеозой қатламлари)да бор.

Байир — қум, қумоқ жинслар кенг тарқалган чўллarda шамолнинг ўйиши натижасида пайдо бўлган ботиқ ерлар. Булар одатда ер ости суви сатҳигача чуқурлашади, сунгра тўхтайдн. Тагида кичик-кичик чуқурлар, майда қум дўнглари, шўрхоқлар бўлиши мумкин. Қримда, Туркменистонда тоғ олди баландликлари ҳам Б. деб юритилади. Устюрт ва Манғишлоқда усти ясси талақирлар шу термин билан ифодаланadi.

Байкал бурмаланиши — протерозой эрасининг охири ва кембрий даврининг бошида рўй берган тоғ бурмаланиши. Унда ҳозирги энг кўҳна тоғлар, жумладан СССРдаги Байкалбўйи тоғ тизмалари ва Шарқий Саян тизмаси

бурмаланган. Б. б. Жанубий Америка, Африка ва Австралияда ҳам рўй берган.

Баланд тоғ совуқ саҳролари — Марказий ва Ўрта Осиё тоғларининг баланд (4000—4500 м) қисмидаги ўзига хос ландшафтлар. Табиий шароити ва ландшафтларига кўра арктика совуқ саҳролари ландшафтларига ўхшайди. СССР да Б. т. с. с. Марказий ва Ички Тяншанда ҳамда Шарқий Помирда яхши ривожланган. Иқлими совуқ, ёзн жуда қисқа ва салқин ёки деярли бўлмайдн, тошлоқ тупроқларида жуда сийрак ўт ва буда ўсимликлар ўсади. Б. т. с. с. жуда кам ҳосил яйловдир.

Баландлик — қир, тоғнинг баланд қисми, текисликдан кўтарилиб турувчи ясси кўтарилмалар.

Баландлик минтақалари — тоғқа кўтарилган сари табиатнинг ўзгариб бориши, Б. м. қуёш радиациясининг кучайиши, ҳаво ҳарорати ва босимнинг камайиши, сув буғлари конденсацияси шароитининг ўзгаришидан пайдо бўлади. Ёгин маълум баландликкача қўпайиб, сунг камаяди. Юқорига кўтарилган сари, тупроқ типлари, ўсимлик турлари, ҳайвонот дунёси ўзгаради. Тоғлардаги энг қуйи минтақа ландшафт — шу тоғ жойлашган зона ландшафтига ўхшайди. Мас., чўлдаги тоғларнинг қуйи минтақаси чўлга ўхшайди. Б. м. юқорига кўтарилган сари текислик зоналари табиати алмашинган тартибда ўзгара боради, бироқ

улар айнан такрорланмайди. Урта Осиё тоғларининг тагида чул м. н. тақаси, сунгра тоғ даштлари, ундан кейин тоғ ўрмонлари, ундан тепада тоғ ўтлоқлари, яна ҳам юқориди баланд тоғ чуллари ва, ниҳоят, қор-муз минтақалари жойлашган.

Баланд методлари — географик илмий тадқиқот методларидан бири. Табиий географияда айрим ландшафтлардаги модда ва энергия алмашинуви баланси ёки айрим географик объект (кўл, дарё ва х. к.) ҳамда компонентлардаги моддалар балансини ўрганишда кенг қўлланилади. Б. м. иқлим-шунослик ва гидрологияда айниқса кўп фойдаланилади.

Иқтисодий географияда иқтисодий районлар ва маъмурий birlikлардаги меҳнат ресурслари запаси билан уларнинг тақсимланиши ўртасидаги муносабатни аниқлашга имкон беради. Б. м. да математика усуллари ва электрон-ҳисоблаш машиналаридан кенг фойдаланилади.

Балиқ (балиғ) — қадимий туркий тилда «шаҳар» деган сўз. Туркий руник ёзувларда, «Девону луғотит — турк»да қайд қилинган; эски жой номлари таркибида кўп учрайди: Бешбалиқ (Шарқий Туркистон), Хонбалиқ (Пекин шаҳрининг қадимий туркий номи) ва ҳ. к.

Балчиқ — зах ер, ботқоқ, суёқ лой; қ. *Ботқоқ*.

Балчиқли вулканлар — вақт-вақти билан балчиқ, қайноқ сув, газ ва кам миқдорда нефть маҳсулотларининг аралашмаси чиқиб турадиган вулканлар. Бу суёқликлар вулкан конусларининг ёнбағрида аста-секин қолади; узунлиги 10—20 км, қалинлиги 5—30 м, кенглиги бир неча юз м гача бўлади. Б. в. дан метан, ис газли, карбонат ангидрид, азот ва б. газлар чиқиб туради. СССРда Озарбайжон, Туркманистонда, Кубань, Тамань, Керчь, Камчатка ярим оролларида Б. з. бор. Нефть ва газ конларининг

топишда, медицинада турли касалликларни даволашда Б. в. нинг аҳамияти катта.

Банд — тўғон, суз омбори, сой ва дарёларга қурилган тўғон. Жой номлари таркибида ҳам учрайди: Бандихон дараси, қум бошини тўхтатиш учун қурилган тўсиқ, тоғ оралиғидаги жуда тор йўлак ҳам Б. дейилади. Б. термини бент шаклида ҳам учрайди; мас., мурғоб водийсида Султонбент деган жой бор.

Бандар — 1) савдогарлар ва карвонлар келиб-кетиладиган жой, карвонсарой, бандаргоҳ; 2) дарё ва денгизда кема тўхтайдиган жой, порт.

Банка — денгиз тубининг кўтарилган қисми, денгизнинг саёз жойи. Айрим саёз Б. лар кемачилик учун хавфлидир. Б. да одатда, балиқ кўп бўлади. Шимолий денгиздаги Догтер Б. си. Б. лар қуруқликнинг асрий тебраниши, вулканлар отилиши, маржон ҳосилалар денгиз тўлкинларининг қирғоққа урилиши натижасида ҳосил бўлади.

Бар (инглизча *бар* — тўсиқ) — 1) денгизнинг қирғоққа яқин қисмида унга параллел чўзилган, қум ёки чўғаноқлар тўпламидан ҳосил бўлган камбар тўсиқ, қуруқлик. Тўлқин келтирмаларидан ҳосил бўлади. Баъзан юзлаб км га чўзилади. Денгизнинг чекка қисмининг ажратиб қўйиб, қўлтиқлар, лагуналар, лагуна кўллار ҳосил қилади. Дарёлар қуйиладиган жойдаги сув ости қум тўсини ҳам Б. дейилади; 2) босим бирлиги: 1 бар 1 см^2 майдонга 1 млн. дина куч билан бўлган босимга тенг. Б. нинг миндан бир бўлаги миллибар дейилади.

Бараз сўғдча *барз* — баландлик) — Урта Осиёда, хусусан қадимги Сўғд (Сўғдиёна) террасида тепаси ясси баланд қирлар. Тожикистон билан Ўзбекистоннинг тоғли р-ларида, қадимги, Усрушона террасида, жумладан Яғнобда Б. терминдан таркиб топган жой

номлари кўп учрайди: Катта Бараз, Кичик Бараз, Себаросо ва ҳ. к.

Барик босқич — юқорига кўтарилганда ҳаво босими 1 мм симоб устунига ёки 1 мб га камайдиган ёки пастга тушганда шунча миқдорга ортадиган вертикал масофа. М/мб ёки м/мм ҳисобида ифодаланади.

Денгиз сатҳида бир барик босқич 8 м/мб ёки 10,5 м/мм га, 5 км баландликда 15 м/мб га, 18 км баландликда қарийб 70 м/мб га тенг. Бир хил баландликларда Б. б. температурага боғлиқ. Иссиқ ҳавода Б. б. катта, совуқ ҳавода кичик бўлади.

Барисфера (юнонча *барис* — оғир, *сфера* — шар) — ернинг ички қисми. Марказий оғир ўзак (ядро) ва мантияни ўз ичига олади (қ. *Ер*).

Барограф (юнонча *барос* — оғирлик, *граф* — ёзма) — атмосфера босими ўзгаришини узлуксиз қайд қилиш учун ўзин ёзгич асбоб. Анероид Б. кенг тарқалган; қ. *Анероид*.

Барометр (*барос* — оғирлик, *метрео* — ўлчаيمان) — атмосфера босимини ўлчайдиган асбоб. Метеорологик станцияларда кенг тарқалган симобли Б. узунлиги 1 м га яқин келадиган бир учи берк шиша найдан иборат. Найга симоб тўлдириб, симобли металл косага тўнтарилса, шиша найдаги симоб устунининг босими ташқи атмосфера босими билан мувозанатлашгунча найдаги симобнинг маълум қисми металл косага тўкилади. Шиша найдаги симоб устида бўшлиқ (Торичелли бўшлиғи) ҳосил бўлади.

Барометрик босқич — босим 1 мм кўтарилиши ёки тушиши учун зарур бўлган баландлик. Б. б. баландлик ортиши билан қуйидагича ўзгаради:

пасттекисликда (0°да) Б. б. — 11 м га яқин;

1000 м баландликда — 12 м;

2000 м баландликда — 13,5 м.

Шундай қилиб, барометрдан

фойдаланиб, жойнинг денгиз сатҳидан қандай баландликда эканлигини аниқлаш мумкин; қ. *Барик босқич*.

Барранкослар — қ. *Вулкан жўяклари*.

Бархан — чўллардаги кўчма қум тепалари. Шамол зўри билан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юради. Б. йилига ўрта ҳисобда бир неча см дан юзлаб м гача кўчади. Қизилқум ва Қорақум чўлларининг баъзи жойларида қаттиқ шамол вақтида бир кеча-кундузда янги Б. лар пайдо бўлади ёки кўчиб кетади. Б. лар тепадан қараганда кўпинча ёй, ярим ой шаклида бўлади. Шамолга рўпара ён бағирлари қия, шамолга тескари ён бағирлари тик бўлади. Б. баландлиги 0,7 м дан 20 м гача бўлади.

Батиаль, **батиаль зона** (юнонча *батис* — чуқур) — Дунё океанининг чуқурлиги 200 м дан 2000 м гача бўлган қисми. Геоморфологик жиҳатдан материк ёнбағри зонасига тўғри келади. Океан майдонининг 1/6 қисмини Б. эгаллайди.

Батиаль ётқизиклар — денгиз тубида 200—2000 м чуқурликда учрайдиган чўкиндилар. Асосан ҳар хил лойқалардан иборат. Базан қум, шағаллар ҳам учрайди.

Батискаф (юнонча *батос* — чуқурлик ва *скафос* — кема) — чуқур сув остида юрадиган аппарат. Океанографик ва б. тадқиқотлар учун ишлатилади. Сувдан энгил суюқлик (бензин) тўлдирилган корпус ва пўлат шар (гондола)дан иборат. Гондоласида Б. экипажи, бошқариш аппаратлари, ҳаво регенерация системаси, радиостанция, ультратовуш телефони, телевизион камера ва илмий тадқиқот асбоблари бўлади. 1960 йил январида Ж. Пикар модернизация қилган Б. да Тинч океандаги Мариана ботиғи тубига (10919 м) тушилди.

Батисфера (юнонча *батис* — чуқурлик ва *сфера* — шар) — денгизнинг чуқур ерларида тадқиқот

ишлари олиб боришда ишлатиладиган цилиндр ёки шарсимон пўлат камера. Сув тубига кемадан сым арқон билан туширилади. Кузатувчилар кема билан телефон орқали алоқа қилиб туради. Ҳозирги замон Б. ларини сув остига 1500 метрғача тушириш мумкин.

Батолит (юнонча *батос* — чуқурлик, *литос* — тош) — Ер пўстининг чуқур қисмига кириб қолган гранит таркибли магматик тоғ жинслари. Нураш натижасида Б. нинг айрим қисми ер юзида очилиб қолиши мумкин. Б. нинг майдони бир неча юз минг км² га етиши мумкин.

Батометр (юнонча *батос* — чуқурлик, *метрео* — ўлчайман) — сувнинг химиявий таркибини ва ҳароратини аниқлаш мақсадида денгиз, қўл ва дарёларнинг турли чуқурлигидан намуна оладиган асбоб.

Баҳорикор деҳқончилик, лалмикор деҳқончилик — суғорилмайдиган деҳқончилик. Адирлар, текислик ва тоғ этаклари ҳамда тоғли зонада ривожланган (қ. Баҳорикор ерлар).

Баҳорикор ерлар — суғорилмайдиган (обякор) деҳқончилик зонасидаги (Урта Осиё, Закавказье) суғорилмай деҳқончилик қилинадиган ерлар. Б. е. асосан тоғ олдидарида ҳамда воҳалар атрофида жойлашган бўлиб, бу ерларда кўпроқ қургоқчиликка чидамли экинлар (буғдой, арпа, тарих) экилади. Баъзан полиз экинлари ҳам етиштирилади.

Бедленд (инглизча *бэдленд* — бузук, ер, яроқсиз ер) — эрозия натижасида тик ён бағирдў жар ва даралар билан жуда ўйилиб кетганлиги сабабли хўжаликда (айниқса, қишлоқ хўжалигида) фойдаланиш ноқулай бўлган ерлар. Б. йўллар ўтказиш ва техникадан фойдаланишда ҳам ноқулай. Бундай ерлар Шимолий Американинг ғарбий қисмидаги тоғ этакларида, СССР да эса — Урта Осиё ва Қозоғистон ҳамда Кавказда тарқалган (яна қ. *Бузуқ ер*).

Бел — тоғлардаги унча баланд бўлмаган кенг доvon; узун чузилган қирралари сезилмайдиган дўнглик. Тоғлар номи таркибида ишлатилади: Музбел, Олабел тизмалари.

Беллик — экинларни жўяксиз суғорганда полларни бир-бирдан ажратиш учун қилинган кўтарма, марза. Рош, чел деб ҳам аталади.

Белтоғ — якка-якка ёки қатор қум барханлари. Баландлиги 5—8 м. Такламакон чўлида тарқалган. Географик ном сифатида ҳам учрайди.

Бенилюкс — Бельгия, Нидерландия ва Люксембург иттифоқи. Б. сўзи шу мамлакатлар номининг дастлабки ҳарфларидан олинган. Б. 1943—44 йилларда вужудга келди. У уч мамлакатнинг иқтисодий, молиявий иттифоқигина бўлмай, ҳарбий-сиёсий иттифоқи ҳамдир.

Бент — қ. *Банд*.

Бентос — денгизлар ва қуруқликдаги сув ҳавзалари (кўллар, сув омборлари ва ҳ. к.) тагида яшовчи организмлар. Сув ҳавзаларининг чуқурлиги 200 м гача бўлган қисмида (фотосинтез зонасида) организмлар энг яхши ривожланади. Бентос ўсимликлари фитобентосни, ҳайвонлари эса зообентосни ҳосил қилади.

Бергштрихлар (немисча *берг* — тоғ, *штрих* — чизик) — топографик карталарда ён бағирнинг қайси томонга пасайиб боришини кўрсатиш учун горизонталларга тик (перпендикуляр) қўйиладиган чизиклар.

Берк ботиқ — тамқи оқим ҳавзалари билан туташмаган ботиқ. Мас., Эрон тоғлигининг ички қисми, Тарим ботиғи, Катта Ҳавза ва б.

Берк кўллар — суви оқиб чиқмайдиган кўллар. Б. к. сувлари, асосан, буғланишга сарф бўлади ва қисман ер остига сизиб кетади. СССРда Б. к. Шарқий Сибирь ва Якутияда, Урта Осиё ва Қозоғистонда кўп, Каспий ва Орол денгиз-

лари, Балхаш, Лобнор, Улнк денгиз, Иссиқ кўл ва б. кўллар Б. к. дир. Қурғоқчил иқлимли жойлардаги Б. к. нинг суви шўр бўлади.

Берк ўлка — оқар сувлари денгиз ёки океанга бориб қуйилмайдиган ўлка. Иқлим қуруқ келганидан Б. ў. да сув кам бўлади. Б. ў. ни айрим дарёларгина кесиб ўтиб, океанга қуйилади (мас., Нил дарёси). Б. ў. да бундай дарёларга бирорта ҳам irmoқ келиб қуйилмайди, аксинча, сугорнишга сарф бўлиши, ер остига сизиб кетиши ва кўплаб буғланиши натижасида дарёларнинг суви камайиб боради.

Берк ҳавза — суви океан ва денгизларга оқиб чиқмайдиган дарё ёки кўл ҳавзалари (қ. *Берк ўлка*).

Бет — адир, қир, тоғ олди тепаликларидagi текис ёки салгина қия ён бағир ва юзалар. Қашқадарё ва Сурхондарё vodiйларида кўп тарқалган термин.

Бетараф мамлакатлар, Нейтрал мамлакатлар — ташқи сиёсатида бетарафлик мавқеида турган, яъни бошқа мамлакатлар ўртасидаги курашга аралашмайдиган, империалистик давлатлар томонидан тузилган ҳарбий блокларга қўшилмайдиган мамлакатлар. Қўпчилик Б. м. мустамлакачилик зулмидан озод бўлган ва ўзининг сиёсий ҳам иқтисодий мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган мамлакатлардир (Ҳиндистон, Бирма, Жазонр). Бу мамлакатлар социалистик мамлакатлар системасига ҳам, капиталистик мамлакатлар системасига ҳам кирмайди, лекин социалистик мамлакатлар билан биргаликда империализм, мустамлакачилик ва неокOLONIализмга қарши, тинч-тотув яшаш учун, дунёда тинчлик учун курашмоқда.

Беткай — 1) ён бағир, қиялик; 2) бет, дарё қиргоғи.

Бешкўноқ — ҳамал ойида (апрелда) бўладиган совуқ кунлар. Одатда бундай кунлар апрель бо-

шида бўлиб, 4—5 кундан ошмайди.

Билқиллама — ортиқча нам, ботқоқ, зах ер. Кўпича юзасини қалин чимли ўт қоплаб ётади. Сизот сувлар ер бетига чиққан жойларда, ўт босган кўл, ботқоқлик ўрнида ҳосил бўлади.

Биогео компонентлар, ландшафт биотаси — табиий территориял комплекс (ландшафт)нинг ўсимлик ва ҳайвонот компонентлари биргаликда шундай деб аталади.

Биогеосфера — географик қобиқнинг синоними. Бу терминни И. М. Забелин тавсия этган.

Биогеография — биогеонозлар ва уларни ташкил этувчи организмлар: ўсимликлар, ҳайвонлар ҳамда микроорганизмларнинг табиий шароитга қараб тарқалиш қонуниятларини ўрганувчи фан. Юнонча биос (ҳаёт) ва география сўзларидан олинган. Б. икки мустақил бўлишга — фитогеография ёки ўсимликлар географияси ҳамда зоогеография ёки ҳайвонлар географиясига бўлинади.

Биогеоценоз (юнонча биос — ҳаёт, ге — ер, ценоз — умумий) ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг муайян модда ҳамда энергия алмашишуви орқали бирлашган гуруҳи (биогеоценоз) ҳамда улар тарқалган табиий шароит (биотоп) комплекси. Б. — типологик тушунча бўлиб, географик фация тушунчасига жуда ухшаш.

Биогеоценология — биогеоценозлар ҳақидаги фан. Б.нинг асосчи совет олими В. Н. Сукачев. Б. кўп жиҳатдан ландшафтшуносликка яқин. Биогеоценологлар, асосан, энг кичик табиий комплексларнинг структураси ҳамда улардаги турли табиий ҳодиса ва жараёнларни (чунинчи, компонентлараро модда ва энергия алмашишунини) ўрганиш билан шуғулланадилар. Б. да биогеоценозларни миқдорий жиҳатдан тасвирлаш ҳамда экспериментал ва стационар ўрганишга асосий эътибор берилди.

Биоиклимшунослик — иқлим-шуносликнинг амалий тармоқларидан бири, иқлимнинг органик ҳаётга, чунончи, инсоннинг саломатлиги ва иш фаолиятига, ўсимлик ҳамда ҳайвонлар ҳаётини шароитига, ривожланишига бўлган таъсирини ўрганади. Б. асосан икки бўлимга — агроиклимшунослик ва медицина иқлимшунослигига бўлинади.

Биологик маҳсулдорлик биологик ҳосилдорлик — организмлар комплекс (гуруҳи, туркуми) да йил давомида тўпланадиган органик массалар миқдори. Б. м. ландшафт типларида турлича бўлади. Мас., Б. м. ўрмон ландшафтларида гектарига 2450 т дан 3250 т гача бўлса, шўрхок ерлар ландшафтларида атиги 60 т га тенг.

Биологик кичик айланма ҳаракат — ландшафт ва биогеоценозларнинг ўсимлик билан тупроқ компонентлари ўртасидаги модда ва энергия алмашинуви. Бу модда алмашинувида кислород, углевод ва азот айниқса кўп иштирок этади.

Биологик масса (биомасса) — одатда 1 м² ер юзаси ёки 1 м³ сув ҳажмига тўғри келадиган органик моддалар миқдори. Б. м. g/m² ёки g/m³ билан ифодаланади ва қуруқлик юзаси ҳамда акваториянинг биологик маҳсулдорлик даражасини ақс эттиради.

Биостром — ландшафт сферасининг тирик организмлардан иборат қоплами. Географик қобикнинг биологик негизи биосфера бўлса, ландшафт сферасининг биологик негизи биосферадир. Б. нинг ўртача қалинлиги 30—50 м. Бу терминни фанга Ф. Н. Мильков киритган.

Биосфера (юнонча *биос* — ҳаёт, *сфера* — шар) — Ернинг ҳаётга макон бўлган, тирик организмлар тарқалган жойи, қисми. Б. атмосферанинг пастки қисми (топосфера)ни, океан, денгиз, кўл ва дарё сувлари (гидросфера)ни ҳамда ер

пўстининг устки қисми (литосфера)ни ўз ичига олади.

Биота — ландшафтдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси комплекси.

Биотоп, ҳаёт ареали, — табиий муҳит шароити бир хил бўлган майдон. Мас., чўлдаги қумли майдон, тақир, шўрхок ер ва ҳ. к. Б. биоценознинг чегарасини белгилайди (қ. *Биоценоз*). Биотоп ва биоценоз биргаликда биогеоценозни ташкил этади.

Биохор — бир хил биотоплар группаси. Мас., гилли, қумли, тошлоқ, шўрхок, тақирли чўл биотоплари чўл биохорига бирлашади.

Биоценоз — табиий шароити бир хил бўлган жойда (биотопда) тарқалган ўсимлик ҳамда ҳайвонлар гуруҳи. Б. зооценоз ва фитоценоздан таркиб топади ва муайян биотопда тарқалади.

Биоцикл — Ер шарининг ҳаёт шароити хусусиятларига кўра ажратиладиган энг катта қисмлари. Жами уч биоцикл ажратилади: қуруқлик биоцикли, қуруқликдаги сув ҳавзалари биоцикли ва океан биоцикли. Биоциклар, ўз навбатида, биохорларга бўлинади.

Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) — ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида 1945 йилда тузилган халқаро ташкилот. БМТ Уставига дастлаб 51 давлат имзо чеккан бўлса, 1974 й. 1 ноябрда уларнинг сони 138 га етди. БМТнинг доимий иш ўрни Нью-Йорк. БМТ, Уставда кўрсатилганидек, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, халқларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши ва ўз тақдирини ўзи белгилаш принципига амал қилиб, миллатлар ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантиришни, иқтисодий, ижтимоий, маданий муаммоларни ҳал этишда халқлар ўртасида ҳамкорлик бўлишини таъминлашни кўзда тутди, шу умумий мақсадларга эришишда миллатлар ҳаракатини

уйғунлаштириб турадиган марказ ҳисобланади. БМТнинг асосий органлари: Беш Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, Васийлик кенгаши, БМТ қошидаги Халқаро суд ва БМТ Секретариати. БМТнинг сессияси йилда бир марта чақирилади. Хавфсизлик Кенгашининг ёки БМТ аъзолари кўпчилигининг талаби билан ҳар қандай масала юзасидан махсус сессиялар чақирилиши мумкин.

Битумлар (латинча *битумен* — смола, қатрон) — тоғ жинсларининг ковак ва ёриқларини тўлдириб турган, таркибан хилма-хил бўлган углеводородли модда бирикмаларининг умумий номи. Б. табиий (нефть, нефть гази, озокерит, асфальт) ва сунъий бўлади.

«Бичилган ер» — ёрилган ер. Турли сабабларга кўра — тупроқнинг ортиқча қуриб кетиши, сурилма бошланishi, ер пўстининг гумбазсимон кўтарилиши, қаттиқ zilzilалар натижасида ёрилиб-ёрилб кетган ер.

Бодхиз — шамол кўп эсадиган яланглик, қир ер, баландлик. Б. да доний оқар сув, дарахт, ўсимликлар бўлмайди, иқлими қуруқ.

Бойитиш, фойдали қазилмаларни бойитиш — фойдали қазилмаларни кераксиз жинслардан ва зарарли қўшимчалардан тозалан мақсадида рудаларга дастлабки ишлов бериш. Мас., Қозғонистон ССР даги Қўнғирот конидаги мис рудаси бойитилганда кварцнинг бир қисми ажратиб олинади, қолган концентратда (бойитилган рудада) мис миқдори 20% га етади ва ундан ҳам ошади (бойитилмасдан олдин эса руда таркибида мис миқдори атиги 1—2% дур). Шундай механик йўл билан бойитилганда минераллар таркиби ўзгармайди, фойдали қазилма кераксиз жинсдан тозаланади.

Боксит (Жанубий Франциядаги Ле-Бо деган жой номида) — гиллозём гидрати, темир

оксиди ва бошқа компонентлар аралашмасидан иборат чўқинди тоғ жинси. Алюминий асосан Б. дан олинади. Б. конлари СССР да Украина (Кривой-Рог) да, Шимолий ва Жанубий Урал, Сибирь, Ленинград областларида, Қозғонистонда бор.

Большонлар — Шимолий Американинг жануби-ғарбий қисмларидаги тоғ оралиғи ботиқлари. Асосан тоғ оралиғидаги чўлларда тектоника-денудация натижасида вужудга келади.

«Большой чертеж» китоби — Русь давлати географияси ва қисман этнографиясининг дастлабки баёни. 1627 й. да «Большой чертёж» ҳамда «Поле» карталарига изоҳ сифатида тузилган. Б. ч. к. да катта шаҳар ва қишлоқлар, дарёлар, кўллар, йўллар, халқлар ҳамда уларнинг касб-ҳунарлари ва б. лар ҳақида маълумот берилган. Унда рус давлатига қўшни ерлар, жумладан, Туркия, Эрон, Бухоро, Хива ҳам қисқа тасвирланган. Дастлаб давлат хизматлари амалий ишларида қўлланилган, сўнгра ундан илмий ва ўқув қўлланмалари сифатида фойдаланилган.

Бионитет — табиий ресурсларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда ишлатиладиган кўрсаткич. СССР да қишлоқ хўжалик ерлари, тупроқлар, ўрмонлар ва бошқалар бионитети юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ландшафт комплекслари бионитети юзасидан ҳам илк тадқиқотлар олиб борилмоқда. Табиий ресурслар бионитети, одатда, баллар билан ифодаланади.

Бора (юнонча *бореас* — шимолий шамол) — кучли совуқ шамол, асосан киш ойларида денгиз қирғоқларида тоғ тизмаларидан эсади. Денгиз ҳаво босими (паст босим) билан қуруқлик ҳаво босими (юқори босим) орасидаги фескин фарқ натижасида ҳосил бўлади. СССРда кўпинча Новороссийск р-нида кузатилади.

Ботиқ — Ер юзасининг пастга ботган жойи, атрофи баланд, туби кўпинча текис, чуқурлиги ҳар хил бўлади. Б. кўпроқ тектоник йўл билан вужудга келади. Диаметри ўн ва юзларча км га етади (Фарғона, Сариқамши, Борсакелмас Б. лари). Дунё океани тубида ҳам Б. лар бўлади. Тинч океанда Мариана (11022 м), Тонга (10882 м) Б. лари бор. Б. термини Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғот-иг турк» асаринда қайд қилинган

Ботқоқлик — доимо ёки узоқ вақт зах бўлиб ётадиган жой. Б. да торф қатлами (0,2—0,3 м) бўлади. Ёсимликларнинг илдизлари торф остидаги грунтга етиб бормайди. Торф қатлами юлқа бўлса, ботқоқлашган ерлар деб аталади. Б. ўрмони кесилиб кетган ёки куйиб кетган жойларда ва ўтлоқларнинг узоқ муддат сув босиши, шунингдек, саёз сув ҳавзаларини ўт қоплаши натижасида ҳосил бўлади. Б. ларнинг кўп қисми шимолий ярим шарда. СССР даги Б. ва ботқоқлашган ерларнинг умумий майдони 2,1 млн. км² (Европа қисмида 0,6 млн км², Осиё қисмида 1,5 млн. км²).

Ўрта Осиё терр-ясида Б. лар йирик дарёлар (Амударё, Сирдарё, Чу ва Или дарёлари) водийсида, ёйғималарнинг теварак-атрофларида ва пасткам жойларда учрайди.

Ботқоқ тупроқлар — намгарчилик кўп бўлган шаронтларда пайдо бўлган тупроқлар. Б. т. тундрада абадий музлаган грунтларга яқин ерларда, тайгада ва б. зоналарда рельефининг паст жойларида тарқалган. Намликнинг кўплиги ҳаво кириши ва тупроқнинг шамоллашини қийинлаштиради, органик қолдиқлар парчаланиши ва озиклантирувчи моддалар ҳаракатини сусайтиради. Б. т. да кислота кўп. Б. т. кесмасида икки қатлам: торфли, чириндига бой юқори қатлам ва глей деб аталадиган гилли ёки кислороди кам темир бирикмалари бўлган қумоқ тупроқли пастки қатлам ажралиб ту-

ради. Б. т. қуритилиб агротехник тадбирлар амалга оширилгандан кейин унумдорлиги ошади.

Ботқоқшунослик — ботқоқларни маълум бир ландшафт типи сифатида ўрганувчи илмий йўналиш, таълимот. Б. ботқоқликларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, тузилиши, тарқалиши ва улардан хўжаликда фойдаланиш йўллари ўрганати. Б. хулосалари ботқоқликларни қуритиб, улар ўрнида маданий ландшафтлар бунёд этиш проблемаларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Бошлангич меридиан, **и о л и н ч и меридиан** — географик узунликларни ҳисоблашда шартли равишда бошлангич, дастлабки деб қабул қилинган меридиан. Халқаро келишувга кўра Гринвич обсерваториясида (Лондон яқинидан) ўтадиган меридиан Б. м. деб қабул қилинган

Брекчия (итальянча *брекчия* — парчаланиш) — қиррали тош парчаларидан иборат цементлашган тоғ жинси. Бўлакчалари бир неча см дап 1—2 м гача бўлади. Вулканик, чўкинди ва тектоник Б. лар учрайди.

Бриз (французча *брисе* — шабада) — депгизлар, катта кўллар, баъзи йирик дарёлар соҳилида эсадиган майин шамоллар. Б. қуруқликнинг сувга қараганда кундузи тез исий, кечаси тез совийши натижасида қуруқлик билан сув устидаги ҳавонинг траси ва босимида тафовут пайдо бўлиши оқибатида вужудга келади. Б. кундузи сувдан қуруқликка, кечаси эса, аксинча, қуруқликдан сувга қараб эсади ва қирғоқнинг ҳар икки томонида бир неча км дан бир неча ўн км гача масофада эсади.

Британия ҳамкорлиги — қ. *Ҳамкорлик*.

Бройлер хўжалиги (инглизча *бройл* — қовурмоқ) — фабрика-фермаларда серғушт жўжалар етиштирадиган хўжалик.

Бузилган (аккультур) ландшафт — инсон таъсирида вужудга

келган (антропоген) ландшафтнинг бир тури. Б. л. инсон табиий ва маданий ландшафтлардан нооқилона, нотўғри фойдаланиши натижасида вужудга келади. Мас., сержар ерлар, қайта шўрланган ёки ботқоқланган ерлар, тўзимма қумли ерлар ландшафтлари ва ҳ. к.

Бузуқ ер — фойдаланиш учун яроқсиз, ўр-қир, ер бедленд. Б. е. асосан сув ўтказмайдиган лёсс, лёссмон гил, гил жинсларни сув ювиб кетишидан пайдо бўлади. Баъзан юриб бўлмайдиган тик ён бағир ҳам Б. е. дейилади. Ўзбекистонда Сурхондарё областининг Бойсун, Шеробод районларида, Самарқанд областидаги Октоғнинг жанубий ён бағрида. Туркменистонда Копетдоғнинг гарбий ёнбағрида учрайди.

Булдуруқ — ёғинларнинг бир хили. Аёз, совуқ кунларни ёки туман пайтларида нам ҳаво зарраларининг музланиши натижасида ҳосил бўлади. Б. юмшоқ муз кристалли ёки доначалари шаклида ёғади. Изгирни пайтларида дарахт шохлари ва симларда ҳам Б. пайдо бўлади.

Булоқ — ер ости сувларининг ер юзасига табиий ҳолда чиқиши. Б. сувли қатламлар ер юзасига чиқиб қолган жойларда — водийлар, сойлар, жарлар, тоғ ён бағирлари, тоғ этакларида чиқади. Б. лар босимли ва босимсиз бўлади. Босимсиз б. лар маҳаллий сувларнинг сингишидан вужудга келади. Босимли Б. лар сув ўтказмайдиган қатламлар тағидаги сувли қатламлардан чиқади. Доний музлоқ ерларда, қўрғоқчил ўлкаларда мавсумий Б. лар бўлади. Сўнмаган вулканлар бўлган, ер остидан чиққан жинслар ҳали совиб улгурмаган жойларда иссиқ Б. лар чиқади. Иссиқ Б. лар сувида турли тузлар, элементлар эриган бўлади. Булар минерал Б. лар дейилади. (Тошкент, Чортоқ, Обигарм ва бошқа минерал сувлар).

Булут — сув бугларига тўйинган, ҳаво совиғанда ажралиб чиқ-

қан ниҳоятда майда сув томчилари ва муз кристалларининг атмосферадаги тўплани.

Патсимон булутлар оқ толалар ёки патлар шаклида бўлади. Ҳаво температураси 0° дан паст бўлганда 10—12 км баландликда пайдо бўлади; майда муз кристалларидан иборат.

Тўп-тўп булутлар оппоқ пахта хирмонларига ўхшайди. 10 км гача бўлган баландликда учрайди. Бундай булутлар ёйилганда паст томонни қорамтир бўлади ва ёмғирли тўп-тўп булут деб аталади.

Қат-қат булутлар паст бўлиб, ҳаво айниганда бутун осмонни қоплаб олади ва баландлиги 2 км дан ошмайди.

Бурмали тоғлар — тоғ жинслари қатламлари бурмаларга букилган ва ер пўстининг вертикал ҳаракат қилиши натижасида тезварақ атрофдан баланд кўтарилиб қолган тоғлар.

Бурун, тумшук — қуруқликнинг океан, денгиз, кўлларга энг кўп туртиб кирган учли қисми.

Бурчоқ — ёмғирли тўп-тўп булутлардан ёғадиган қаттиқ қор доначалар. Шакли япасқни юмалоқ, конуссимон бўлади. Температура унча совуқ бўлмаган, яъни 0° га яқин вақтларда ёғади. Баъзан сиртини юлқа муз қоплаган бўлади. Совуқ ҳавода нам кам бўлганлигидан Б. кўп ёғмайди ва қисқа муддатда ўтиб кетади.

Бухта (немисча *бухт*) — океан, денгиз ёки кўлнинг қуруқликка ёриб кирган ёки ороллар билан ўралган бир қисми. Одатда кема тўхтаб туриши учун қулай бўлади (қ. *Қўлиқ*).

Бэр дўнглари — Каспийбўйи пасттекислигида деярли географик кенглик бўйлаб чўзилган, бир-бирига параллел дўнглар. Бу дўнгларнинг баландлиги 10—45 м, эни 200—300 м, оралиги 1—2 км, узунлиги 25 км гача. Биринчи марта академик К. М. Бэр тасвирлаб ёз-

гани учун унинг номи билан аталади.

Бўз ер — ҳайдалмаган, ишга солинмаган ер. Баъзан Б. е. қўриқ ер дейлади (қ. *Қўриқ ва бўз ер*).

Бўз сув — лойқа, сариқ тусли сув. Дарё юмшоқ жинсларни, айниқса лёссни, лёссмон гилни ювиб оққанда, унинг сув йиғадиган хавзасида шиддатли ёмғирлар ёққанда сув бўз рангда бўлади. Баъзан географик ном сифатида ҳам қўлланилади. Мас., Бўзсув.

Бўз тупроқ — Ўрта Осиё республикаларида денгиз сатҳидан 300—1600 м баяндликдаги тоғ этаклари текисликларида кўп учрайдиган тупроқ. Асосан, лёсс, лёссмон ётқизиқлар, шунингдек, чағиртошли, шағалли пролювиал ҳамда делювиал чўкиндилар устида пайдо бўлган. Б. т. уч хил — оч тусли, типик ва тўқ тусли бўлади. Оч тусли Б. т. денгиз сатҳидан 300—700 м, айрим ерларда 1000—1100 м баяндликда учрайди. Мирзачўл, Нурота, Зарафшон, Ҳисор тоғ тизмаларининг қия текисликлари Фарғона водийсидаги адирлар. Қашқадарё, Сурхондарё ва Вахш дарёлари водийларида кўп. Бу тупроқда чиринди камроқ (1.50%). Типик Б. т. денгиз сатҳидан 1200 м гача баяндликда бўлиб, асосан, Арис, Келес, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг юқори қисми, Фарғона водийси, Зарафшон тоғ этаги текисликлари, Китоб — Шаҳрисабз тоғ оралиги, Сурхондарё, Қофирниқон, Вахш водийларининг юқори қисмлари ва Қоветдоғнинг тоғ этаги қиядликларида кўп учрайди. Чириндиси 3% ва ундан кўпроқ. Тўқ тусли Б. т. денгиз сатҳидан 1400 м гача баяндликда жойлашган бўлиб, Туркистон, Олой, Нурота ва Зарафшон тоғ тизмаларида кўп учрайди. Бу тупроқ Чимкент, Чирчиқ ва Оҳангарон водийларининг суғориладиган юқори қисмларида, Шарқий Фарғонада кўп учрайди. Ҳисор водийсида эса кам, чиринди 3—4%. Б. т. га органик

ва минерал ўғитлар солиш яхши натижа беради.

Бўйни — қуруқликнинг икки катта қисмини, мас., икки қитъани бир-бири билан (Сувайш Б.), қитъани ярим орол билан (Перекоп, б) туташтириб турадиган ёки икки сув ҳавзаси ўртасида бўлган узун, тор қуруқлик ер.

Бўктар — географик термин. Баъзи бир туркий тилларда, чунончи қирғиз тилида, шунингдек, ўзбек тилининг бир қанча шеваларида, мас., Зомин, Ғаллаорол р-нларида тоғ этаги Б. дейлади. Бу термин Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ҳам қайд қилинган ва ҳозир жой номлари таркибидега учрайди. Масалан, Зомин р-нида Бўктар — йўл деган йўл бор.

Бўр — чўкинди тоғ жинси. Майда заррали, оқ рангли юмшоқ оҳақтош. Б., асосан, кальцитдан ва организмларнинг оҳақли скелетларидан тузилган. Б. дан ойнасозликда, цемент ишлаб чиқаришда, қанд, резина, қоғоз, металлургия ва химия саноатларида, медицинада ва парфюмерия саноатида фойдаланилади.

Бўрон — тезлиги секундига 20 м дан ортадиган жуда кучли шамол. Б. лар одатда циклонларнинг салқин фронтда, антициклон чеккаларида рўй беради. Денгизда кучли тўлақинларга, чўлларда қум, чағи кўчишига сабаб бўлади, қишда кўп миқдорда қорни учуриб юради. Халқ хўжалигига баъзан анча зарар етказиши мумкин.

Бўрма, бўртик — рельефнинг атрофдан кўтарилиб турган, кавариқ шакли, тепа, дўғи, қир ва б. Магманинг чўкинди қатламлар орасига кириб юқоридagi қатламларни кўтаришдан (нитрузив лакколит), доимий музлоқ ўлкаларда қатламлар орасида сув музлаб, юза қатламларнинг кўтарилиб қолишидан (гидролакколит), юмшоқ жинслар ювилиб кетиб, қаттиқроқ жинслар сақланиб қолишдан пайдо бўлади.

Бўсаға — Урта Осиё ва Қозоғистонда тоғ олди, тоғ этагида жойлашган қир, дўнғлар. Номлар таркибига ҳам кирган: Бўсағатоғ. Бўсағаадир. Дарёлардаги остона, остонатош.

Бўстон — одамнинг меҳнат фаолияти натижасида бунёд этилган обод, сербоғ, «гуллаган» жой.

Бўсқия — нураш, юмшоқ жинсларнинг ювилиб кетиши натижасида ҳосил бўлган яланғоч, тик қоя.

Буум — Қирғизистон. Олтой. Сибирда дара, дарёга тик тушган қоя, баланд тик қоя тош ён бағир (Буум дараси).

Бўғиз — қўл, денгиз ва дарёларнинг икки кенг қисмини туташтириб турадиган сувли тор йўлак.

Бўгин — водийларда тоғ билан дарё оралиғидан ўтган йўл, дара, танги.

Бўғоз — океанлар, денгизлар, қўللار ва уларнинг айрим қисмларини бир-бирлари билан қўшиб турадиган камбар сув. Мас., Беринг бўғози Шимолий Муз океанини Тинч океан билан, Бобилмандаб бўғози Қизил денгизни Ҳинд океани билан қўшиб туради. Б. яна йўлак, доvon, канал маъносида ҳам ишлатилади.

В

Валунлар — музлик қадимда келтириб ташланган ғўла тошлар. Қўнича салгина силлиқланган, тириалган бўлади. Европанинг ва Шимолий Американинг шимолий ва урта қисмларида кўп учрайди. Баъзилари катта бўлиб, диаметри 10 м га етиши ва ундан ҳам ортиси мумкин. Урта Осиёда тоғларнинг баланд ерларида учрайди. В. қишлоқ хўжалиги ишларига халақит беради.

Варшава шартномаси — 1955 й. 14 майда Варшавада Албания, Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, СССР ва Чехословакия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида имзоланган шартнома. В. ш. мудофаа характерида бўлиб, Европада хавфсизликни сақлаш ҳамда янги ташкил қилинган ҳарбий иттифоқ — шимолий Атлантика пакти (НАТО) га қарши қаратилган Нотўғри позиция тутган Албания кейинчалик бу ташкилот ишларида қатнашмади. В. ш. да қатнашувчи давлатлар халқаро масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш зарурлигини эътироф этади, халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда биргалашиб иш кўради. В. ш. мақсадларига хилоф бўлган ҳар қандай битимларни имзоламаслик ва ҳарбий иттифоқларда қатнашмас-

лик тўғрисида олинган мажбуриятларга амал қилди. В. ш. давлатларининг хавфсизлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 51-моддасида кўрсатилган яқка ёки коллектив равишда ўз-ўзини ҳимоя этиш тўғрисидаги принципга асосланган.

Венера, *Зухра* — Ерга энг яқин планета; диаметри 12400 км, Қўёшдан 108 млн. км, Қўёш атрофини 224 сутка 16 соат 49 минутда бир марта айланиб чиқади. В. билан Ернинг Қўёш атрофида ҳаракат қилиши жараёнида Ер билан В. орасида масофа 40 млн. км дан 260 млн. км гача ўзгариб туради. Ўз ўқи атрофини 13 ер суткасида айланиб чиқади. 1961 йилдан бошлаб совет ва америка планеталараро автомат станциялари ёрдамида В. тўғрисида янги маълумотлар тўпланди. В. да магнит майдони ва радиация пояслари йўқ. В. атмосфераси деярли бутунлай карбонат ангидриддан иборат, сув буги деярли йўқ. В. юзасида т-ра 280°, босим 15—22 атмосфера.

Вегетация даври — 1) йилнинг ўсимлик ўсиши ва ривожланиши учун қулай даври. Мўътадил iklimли р-нларда В. д. баҳорнинг охириги совуқ кундан кузда тушадиган биринчи қора совуқ ўрта-

сидаги вақтга тўғри келади, тропик ва субтропик иқлимга эга бўлган ерларда эса бу давр йилнинг деярли ҳамма фаслини ўз ичига олади; 2) биологияда бир ва икки йиллик ўсимликларда уруннинг унишидан ўсимлик умрининг тугашигача ёки кўп йиллик ўсимликларда эрта баҳорда ўйғонишдан, қишда «уйқу» га киришгача бўлган давр. Совуққа чидамлилиги турлича бўлган ўсимликларда В. д. бир жойнинг ўзида ҳар хил: иссиқсевар ўсимликларда қисқа, совуққа чидамли ўсимликларда узун бўлиши мумкин. В. д. кетма-кет ўтувчи бир қатор фазаларга бўлинади: ғўзада — шоналаш, гуллаш, кўсақ туғиш ва очилиш, ғалла ўсимликларинда тўпланиш (чайлаш), бошоқ тортиш, гуллаш, сут (думбул) пишиш ва тўлиқ пишиш фазалари. Ўсимликларда В. д.нинг узун-қисқалигини ҳисобга олиб, совуқ эрта тушадиган шимолий р-нларда эртапишар навлар, совуқ кеч тушадиган жанубий р-нларда кечпишар навлар экилади. В. д. ташқи шароитга ва навнинг ирсий хусусиятларига ҳам боғлиқ. Бир шароитда эртапишар деб ҳисобланган нав иккинчи бир шароитда кечпишар бўлиши мумкин. Мас., ўртача узун толали ғўзаларнинг В. д. шимолий р-нларда қисқа (110—130 кун), жанубий р-нларда узун (120—150 кун) бўлади.

Вертикал зоналик — тоғли районларда иқлим, tupроқ, ўсимлик ва ҳайвонларнинг баландликка қараб секин-аста алмашиши. Баландлик ошган сари температура пасаяди, ёгин миқдори ўзгаради, қор чизини (чегараси)дан юқорида тоғларда фақат қор ва муз тўпланади. Бу ўзгаришлар тоғли районларда турли минтақаларни ажратишга имкон беради. Яна, қ. *Баландлик минтақалари*.

Вест (немисча) — гарб. Қисқартилиб W ҳарфи билан ёзилади

Вест-Индия (инглизча Ғарбий Ҳиндистон) — Атлантика океанида, Шимолий ва Жанубий Америка

орасида жойлашган ороллarning умумий номи. Х. Колумб бу ерларни Ҳиндистон деб ўйлаган; кейинчалик бу ерлар Ҳиндистон эмаслиги аниқлангандан сўнг бу номга «Ғарбий» сўзи қўшилган.

Вилли-вилли — Австралияда чаңг-тўзонни кўтариб кетадиган кучли гирдоб шамол — қуюн. Марказий Австралияда тез-тез бўлиб туради.

Водий — оқар сувларнинг ювиб кетишидан вужудга келган узунасига чўзилган эгрн-бугри сойлик. В. лар шаклига қўра, дара, канъон, таңги, қопчғай каби турларга бўлинади. В. ларнинг ён бағирларида террасалар бўлади. Тектоник чўкиш натижасида пайдо бўлган баъзи бир ботиклар ҳам В. дейилади. Урта Осиёдаги Олай, Фарғона, В. лари, Шимолий Америкадаги Калифорния В. си ана шундай ботиклардир. Бундай В. ларда аҳоли зич яшайди; қ. *Дарё водийси*.

Водий музлиги — тоғли ўлкалар музликларининг бир тури. Тоғ тепаси, ён бағирларидаги қор музга айланиб водийларга оқиб тушишдан ҳосил бўлади. Урта Осиё тоғларида кўп учрайдиган музлик тури. В. м. водий тузилиши ва музлик қиёфасига қўра оддий В. м ва мураккаб В. м. га бўлинади.

Водий шамоли — тоғли ўлкалардаги водийларда кундузи водий бўйлаб юқорига, кечаси юқоридан пастга эсадиган шамол. Кундузи сийрак атмосферадан ўтадиган кўёш нурлари тоғ ён бағирларини, тошларни тез қизитиб юбориши натижасида тоғда босимнинг шу баландликка тенг баландликдаги эркин атмосферадаги босимга нисбатан камайиб кетиши оқибатида ҳосил бўлади. Тунда тоғларда узун тўлқинли (иссиқлик) нуф тарқатиш кучли бўлганлигидан ҳаво тез совиб, оғир ҳаво водий бўйлаб пастга томон оқиб тушади.

Волок (кема қатнайдиган икки дарё оралигидаги камбар жойнинг қадимги русча номи) — бир дарё-

дан иккинчи дарёга қуруқлик бўйлаб кемалар ва юклар судраб ўтиладиган жой. В. атрофларида йirik аҳоли пунктлари вужудга келган. Мас., Вишний Волочек, Волоколамск ва б. Кейинчалик айрим В. лар ўрнида каналлар қазилган. Мас., Вишний Волочек канали.

Вольфрам рудалари — таркибда вольфрам бўлган минераллар бирикмалари. Асосий минераллари вольфрамит ва шеелит. Бойитиш фабрикаларида турли аралашмалардан тозаланиб, концентрат (50—60% ли) ҳолига келтирилади. В. р. да вольфрам билан бирга кўпинча қалай, молибден, олтин, мис, қўрғошин, рух ва б. учрайди. В. р. конлари гранитлар кенг тарқалган р-ларда кўп. Конлари: СССРда — Қозоғистон, Шарқий Сибирь, Шимолий Кавказ, ЎзССР, чет мамлакатларда — ХХР, КХДР, Бразилия, Боливия, Португалия. Вольфрам юқори т-рага чидамли қотишмалар, лак-бўёқлар ва коррозияга чидамли материаллар олишда ишлатилади ҳамда электротехника, радиотехника, медицинада фойдаланилади.

Воҳа — чўл ва чала чўлларда сув чиқариб обод қилинган ер. В. да намгарчилик қўшни р-ларга нисбатан кўп, ер ости сувлари юзга бўлиб, булоқлар чиқиб ётади. В. кўпинча дарё, кўл, канал ва қудуқлардан сув ичди. Майдони бир неча ўн км² дан бир неча ўн минг км² га боради. Шимолий Африка, Олд Осиё ва Марказий Осиё чўлларида машҳур В. лар бор. СССРдаги Мурғоб, Хоразм, Бухоро В. лари, Фарғона vodiисидagi В. лар ҳам анча катта. Одатда В. ларда аҳоли зич яшайди.

Гавань (голландча *гавен*) — денгизнинг тўлқин, шамол ва оқимлардан тўсилган ва кемалар турадиган қирғоққа яқин қисми.

Габбро (итальянча) — донатор кристалл тузилишидаги магматик тоғ жинси. Асосан дала шпати

Вулканик туф, вулкан туфи — қ. Туф.

Вулканлар (латинча *вулканис* — олов худоси). **ён ар тоғ** — ер пўстида содир бўладиган тектоник ҳаракатлар натижасида пайдо бўлган ёриқ (канал)лар орқали ер қаъридан лава, иссиқ газ, сув буғлари ва б. жинслар чиқиб туришидан пайдо бўлган табиий ҳосила. В. конус шаклидаги, қалқонсимон, гумбазсимон тоғлар ҳосил қилади. В. оғзи — кратери, таги — магма ўчоғи ва мўрига ўхшаш тик ўрта қисми — вулкан канали деб аталади. В. кратеридан оқиб чиқадиган лава т-раси 500—1300°. Ер шарида 600 дан ортиқ сўнмаган В. бор. Шулардан 400 дан кўпроги Тинч океан соҳилидадир. СССРда Камчатка ва Курил оролларида сўнмаган В. учрайди.

Вулкан жўяқлари, **барранк ослар** — конуссимон вулкан тоғларида вулкан оғзидан тоғ этагигача таралган чуқур жўяқлар, даралар. В. жинсларини ён бағридаги оқар сувлар ювиб кетишидан вужудга келади.

Вулкан ороллари — океан ва денгиз тубидан вулканлар отилиб чиқишидан пайдо бўлган ороллар. В. о. у қадар катта бўлмайди, баъзан сув юзасидан анча баланд кўтарилиб туради ва шаклан вулканга ўхшайди; В. о. кўпинча қатор тизилган бўлади. Тинч океанда В. о. айниқса кўп (Курил ороллари, Гавайи ороллари ва б.).

Вулкан тоғ жинслари, **вулканиклар** — вулканлар отилганда ер юзасига оқиб чиққан магма (лава)нинг қотишидан пайдо бўлган жинслар.

Г (кул ранг яшил доначалар), **авгит** (қора) ва **шоҳ алдамчи** (қора, тўқ яшил)дан таркиб тоingan. Яқини силлиқланади. Бинокорлик ва ҳайкалтарошликда ишлатилади. Ўзбекистонда Нурота, Ҳисор, Чотқор-Қўрама тоғларидан топиlган.

Газ — қ. *Енүвчи газ*.

Газа — тоғларда ва тоғ олди қирлариди рельефда бұртиб туртиб чыққан тоғ, тоғ тенаси, алоҳида тепа. Самарқанд. Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё областлари тоғли р-нларида кўп қўлланиладиган географик термин.

Газлаштириш, хўжаликни газлаштириш — халқ хўжалигинда газлар (табiiий газлар ва заводларда қаттиқ ёқилгидан олинадиган газлар)нинг юқорп калорияли ёқилги ва химия салоати учун қимматбаҳо хом ашё сифатнда кенг ишлатилиши. Газ арзон ва қўлай ёнилиги ва хом ашё бўлиб, олиннадиган жойидан ишлатиладиган жойига қувурлар орқали осон етказиб берилади. СССРда газ салоати иккинчи жаҳон уруши даврида тараққий эта бошлади. 1947 йили биринчи бор Саратов—Москва газопроводи қурилди. Ҳозир Г СССРда кенг қўлам ёйди. Унинг беш йилликда газ ишлаб чикариш айниқса тез ўсмоқда: 1977 йил 229 млрд м³ га етди; жуда кўп йўгон газ қувурлари қурилмоқда (қ. *Газопровод*).

9-беш йиллик бошларида газ қувурларининг узунлиги 67,5 минг км эди, 1976 йил охирида эса 103,5 минг км га етди. Эндилликда мамлакатда ягона газ қувурлари системаси барпо қилинмоқда; жуда кўп йўгон (диаметри 1020, 1220, 1420 мм) қувурлар қурилмоқда.

Газопровод, газ қувури — ёнүвчи газни олиннадиган жойидан истеъмол қилинадиган жойингача трубалар (қувурлар) орқали олиб бориш учун қуриладиган иншоот. Мас., Жарқоқ — Бухоро — Самарқанд — Тошкент, Бухоро — Урал, Муборак — Тошкент — Фрунзе — Олмаота, Урта Осиё — Марказ газопроводлари қурилган.

Галактика — юз миллиарддан ортиқ юлдуз, туманлиқлар ва юлдузлараро моддалар (чанг, газ, космик зарралар)дан иборат юлдузлар системаси. Ана шу гигант юлдузлар системаси умумий мар-

каз — Г. ядроси атрофида айланади. Қўёш ва Қўёш системасидаги барча планеталар, сон-саноксиз юлдузлар тўнламиндан иборат. Сомон йўли ҳам Г. га қиради. Г.нинг номи ҳам шундан олинган (Галактикос — Сомон йўли). Г.-миз диаметри шу қадар каттаки, уни ёруғлик 80 минг йилда кесиб ўтади. Бизнинг Г. дан бошқа яна миллионларча Г. лар кашф этилган. Замонавий телескоплар 3 млрд. ёруғлик йилга тенг масофадаги Г. ларни сеза олади.

Галереяли ўрмонлар — ўрмонсиз жойлар, яъни дашт, прерия, саванна ва чўллардаги дарёлар бўйлаб камбар полоса шаклида чўзилиб кетган ўрмонлар. Африка ва Жанубий Америка саванналарида оқадиган дарёлар бўйидаги тропик ўрмонлар тиниқ Г. ў. днр. Урта Осиёда Г. ў. тўқайлар деб аталади.

Галофитлар (юнонча *галс* — туз, *фитон* — ўсимлик) — шўр тупроқларга мослашган ўсимлиқлар. Урта Осиёдаги шўрхок чўллар ўсимлиқлари — ширадошлар оиласига кирувчи оқсақсовул, черкез, қорабарақ, сарсазан, боялши, чўғон, кумарчик, эбалак, қораншўра ва биорғун кабилар Г. днр.

Гамада — қ. *Ҳамада*.

Гармсел (тожикча *гарм* — иссиқ, *сел* — оқим, ҳаво оқими) — Урта Осиёдаги иссиқ ва қуруқ шамол. Қизилқум ва Қорақум чўлларида қизиган қуруқ ҳавонинг атрофга эсишидан ҳосил бўлиб, баҳор ва ёзда эсади. Тезлиги секундига 15—20 м. Г. эсганда ҳаво т-раси кескин кўтарилиб 40° дан ҳам ошадн, нисбий намлик пасаяди (5—10%), баъзан қуюқ тўзон кўтарилади. Тупроқда нам етишмай қолганидан ўсимлик сўлийти ёки бутунлай қурипти. Г. баҳоринкор экинларга айниқса катта зарар етказади.

Гейзерлар (исландча *гейзир* — отилмоқ) — вақт-вақти билан фонтан бўлиб отилиб турадиган иссиқ булоқлар. Г. асосан сўнмаган ёки

яқинда сўнган вулкан областларида бўлади. Г. ер ости бўшлиқ ва ёриқларидан отилиб чиқади. Г. оғзидан қайноқ сув 50 м, буғ эса 150 м баландликкача отилиб чиқади. Г. бир ёки бир неча кунгача ҳаракатда бўлиши мумкин. СССРда Камчаткада кўп. Исландия, АҚШ. Янги Зеландияда ҳам Г. бор. Г. дан хоналарни иситишда, энергетика эҳтиёжлари учун фойдаланиш мумкин.

Гематит (юнонча *гематос* — қонли, қон ранг) — минерал. Таркибида 70% гача темир, бир оз марганец, титан бўлади. Кристаллари кўпинча пластинкасимон. Қизил ва пўлат рангли. Кривой-Рог ва Инжийн Тағилда Г. конлари бор. Г. рудалари чўян ва пўлат олишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Тоза кукунсимон хиллари бўёқ тайёрлашда ишлатилади.

Геноид (юнонча *генос* — уруғ, қабила, латинча *цедо* — ўлдираман) — ирқий, миллий ёки бошқа баҳоналар билан аҳолининг муайян гуруҳини қириб ташлаш. Г. эксплуататор синфларининг энг реакция донралари томонидан инсониятга қарши буюз ғият билан қилинадиган оғир жиноятлардан биридир. 2-жаҳон урушида яҳудийларнинг фашистлар томонидан қириб ташланиши; Жанубий Африка Республикасида негрларнинг ирқчилар томонидан ўлдирилиши Г. дир.

Геоботаника (юнонча *ге* — ер ва *фитон* — ўсимлик) — ер юзида ўсимлик туркумларининг қонуниятларини ўрганадиган фан. У фитоценология, экология ва ўсимликлар географияси каби бўлимлардан иборат.

Географик детерминизм (латинча *детермино* — ҳал қиламан) — ижтимоий ҳаёт, воқеа-ҳодисалар мамлакат ёки районининг табиий шароити ва географик ўрнига боғлиқ деб изоҳлайдиган ғайри марксистик концепция. Г. д. намояндалари фикрича, географик муҳит ёки унинг айрим элементлари ки-

шиллик жамияти тараққиётини ҳал қилувчи кучдир. Марксизм-ленинизм Г. д. нинг ноқодир эканини исбот қилди ва ижтимоий тараққиётнинг чинакам қонуниятларини, жамият билан географик муҳит ўртасидаги муносабатни аниқлаб берди.

Географик зоналар, қуруқликдаги табиат зоналари — географик қобикнинг географик минтақалар доирасида асосан иссиқлик билан намлик миқдори ва нисбатига қараб муайян тартибда қонуний алмашнинг борадиган асосий ландшафт қисмлари. Ер юзида рўй берадиган ҳодисалар ернинг ички кучларига ва Қуёшдан келадиган радиация миқдорига боғлиқ. Г. з. ландшафт қобикнинг энг характерни структура хусусиятидир. Г. з. нинг кескин чегаралари йўқ, улар бир-бирига аста-секин ўтиб боради. Ер шар шаклида бўлганлиги учун қуёшнинг нур энергияси бир текисда тақсимланмайди. Ернинг қуёш атрофида узлуксиз айланиб туриши ва Ер айланмиш ўқиниш орбита текислигига 66,5° оғишганлиги туфайли бу нотекислик қисман камаяди. Бу омиллар Ер шарда табиий шароити бир-бирдан тубдан фарқ қиладиган Г. з. ни вужудга келтиради. Қуёшнинг нур энергияси экватордан қутбларга томон турли миқдорда тушганлигидан т-ра, буғланиш ва булутлар, ёгинлар, рельеф ва шомоллар, иқлим, нуран ва тупроқ ҳоли бўлиш жараёнлари, сувлар, ўсимлик ва б. зоналар ҳоли қилган.

Шимолий ярим шарда қуйидаги зоналар бор: Арктика муз саҳролари, тундра, ўрмон-тундра, мўътадил минтақа ўрмонлари, мўътадил минтақа ўрмон-дашглари, мўътадил минтақа чала чўллари, мўътадил минтақа чўллари, субтропик донмий яшил ўрмонлар ва бутазорлар, субтропик аралаш муссон ўрмонлари, субтропик ўрмон-дашглари, субтропик дашглари, субтропик чала чўллари, субтропик

чўллар, сернам тропик ўрмонлар, тропик сийрак ўрмонлар, қуруқ ўрмонлар ва саванналар, тропик чала чўллар, тропик чўллар, субэкваториал муссон аралаш ўрмонлари, экваториал ўрмонлар (гилея) зоналари. Жанубий ярим шарда эса булардан тундра зонаси, ўрмон-тундра зонаси, мўътадил минтақа чўллари зонаси учрамайди.

Географик зоналик—Ер ландшафт қобчилигининг асосий қонуниятларидан бири. Г. з. Ернинг шар шаклида эканлиги ва бунинг оқибатида куёни радиациясининг ер юзида нотекис тақсимланиши, яъни экватордан кутбларга томон камайиб бориши оқибатида рўй беради. Г. з. ландшафтларнинг зона ва минтақалар тарзида экватордан кутбларга томон алмашишиб, боришида намоён бўлади.

Географик карталар — ер юзаси ёки унинг бирор қисмининг белгиланган масштабда картографик проекция асосида, шартли белгилар ёрдамида сараланган (генерализация қилинган), умумлаштирилган ва кичрайтирилган тасвири. Бунда жамият ва табиғатда содир бўладиган воқеа ва ҳодисаларнинг географик жойланиши, ҳолати ҳамда улар орасидаги ўзаро боғланиш кўрсатилади. Г. к. 2 гуруҳга бўлинади: 1) умумгеографик карталар; 2) махсус ёки тематик карталар. Умумгеографик картанинг асосий мазмунини ер юзидаги ҳамма географик объектлар ташкил қилади ва масштабга кўра: а) топографик (1:200 000 ва ундан йирик), б) обзор-топографик (1:200000 дан 1:1000000 гача) ва в) обзор (1:1000000 дан майда) карталарга бўлинади. Махсус карталарда умумгеографик ёки бошқа бир картанинг бирор элементи (элементлари) тўлиқ тасвирланади (аҳоли карталари ёки теконик, геодатик карталар). Махсус карталар: а) табиий географик; ботаника, геофизика, геоморфология, иқлим, гидрология, тупроқ, геоботаника, зоогеография, табиий

районлаштириш карталари ва б. б) социал-иқтисодий ва тарихий: аҳоли, саноат, қ. х., транспорт, маданият, сиёсий-маъмурий ва б., в) техник планлаштириш: навигация, яғни ерларни ўзлаштиришдаги лойиҳалаш каби карталардан иборат.

Географик кашфиёт—1) бирон-бир географик объектининг илк бор топилиши, очилиши. Мас., Американинг очилиши, Антарктиданинг очилиши, Чад кўлининг топилиши ва х. к.; 2) география назариясида катта янгилликлар яратилиши, чунончи, географик қонуниятларнинг кашф қилиниши.

Географик кенглик — бирон жойнинг экватордан қанча градус узоқда эканлигини кўрсатадиган миқдор. Г. к. меридиан бўйлаб экваторнинг ҳар икки томонига қараб 0° дан 90° гача ҳисобланади ва экватордан шимолдаги кенгликлар шимоллий, жанубдагилари жанубий кенглик деб аталади.

Географик комплекс, геокомплекс, геосистема, табиий терриориал комплекс, ландшафт — бирон-бир конкрет терр-ядаги барча географик компонентларнинг бир бутунлиги. Бинобарин Г. к. пайдо бўлиши, ривожланиши, географик ўрни ва ҳозирги географик жараёнларнинг умумийлиги, бир бутунлиги билан ажралиб туради. Г. к. га фақиядан тортиб то географик зонагача бўлган барча катта-кичик табиий комплекслар киради. Г. к. ларни регионал табиий география ёки ландшафтинуюслик ўрганади. Сўнги йилларда иқтисодий географиянинг асосий объекти бўлган терриориал ишлаб чиқариш комплекслари ҳам географик комплекс (геосистема) деб қаралмоқда.

Географик компонент — географик қобик ва ландшафтларнинг асосий структуравий қисми. Географик қобик тўрт Г. к.— атмосфера, биосфера, гидросфера ва литосферанинг бир бутунлигидан иборат. Ландшафт компонентла-

рига тоғ жинслари, рельеф шакллари, ҳаво массалари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвон туркумлари киради. Г. к.— тармоқ табиий географияк фанлар — геоморфология, иқлимшунослик, океанология, қуруқлик гидрологияси, тупроқшунослик, геоботаника, зоогеография ва б. ларнинг ўрғаниш предметидир.

Географияк координаталар — бирон нуқтанинг ер юзидagi ўрнини аниқлайдиган миқдорлар. Г. к. географияк кенлик билан географияк узунликдан таркиб топади. Меридианлар билан параллелларни тасвирлайдиган чизиқлар градус тўртини ҳосил қилади.

Географияк ландшафт, ландшафт — Ер географияк қобиғининг табиий тараққиёт давомида вужудга келган ва ўз табиати билан бошқа жойлардан фарқ қиладиган қисми. Кенг маънода — географияк ёки табиий территориял комплекс (мас., тайга зонаси, шу зонанинг айрим провинцияси ёки рив. ботқоқлик терр-я ва ҳ. к.); баъзан Г. л. терминига типологияк маъно ҳам берилади (тайга ландшафти, ботқоқлик ландшафти деганда ўз табиатига кўра ўхшаш, лекин бир-биридан узоқда бўлган жойлар тушунилади). Тор маънода — Г. л. келиб чиқиши ва тараққиёт тарихига кўра бир хил, геологияк фундаменти бир бутун, рельефи бир типда, иқлимни умумий, гидрометрик шаронти, тупроқлари, биоценозлари ўхшаш бўлган конкрет терр-я. Шу маънода Г. л. табиий географияк райолаштириш категорияларидан бири.

Географияк минтақа, географияк пояс — ер юзасидаги кенлик зонал табиий географияк бўлинишнинг энг йирик қисмлари. Г. м. лар бир-бирларидан иқлими б-н фарқ қилади. Г. м. нинг турли жойида намлик турлича бўлиши мумкин; бу эса Г. м. да турли географияк зоналарни вужудга келтиради. Одатда Ер шарни қуйидаги Г. м. ларга бўлинади. Арктика

минтақаси, Антарктика минтақаси, субарктика минтақаси, субантарктика минтақаси, мўътадил минтақалар, субтропик минтақалар, субэкваториал минтақалар, экваториал минтақа. ЎзССР терр-яси ўртача минтақа билан субтропик минтақа орасида жойлашган.

Географияк муҳит — кишилик жамиятини ўраб турган табиий шаронт; ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муайян тарихий босқичида табиатнинг жамият билан ўзаро таъсир жараёнида бўладиган қисми. Жамият ривожланиб бorgan сари Г. м. донраси ўзгариб, кенгайиб боради. Жамият ривожланишининг дастлабки босқичларида кишилар асосан ҳаёт учун зарур табиий манбалар (ёввойи мева, ўт ва ҳайвонлар, унумдор тупроқ ва ҳ. к.) дан фойдаланган. Кейинчалик ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши билан табиий бойликлар (металл, ёғоч, пениқлик манбалари ва ҳ. к.) меҳнат воситаларига айланиб, аҳамияти орта борди. Г. м. жамият тараққиётининг доимий ва зарурий шаронтиларидан бири, у меҳнат тақсимотига ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жойлашишига актив таъсир кўрсатади. Ўз навбатида жамият ҳам Г. м. га таъсир кўрсатади. Жамият билан Г. м. нинг ўзаро таъсир ижтимоий тузум характерига боғлиқ. Капитализм ишлаб чиқаришига ҳос бўлган анархия ва рақобат табиий бойликлардан рационал фойдаланиш имкониятини бермайдди, табиатга йиртқишларча муносабатда бўлишга, табиий бойликларни нест-нобуд қилишга олиб келади. Социализм жамият табиатдан планли тарзда, халқ мақсадлари ва эҳтиёжларига манаид фойдаланиш имкониятини беради.

Географияк прогноз — географиядаги энг янги йўналишлардан бири. Г. п. нинг мақсади табиий шаронт, аҳоли ва ҳўжаликнинг ўзаро таъсирда географияк комплекслар (геосистемалар)нинг келгусидаги ўзгаришларини тадқиқ

қилиш ва олдидан айтиб беришдан, яъни прогноз қилишдан иборат. Шунга биноан, географик прогноз табиий географик (табиий шароитни прогноз қилиш) демо-географик (аҳолини прогноз қилиш) ва иқтисодий-географик прогноз (халқ хўжалигининг ривожланишини прогноз қилиш) дан иборат. Г. п. бир қанча илмий принципларга асосланади. Булардан энг муҳимлари: тарихий принцип, бошланғич ҳолга ва жараёнларни ўрганиш принципи, таққослаш принципи, барқарорлик (турғунлик) принципи, прогнознинг узлуксизлиги принципи, экспертлар баҳоסי принципи ва ҳ. к.

Географик секторлар — географик минтақаларнинг Антарктидадан бошқа барча материкларда атмосфера циркуляцияси ва намлик айланishi таъсирида уч қисмга: ғарбий ва шарқий океан бўйи қисмларига ҳамда марказий — материк ичкарисидаги қисмга бўлиниши. Материкларнинг денгиз бўйи секторида ўрмон ландшафтлари устун турса, материк ичкарисидаги қисмларида қуруқ континентал иқлим устун туради. Баъзи географлар (чунончи, Ф. Н. Мильков) Г. с. ларни зоналик спектрлари деб ҳам атайдилар.

Географик тадқиқот методлари — география фанларининг ўз предметларини ўрганиш усуллари. Географиянинг энг асосий ва ўзинга хос тадқиқот методи географик таққослаш методидир. Географик таққослаш методи геосистемалар ва айрим компонентлар ҳамда халқ хўжалиги тармоқларини ҳам тарихий жиҳатдан (замонда), яъни пайдо бўлиши ва ривожланиши жиҳатидан, ҳам территориал тарқалиши жиҳатидан (маконда), ҳам сифат жиҳатидан, ҳам миқдор жиҳатидан қиёсланиш тақозо этади. Бевосита далада ўтказиладиган табиий географик тадқиқот методлари экспедиция методи ва стационар методдан иборат. Узоқдан туриб (дистанцион) кузатиш

методларидан аэрокосмик методлар тобора кенг фойдаланилмоқда. Табиий географияда геохимия, геофизика ва экология методлари ҳам қўлланилмоқда.

Иқтисодий географияда статистик маълумотларни таҳлил қилиш, баланс, иқтисодий-географик ҳодисаларни бевосита кузатиш методлари жадал ривожланмоқда. Географик тадқиқотларда картография методи айниқса катта аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда математик методларга эътибор кучаймоқда.

Географик узунлик — географик координаталардан бири. Ер юзасидаги бир нуқтадан ўтказилган меридан текислиги билан шартли қабул қилинган бошланғич меридан текислиги орасидаги бурчак. Г. у. бошланғич (бош) меридандан шарқ ва ғарб томонларга 180° гача ўзгаради. Ғарб томондагиси ғарбий узунлик, шарқ томондагиси шарқий узунлик дейилади. Ғарбдаги узунлик манфий (—), шарқдаги узунлик мусбат (+) белгилар билан кўрсатилади. Мас., Самарқанднинг географик узунлиги $+67^\circ$.

Географик фазо — пастда Мохоровичич юзасидан (яъни ер пўстининг пастки чегарасидан) юқорида Ер магнит майдонининг юқори чегарасигача (бу чегара Ер радиусидан 10 баравардан ортиқ баланддан ўтади) бўлган оралиқдаги табиий система. Бу тушунчани М. М. Ермолаев асослаб берган ва фанга киритган. Г. ф. тўрт бўлимдан иборат: булар яқин космос, юқори атмосфера, географик қобиқ ва ер пўстининг таг қатлами. Г. ф. тушунчаси географик қобиқнинг фазодаги ўрни ва ролини аниқлашга имкон беради.

Географик қобиқ, ландшафт қобиғи — Ернинг литосфера, гидросфера, атмосфера ва биосфералар ўзаро туташадиган ҳамда бир-бирига таъсир этадиган қисми. Г. қ. нинг таркиби ва тuzилиши жуда мураккаб. Г. қ. нинг

юқориги чегараси ҳам, пастки чегараси ҳам шартлидир. Г. қ. бутун гидросферани, ер ўстининг юқори қисмини, атмосферанинг қуйи қисмини (25—30 км қалинликдаги қатламни) ўз ичига олади. Г. қ. нинг энг қалин қисми 40 км га яқин.

Географик қутблар (Шимолӣй қутб ва Жанубий қутб)— Ер айланшидан ҳосил бўлган ҳаёлий ўқнинг Ер юзаси билан кесишган математик нуқталари. Г. қ. да ер меридианларининг ҳаммаси туташади. Унда одатдаги дунё томонлари йўқ, кун ва тун алмашибмайдди. У ерда қуёш ярим йил чиқмайди ва ярим йил ботмайди (қ. *Қутб туни* ва *Қутб кун*). Ер шакли шарга деярли ўхшаш бўлганидан қутбларга қуёш нури ётиқ тушади, натижада Г. қ. атрофида жуда кенг майдоннинг иқлими совуқ бўлади. Шимолӣй Г. қ. Шимолӣй Муз океанининг муз билан қопланган суви устида жойлашган. Шимолӣй Г. қ. га биринчи бўлиб америкалик қутбшунос Р. Пири (1909 йил 6 апрель) етиб борган. Жанубий Г. қ. Антарктида материгининг Тинч океан соҳилига яқин муз қоплами устидадир, биринчи бўлиб унга норвегиялик тадқиқотчи Р. Амундсен (1911 йил 14 декабрь) борган.

География (юнонча *ge* — ер, *графo* — тасвирлайман)— Ер юзининг табии ва ҳўжалигини ўрганидиган фанлар мажмуи. Антик дунё олимлари ер юзасининг манзарасини Г. сўзи билан ифодаллаганлар. Г. терминини дастлаб Эратосфен (милоддан аввал 276—194 йилларда) ишлатган. Урта Осиёда 9—10-асрлардан бошлаб Г. сўзи маъносда «сурати арз», «етти иқлим», «Китоби мамолик ва масолик» («Мамлакатлар ва масофалар китоби») иборалари қўлланилган. 19-асрда ва 20-а. бошларида ўзбек тилида Г. «Жуғрофия» шаклида ёзилган. 1940 йиллардан Г. шакли тарқалди. Ҳозирги даврда «Г». ўрнинга «Г. фанлари системаси» иборасини қўллаш илмий жиҳатдан тўғрироқдир.

расини қўллаш илмий жиҳатдан тўғрироқдир.

Сўнгги йилларда Г. географик комплекслар ҳақидаги фандир деган тасаввур олга сурилмоқда. Табиӣй территориял комплекслар ва территориял ишлаб чиқариш комплекслари Г. нинг энг муҳим фундаментал тушунчаларидир. Уларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш Г. нинг моҳиятини ташкил этади.

Ҳозирги замон географияси географик фанларини бутун бир системасидан иборат. Г.: 1) табиӣй ёки табиӣй географик фанлар (қ. *Табиӣй география*); 2) ижтимоӣй географик фанлар — география тарихи ва географиянинг тармоқлари тарихи, иқтисодий географик фанлардан (қ. *Иқтисодий география*) ҳамда 3) картографиядан ташкил топган. Ҳарбий Г. медицина Г. си, ўқашунослик, туризм, Г. ўқитиш методикаси ҳам Г. фанлари системасига киради. Кейинги йилларда кишиноти ўрганиш ривожланиши билан селенография (Ой Г. си), космос ершунослиги каби соҳалар вужудга келди. Ер сувиий йўлдошларидан туриб ер юзасининг суратини олиш ва картасини чизини усуллари ҳам яратилди.

Фан-техника юксак даражада тараққий этган ҳозирги даврда совет Г. сининг ижтимоӣй роли янада ортиб, у конструктив географияга айланди. Конструктив географиянинг энг асосий вазифаларни қуйидагилардан иборат: ривожланган социалистик жамиятнинг атроф муҳитга бўлган таъсирини ўрганиш ва прогноз қилиш; табиӣй ресурсларни, айниқса уларнинг янги турларини тобора тез суратлар билан аниқлаш, уларни баҳолаш, улардан фойдаланиш йўлларини тадқиқ қилиш; ишлаб чиқариш ва аҳоли пунктларини оқилона ривожлантириш, жойлаштириш ҳамда территориял ташкил қилиш масалаларини тадқиқ этиш; ҳозирги замон ва келажак техника воситалари ёрдамида табиӣй территориял комплексларини тубдан оқилона

ўзгартириш ва сермахсул маданий ландшафтлар яратиш; янгидан-янги территориялар ишлаб чиқариш комплексларини барпо қилиш ва уларни комплекс ривожлантириш проблемаларини тадқиқ этиш.

География тарихи — географиянинг тармоғи. Г. т. турли ижтимоий-иқтисодий босқичларда географик bilimларнинг вужудга келиши, шаклланиши, уларнинг ҳозирги даражаси ҳамда ривожланиши истиқболларини тарихий жараён сифатида ўрганади. Г. т. икки асосий қисмдан: географик кашфиёт ва тадқиқотлар тарихи ҳамда географиянинг фан сифатидаги тарихдан иборат. Географиянинг фан сифатидаги тарихида унинг предмети, методлари, назарияси ва амалий аҳамиятининг асосий ривожланиши йўли — эволюцияси ўрганилади.

Геодезия (юпонча *ге* — ер, *дайо* — қисмларга бўламан) — Ернинг шакли ва ўлчамларини аниқлаш, ер юзаси тасвирини план ва карталарга тушириш, турли илмий ва амалий мақсадлар учун ер юзасида ўлчаш ишлари олиб бориш ҳақидаги фан.

Геокомплекс, геосистема — қ. *Географик комплекс*.

Геокриология, музлоқшувослик — ер пўсти (литосфера)нинг музлаган қатлами — криолитозона ҳақидаги фан. Г. доимий музлаб ётган грунт ва тупроқларнинг вужудга келиши, ривожланиши, тарқалиши ҳамда табиатдаги ва ҳўжаликдаги аҳамиятини ўрганади. Совет геокриология фанининг асосчиси — М. И. Сумгин.

Геологик кесим, геологик профилъ — ер пўстидаги таркиби ва ёши турлича бўлган жинслар, синиқлар ва бурмаларнинг вертикал текисликка туширилган тасвири.

Геологик ҳавза — геологик тузилиши бир хил бўлган территорияда тўпланган фойдали қазилма конлари. Мас., Тунгуска тошкўмир

ҳавзаси, Газли — Амударё газ конлари ҳавзаси.

Геология (юпонча *ге* — ер, *логос* — фан) — Ернинг таркиби, ички тузилиши, тарихий ривожланиши қонуниятлари, чўкинди ва магматик жинслар билан боғлиқ бўлган конлар ва ер ости сувларининг пайдо бўлиши, шунингдек, ерда бўладиган турли геологик жараёнларни ўрганадиган фан. Яқин йилларгача Г. фақат фойдали қазилмаларни излаш билан шуғулланган бўлса, ҳозир геология хулосаларсиз йирик саноат иншоотлари — э-д, ф-ка, т. й., гидростанция ва улкан сув омборларини қуриш мумкин эмас. Ер пўстидаги жараёнлар уш ташкил этувчи моддаларнинг бир-бири билан реакцияга киришиши натижасида содир бўлиб, ер юзасида zilзилалар, вулканилар, бурмаланиш жараёнлари тарзида намоён бўлади. Г. фани бир-бирига боғлиқ бир неча соҳалардан — петрография, литология, минералогия, кристаллография, геохимия, металлогения, гидрогеология, геоморфология, динамик геология, инженерлик геологияси, геотектоника, вулканология, геофизика, сейсмология, тарихий геология, стратиграфия, палеонтология ва амалий геологиядан иборат.

Геморфология (юпонча *ге* — ер, *морфе* — шакл, *логос* — фан) — Ер шарининг рельеф шакллари ҳақидаги фан. Г. рельеф шаклларининг пайдо бўлиши, ривожланиши, территориялар тақсимланиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганади. Г. география фанлари системасига киради, чунки унда рельеф шакллари география комплексининг таркибий қисми — компоненти сифатида ўрганилади. Совет геоморфологиясининг ривожланишига А. А. Берзов, В. А. Обручев, К. К. Марков ва И. С. Шучкин жуда катта ҳисса қўшдилар. Академик И. П. Герасимовнинг *морфоструктура ва морфоскульптура* ҳақидаги назарияси Г. нинг

ҳозирги тараққиётида катта роль ўйнамоқда.

Геополитика — капиталистик давлатларнинг боқинчилик сиёсатини табиий шароит ва ирқий хусусиятлар билан изоҳлашга уринувчи, хас-пўшлашга қаратилган сохта сиёсий назария.

Геосинклиналь — ер пўстининг жадал чўкаётган ва денгиздан иборат бўлиб, чўкинди ҳамда вулканик жинслар тўпланаётган узун чўзилган қисмлари. Г. лар уч типга бўлинади: материк чеккаларидаги Г. (Шарқий Оснё Г. и), материк ўртасидаги Г. (Ўрта денгиз Г. и) ва океанлар орасидаги Г. лар (Индонезия Г.) Г. лар миңлаб км гача чўзилган бўлади, кенлиги эса юзлаб км га, кўпи билан миң км га етади. Г. ларнинг ривожланиши боқинчи бўлади. Узоқ вақт давом этадиган чўкинди тўпланиши боқинчидан кейин тоғлар пайдо бўлиши боқинчи бўлади. Сўнгра тоғли ўлка емирила бориб, охири *платформаларга* айланади.

Геосистема — география фанининг асосий илмий тадқиқот объекти. Г. га фашиядан тортиб то географик қобққача бўлган барча табиий географик бирликлар, шунингдек, иқтисодий географиянинг асосий тадқиқот объекти: турли катта-кичикликдаги территориялар ишлаб чиқариш комплекслари киради. Г. нинг синоними — географик комплекс

Геосфералар (юнонча *ге* — ер ва *сфера* — шар) — географик қобққининг айрим қисмлари, яъни: атмосфера, биосфера, гидросфера, ва литосфера (ер пўстининг умумлашма номи). Бу тўртла геосфера бир бутун географик қобққини ҳосил қилади. Географик қобққининг бир бутунлиги геосфералар ўртасидаги уздуксиз модда ва энергия алмашинуви орқали амалга ошади.

Геотектоника — ер пўстида рўй берадиган ҳаракатларни ва тоғ жинсларининг ётиш ҳолатларини ўрганувчи фан; қ. *Тектоника*.

Геотектура — Ер шарининг энг катта рельеф шакллари. Г. га материклар, океан ботиқлари, энг катта тоғ системалари (мас., Анд, Тяньшань Помир-Олай, Ҳимолай каби тоғ системалари), ясси тоғликлар (мас., Ўрта Сибирь ясси тоғлиги) ва текислик ўлкалари киради. Терминни фанга 1946 йилда академик И. П. Герасимов киритган.

Геотермик боққич — Ер пўстидаги тоғ жинслари температураси 1° ортишига тўғри келадиган чуқурлик. Г. б. ўрта ҳисобда 30—40 м га тенг бўлиб, кристалли жинсларда бу миқдор 120—200 м га етади.

Геотермик градиент (юнонча *ге* — ер ва *терме* — иссиқлик, латинча *градиентс* — қадамловчи) — ер остига тик тушилганда ҳар 100 м чуқурликда т-раини қанча ошиб боришини кўрсатадиган миқдор. Ўрта ҳисобда 3° га тенг. Г. г. ер ости қатламларини тадқиқ қилишда катта роль ўйнайди.

Геофизика — Ернинг физик хоссаларини ва ер пўстида, сув ва атмосферада содир бўладиган жараёнларни ўрганадиган фанлар мажмуи. Оғирлик кучи, атмосфера, ернинг зичлиги, ички тузилиши ва радиоактивлиги, ер магнетизми ва зилзила ҳақидаги таълимотлар Г. таркибига киради. Г. учта катта тармоққа бўлинади: ер физикаси, гидрофизика, атмосфера физикаси. Бу бўлимларнинг ҳар бири яна бир неча бўлимчаларга ажралади. Мас., атмосфера физикаси бўлими умумий метеорология, динамик метеорология, синоптик метеорология, авиация метеорологияси, агрометеорология, иқлимшунослик каби соҳаларга бўлинади. Геофизик тадқиқотлар фойдали қазилмалар топишда, зилзиладан муҳофаза қилинишда, ракета техникаси тараққиётида, об-ҳавони олдидан айтиб беришда, радио эшиттириши ишларида катта аҳамията эга.

Геохимик ландшафт — ер юзасида химиявий элементлар ва

бирикмаларнинг миграцияси (ҳаракати) хусусиятларига қараб ажратиладиган ландшафт. Ҳар бир Г. д. табиадга элемент ва бирикмаларнинг ўзига хос ҳаракати тили ҳамда ўзига хос модда ва энергия алмашинуви тилига эга. Г. б. ҳақидаги таълимот асосчиси академик Б. Б. Полидовдир.

Геохимия — Ернинг химиявий таркиби, химиявий элементларнинг пайдо бўлиши, тарқалиши ва бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриши қонуниятларини ўрганадиган фан. Г. геология фанининг бир қисмидир.

Химиявий элементларнинг ер пўстидаги турли таркибли тоғ жинсларида тарқалиши ер шарининг ўртача химиявий таркибидан катта фарқ қилади. Тоғ жинсларидаги химиявий элементларнинг ўртача миқдори (кларк)ни аниқлаш, ер ости фойдали қазилмаларини излаб топишда катта аҳамиятга эга.

Гелиоцентрик система— қ. *Кубеи системи*.

Геоцентрик система — дунёнинг маркази Ер, бошқа ҳамма осмон jismlari Ер атрофида ҳаракатланади деган қадимги дунёқараш. 16-асрдан Г. с. ўрнини, гелиоцентрик система олади (қ. *Кубеи системи*).

Герцин бурмаланиши — палеозой эрасининг иккинчи ярмидаги тоғ пайдо бўлиш босқичи. Г. б. девон даврида бошланиб, триас даврининг ўталаригача давом этган. Г. б. да катта майдондаги геосинклиналлар бурмали тоғларга айланган. СССР да Урал Тяшанининг катта қисми, Фарбий (Рудали) Олтой ва бошқалар герцин босқичида бурмаланган тоғлардир. Фарбий Сибирь ва Турон плиталарининг замини ҳам Г. б. босқичида бурмаланган.

Гетеротроф организмлар (ношча *heteros* — бошқа ва *trope* — озиқ) — ҳаёти учун зарур органик бирикмаларни минерал моддалардан синтез қилмай, тайёр

органик моддалар билан озиқланадиган организмлар. Айрим юксак ўсимликлар, замбуруғлар, кўпчилик микроорганизмлар, ҳамма ҳайвонлар ва одам Г. о. га киряди.

Гигрометр — ҳаводаги сув бугининг миқдорини аниқлайдиган асбоб. Тузилиши ва ишлаш принципи жиҳатидан абсолют, конденсацион, қилли, психрометрик ва электр Г. ларга бўлинади. Энг кўп ишлатиладиган қилли Г. ёғизланган қил ҳаво намлигининг ўзгарини натижасида узаяди ёки қисқаради. Унинг шкаласи даражаларга бўлинган.

Гигроскопик сув — тоғ жинслари зарраларининг юзасини юпқа парда ҳолатида ўраб турувчи бир молекулали сув. Г. с. тоғ жинслари зарралари юзасида молекуляр ва электр кучлар ёрдамида ушланиб туриб, бир жойдан иккинчи жойга буг ҳолатида ҳаракат қилади.

Гидрогеография — гидрологиянинг қуруқликдаги сувларни географик комплексларнинг компоненти сифатида қараб, уларни бошқа компонентлар (иқлим, тоғ жинслари, рельеф, тупроқлар, ўсимлик қоплами) билан боғлаб ўрганувчи йўналиши. Г. да қуруқликдаги сувларнинг барча хил сув ресурслари — ер усти ва ер ости сувлари, тупроқ намлиги, ёғинлар, музликлар билан боғлиқлиги ҳам ўрганилади.

Гидрогеология — геология ва гидрологиянинг бир тармоғи бўлиб, ер ости сувларининг пайдо бўлиш манбаи, таркиби, хоссалари, ҳаракати ва тарқалиш қонуниятларини, ер бетига оқиб чиқиш шaroити ҳамда аҳамиятини ўрганади. Гидрогеологик маълумотлар санoат, аҳоли пунктлари ва курортларини сув билан таъминлашда, фойдали қазилма конларини ишга солишда муҳим аҳамиятга эга.

Гидрограф — сув сарфининг маълум давр ичда ўзгаринини ифодаловчи график. Мас., дарё Г. и., асосан, баҳорги ёки ёзги ту-

лин сув даври учун, бир йилга тузилади. Баҳорги ёки ёзги тулли сув даврининг бошланиш ва тавом бўлиш кунларини, сув сарфи максимуми, минимуми ва б. н. Г. асосида аниқлаш мумкин.

Гидрография (юннча *гидро*— сув, *графо* — ёзаман)—1) гидрология фанининг бир қисми, қуруқликдаги сувлар (дарё, кўл, ботқоқликлар)ни ўрганади; 2) денгиз ва океанларда кема қатнови хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қилинадиган ишлар мажмуи; 3) денгиз, дарё, кўлларни картага тушириш ва уларнинг кема қатнови учун қанчалик яроқли эканини тасвирлаб ёзиш (лоция); 4) бирор терр-ядаги дарёлар ҳамда вақтинча оқар сувлар, кўллар ва ботқоқлар йиғиндиси.

Гидролакколит, кўпчима дўнги (юннча *гидро* — сув, *лаккос* — чуқурлик ва *литос* — тош)—ер остидаги музликлар ҳажмининг кенгайиши натижасида юзага келадиган тепалик. Г. гумбаз шаклида, баландлиги 30 м ва ундан кўп; кенглиги 200 м га боради. Марказий қисми музлик ёки музлаган жинслардан, устки қисми хар хил таркибли жинслар йиғиндисидан иборат бўлади. Г. Якутия ва Забайкальеда кўп учрайди.

Гидрология (юннча *гидро* — сув, *логос* — фан)—гидросферадаги табиий сувларни ўрганувчи фан. Ўрганиш объектига қараб икки тармоққа — океан ва денгизлар Г. си ва қуруқлик Г. сига бўлинади. Қуруқлик Г. си яна дарёлар Г. си, кўлшўнослик, ботқоқлик Г. си ва музликлар Г. сига бўлинади. Бу ҳар бир тармоқда гидрологик объектларнинг сув режими, сув баланси, сув динамикаси, сув таги ҳодисалари, иссиқлик жараёнлари, сувнинг ҳолати, химиявий ва биологик жараёнлар ўрганилади. Сув объектларидаги гидрологик процесслар муайян географик шароитда, географик комплекс компонентларининг ўзаро таъсири натижаси сифатида рўй беради. Шу

сабабли Г. географик фанлар системасига киради ва геология, геофизика, геохимия, биология фанлари билан ҳамбарчас боғлиқ. Г. стационар, экспедицион кузатиш, далада ва лабораторияда экспериментлар ўтказиш, математик статистика методларидан кенг фойдаланади.

Гидроморф тупроқ ҳосил бўлиш процесси — ёгинлардан ташқари қўшимча сув манбалари — оқар сувлар, грунт сувлари ва ботқоқлик сувлари иштирокида тупроқ ҳосил бўлиш процесси. Бу процессда қўшимча намлик (сув) миқдорига қараб ё ярим гидроморф тупроқлар (ўтлоқи қора тупроқлар, ботқоқланган подзол тупроқлар ва б.) ёки типик гидроморф тупроқлар (ботқоқлик тупроқлари, шўрхоқлар ва б.) ҳосил бўлади. Бинобарин, гидроморф тупроқлар, одатда, қуриштиши талаб этади.

Гидроресурслар — дарёлар ва шаршараларнинг банддан тушувчи суви кучида мужассамлашган энергия запаслари. Г. нинг запаслари тугаб қолмайди, яъни ёгин-сочин ҳисобига тиклашиб туради. Г. запаси жиҳатидан СССР биринчи ўринда туради; сўнгра ХХР, АҚШ ва Канада келади. СССР дарёларидан гидроресурсларга энг бойлари Енисей, Ангара ва Ўрта Осиёдаги тоғ дарёларидир. Г. «оқ кўмир» деб ҳам аталади.

Гидросфера (юннча *гидро* — сув ва *сфера* — шар)—ер шарининг океан ва денгизлар, дарё ва кўллар, қор ва музликлар, атмосферадаги сувлар ва ер ости сувларидан иборат сув қобити. Г. нинг умумий ҳажми 1 460 000 минг км³, шундан:

Дунё океани	1370 323 минг км ³
Ер ости сувлари	61400 —»—
Музликлар	24000 —»—
Кўллар	750 —»—
Тупроқ сувлари	75 —»—
Атмосферадаги сувлар	12,7 —»—
Дарё сувлари	1,2 —»—

Гидротермик коэффициент — Совет иқлимшуноси Г. Г. Селянинов томонидан территориянинг намлик билан таъминланганлик даражасини ifodalash учун таъсия қилинган кўрсаткич. Г. к. форму-

ласи $K = \frac{10R}{Et}$ бўлиб, бунда K — гидротермик коэффициент; R — йил давомидаги 10° дан юқори температурали даврдаги ёғинлар миқдори (мм ҳисобида); Et — худди шу даврдаги температуралар йиғиндиси (градус ҳисобида). Г. к. ландшафт зоналари чегарасини миқдорли ifodalovchi муҳим кўрсаткичдир. Мас., Россия текислигида Г. к. 1 га тенг ($K=1$) жойларни туташтирувчи чизик дашт зонасининг шимолый чегарасига, Г. к. 0.5 га тенг ($K=0.5$) жойларни туташтирувчи чизик эса — чала чўллаларнинг шимолый чегарасига тўғри келади.

Гидроузел — бир неча вазифани бажарувчи гидроишхотлар мажмуи. Энергетика, транспорт, сув олиш мақсадларида фойдаланиладиган хиллари бўлади. Г. таркибига тўғон, электр станция биноси, кемаалар қатнайдиған шлюз, сув олиш, балиқ ўтказиш ишхотлари ва б. киради. Мас., Чорвоқ, Фарҳод, Қайроққум Г. лари айни вақтда энергетика, ирригация ва тошқинга қарши кураш вазифаларини бажаради.

Гидроэнергетика ресурслари — қ. *Гидроресурслар*.

Гил — чўкинди жинс. Каолинит, монтмориллонит ва гидрослюда минералларидан иборат. А. Е. Ферсманнинг ҳисоби кўра, Г. ер йўстининг 80% ини, оғирлигининг эса 4% ини ташкил этади. Г. тупроқ пайдо бўлиши ва унумдорлигида катта роль ўйнайди. Г. 0.01 мм ва ундан кичик гил минераллари зэрраларидан иборат, ёпиққоқ-чўкиндувчи, сув билан аравилганда ҳамирсимон массага айланади, куйдирилганда тошдек қотади. Г. босим таъсирида ўзгариб, гилли сланец ва аргиллитга

айланади. Г. ининг бошқа турларига гилмоя ва дэслар киради. Гилмоя халқ хўжалигида кенг қўлланилади. Минералогик, гранулометрик ва химиявий таркиби, структураси, нон алмашинини ҳоссалари ундан кенг фойдаланишга имкон беради. Каолинитли Г. лардан алюминий олинади ва оловга чидамли маҳсулотлар, чинни ва фаянс буюмлар ишланади. Гидрослюдали Г. лар қ. х. да ишлайтилади. Монтмориллонитли Г. лар саноат ва қ. х. да адеорбент катализатор родини ўйнайди. Каолинитли Г. лар Ангренда Марказий Қизилқумда, Зирабулоқ-Зибўддин тоғларида, монтмориллонитли Г. лар Азкамар, Чимён, Какайди ва Марказий Қизилқумда кенг тарқалган.

Гилвага — денгиз ва океан тубларида вулкан куллари ҳамда сув оқизиб келган гилларнинг ишқорли муҳитда ўзгаришидан ҳосил бўлган гил. Табиатда оқ, яшил, кул ранг, қўнғир ва бошқа рангларда учрайди. Юмшоқ, ёгли, силлиқ бўлиб, қизилдса тошга айланади. Сувда бўктирилса, ҳамжи 2—15 баробар ортади. Г. тоғ сги, кўкширам, гилмоя, созкесак, тошсовун деб ҳам аталади.

Гилли сланец — гилларнинг ер йўстида босим таъсирида сиқилишидан пайдо бўладиган метаморфик тоғ жинси. Г. с. қатлабиб ажралниш хосасига эга. Сувда ивмайди, гилга нисбатан каттиқ. Қора-кул ранг, гоҳо яшил рангда учрайди. Г. с. дан қурилишда, қалам ишлаб чиқаришда, қ.х.да ўнгт сифатида фойдаланилади.

Гилли чўллор — чўл типларидан бири. Денгиз, кул, дарё ва пролювиал гил ётқизиқларида вуждуга келади. Тупроқлари бўз тупроқ (қўнғир бўз, оқ қўнғир түсли), камроқ шўр бўз тупроқлардан иборат. Хемликлари орасида турли хил шўвоқ, шўра кўпроқ учрайди. Ҳайвонлардан жайрон, сайғоқ, юмронқозиқ ва судралувчилар яшайди. Тақирлар ҳам чўллларнинг шу типига киради.

Гизмоя — гил турларидан бири; қ. *Гилвота*.

Гиперурбанизация (юнонча *гипер* — ўта) — шаҳар агломерацияларининг бир-бирларига қўшилиб, мегалополислар ҳосил қилиши (қ. *Агломерация*, *Мегалополис*, *Урбанизация*).

Гипоцентр (юнонча *гипо* — остинда ва латинча *центрум* — марказ), **Ўчоқ**, **марказ** — зилзилга маркази. Зилзиланинг бошланғич силкиниши Г. дан тарқалади. Г. қўнинча 0 дан 100 км чўқурликда, баъзан, ҳатто 300 км дан 700 км чўқурликда бўлади.

Гипсли чўллалар — чўл типларидан бири. Урта Осиёнинг шимолий қисмидаги супасмон қирларда, тоғ олди текисликларида учрайди. Тупроғи гипсли бўз тупроқ. Тупроқ юзаси карбонатли бўлиб, тагида қалин гипс қатлами бўлади. Шувоқ-шўра ўсимликлари сийрак ўсади. СССР дан ташқарида Хорижий Осиёда, Шимолий ва Жанубий Африкада, Шимолий Америкада, Австралияда бор.

Гирдибод — қўю, айланма шамол, инқлон.

Гирдоб — денгиз, дарё, анҳор, канал ва ҳ. к. лар сувининг юза қисмида содир бўладиган айланма ҳаракат. Г. қўнинча икки йўналишдаги оқимлар туташган жойда рўй беради. Г. дарё, канал, ариқларнинг ўзан шаклига, ўзан таги рельефига боғлиқ ҳолда ҳам ҳосил бўлади.

Гирло — Қора ва Азов денгизларига қўйилувчи дарёларнинг тармоқлари. Мас., Килия Г. си, Сула Г. си, Георгий Г. си ва б.

Глаубер тузи (немис олимми Глаубер номидан), **мирабилит** — минерал. Майда игнасимон кристалл ҳолида учрайди. Рангсиз, шаффоф, ишмасимон ялтироқ, солиштирма оғирлиги 1,48. Мазаси тахир, шўр. Қорабўғоз-Гўл қўлтиги Г. т. нинг дунёда энг катта қони ҳисобланади. Каспий денгизининг шимолий соҳилида, Қозоғистонда, Кавказда, АҚШ, Мексика,

Аргентинада қонлари бор. Г. т. сода тайёрлашда, ишига, бўёқ саноатида ва медицинада ишлатилади.

Глей — тупроқ кесмасининг кўкиш-сарғиш рангдан структурасиз энг горизонти. Ер юзасида сув йиғилиб қолишдан тупроқнинг ўта намланиши натижасида ҳосил бўлади. Тундра ва бошқа ботқоқ ерлар учун характерлидир.

Глетчер (немисча *глетчер* — муз) — тоғларда қор чизигидан баландда қўп йиллар давомида тўпланиб қолган муз (қ. *Музлик*).

Глинозём, **гилтупроқ** — алюминий оксиди. Алюминий рудаларини химиявий йўл билан ишлаш натижасида ҳосил бўлади. Ундан электролиз йўли билан алюминий олинади.

Глинг (датчан тилида *глинт* — жарлик) — Фин қўлтигининг жанубий қирғоғи бўйлаб чўзилган жарлик; баландлиги Фин қўлтиги суви сатҳидан 60 м гача етади. Г. бу ерларда оқоқтошларнинг ер юзасига чиқиб қолишдан ҳосил бўлган.

Глобус (латинча *глобус* — шар) — Ер шарининг модели, кичик нусхаси. Г. бутун ер юзасини, унинг геометрик контурлари ўхшашлигини ва майдонлар нисбатини сақлаган ҳолда тасвирлайди.

Гляциология (латинча *гляци* — муз ва юнонча *логос* — фан) — музликларнинг пайдо бўлиши, тарққиёти, хусусияти, атрофидаги муҳит билан ўзаро муносабати ва уларнинг амалий аҳамияти ҳақидаги фан.

Гнейс — қўп тарқалган метаморфик тоғ жинси. Ранги оқиш, кул ранг, яшилсимон. Структураси слабецсимон қат-қат. Г. таркибда кварц, дала шпати, биотит, слюда бўлади.

Гномон — қадимий астрономик асбоб. Текис майдонга ўрнатилган тик устунча. Г. соясининг ўзулиги ва йўналишига қараб Қуёшнинг горизонтдан баландлигини ва азимутини аниқлаш мум-

кин Ҳозир қуёш соати сифатида қўлланади.

Горизонт (юнонча *горизо* — чеклайман), у ф қ — ер юзасининг очиқ, текис ерда (мас., денгизда) атрофимизда кўринган бир қисми. Г. донра шаклида бўлиб, кузатувчи шу доиранинг марказида туради. Баландга кўтарилган сари Г. кенгая боради: ўрта бўйли одам текис жойда тахминан 4,5 км гача масофани кўради, 10 м баландликдан 11,3 км, 100 м баландликдан 35,7 км, 1000 м баландликдан 121 км, 5 км баландликдан 271 км масофагача кўринади. Ер билан осмон бир-бирига тегиб тургандай кўринган чизиқ горизонт чизиғи дейилади.

Горизонт томонлари — горизонтнинг тўртта асосий — шимол, жануб, шарқ, ғарб томонлари.

Горизонт чизиғи — қ. *Горизонт*.

Горизонталлар, изогипселар (юнонча *изос* — тенг ва *гипсос* — баландлик) — географик картада денгиз сатҳидан бир хил баландликдаги нуқталарни бирлаштирадиган чизиқлар. Г. ер юзасининг рельефи тўғрисида тасаввур беради.

Горст (немисча *горст* — тепалик) — ер пўстининг узилмалар билан ажралиб, кўтарилган қисми.

ГОЭЛРО — электрлаштириш асосида Советлар республикаси халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришнинг биринчи перспектив плани. В. И. Ленин кўрсатмаси билан 1920 йилда тузилди.

ГОЭЛРО плани моҳият эътибори билан социалистик жамият пойдеворини қуриш плани эди. Умумий қуввати 1,5 млн. кВт. га тенг 20 та иссиқлик электр станцияси қуриш, 15 йил мобайнида барча район электр станциялари қувватини 1750 минг кВт. га етказиш кўзда тутилган эди. Йиллик электр энергияси ишлаб чиқаришнинг 8,8 млрд. кВт.с га етказиш мўлжалланди (1913 йил 1,9 млрд.

кВт.с эди); ГОЭЛРО плани асосан 1931 йил бажарилди.

Грабен (немисча *грабен* — чуқурлик) — ер пўстининг узилмалар билан ажралиб чўккан қисми. Г. ботиқ шаклида бўлади. Баъзан Г. лар ўрнида қўллар пайдо бўлади (Иссиқкўл).

Градус (латинча *градус* — қадам, босқич) д а р а ж а —1) бурчак ўлчов бирлиги; айлананинг $\frac{1}{360}$ улушига тенг. Г. ° белги билан белгиланади.

Градус тўри — географик карта ёки глобусларда меридианлар билан параллелларнинг кесимишидан пайдо бўлган тўр. Г. т. ер шаридаги ҳар қандай нуқтанинг ўрнини аниқлашга имкон беради.

Гранит (латинча *гранум* — дона) — отқинди тоғ жинси. Г. ер пўстининг чуқур қисмида, магманинг бутулилай кристалланишидан ҳосил бўлади. Г. таркибида кварц, калийли дала шпати, плагиоклаз биотит ва қисман амфибол бўлади. Г. иморат деворларини безаш, пойдевор, зинапоёлар ясашда, ҳайкалтарошликда ишлатилади.

Графит (юнонча *графит* — ёзаман) — минерал, ер пўстида учрайдиган соф углероднинг бир кўриниши. Ранги қора ва тўқ кул ранг, металлсимон ялтироқ. Конлари СССР да Урал, Украина, Сибирь, Ўзбекистонда Г. Тошқазганда топилган; чет эъларда Канада, Шри Ланка, Австралия, АҚШ, Гдан тигель, қалам, электрод, бўёқлар тайёрланади.

Грунт (немисча *грунд* — замин, тупроқ) — тупроқ тагидаги ҳар қандай тоғ жинслари. Г. инсоннинг инженерлик, бинокорлик фаолияти объекти ҳисобланади. Г. одатда, нураш пўстининг устки қисмидир (қ. *Нураш пўсти*).

Грунт сувлари — ер юзасига яқин жойлашган доимий сувли қатламнинг ер ости сувлари. Г. с. жойлашган қатлам устида сув ўтказмайдиган қатлам бўлмайди. Г. с. босимли бўлмайди ва фаслларга

қараб сатҳи ҳамда сарфи ўзгариб туради.

Гузар (тожикча *гузар* — ўтиш, кечиб ўтиладиган жой) — 1) шаҳар ёки қишлоқнинг чорраҳа ёки чойхона ва магазинлар, баққолик ва кассоблик дўконлари бўлган гавжум ва серқатнов, обод жойи; 2) революциядан олдин Бухорода маҳалла, квартал (мас., Сўзангарон гузари, Иброҳимхўжа гузари); 3) Хоразмда сойдан қайиқларнинг

ўтиш жойи ва одам ўтиши учун қўйилган махсус кайиқ.

Гум — чуқурлик, ўрама, жаҳаннам, зов.

Гумид иқлим, серпам иқлим — ёнғинлар миқдори бугла-нишдан кўп бўлиб, натижада ор-тиқча намликка эга бўлган жойлар иқлими, тундра, аралаш ўрмонлар зонаси ва нам субтропикларнинг кўп қисми, баланд тоғларнинг юқори минтақалари Г. и. га эга.

Гумус — қ. *Чиринди*.

Д

Давлат тили — бирон мамла-катда уни юритиш ва мактабда ўр-ганшш учун мажбурий бўлган тил.

Дала — очиқ, кенг текислик жой; асосан бошоқли ўсимликлар ўсадиган дашт, чала чўл; кенг экинзор ер. Шаҳардан ташқарида-ги жойлар ҳам дала дейилади.

Далаи дашт — кенг, дарахт-сиз очиқ текис жой; қ. *дашт*.

Далв (арабча *далв* — қовға) — 1) Зодиакдаги юлдузлар тур-куми; осмоннинг жанубий ярм-идаги; Д. ни СССРнинг шимо-лида ёз ва кузда кўриш мумкин; 2) Шамсия (қуёш йили)нинг ўн-биринчи оғи, 22 январдан 21 фев-ралгача давом этади. Бу ойда Қу-ёш осмон сферасида Далв юлдуз-лар туркумидан ўтади.

Дам сув — оқмас ёки жуда се-кин оқадиган сув; ҳовуз, кўл, кўл-мак.

Дамба, кўтарма — сувни вақтинча ёки доимий димлаб ту-радиган тўсиқ, нишоот. Сув оқи-минин йўналтирувчи Д. лардан сув-ни исталган томонга йўналтириш, сув оқимини меъёрга солиш ва дарё суви камайган пайтларда сув олиш учун фойдаланилади.

Дара — кўпинча тоғларда қат-тиқ туб жинсларни дарё ювиши натижасида ҳосил бўладиган тор ва чуқур сой, водий. Д. баъзан ер юзаси ёрилганда тектоник йўл билан ҳам вужудга келади. Ўзбекис-тоннинг турли районларида Д.

сой, сойлик, танги деб ҳам аталади.

Дарбанд (тожикча *дар* — эшик, дара; *банд* — мустақкам, берк, тугун) — 1) икки тоғ ораси-дан дарадан ўтган йўл. Сурхонда-рё областидаги дара Дарбанди Оҳанин (Темир Дарвоза) деб ата-лган. Доғистон АССР даги Дарбанд шаҳри номи ҳам шу сўздан оли-нган (қ. *Банд* ва *Дара*); 2) эски адабиётларда: чегара, ҳад, баъзан қалъа, чегарадаги истеҳком.

Дарвоза — тоғлардаги, серте-ла ерлардаги тор йўлак, водий; Амир Темур дарвозаси. Темир дар-воза ва бошқалар. Дарёларнинг оқимга кўндаланг тоғларни кесиб ўтиши натижасида ҳосил бўлади. Баъзан тектоник ёриқларда ву-жудга келади.

Дарё — табиий ўзандан оқаёт-ган сув. Ёгин-сочин, булоқ, муз ва б. сувларнинг тўпланиб оқишдан ҳосил бўлади. Д. нинг пайдо бўли-ши учун муайян иқлимий ва гео-морфологик шароит бўлиши керак. Мас., ўрта кенгликда 250 мм, суб-тропикларда 500 мм ва тропиклар-да 700—1000 мм ёгин ёққанда Д. ҳосил бўлади. Д. да узлуксиз сув оқиб туриши учун сув йиғиладиг-ан ҳавза ва қиялик бўлиши шарт. Одатда, Д. нишаби юқори оқими-да каттароқ бўлиб, тез оқади. На-тижада Д. юқори оқимида ўзани-нинг тагини, ўрта ва қуйи оқимла-рида ён томонларини емириб бо-ради. Қуйи оқимда сув келтирган

оқизиқлар қисман ўзан остига чука бошлайди.

Д. да ўзан, қайир, терраса (кўҳна қайир), водий ва б. бўлади. Д., одатда, сувайирғичдан анча берида, етарли миқдорда сув ҳосил бўлган жойдан бошланади, йўл-йўлакай ўзига ирмоқларни қўшиб олиб Д. системасини ҳосил қилади ва бирор кўл ёки денгизга қуйилиб тугайди. Кўпинча Д.нинг бошланиш жойи булоқлар, кўллар, ботқоқчиқлар ва музликлардан иборат бўлади. Мас., Ўрта Осиёдаги Панж, Вахш, Зарафшон ва Норин каби Д. лар музликлардан, РСФСР даги Нева, Свирь ва Ангара сингари Д. лар, кўллардан, Беларуссия, Украина, Ғарбий Сибирдаги кўпгина Д. лар ботқоқчиқлардан бошланади. Қуруқ ва иссиқ иқлимли ўлкалардаги Д. лар кўпинча суви буғланиб ва қумларга сингиб тугайди ёки ҳамма суви сугоришга сарф бўлади. жумладан, Ўрта Осиёдаги дарёларнинг кўпчилиги маълум бир жойга қўйилмасдан тугаб қолади (Зарафшон, Қашқадарё, Чу ва Туркманистондаги Д.лар). Фақат улканинг энг йирик дарёлари — Амударё ва Сирдарё Орол денгизига етиб боради. Бирор денгиз ёки кўлга қуйиладиган Д. бош Д. дир. Д. системасида бош Д. га қуйилган дарё — сойлар Д. нинг ирмоқларидир. Ҳавзасининг рельефи, ўзан ва водийсининг тузиллишига кўра тоғ Д. лари ва текислик Д. лари бўлади. Ўрта Осиёдаги Д. лар, асосан, тоғ Д. ларидир; тез оқади, серостона, водийлари чуқур, тор, жуда нишаб, йирик-йирик харсанглар тош ва шағалларни кўчириб кетади. Баҳорги қисқа, шиддатли ёмғирларда, қор тез эриганда тошқинлар бўлади, сел келади. Текислик Д. лари кенг ўзанда, сокин ва кўпинча илон ўзи бўлиб оқади, тармоқларга бўлиниб кетади, ўзан ва қайирларда қум, гил ётқиқиқлар қолдиради, марза, сазёлик, тирсақлар ҳосил қилади (мас., Амударё ва Сирдарё ўрта

ва қуйи оқимларида). Д. ларни гидрология фани ўрганади. Халқ хўжалиги учун Д. ларнинг аҳамияти жуда катта. Улардан кема қатнови, ёғоч оқизиш, сув омборлари, ГЭС қуриш, суғориш, саноат ва аҳолини сув билан таъминлаш, ботқоқ, шўр ерларнинг ортқиқча шўр сувларини оқизиш каби мақсадларда фойдаланилади. Д. ётқиқиқлари устидаги тупроқлар унумдор бўлади.

Дарё водийси — ер юзасида узунасига қўзилган қиёсан тор сойлик. Д. в. оқар сув таъсирида вужудга келган бўлиб, дарё оқадиган томонга қия ва кўпинча эгри-бугри бўлади. Д. в. ўзан, қайир, терраса (кўҳна қайир), ёнбағир ва туб қирғоқларга бўлишади (қ. *Водий*).

Дарё ҳавзаси — бирон дарё системасига сув келадиган терр.-я. Д.ҳ. ни кўпинча дарёнинг сув йиғиш ҳавзаси деб ҳам атайдилар. Д.ҳ. ер усти ва ер ости сувларини ўз ичига олади. Дарё ҳавзалари бир-бирдан сувайирғичлар билан ажралиб туради.

Дарё оқими — сувнинг табиатда айланиб юриш жараёнида дарё ўзанида оқадиган сув.

Дарё режими — ҳавзасининг табиий географик хусусиятларига, биринчи навбатда иқлим билан рельефга боғлиқ равишда дарёларда сув оқиш ҳолатининг кўнуний ўзгариши.

Дарёларнинг сувдорлиги — дарёлар олиб келиб қўядиган ўртача йиллик сув миқдори. Сувдорлик кўп йиллик ўртача сарфи ёки кўп йиллик ўртача сув миқдори билан ифодаланати.

Дарёнинг сув сарфи — Дарёнинг бирор қисмида унинг қўйиланган қисмидан муайян вақт (секунд, минут, соат, кун, ой, йил) давомида оқиб ўтган сув миқдори. Оқим тезлигини дарёнинг қўйдаланг қисми майдонига кўпайтириш билан аниқланади.

Даррандачилик — чорвачилик

тармон, қимматбаҳо мўйна ва панг (буғу шохидан олиннадиган модда) учун мўйнали ҳамда туёқли хайвонлар урчигиши билан шуғулланади. Мўйна олиш учун қорақумуш ранг тулки, ҳаво ранг қутб тулкиси, америка норкаси, нутрия, соболь боқилади. Мамлакатимизда Украина, Сибирь, Узоқ Шарқда ривожланган. Бугучилик Олтой, Приморьеда, Красноярск ўлкаси ва Қозоғистонда тараққий этган.

Дашт — ўтлар билан қопланган ўрмонсиз территория; Д. иқлим чўллаларга нисбатан юмшоқроқ бўлади (қ. *Чўл*). Д. лар ҳар иккала ярим шарнинг мўтадил миталарларида учрайди. Шимолий ярим шарда материкнинг ички қисмларида айниқса кенг тарқалган. Евросиёда Урта Дунай пасттектислигидан бошланиб (Венгрия террасида Д. пушта деб аталади), СССР нинг Европа ва Осиё қисмлари орқали ўтиб Хитойгача етиб боради. Жанубий Америкада Д. памиа, Шимолий Америкада прерия деб юритилади; Африка ва Австралияда ҳам Д. лар учрайди. Тоғларда тоғ даштлари бўлади. Д. ўсимликлари асосан илгичка барил бонбоқлилар — чалов, бетага, чиллақоёқ ва бошқалардан иборат. туپроқлари қора туپроқ. Хозирги вақтда Д.ларнинг кўп қисми ҳилдэб экинзорга айлантирилган.

Даҳан, даҳана — тоғли жойларда дара, тор водий, тор сой оғзи. Д. одатда тектоник узиллилар натижасида ювлишига чидамли қаттиқ жинслар юзага чиқиб қолган ерларда сувнинг чуқурлатиш эрозияси оқибатида вужудга келади.

Дейгиш — Амударё қўйи оқида ғовак жинслардан тузилган қиргоқларнинг дарё ювиб туриши. Д. вақтида қиргоқлар қулаб, кўп-лаб ғовак тоғ жинсларини сув оқизиб кетади. Эски Тўрткўл шаҳри Д. туфайли ювлиб, бузилиб кетган.

Декрет вақти — СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1930

йил 16 июнда чиқарган махсус декрети билан белгиланган вақт. Д. в. га кўра, СССР террасида соат стрелкалари I соат олдин сурилган. Д. в. сутканинг ёруғ пайти ва электр энергиясидан самарали фойдаланиш мақсадида киритилган.

Дельта — дарёнинг денгиз ёки кўлга қўйилиш жойида сувда оқиб келган жинслардан ҳосил бўлган текислик. Д. номни юнон алфавитининг бош ҳарфи Δ — дельтадан олинган. Д. да дарё суви панжата ўхшаб кўндан-кўп тармоқларга бўлиниб оқади. Вақт ўтishi билан Д. кенгайиб, денгиз ичкарасига кириб бораверади. Баъзи бир дарёларнинг Д. лари бир неча миңг км. км га етади.

Делювий (латинча *делуо* — ювман) — ёмғир ва қор сувлари оқими натижасида қияликлардан ювлиб тушган чўкиндилар. Д. тоғ этакларида тўпланади, қатламлар ҳосил қилмайди. Д. да кўпнича олтин, қалай, вольфрам ва б. металларнинг соҳилма конлари бўлади.

Демаркацион линия (французча *демаркацион* — ажратиш) — 1) Сўлҳ шартномаи асосида деимий чегара белгилангунча уруш-ётган давлатларнинг яраш вақтида қўшнилари ажратиб турадиган линия (полоса); 2) енгилган давлат территориясини оккупация зоналарига ажратиб турадиган линия; 3) қўшни давлатлар ўртасида жанжал территорияда вақтинча белгиланган линия.

Демография (юнонча *демос* — халқ ва *графо* — ёзаман) — бирор террас, мамлакат, бир қанча мамлакат ёки дунё аҳолисининг ҳолати ва ундаги ўзгаришларни ўрганувчи фан тармоғи. Д. аҳолининг жойлашуви ва миграцион ҳаракати, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва б. хусусиятларини ҳам ўрганади.

Денгиз — океanning бир қисми. Д. океандан қуруқлик ёки ороллар, ярим ороллар ва сув ости

рельефининг кўтаришган жойлари билан ажралиб туради. Ўзининг географик ўрни ва котловиналарининг характерига қараб куйидагиларга бўлинади: 1) материклар орасидаги Д. лар; 2) материк ичкарасидаги Д. лар ва 3) чекка Д. лар. Материклар орасидаги Д. жуда чуқур бўлади. Буларга Ўрта денгиз, Австралия ва Осиё орасидаги Д. лар, Кариб денгизи ва Қизил денгиз киради. Материк ичкарасидаги Д. лар бирон матерининг ичкарасида жойлашгандир. Буларга Оқ денгиз, Балтика денгизи, Қора денгиз, Азов денгизи ва б. киради. Чекка Д. лар океан ва материкларнинг чеккаларида бўлади. Буларга Баренц денгизи, Кара денгизи, Шарқий Сибирь денгизи, Чукотка денгизи, Япон денгизи, Шимолӣ денгиз ва б. киради.

Денгиз иқлими — денгиз хаво массалари таъсирида таркиб топган иқлим. Д. и. материкларнинг денгизга яқин қисмлари, ороллар учун характерлидир. Бу иқлим йиллик температура амплитудасининг кичиклиги, сернам, сербулут ва серёғин бўлиши билан ажралиб туради. Д. и. шаронтида ўрмон ландшафтлари устуи туради.

Денгиз кемалари — денгизларда пассажир, юк ташувчи (кўмир ташигич, руда ташигич, ёғоч ташигич) кемалар, нефть ташигичлар (танкерлар), рефрижераторлар (холодильник кемалар), денгиз паромлари ва хилма-хил юклар ташийдиган кемалар.

Денгиз оқимлари — денгиз ва океанларнинг турли қисмларида босимнинг турлича бўлиши натижасида сув массасининг ҳаракатланиб туриши. Д. о. туфайли сув массаси алмашиб туради, қирғоқлар ювилади, чўкинди.лардан янги қуруқликлар ҳосил бўлади, портларнинг чуқурлиги ўзгаради. Музлар узоқ-узоқларга оқиб кетади. Д. о. иқлимга ҳам таъсир этади, мас., Шимолӣ Атлантика оқими (Гольфстрим) Европа иқлимининг

юмшатиб туради. Д. о. шомолнинг денгиз юзасига ишқаланиши, денгизнинг турли қисмларида т-ра, шўрлик ва атмосфера босимининг турлича бўлиши, сув сатҳининг қияланиши натижасида ҳосил бўлади. Д. о. барқарор ёки ўзгарувчан, доимий ёки даврий, денгиз юзасида ё чуқурроғида ёки денгиз тубида, илқ ёки совуқ, чучук ёки шўр бўлади. Эни бир неча ўн км, чуқурлиги эса бир неча юз м га етади. Океан ва денгизларда муайян йўналишда оқадиган доимий оқимлар бор. (Мас., Шимолни ва Жанубий пассат оқимлари.) Баъзи оқимлар муссон шомоллари таъсирида ҳосил бўлиб, ўз йўналишини мавсумларга қараб ўзгартиради (қ. *Муссон оқимлари*).

Денгиз (океан) ҳавзаси — денгизнинг ўзи ва қуруқликнинг денгизга ёндашган ҳамда ер усти, ер ости сувлари шу денгизга оқиб тушадиган қисми.

Денудация (латинча *денудацио* — очилиб қолиш) — тоғ жинсларининг мураши ва рельефининг манфий (пастьлик) жойларида тўпланиши. Эрозия (оқар сувлар), абразия (денгиз ва кўл сувлари), карст ва суффозия (ер ости сувлари), экзарация (музликлар), дефляция (шамол) таъсирида тоғ жинслари бўлақчаларининг бошқа жойларга кўчиб бориши Д. дир. Д. натижасида тоғ жинслари емирилиб, уларнинг ўрнида пасттектониклар ёки пенепленлар ҳосил бўлади. Чуқурликлар тўлиб, ер юзаси текисланади.

Депрессия (латинча *депрессия* — эзши) — келиб чиқиши ва шаклидан қатъи назар, ер юзасидаги ҳар қандай пастьлик жой; тор маънода — денгиз сатҳидан паст ботиқ ёки сойлик (мас., Қорағиё ботиғи, Сарикамиш ботиғи); тектоник Д. — ер пўстининг эгилган ва усти бугунлай ёки қисман чўкиндига тўлиб қолган жойи. Мас., Бухоро-Хива депрессияси (ҳозир бу ердан нефть ва газ топилган).

Дефляция (латинча *дефля-*

цио — нуфлаш) — тоғ жинсларининг шамол таъсирида емирилиб, майдаланган зарраларнинг бошқа жойларга кўчиши. Д. чўлларда айниқса кучли бўлади.

Деҳқончилик — 1) қишлоқ хўжалигининг экинлар етиштириш билан шуғулланадиган муҳим тармоғи. Д. далачилик ва боғдорчиликдан иборат. Далачилик экин етиштириш билан шуғулланиб, етиштирадиган экинга қараб ғалла экинлари, техника экинлари, сабзавот, нолуз, картошка, ем-хашак экинлари етиштирадиган хўжаликларга бўлинади. Боғдорчилик икки тармоқдан — мевачилик ва узумчиликдан иборат; 2) қишлоқ хўжалик ўсимликларини етиштириш усулларини ўрганувчи фан (агрономиянинг бир бўлими).

Диагенез (يونонча *диа* — қайта ва *генезис* — туғилиш) — сув ҳавзалари тағида говак чўкиндиларнинг чўкинди тоғ жинсларига айланиши.

Дирекцион бурчак (латинча *дирекцио* — йўналиш) — топографик каргаларда координаталар тўридаги вертикал йўналишлар билан берилган нукта йўналиши оралигидаги бурчак. Соат стрелкаси йўналиши бўйича ҳисобланади.

Дислокациялар (латинча *дислокацио* — силжиш) — ер пўстидаги тектоник ҳаракатлар натижасида тоғ жинсларининг дастлабки ётиш ҳолатининг ўзгариши.

Диспропорция (латинча *дис* — йўқ, эмас ва *пропорцио* — мутаносиблик) — халқ хўжалигининг айрим тармоқлари, бўлимлари (ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш) тараққиётида ҳамда халқ хўжалигининг турли томонлари ва қисмларида мутаносибликнинг бузилиши; оқибатда айрим соҳаларда ёки умуман, эконимикада қайта ишлаб чиқариш жараёнида узиллишлар рўй беради.

Довон (мўғулча *дабан*) — тоғнинг охиб ўтиш қулай бўлган жойи. Ўзбекистонда Д. сўзи билан

бирга бел, ошув терминлари ҳам ишлатилади. Тарихий маббаларда учрайдиган арт, ақба, кўтал сўзлари ҳам Д. нинг синонимларидир. Д. лар орқали кўпинча йўллар ўтказилади. Мас., Камчик Д. илан Тошкент — Қўқон, Тахтақорача Д. илан Катта Ўзбекистон тракти ўтади ва ҳ. к.

Довул — энг кучли шамол. Тезлиги 30 м/сек ва ундан катта бўлади. Д. биноларга катта зарар етказиши, дарахтларни синдиради, электр симларини узиб кетади ва ҳ. к. Деңгизда кучли тўлқин ҳосил қилиб, кемаларнинг сузишини қийинлаштиради, хатто ҳалокатга ҳам олиб келади.

Доломит (француз минералоги Доломье номи билан аталган) — минерал. Қул ранг, оқ, сариқ, оч яшил бўлади. Металлар, кальций ва магнийдан таркиб топган. Д. металлургия ва химия саноатида ҳамда қурилишда термозолатция материалларини асбест ва б. билан бириктирувчи модда сифатида ишлатилади. СССР да Урал, Донбасс, Волгабўйида Д. конлари бор. Ўзбекистонда Чатқол, Нурота ва Курама тоғларида девон лаври оҳақтош ва мрамрларни орасидан топишган.

Домана, домон — ҳар бир нарсанинг этағи, тағи, тоғ этағи. Тарихий ёдгорликларда, мас., «Бобирнома»да Д. тоғ, ёнбағри, тоғ этағи маъносида кўп учрайди.

Доминион (латинча *доминиум* — мулк, ҳокимият) — Британия империясининг ўзини ўзи идора қиладиган ярим мустақил давлатларини англатадиган термин. Д. лар ички сиёсат масалаларида мустақил бўлиб, уларнинг ҳуқуқи ўзгариб турган. 1926 ва 1930 йиллардаги империя конференциялари Д. ларнинг ички ва ташқи сиёсат масалаларида метрополия билан тенг ҳуқуқлигини эътироф этган. Шунга қарамай, 2- жаҳон урушига қадар Д. ларнинг ташқи сиёсати метрополия назорати остида бўлган. 40- йиллар охиридан бошлаб

Д. термини ўрнига *Ҳамкорлик* асосан термини ишлатила бош-лади.

Дон-дуккакли экинлар — дуккакдошларга мансуб ўсимликлар. Асосан дони учун ўстирилади. 60 дан ортиқ тури бор: нўхат, нут, маш, соя, ерэнгоқ, бурчоқ, ясимқ ва б. Д.-д. э. донида оқсил, витаминлар кўп, соя ва ерэнгоқ таркиб-ида эса ёғ кўп. Д. д. э. нинг етил-ган дони, думбул дуккаги, чаза пишган кўк дони истеъмол қили-нади. Пишган дони қ. х. ҳайвонла-ри учун ем тариқасида, ёғ (соя, ясимқ) тайёрлашда ҳам ишлатила-ди. Похол ва тўпсиз ҳайвонларга берилади. Д.-д.э. илдиз туганаги-даги бактериялар орқали ҳаводаги соф азотни ўзлаштириб, тупроқни азотга бойлатади.

Донли экинлар — энг муҳим ғалла экинлари, асосий озиқ-овқат маҳсулоти, чорва моллари учун ем. шунингдек, қоғоз саноати учун хомашё беради. Барча экинлар ичида майдони ва ялли маҳсулоти жиҳатидан биринчи ўринда тура-ди. Донининг таркиби ва маҳсулоти истеъмол қилиниши жиҳатидан уч гурплага: ғалла (дон) экинла-ри, дон-дуккакли ва мойли дон экинларига бўлинади. СССР да буғдой, жавдар, арпа, сули, мак-кажўҳори, шодн, тарих айниқса кўп экилади. Д. э. ривожланиши ва ўсув даврининг узун-қиёқалтиги жиҳатидан кузги ва баҳорги экин-ларга бўлинади.

Доривор ўсимликлар — одам ва ҳайвонларни даволаш, турли касалликларнинг олдини олиш учун ишлатиладиган гиёҳлар. Ҳо-зиргн вақтда ер юзида Д. ў. нинг ўн мингдан ортиқ тури маълум. Мингдан ортиқ Д. ў. ларнинг хи-миявий таркиби ва хоссалари аниқланган. Ўзбекистонда Д. ў. нинг 580 га яқин тури мавжуд. Бу-лардан анор, ачиққмия, бодом, гулхайри, ёнгоқ, жағ-жағ, периқ, кийикўт, омонқора, баргизуб, писта дарахти, сачратқи, чойўт, ян-

ток, қоқи ўт ва б. лар айниқса кенг тарқалган.

Драга — сув остидаги социлма конлардан олтин, платина, қалай ва б. ларни кавлаб чиқарадиган ва ювиб тозалайдиган сузиб юрвчи ишшоот. Қум жинслари ичидан олиннадиган соф металлларнинг 90—95% и, бошқа хил минерал-ларнинг 80—90% и Д. ёрдамида қазиб олинади.

Дрейф оқим — сув юзасига ва тўлқиннинг орқа қисмига шамол урилиши натижасида океан ва денгиз суви устки (100—200 м) қатламнинг ҳаракатга келиши, оқинишдан ҳосил бўладиган оқим.

Дрейф (голландча *дрийфен* — ҳайдамоқ, сузмоқ) — сузиб кетаёт-ган кемаини шамол ва оқимлар таъсирида сурилиб кетиши; муз дрейфи — денгиздаги музнинг шамол таъсирида секин силкиниши.

Дренаж (инглизча *дрейн* — қуритиш) — шўр ювиш, сизот сувлар силқини пасайтириш, тўқай ва зах ерларни қуритиш учун қилинган зовур ва қувурлар системаси.

Думли юлдузлар — қ. *Комета-лар*.

Дунё океани — қ. *Океан*.

Дунё томонлари — қ. *Гори-зонт томонлари*.

Дунит — ер пўстининг чуқур қисмида пайдо бўлган магматик төғ жинси. Асосан яшил рангдаги донатор оливин минератидан иборат бўлиб, таркибида хромли темиртош (хромит) ҳам учрайди. Хром ва платина конлари Д. билан боғлиқ. Ўзбекистонда Томди тоғ-ларининг жануби-ғарбий қисмида Д. топилган.

Дуоба (тожикча *ду* — икки, об — сув) — икки сой, дарё қушил-ган жой.

Дурагайлар — турли ирқларга оид кишилар никоҳидан бўлган авлод. Мас., Америкада оқлар билан индеецларнинг никоҳидан ту-ғилган авлод Д. дейилади.

Дюна (немисча) — шамол тўп-лаган қум тепалар. Денгиз, дарё, қўлларнинг тўсийдиган қумли со-

ҳилларда пайдо бўлади. Д.нинг шомолга қараган томони сал қия, тескари томони тик бўлади. Баландлиги 10—30 м, баъзан 300 м га етади. Д.шамол таъсирида йилга бир неча м силжиб туриши мумкин. Шамолга рўпара томони узун ва олдидagi тик томони дўмбоқ бўлиши билан Д.чўлдаги барханлардан фарқ қилади (қ. *Бархан*).

Дўл — муз доналари кўриши-нишидаги ёғин. Йилнинг илқ вақтларида ёғирли тўп-тўп булутлардан ётади. Катталиги 15—20 см гача етади. Одатда, момақалдирок бўлиб турган пайтда жала билан бирга ёғади. Д.кучли конвектив оқимлар натижасида булутларнинг ўта совизи туфайли айрим томчиларнинг музлашидан вужудга келади. Музлаган томчилар устига бошқа томчилар ёпишиб музлаши натижасида Д. до-

налари йириклашади. Д. халқ хўжалигига катта зиён келтиради: экинларни, токзорларни, боғ, чорва молларини нобуд қилади. Д.га қарши курашиш учун булутларга ракеталар ёки снарядлар ёрдамида махсус реагент (одатда, кўргөшин йодид, кумуш йодид, кукун) юборилади.

Дўнг — баланд ер, кичик тепа, узун чўзилган қир.

Дўнг қум — ўсимликлар билан мустаҳкамланган ёки чала мустаҳкамланган тепа, қатор тепа шаклидаги қумлар. Ўсимликлар атрофида шомол секинлашиб, қум тўпланишиндан ҳосил бўлади. Дўнг қумлар, одатда, чучук ёки шўртёб ер ости сувлари 3 м дан 5 м гача чуқурликда бўлган жойларда вужудга келади. Урта Осиёда Қизилқум, Қорақумда, Қорақалпоқ қумида кўпроқ учрайди.

Е

Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ), «Умумий бозор» — Ғарбий Европанинг 6 мамлакати: Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембургнинг давлат-монополистик ташкилоти, 1973 йилда ЕИХ га Буюк Британия, Дания ва Ирландия кирди. Мақсади шу ташкилотга аъзо бўлган мамлакатларнинг миллий хўжаликларини ягона «Умумий бозор» га бирлаштиришдир. ЕИХни тузиш ҳақидаги шартнома 1957 й. Римда тасдиқланди ва 1958 й. 1 январдан кучга кирди. ЕИХнинг ташкил топиши капиталистик ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг ҳозирги босқичи билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятнинг чуқурлашиб бораётганлигини ҳамда бу зиддиятни ҳамжамиятга аъзо бўлган мамлакатлар бирлашиб ҳал қилишга интилаётганлигини кўрсатади. ЕИХ иқтисодий мақсаднинггина эмас, сиёсий мақсадни ҳам кўзда

тутади, у ҳам бўлса, Ғарбий Европа мамлакатларини жаҳон коммунистик ҳаракатига қарши, социалистик давлатларга, шунингдек, мустамака ва қарам мамлакатлардаги миллий озодлик ҳаракатига қарши бирлаштиришдир.

Ел — шомол, шабада, гармсел. Ёзда ўсимликлар барги сарғайиб тушганда «ел урибди», «ел тушибди» дейилади.

Ел ёқ — шомол кўп бўладиган томон, шомолга рўпара жой.

Елан — Жанубий Уралда игна баргли-кенг баргли ўрмонлар орасида учрайдиган ўтлоқ сайхонлар. Е. асаларичилик ва тоғ чорвачилиги учун жуда қимматлидир. Туркларда шундай жойлар а. лан деб юритилади.

Ем-хашак экинлари — мол ва паррандаларга қўқат, пичан, ем, силос учун экинладиган ўсимликлар. Е.-х.э. га бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар (беда), хашак илдиз-мевази, картошкали ўсимликлар

(картошка, турпенс, хашаки лавлагги), хашаки полиз экинлари (хашаки тарвуз, ошқовоқ), ширин картошка (батат), силос бостириши ва ем учун экиладиган додли экинлар (маккажўхори, сули. арпа) қиради.

Енгил саноат—турли хом ашёлардан (асосан пахта, зиғир, каноп толаси, ҳайвон териси, жун, сунъий чарм, сунъий тозалардан) кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат тармоқлари. Хом ашёга дастлабки ишлов бериш, жумладан пахта тозалаш, ип газлама, жун газлама, шойи тўқиш, тикувчилик, канопжут, трикотаж, понабад, кигизнабат, мўйна, мебель, атторлик буюмлари, чинни-фаянс ишлаб чиқариш, тери ошлаш, пўстни тикиш ва б. е. с. тармоқларидир.

Ер—1) Қуёш системасидаги планета, Қуёшдан узоқлиги жиҳатидан Меркурий, Венерадан кейин учинчи ўрнида бўлиб, Қуёш атрофида эллиптик орбита бўйлаб (эксцентриситети 0,017) секундида 29,76 км тезлик билан айланади. 365 кун 5 соат 48 минут 46 секундда бир айланиб чиқади. Қуёшдан ўртача узоқлиги 149,5 млн. км. Еرنинг битта табиий йўлдоши — Ой бор, унинг Ердан ўртача узоқлиги 384 минг км. Ўз ўқи атрофида 23 соат 56 минут 4 секундда тўлиқ айланиб чиқади. Ўз ўқи атрофида айланиши натижасида кун-тун алмашилиб туради. Ер ўқи орбита текислигига $66^{\circ}33'22''$ га тенг бўлган бурчак ҳосил қилади. Ер ўқининг бундай огиши ва Қуёш атрофида айланиши оқибатида фасллар алмашинади. Еرنинг шакли юраксимон эллипсоид (Шимоллий Қутб қабарикроқ, Жанубий Қутб ботиқроқ). Экватор радиуси 6378245 м, ўртача қутбий ботиқлик 1:298,3; экваториал ботиқлик 1:30 000. Ер юзасининг майдони 510 млн. км², ҳажми 1083320 млн. км³, ўртача зичлиги 5,52 г/см³, массаси $5,98 \cdot 10^{24}$ кг. Ер

ўз массаси билан атмосферани мустаҳкам тутиб туради. Ер барқарор магнит майдонига эга. Магнит майдони контодан келувчи юқори энергияли радиация минтақасини ҳосил қилади. Ер атмосферасидан ташқари жуда майда заррачалар ва водороддан иборат «дум»га ҳам эга, у Қуёшдан тескари томонга йўналган бўлади. Еرنинг шарсимон шакли Қуёшдан келадиган нурнинг ер юзида нотекис тақсимланишига сабаб бўлади, бу эса географик зоналикни келтириб чиқаради. Ер концентрик жойлашган қобиклар ҳосил қилади: ер ядроси, мантия, литосфера, гидросфера, атмосфера. Литосферанинг устки қисми, гидросфера ва атмосферанинг куйи қисми географик қобик ёки ландшафт қобилини ҳосил қилади. Еرنинг организмлар яшайдиган қисми — биосфера географик қобик таркибига қиради. Ер юзининг 361,5 млн. км² қисмини Дунё океани, 149 млн. км² қисмини қуруқлик ташкил этади. Океанларнинг чуқурлиги кўп қисмида 3000—6000 м, энг чуқур жойи Мариана ботиғида 11022 м. Қуруқликларнинг ўртача баландлиги 875 м, энг баланд жойи Жомолдугма тоғи 8848 м; 2) жой, тупроқ, дёр, ўлка.

Ер асимметрияси — шимоллий ва жанубий ярим шарларнинг асимметрик тузилиши. Е.а. ер пўстининг геологик, тектоник тузилишида (шимоллий ярим шарда материк ер пўсти, жанубий ярим шарда океан ер пўсти қўпчилики ташкил этади), қуруқлик ва океанлар майдонининг нисбатида (шимоллий ярим шарда қуруқлик 39%, жанубий ярим шарда қуруқлик 19%), иқлимнинг континенталлик даражасида, табиий географик процессларда, айрим ўсимлик ва ҳайвон турларида, шамоллар ва океан оқимларининг ҳар хиллигида ва ҳ. к. ларда ақс этади.

Ер бағри — ер пўстининг ички қисми.

Ер магнетизми, геомагнетизми

тизм — Ернинг магнит майдони; магнит оғниш, магнит энкайиши билан характерланади. Компас магнит стрелкасининг бир учи шимолни, иккинчи учи жанубни кўрсатади. Магнит стрелкаси йўналиши бўйича ўтказилган чизик магнит меридиани дейилади. Магнит меридиани географик меридиан йўналишига тўғри келмайди. Магнит меридиани билан географик меридиан орасидаги бурчак магнит оғниш дейилади. Ер юзасининг турли жойида магнит оғниш бурчаги турлича. Стрелка географик меридиандан гарбга бурчлса, ғарбий оғиш, шарққа бурчлса, шарқий оғиш дейилади. Магнит меридианлар учрашган жойлар магнит қутблари дейилади. Магнит қутблари ҳолати ўзгариб туради. Мас., 1931 йилда Шимолний магнит қутби 70.5° шимолний кенлик ва $96^{\circ}46'$ ғарбий узунликда бўлган бўлса, 1970 йилда эса 75.05° шимолний кенлик ва 99.01° ғарбий узунликда эди. Магнит оғнишини билан ориентир олишда, деңгизда сузишда, авиацияда ва б. соҳаларда катта аҳамиятга эга. Магнитланган стрелка йўналиши билан ердаги горизонтал юза ўртасида маълум бурчак ҳосил бўлади, ана шу бурчак магнит энкайиши дейилади. Экваторда магнит энкайиши бурчаги деярли 0 га тенг бўлади, магнит қутбларида эса бу бурчак 90° га тенг, яъни стрелка вертикал ҳолатга келади. Маълум жойида магнит стрелкасининг нормал ҳолатдан фарқ қилиши магнит аномалиялари деб аталади; магнит аномалиялари ер пўсти ичида темир рудасининг катта конлари борлиги оқибатидир. Е. м. асрий тебранишга ва тез ўзгариш хусусиятига эга.

Ер мантияси — қ. *Мантия*.

Ер ости сувлари — тоғ жинсларидаги говаклар, ғор ва ёриқларда йиғилган қаттиқ (муз), буғ ва суюқ ҳолатдаги сувлар. Е.о.с. дарё, деңгизлар ва умуман наст томонга

қараб доимо ҳаракат қилади ва булоқ бўлиб оқиб чиқади. Е. о. с. бор жинслар сувли жинслар, қатламлар эса, сувли қатламлар дейилади, Ер юзасига яқин биринчи сувли қатламда грунт сувлари жойлашади, грунт сувлари жойлашади. Грунт сувлари тагида босимли артезиан сув қатламлари бўлади.

Е.о.с. таркибида турли химиявий элементлар, органик моддалар, газлар ва бактериялар бўлади. Таркибида турли минераллар бўлган сувлар шифобахш бўлса, минерал сувлар дейилади. Аҳоли, саноат ва яйловларни сув билан таъминлашда, ерларни суғоришда, медицинада (минерал сувлар), иссиқлик билан таъминлашда (иссиқ сувлар), ҳар хил туз ва химиявий элементлар (йод, бор, бром, ва б.) олишда Е.о.с. нинг аҳамияти катта.

Ертомирлар — ер пўсти ёриқларини тўлдирган минерал жисмлар. Ёриқлар чуқурдан чиққан магматик рудали ва рудасиз минераллар билан тўлган бўлиши мумкин. Эни 2 км гача етгани ва ундан ҳам ортқ бўлиши мумкин, ер ичига эса жуда узоқ кирган бўлади. Е. да рангли, қора ва нодир металллар кўп учрайди.

Ер ўзаги, ер ядроси, центростреа — Ер шарининг энг чуқур, ички зич қисми. Е.ў. нинг радиуси 3500 км, унда т-ра 2000—5000°C га боради. Е. ў. нинг асосий қисмини ташкил этган темир, никель ва кобальт элементлари суюқ ҳолатда бўлса керак. Моддалар зичлиги чекка қисмида 9.4 г/см^3 , ўрта қисмида $12\text{—}13 \text{ г/см}^3$. Босим чеккасида 1.4 млн. кг/см^2 , ўрта қисмида 3.5 млн. кг/см^2 .

Ер ўқи — Ернинг суткалик айланиши натижасида ҳосил бўладиган тўғри чизик. Е.ў. Ер марказидан ўтиб, географик қутбларни туташтиради. Е. ў. *эклиптика* текислигига нисбатан $66^{\circ}33'19''$, 85 (1960 й.) бурчак ҳосил қилган; бу

бурачак ҳар йили 0",468 дан ортиб бормоқда.

Ернинг иссиқлик минтақалари, Ернинг температура минтақалари—иклимни ер юзасида қуёш нисқлигининг тақсимланиши ва ҳаво температурасига қараб классификация қилиш системаси. Ер шарида одатда қуйидаги иссиқлик минтақалари ажратилади: иссиқ минтақа — бу ерда умуман совуқ бўлмайди. Радиация баланси (R) йилга 60 ккал/см² дан ортиқ, актив температураларнинг йиллик миқдори 6000—8000°C га тенг; 2 та мўътадил иссиқ минтақа — йиллик радиация баланси 50 дан 60 ккал/см² гача, актив температуралар йилгидис 4000—6000°C, энг салқин ойнинг ўртача температураси 4°C дан юқори. 2 та мўътадил минтақа — йиллик радиация баланси 20 дан 50 ккал/см² гача, актив температуралар йилгидис 1500—4000°C; 2 та мўътадил совуқ минтақа — йиллик радиация баланси 20 ккал/см² дан кам, энг илқ ойнинг ўртача температураси 10°C билан 5°C оралиғида; 2 та совуқ минтақа — энг илқ ойнинг ўртача температураси 5° дан юқори кўтарилмайди, сув йилнинг кўп вақтида қор ва муз ҳолатида бўлади.

Ерларни сифатий баҳолаш — 1) қишлоқ хўжалик ерларини табиий ва инсон таъсирида вужудга келган хоссаларига (тупроқларнинг хил, шўрланганлик даражаси, рельефи, намлик миқдори) ҳамда унмдорлигига ёки оқилона фойдаланишганда қанча даромад келтиришига қараб классификация қилиш; 2) ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашнинг синоними. Ерларни сифатий баҳолашда фойдали иссиқлик ва намлик миқдори ҳамда тупроқ чириндисини асосий крсаткичлар ҳисобланади.

Ернинг йиллик ҳаракати — Ернинг Қуёш атропоида бир марта тўлиқ айланиб чиқishi. Ер Қуёш атропоини 365 кун 5 соат, 48 минут,

46 секундда айланиб чиқади. Ернинг Қуёш атропоида босиб ўтадиган йўли — орбитаси 940 млн. км га тенг. Бу йўлни Ер ўрта ҳисобда соатига 107 минг км ёки секундида 29,8 км тезлик билан ўтади. Е. й. ҳ. оқибатида табиий ҳодисаларда ритмик ўзгаришлар, фаслларнинг алмашиниши рўй беради.

Ернинг суткалик ҳаракати — Ернинг ўз ўқи атропоида тўлиқ бир марта айланиб чиқishi. Ер ўз ўқи атропоида шарқдан ғарбга томон, яъни дунё шимолний кутби томондан қараганда соат стрелкаси ҳаракати йўналишига тескари томонга айланади. Е. с. ҳ. Қуёшга ёки юлдузларга қараб аниқланиши мумкин. Е. с. ҳ. юлдузга қараб аниқлаганда 23 соат, 56 минут 4 секундга тенг. Е. с. ҳ. оқибатида тун билан кун алмашинади, табиатда суткалик ритмик ҳодисалар рўй беради.

Етакчи омил методи — табиий географик районлаштириш методларидан бири. Биринчи навбатда табиий комплексда етакчи роль ўйнаб, кўп жиҳатдан бошқа компонентлар характерини ҳам белгилловчи омил асос қилиб олинади. Етакчи омил бир компонент ёки бир неча компонентдан иборат бўлиши мумкин. Ҳар бир тақсонимик бирлик ўз етакчи омилга эга. Чунинчи, СССРдаги табиий географик ўлкаларни ажратишда геологик — геоморфологик омил етакчи роль ўйнаса, зонал областларни ажратишда биоклимий омил етакчи роль ўйнайди.

Етимтоғ, етимтов, етимчўққи — бошқа тоғлардан ажралиб турган яқин чўққи, тоғ; атропоидаги тоғлар емирилиб кетган кўҳна тоғли р-нларда кўп учрайди. Қизилқумда Етимтоғ, Етимчўққи деган тоғлар кўп.

Етти иқлим — қадимги Ўрта Осиё. Эрон ва Юнонистон фанида Ер юзини табиати, аҳолиси ва бойлиқларига қараб қисмларга бўлиш усули. Е. и. ҳозирги «табиат зонаси» тушунчасига бирмунча тўғри

келади. Ернинг аҳоли яшайдиган қисми — маъмура ёки рубъи маскун, яъни шарқий ярим шарнинг шимолий палласи (у вақтда ғарбий ярим шар ҳали номатълум эди) 7 иқлимга — зонага бўлинган. Биринчи иқлим экватор атрофларини ўз ичига олган, иккинчи, учинчи ва б. иқлимлар экватордан шимолга томон алмашиб борган. Бир иқлим билан

иккинчи иқлимдаги энг узун кунлар ярим соатдан фарқ қилган. Урта Осиё 4- ва 5-иқлимларга тўғри келган. «Фарғона вилояти бешинчи иқлимдандир. Маъмуранинг канорасида воқеъ бўлибтур» («Бобирнома», Т. 1959 й, 59-бет.). Е. и. тушунчаси Урта Осиё фанида 19-а. охирларигача ишлатилган.

Е

Евон, ё бон — чўл, дашт, текислик. Тарихий манбаларда ва бадий адабиётда кўп учрайди. Жой номлари таркибида қолган: Евон дашти, Евонсув сойи (Жанубий Тожикистон), Езёвон чўли (Фарғона водийси).

Ёз — 1) йилнинг энг иссиқ фасли. Шимолий ярим шарнинг мўътадил минтақасида июнь, июль, август ойларига, жанубий ярим шарда декабрь, январь, февраль ойларига тўғри келади. Йилнинг иссиқ ярми ҳам кўпинча ёз деб юритилган. Айрим туркий тилларда мас., қирғизларда баҳор фасли ёз (жаз) дейилади; 2) дала, яланглик, сайхон ер, дашт. Жой номлари таркибида бор: Езёвон чўли.

Ёзи — текислик, очиқ текис ер, қ. *Ёз*.

Ёзлоқ — ёзда чорва моллари боқиладиган жойлар, ёзги ўтлоқлар. Тяньшань сиртлари, Олай водийси ёзлоқ жойлардир.

Ёйилма — 1) дарё, сой, жилга ва б. донмий ёки вақтли оқар сувлар тоғлар, қирлар, адирлар орасидан текисликка чиққан жойда сувдаги оқизик жинслар чўкиб ҳосил бўладиган салгина қабарик қия текислик (ёйилма конус); 2) дарё, сой, сувлари жуда кенгайиб оқадиغان жой; 3) сув тошқини вақтида дарёларнинг сув босиб кетадиган пастак соҳили, қайир.

Ёйилма конус — текисликка ёки водийларнинг кенроқ қисмига оқар сувлар келтирган жинсларнинг тўиланишидан ҳосил бўлган ярим конус кўрinishидаги салгина

қабарик рельеф шакли. Е. к. лар ҳар хил катталиқдаги тоғ жинсларидан иборат бўлади. Тупроқлари ёш, ўсимликлари сийрак, майдони бир неча 10 м² дан ўнлаб км² гача етиши мумкин. Е. к. Ўзбекистонда тоғ этакларидаги текисликларда, водийларда кўп учрайди.

Ёллар — камбар ва унча баланд бўлмаган қирлар. Бундай қирлар (гривалар) Ғарбий Сибирнинг жанубий қисмида кўп учрайди. Бу ерда улар жануби-ғарбдан шимолий-шарққа томон чўзилб кетган.

Ёлғиз тоғ — нураб текисланган ерларда яқка ёки ўрта жойланган қолдиқ тоғлар. Тоғли қаланинг эрозия натижасида емирилиб кетиши, водийларнинг кенгайиши оқибатида ҳосил бўлади. Қизилқумда, Африкада, Марказий Осиёда, Катта Ҳавза, Мексика, Бразилияда бор: қ. *Етимтоғ*.

Ёмғир — булутдан томчи ҳолда ёғадиган ва томчисининг диаметри 0,5 мм ҳамда ундан катта бўлган суюк ёғин. Ёмғирли қат-қат булутдан ёғадиган шивалама Е. ва ёмғирли тўп-тўп булутдан ёғадиган жала Е. бўлади.

Ёмғир тўсиғи — тоғларнинг ёғин келтирувчи шамолларга терс ёнбағри ва тоғ оралиғидаги ботиқлари. Сернам шамоллар тоғ ёнбаридан кўтарилаётганда ёғин беради. Тоғдан ошиб тушаётганда аднабатик қизиб, конденсация нуқтасидан узоқлашади ва ёғин бермайди. Мас., Қурама тоғларининг шарқий ёнбағрида, Фарғона во-

дийсининг ғарбий чеккасында шулай.

Емғир ұлчагич — қ. *Егнййлчагич*.

Ен эрозия—оқар сувнинг ұзан (дарё водийси, жар) ён томонин юйиши, Е. э. натижасида дарё водийси, жар кеңгая боради, меандрлар ҳосил бўлади. Е. э. чуқурлаши эрозияси билан бир вақтда давом этади, лекин эрозия базиси баланд бўлиб, дарё текисликдан оққанда айниқса кучаяди (қ. *Эрозия*).

Ена — тоғ, тена, қир ёнбағри. Туркистон, Ҳисор тоғ тизмалари, умарининг тармоқлари этаги ва водийларида ёнбағир ена деб юритилади. Мас., «Енадаги сўкмоқ қишлоққа тўппа-тўғри олиб чиқади».

Енартоғ — сўймаган вулкан тоғи, қ. *Вулкан*.

Ёнбағир — бўртма, баланд рельеф шаклларининг (тоғлар, тепалар, дўнғлар) атрофдаги пастликлар билан туташган ён қисмлари. Е. лар шаклига кўра ботиқ, текис, қабарик бўлади. Текис Е. юқорисидан тагигача бир хизда қия бўлади, этаги текисликдан яққол ажралиб туради. Қабарик Е. нинг юқори қисми сўйрик (кьялиги кам) бўлиб, пастга томон тиклашиб боради. Ботиқ Е. да юқори қисми тик, пастга тушган сари тиклиги камайиб, этаги текисликка аста-секин қўшилиб кетади. Е. нинг бу уч хил шакли унинг тараққиёт босқичига боғлиқ; ёш Е. тик ва қабарик бўлади.

Ёнувчи газлар — ёнувчи углеводород газлари. Е. г. орасида метан, этан, пропан кўпчиликини ташкил этади. Е. г. табиатда алоҳида конлардан ҳам чиқади, нефть билан бирга ҳам чиқади. Е. г. га табиий ҳолда азот, карбонат ангидрид, водород сульфид, инерт газлар аралашган бўлади. СССРда Е. г. нинг энг катта конлари Ғарбий Сибирда, Урта Осиёда, Волгабўйи, Шимолий Кавказ, Украина, Уралда топилган. Чет элларда АҚШда энг кўп қазиб чиқарилади,

Яқин ва Урта Шарқда, Шимолий Африкада, Канада, Венесуэлада ҳам катта конлари бор.

Еп ёб — Хоразмда ўрта ва кичик канал. Баъзан ариқ ҳам Е. дейилади (Қорақалпоғистон ва Ғарбий Қозоғистонда— жап), Тожикистоннинг айрим жойлари (Бадахшон) да дарёни Е. дейишади. Ўзбекистон ва Туркменистонда Е. сўздан таркиб топган номлар кўп: Бузён, Калтаминорён, Лениён ва ҳ. к.

Епиқ денгиз — қуруқлик ичкарисига узоқ кириб борган ва денгизлар, океанлар билан тор бўғозлар орқали қўшилган турган денгизлар. Мас., Урта денгиз, Қора денгиз, Қизил денгиз, Азов денгизи, Балтик денгизи.

Епиқ ғор (кўр ғор) — оғзи нуруқ жинслар, ўсимликлар билан тўсилиб қолган ёни умуман ер юзасига очилмаган ғорлар. Ер юзасига очилмаган ғорлар қарет ўлкаларида кўп учрайди. Улар қарет воронкалари, чуқурликларидан, ёриқлардан сингиб кирган сувнинг тоғ жинсларини эритиб олиб кетишдан ҳосил бўлади. Е. в. лар сув ишоотлари қурилишида хавфлидир.

Ёриқ — Ер пўстида тектоник ҳаракатлар натижасида ҳосил бўлган синиқ. Тоғларда қаттиқ жинслар дарз кетиб, ажраб кетган жойлари, жуда тор даралар.

Ёруғ тун — юқори географик кенгликларда ёзги тунлар. Ёруғ тунларда Қуёш ботса ҳам, лекин осмон ёруғ бўлганлиги учун тунлар қош қорайгандай ўтади. Е. т. лар Қуёшнинг ярим тундаги баландлиги —18° дан юқори бўлганда рўй беради.

Ёруғлик йили — астрономияда масофа ўлчов бирлиги. Ёруғлик нури бир троник йилда босиб ўтган масофага тенг. Е. й. 0,307 парсекка, $9,46 \times 10^{12}$ (9460 млрд.) км га тенг.

Ёш тоғлар — кайнозой эрасида рўй берган альп бурмаланишида пайдо бўлган тоғлар. Буларга Урта денгиз — Индонезия ва Тинч

океан минтақасидаги тоғлар ки-
ради.

Ешарган тоғлар — қадимги бурмаланишларда пайдо бўлиб, кейинчалик емирлиб, текислаиб қолган ўлкаларда альп бурмаланишида қайтадан кўтарилган тоғлар. Мамлакатимиздаги Олтой, Тяньшань, Саян, Забайкалье тоғлари Ё. т. дир.

Ёқа — чекка қирғоқ, бўй маъноларида қўлланилади. Мас., дарё ёқаси, дала ёқаси, жар ёқаси ва ҳ. к.

Ёқилғи — энергетика баланси, энергобаланс (французча *баланс* — тарози) — муайян вақт ичида, одатда, бир йилда мамлакат территориясидаги ёқилғи ва энергиянинг кىрим-қиқим инебати. Ёқилғи баланси тузаётганда турли ёқилғилар ҳисобга олинади (гидроэнергия бундан мустасно). Энергобалансини ҳисоблаш учун барча энергия ва ёқилғи турлари шартли ёқилғига айлантирилади (қ. *Шартли ёқилғи*).

Ёгингарчилик — ёгин-сочининг тез-тез ва кўп бўлиши. Ўрта Осиё текисликлари ва тоғ олдиларида қиш ва баҳор Ё. давр ҳисобланади.

Ёгинлар — сув буғларининг қуюқлашиши натижасида ҳаводан тушадиган сув. Ё. булутлардан ёмғир, қор, дўл ва муз зарралари кўринишида тушади. Шудринг ва қиров ҳам Ё. ҳисобланади.

Ё. миқдори тушган Ё. нинг су-
юқ ҳолатидаги қатлами қалинли-
гини (мм да) ўлчаб аниқланади.
Ё. миқдори метеорологик станция-
ларда махсус асбоблар — ёгинўл-
чағичлар ёрдамида ўлланади. Жой-
нинг географик кенглигига, денгиз
ва океанлардан узоқ-яқинлигига,
шамол йўналишига ва жойнинг
рельефига қараб, ер юзининг турли
ри-ларида Ё. миқдори ҳар хил бў-
лади. Ўзбекистон терр-ясида йил-
лик ёгин миқдори 80—90 мм дан
(Орол денгизининг жанубидаги
баъзи жойларда) 1000 мм гача
(тоғли р-ларда) етади. Ер шарининг
баъзи жойларида йиллик Ё.
миқдори ҳатто 12 минг мм га ета-
ди. Ё. таркибида сувдан ташқари
чанг зарралари, микроорганизм-
лар, шунингдек, радиоактив эле-
ментларнинг парчаланишидан ҳо-
сил бўладиган махсулотлар ҳам
бўлади.

Ёгин-сочин — қ. *Ёгинлар*.

Ёгинўлчағич — СССРдаги ме-
теорологик станцияларда ёгин
миқдорини ўлчаш учун қўлланила-
диган асбоб. Сув йиғилдиган че-
лакдан (юзаси 200 см²) ва ёгин
ўлчағич стакандан иборат бўлади.
Ёгин суви челақдан миқдор бў-
линмалари белгиланган стаканга
қуйилади. Бу бўлинмаларга қараб
ёгин миқдори мм ҳисобида аниқ-
ланади. Челақ тик устига ўрнати-
либ, атрофи қор учиб кирмаслиги
учун тўсилган бўлади.

Ж

Жабал — тоғ. Ж. арабча сўз бўлиб, Ўрта Осиёдаги географик номларда учрайди Араб мамлакатларида кўпинча тоғ номларига қўшиб айтилади. Мас., Жабал Шом, Жабал Ахбор ва б.

Жавзо (арабча *жавзо* — эгизак)—1) Зодиак зонасидаги юлдузлар туркуми; 2) Қуёш (Шамсия) йил ҳисобининг учинчи ойи, 22 майдан 21 июнгача давом этади. Бу вақтда Қуёш Ж. юлдузлар туркумидан ўтади. Жавзо ёзининг би-

ринчи ойи. Бу ойда Ўрта Осиёда арпа пишади.

Жавоҳирлар — қимматбаҳо ва безак буюмлари тайёрлаш учун ишлатилдиган ҳар хил таркибли минераллар. Ж. чиройиллиги, рангининг тиниқлиги ва бир хиллиги, ялтироқлиги, товланиши, қаттиқлиги каби хусусиятлари билан қадрланади. Юқори нур синдириш хусусияти минералларнинг ялтироқлигини кучайтиради. Ялтироқлик хусусияти минералга жило

берилганда яна ҳам ортади. Олмос, ёқут, лаъл, зумрад, платина, олтин, марварид, феруза, биллур (хрусталь), ақиқ, қаҳрабо ва б. Ж. днр.

Жад доираси — экватордан 23°27' жанубда жойлашган параллел, жанубий тропик. 21 ёки 22 декабрда Қуёш шу кенгликда зенитда бўлади ва Қуёш экватордан энг жанубга ўтган бу нуқтани қишқи Қуёш туриши нуқтаси дейилади. Қуёш бу вақтда Жад юлдузлар туркумида турганидан бу кенглик Ж. д. дойнади.

Жадди—1) Зодиак зонасидаги юлдузлар туркуми; 2) Қуёш (Шамсия) йил ҳисобининг ўнинчи оғи, 22 декабрдан 21 январгача давом этади. Ж. қишнинг энг қаттиқ оғи.

Жайхун—1) Амударёнинг қадимги номларидан бири; 2) ҳар қандай дарё; 3) машҳур дарёлар— Амударё, Сирдарё, Фурот. Давла ва б. Мас., Жайхун Чочий— Сирдарё, Жайхун Хоразм— Амударё.

Жала— йирик томчили кучли ёмғир, шаярос ёмғир. Баҳор ва ёз ботида циклон фаолияти жуда кўлиниб, кўтарилма оқим тезлашганда, циклоннинг салқин fronti ўтабганда бўлади.

Жангал— дарёнинг қайири ва pastки террасаларидаги қалин бутазорлар, чакалқор, ўрмонлар. Хозирги ўзбек адабий тилида чангал, чакалак, чангалзор шаклида қўлланилади.

Жануб, **Жануб нуқтаси**— жануб нуқтасига томон бўлган йўналиш, ҳақиқий горизонт чизиги билан осмон маҳаллий меридианининг кесилиши жойи. Ж. нуқтаси горизонтнинг асосий нуқталаридан бўлиб, шимол нуқтасига қарама-қаршидир.

Жар— оқар сувлар юмшоқ тоғ жинсларини ўйиб ҳосил қилган чуқурлик. Ж. асосан, лёсс, лёссмон қумоқдан тузилган баланд текисликларда тоғ этаги қияликларида кўн учрайди. Ж. оқова ва

ташлама сувларни оқизиб қўйиш, ўрмонларни кесиб юбориш, агро-техника қондаларига хилоф ер хайдан, тартибсиз мол боқиш натижасида ҳам вужудга келади. Ж.нинг узунлиги бир неча ўн км, кенглиги ва чуқурлиги бир неча ум м гача бўлади. Ж. лар одатда, юқори қисмининг ўйилиши ҳисобига ўсади, таги ер ости сувиға етгандан кейин чуқурлашишдан тўхтайдн. Ж. кўпайиб кетмаслиги учун дарахтлар ўтказилади, тўғон ва тўсиқлар, тарновлар, сув омборлари қурилади.

Жар-жузга — ер юзасини кўпдан-кўп жарлар ўшқир-чўқир қилиб юборган жой; тилинган ер; бузуқ ер. Урта Осиёда тоғ олди лёсс текисликларнда кўп учрайди.

Жарлик — тоғли чакалардаги тик ёнбағирлар, дарёлар баланд террасаларининг тик кесилган чеккалари, денгизларнинг урилма тўлақинлар ҳосил қилган баланд қирғоқлари. Дарёлар қалин лёсс жинсларининг остини ювиши натижасида ҳам Ж. ҳосил бўлади. Тектоник ёриқлар бўйлаб узилмалар рўй беришидан ҳам Ж. вужудга келади. Ж. ларни одатда ён жарлар кесиб тушган бўлади.

Жангоқ — нотекис, насти-баланд, дўр-қир ер. Сув, шамол эрозияси натижасида ҳосил бўлади.

Жилтир муз — ют. Қишда кун илиб, қор эриб, унинг қетидаи совуқ келиши натижасида ҳосил бўлади. Хўл қор муз бўлиб қолади. Яйловдаги қорва учун жуда хавфли; к. *Ют*.

Жилга — қор-ёмғир сувларидан ҳамда булоқлардан пайдо бўлган оқар сув, кичик сой. Урта Осиёда кўпчилик Ж. лар ёзда қуриб қолади.

Жим — дарёлар ўзанининг сув секин оқадиган чуқур қисмлари.

Жимбулоқ — булоқ кўзи билан сувли қатлам сатҳи тенг бўлган, сув сувли қатлам жинсларни орасидан сизиб чиқадиған булоқ. Бундай булоқлар кўпичча сизот сувлар тарқалган ерларда бўлади.

Жингалак ҳоя — ҳаракатланаётган муз қириб, силлилаб кетган туб жинслар, қаттиқ тоғ жинслари. Бундай қоялар антропоген давр музлари босган ўлкаларда, ҳозирги Баланд тоғларда тарқалган. Ж. қ. ларнинг муз келган томонга қараган ёни қия, тескари томони тикроқ бўлади. Одатда Ж. қ. лар яланғоч тошлар бўлиб, муз тарошлари аниқ кўришиб туради.

Жой — 1) ландшафтининг энг катта морфологик таркибий қисми, бир хил рельефга эга бўлган (мас., водни рельефи, сувайирғич, текислик рельефи ва ҳ. қ.) урчишелар группаси; 2) бирор қорхона, муассаса, шахсга қарашли ер; майдон; зона.

Жой тиви — тоғ жинслари литологик тузилшид бир хил бўлган, рельефининг маълум бир хил шаклида жойлашган, хўжалик жиҳатидан бир хил қийметга эга бўлган урчишелар йиғиндисидан иборат территория. Хар қайси Ж. т. га бирер хил ўсимлик формацияси ва тувроқ хили хос бўлади. Ж. т. тушунчасини регионал маънода ландшафт тушунчасига синоним дейиш мумкин.

Жуниг — субтропик ва тропик минг қилларнинг муссон иқлимли ўлкаларида (Ҳиндистон, Ҳиндихитой, Зовд ороллари ва ҳ. қ.) тарқалган қалн ўрмонлар. Ж. да дарахт ва буталар ҳамда уларга чирмашиб ўзган ливаналар одам ўтishi қийин бўлган чапталзорлар ҳосил қилади. Ж. да кенг тар-

қалган дарахт турларидан бири гаров — бамбук (яна қ. *Жангал*).

Жўй — ариқ, канал. Тарихий манбаларда, ҳозирги пайтда эса, асосан, Бухоро ва Самарқанд областларида ариқ, баъзан кичикроқ канал Ж. деб аталади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу сўзнинг кичрайтирилган (диминутив) шакли — ж ў я к сақланиб қолган.

Жўйбор — канал, дарё, ариқ, баъзан ариқ бўлидаги жойлар; тарихий манбаларда, хусусан вафр-номаларда кўп учрайди.

Жўна, ж ўн — узунасига чўзилиб кетган баландлик, тепа, қир, сувайирғич. Географик номлар таркибида ҳам учрайди. Мас., Жўнариқ.

Жўша — қизил гил (көзак). Қудолчиликда муҳим хом ашё ҳисобланади. Сопол идишларга қизил ранг ёки нақш беришда қўлланилади. Бунинг учун идиш сувада суюлтирилган Ж. га чайиб олинади ёки суюклик билан унга нақш берилади. Ж. Андижон ва Марғилонда р ў ш а ҳам дейилади.

Жўяк қум — бир-бирига параллел жойлашган камбар қатор-қатор қум дўнглари. Ж. қ. кўп эълдиган шамоллар йўналишига мос жойлашган бўлади. Узунлиги бир неча км га, баландлиги 1 м дан 70 м гача боради. Жўяклар ора-тигидаги частликнинг кенглиги 2—4 км га тенг. Ўрта Осиё чўлларида чала мустаҳкамланган ва ўсимликлар қоплаган Ж. қ. кўп тарқалган.

3

Заказник — терр-я ёки ква-ториянинг бир қисми. З. да барча табиий комплекс эмас, балки унинг алоҳида элементлари: ўсимликлар, ҳайвонлар ёки баъзи бир ҳайвон турларигина муҳофаза қилинади. Яна қ. *Қўриқхона*.

Зандрлар (исландча *санд* — қум) — музликлар (асосан тўртламчи давр музликлари) нинг охири ва чеккасида морена жинслари-

ни муз сувлари ювиб кетиши ҳамда қайта ётқизиши натижасида вужудга келган қумлоқ-тошлоқ текисликлар. Тиллик зандр текисликларига СССРнинг Европа қисмидаги Полесье ва Меньчера текисликлари мисол бўлади.

Заповедник — қ. *Қўриқхона*.

Заранг ер — қаттиқ, зич туپроқли ер. З. е. Туپроқ ҳосил қилувчи жинслар жуда майда зар-

рали (чанг), чиринди кам, таркибида гипс, туз мавжуд бўлганда вужудга келади. Бундай ерга сув сингмайди. Ёгингарчилик даврида кўлмактар ҳосил бўлади. Қурғоқчилик вақтда ер юзаси ёрилиб-ёрилиб кетади. Тупроқ берч бўлади; қ. *Тақир*.

Зах — сизот сувлар ер юзасига яқин бўлган ёки чиқиб ётадиган, асосан ботқоқ ўсимликларни ўсадиغان ер.

Захкаш — ер ости сувлари таъсирида намқиб ётадиган ер: оғова ва зах суви оқадиган ариқ, зовур ҳам З. дейилади.

Заяк (суғдийча *зой* — ер ва суффикс — ак) — олдин экин экилиб, кейин ташлаб қўйилган жой — партов ер: кўпинча галла экиб келинган ерлар З. дейилади. Жой номлари таркибида ҳам учрайди.

Зенит (арабча *самт* — йўл, йўналиш) — осмон сферасининг кузатувчи тепа­сидаги нуқтаси: шоқул (вертикал) чизиқ осмон сферасини ана шу нуқтада кесиб ўтади.

Зибун — қирғоқдан бирданга чуқурлашиб кетадиган кўлларда сув бетини кинизга ўхшаб қоплаб оладиган ўсимликлар қоплами. З қирғоқдан кўл ичкари­сига ўсиб бориб, кўлни бутун қоплаб кетиши мумкин. З. одатда сабъёлик, белокрильлик, сфаги йўсини, қиёқ, багульник ўсимликларидан ҳосил бўлади.

Зилзила, ер қимирлаш — Ер иўстининг ички қисмидаги табиий кучлар таъсирида содир бўладиган силкинишлар. Сабабларига қараб тектоник, вулкан ва ёририлиш З. ларига бўлинади. Силкиниш пайдо бўлган жой З. ўчоғи, унинг маркази эса гипоцентр дейилади. З. ўчоғи Ер иўстидан 50 км гача, баъзан 700 км гача чуқурликда бўлиши мумкин. Гипоцентринг ер юзасидаги нуқтаси элицентр дейилади. Силкинишлар элицентрда қаттиқ бўлиб, ундан узоқлашган сари силкиниш кучи сустая боради. З. кучи сейсмик станцияларда сейсмо-

графлар воситасида ўлчанади. Кучли З. да ер юзасида жарлар, ёриқлар пайдо бўлади, қоялар ағдарилиб тушади, дарё ўзанлари тўселади, фонтанлар юзага келади, буларнинг ҳаммаси сув тошқини, ёнғинларга сабаб бўлади. Натижада З. бўлган жойнинг қиёфаси ўзгаради.

З. кўпинча тектоник ҳаракатлар тез-тез юз берадиган тоғли р-нларда содир бўлади (Тинч океан ва Ўрта денгиз бўйлари, Альп, Кавказ-Химолай тоғлари).

СССРда бўладиган З. ларининг кўпчилиги Карпатдан Камчаткагача бўлган зонада содир бўлади. Ўрта Осиё ҳам жуда актив сейсмик р-н ҳисобланади. 1966 й. 26 апрелдаги Тошкент З. си ўрта қувватли бўлишига қарамай, З. ўчоғи ер юзига яқин жойлашганлиги тўғрисида қисман вайронагарчиликка сабаб бўлди. З. кучи сейсмик баллар билан аниқланади. СССР да 12 балли сейсмик шкала қабул қилинган. З. сабабларини сейсмология фани ўрганadi. Бир йил мобайнида 100 миңдан 1 млн. мартагача З. бўлиши мумкин. Шулардан бир неча миңта­сигина кишиларга сезилади. Халқ хўжалигига зарар етказадиган З. лар эса йилига бир неча юз марта бўлади.

Зимистон — 1) қиш фасли. Қаттиқ, сербурут қиш, кўпинча қиш чилласи З. деб юритилади; 2) тин қоронғилик.

Зов — тик қоя, жарлик, баъзан чуқур дара. Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё областларида. Қирғизистонда, шунингдек, Эрон ва Афғонистонда жой номлари таркибида кўп учрайди: Кўкзов, Қизилзов (Зомин р-ни) ва ҳ. к.

Зовур, дренаж — ер шўрнини ювиш, ер ости ва сизот сувлар сатҳини пасайтириш, тўқай ва зах ерларни қуритиш мақсадида қазилган ариқ ва ётқизилган қу­вурлар системаси. Ҳозир очиқ ёки

ёниқ ариқ ва қудуқ типидagi З. лар мавжуд.

Зодиак — эклиптика бўйлаб жойлашган юлдуз туркумлари минтақаси. З. минтақасида 12 та юлдузлар туркуми бор. Уларни арабча номи билан аташ кенпроқ тарқалган. Булар: Хамал (Қўй), Савр (Сигар), Жавзо (Эгизак), Сарвтон (Қиеқичбақа), Асад (Арсеон), Сувбула (Бошоқ), Мезон (Тарози), Ақраб (Чаён), Қавс (Бў), Жалди (Тоғ эчкиси), Далв (Ковга), Хут (Балик). Қуёш осмон сферасида ҳаракати вақтида бу юлдузлар туркумларидан тахминан бир ой-бир ой давомида ўтади. Қуёш қайси юлдузлар туркумларидан ўтаётган бўлса, Шамсия календаридagi ойлар шу ном билан аталади.

Зона (юнонча *zone* — поя, минтақа) — Ер юзининг бошқа жойларидан бир қанча хусусиятлари билан фарқ қиладиган ва қўшни икки параллел ёки меридиан орасида жойлашган қисми, минтақаси (қ. *Географик зоналар*).

Зонал область — табиий географик районлаштиришдаги таксономик бирлик. З. о. географик зонанинг ўлка доирасидаги қисмининг ўз ичига олади. Чунончи, СССРнинг тайга зонаси, Россия текислиги тайгаси, Фарбий Сибирь тайгаси, Ўрта Сибирь тайгаси, Шимоли-Шарқий Сибирь тайгаси каби З. о. ларга бўлиниши мумкин.

Зоналикнинг даврий қонуният — турли географик минтақаларда бир-бирига ўхшаш ландшафт

зоналарининг такрорланиши, мас. чўл ландшафт типи ва, бинобарин, чўл зонаси мўътатил минтақада ҳам, субтропик минтақада ҳам, тропик минтақада ҳам учрайди; ўрмон зонаси ҳам турли минтақаларда такрорланади. З. д. қ. асосида турли территориялар намланиш даражасидаги ўхшашлик ётади. Бу қонуниятни А. А. Григорьев ва М. И. Будико кашф этганлар. З. д. қ. нинг асосий кўрсаткичи қуруқликнинг радиацион индекси-дир. Қуруқликнинг радиацион индекси зона радиация балансининг шу зонага тушадиган йиллик ялпи ёғиннинг буғлатишга кетадиган иссиқликка бўлган нисбати билан ифодаланади. Бу кўрсаткич ҳар бир зонадаги табиий жараёнларнинг интенсивлик даражасини аке эттиради. Қуруқликнинг радиацион индекси бирга тенг бўлса, табиий жараёнлар энг интенсив ривожланади.

Зоогеография, ҳайвонлар географияси — зоология ва табиий географиянинг бир бўлими, ҳайвонларнинг Ер шарида ўтмишида ва ҳозирги замонда географик тарқалишини, бунинг хозирги ва тарихий тарқалиш омиллари ҳамда қонуниятларини ўрганади.

Зооценоз — табиий шароити бир хил бўлган жойда тарқалган ҳайвонлар группаси. Мас., қумли чўл зооценози.

Зюйд (голландча) — жануб. Қисқартрилиб S ҳарфи билан ёзилади.

И

Изза — ер ости ва грунт сувлари ер юзасига чиққан, сув ўтказмайдиган қатлам юза жойлашган, атрофдаги ерларга нисбатан ботиқ жойлардаги ўта нам ерлар. Қўпичча ботқоқликка, билкиллама ерга айланган бўлади. Кўпроқ адир, тоғ, тепалар этакларидаги ер ости сувлари юзага чиққан жойларда учрайди.

Изобаралар — график тасвирда (мас., географик карталар, изобарик процесслар диаграммаларида) бир хил босимли нуқталарни бирлаштирадиган чизиқлар (қ. *Изочизиқлар*).

Изочизиқлар — географик карталарда, графикларда бир хил қийматли миқдорлар (мас., босим, денгиз чуқурлиги, т-ра) ни бир-

лаштирувчи чизқилар: **и з о б а р а** — ҳаво босими бир хил бўлган нуқталарни бирлаштиради; **и з о б а т л а р** — сув ҳавзалари рельефининг бир хил чуқурликдаги жойларини бирлаштиради; **и з о г н е т а** — маълум вақт (ой, йил, фасл ва б.) да ёғинлар миқдори бир хил нуқталарни бирлаштиради; **и з о г н и с е** баландлиги бир хил нуқталарни бирлаштиради (қ. *Горизонталлар*); **и з о т а х а** — шамол тезлиги бир хил нуқталарни бирлаштиради.

Илдирим — чақмоқ, янни, учкун.

Илиш — қишда узоқроқ чўзилган совуқ кунлардан кейин ҳаво температурасининг кўтарилиши. И. кўпинча илқ ҳаво оқими келиши натижасида рўй беради. Агар И. дан кейин ҳаво яна кескин совуса, *ют* бўлади.

Илон — дарё ва йўллarning эри-бугрилиги. Дарёларда чуқурлатиш эрозияси туғаб, ён эрозия бошланганда ўзай И. и. шаклини олади. Бунда ўзай гоҳ ўнг, гоҳ чап томонга бурилиб, тиреаклар ҳосил қилиб оқади; қ. *Меандр*.

Иммиграция (латинча *иммигранс* — ўришувчи), **м у ҳ о ж и р л и к** — бир мамлакат фуқароларининг доимий ёки вақтинча яшаш учун бошқа мамлакатга келиши.

Импорт — (латинча *импорто* — кiritиш) — чет мамлакатлардан бeнcи мамлакатга ички бозорда сотиш учун товар келтириш. Бир мамлакат учун И. бўлган товар иккинчи мамлакат учун **экспорт** ҳисобланади.

Инвестиция (инглизча *invest* — қўйиш) — қ. *Капитал қўйиш*.

Индустриалаш (латинча *индустрия* — фаолият) — ҳозирги замон корхоналарини қуриш ва фахтехника ютуқларини ишлаб чиқаришининг барча тармоқларига жорий қилиш йўли билан ривожланган саноатни бунёд этиш. И.нинг шакллари, методлари, суръати ва бeсeччалари муайян тарихий

ва социал-иқтисодий шароитга боғлиқ. Социалистик И. мамлакатнинг ибeсий, техник-иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва аҳоли моддий фаровонлигини кўтариш учун қолоқ аграр мамлакатни саноатланган мамлакатга айлантириш мақсадида амалга оширилади. СССРда социалистик И. процесси душман капиталистик қуршов шароитида бўлди ва жуда катта суръатларни талаб қиларди. Техник-иқтисодий қолоқликни тезда тутатиш учун ташқаридан ёрдам олимаган ва ҳарбий ҳужум хавфи шароитида оғир саноатни, айниқса машинасозликни ва электрлаштиришни жадал ривожлантириш ва улар асосида бошқа саноат тармоқларини тиклаш йўли билан олиб борилди. Бошқа социалистик мамлакатларда И. бошқача шароитда амалга оширилмоқда. Халқаро социалистик меҳнат тақсироти шароити ҳар бир социалистик мамлакатда бу мамлакатнинг табиий, иқтисодий, тарихий шароити қайси тармоқларни ривожлантиришга энг қўлай бўлса, кўпроқ ўша тармоқларни ривожлантиришга имкон беради. Ривожланган мамлакатларда эса И. икки жаҳон системаси — социалистик ва капиталистик системалар мавжуд бўлган ҳамда фахтехника революцияси рўй бeраётган шароитда амалга оширилмоқда.

Инсоляция (латинча *инсоло* — офтобга қўяман) — муайян вақт (минут, сутка ва б.) давомида горизонтал юза майдонига (1 см²) тушган қуёш радиацияси. Бунда тўғри қуёш радиацияси ёки ялпи қуёш радиацияси назарда тутилади. Баъзан ҳар қандай юзага тушган қуёш радиацияси ҳам И. дейилади, мас., ёнабагирлар И. си ёки бино деворлари И. си.

Интеграция, **и қ т и с о д и й** **интеграция** (латинча *интеграцио* — тиклаш) — 1) капитализм шароитида: хўжалик ҳаёти интe-

паціоналлашнинг энг янги формаси бўлиб, турли мамлакатлар хусусий монополияларнинг бир-бирлари билан қўшилишиб кетиши ҳамда ўзаро иқтисодий алоқаларда ва учинчи мамлакатлар билан алоқа қилишда давлат монополиястик сўбатининг келишилган ҳолда амалга оширилишида, яъни турли корхона ва тармоқларнинг, шунингдек, турли мамлакатларнинг ишлаб чиқариш соҳасида бир-бирларига яқинлашуви, улар ўртасида узвий иқтисодий алоқа ўрнатилишида ўз аксини топади; 2) социалистик иқтисодий И. халқаро социалистик меҳнат тақсироти процесси. Ўзаро Иқтисодий Ердан Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатлар экономикаларини яқинлаштириш, юксак даражада самарали миллий хўжалик структураларини таркиб топтириш, социалистик мамлакатлар иқтисодий тараққиёт даражасини аста-секин бараварлаштириш, экономикаси, фани ва техникасининг асосий тармоқларида чуқур ва барқарор алоқалар ўрнатиш, бу мамлакатлар халқаро бозорини кенгайтириш ва мустақамлаш, пул-товар муносабатларини такомиллаштириш процесси, бу процесс мазкур мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партиялари ҳамда ҳукуматлари томонидан овгли равишда ва план асосида тартибга солиб турилади.

Интенсив тараққиёт йўли — мазкур корхоналарда янги техника ва меҳнатини ташкил этишининг янги шакллари жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш. Қ. х. да ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, аввало, электрлаштириш, механизациялаштириш, химиялаштириш ва ирригация билан боғлиқ.

Интразоналик — айрим ландшафтларнинг мустақил географик зона ҳосил қилмай, бир неча зонада такрорланиши. Ботқоқлик ландшафтлари, тўқай ландшафтлари, дашт зонасида «оролчалар»

тарзида сақланиб қолган ўрмонлар ва, аксинча, ўрмон зонасида учрайдиган реликт дашт ландшафтлари И. га мисолдир.

Интрузия (латинча *интрузио* — итариб киритмаган) — ер пўстидаги тоғ жинслари орасига магманинг кириб келиши. Баъзан И. жараёнида ҳосил бўлган магматик жинс массаси ҳам И. дейилади.

Интрузив тоғ жинслари — ер пўстининг ички қисмида магманинг аста-секин совушидан ҳосил бўлган магматик тоғ жинслари.

Ионосфера — атмосферанинг ионлар ва эркин электронлар миқдори кўп бўлган юқори қисми. Ер юзасидан 50—60 км дан бошланиб 2000 км гача давом этади. Ультрабинашга қуёш нури таъсирида кислород ва азот молекулаларининг парчаланиши ҳисобига ионлар ҳосил бўлиб туради. И. да юқорига қўтарилган сари т-ра оша бориб, юзларча ва, ҳатто, мингларча даражага етади. Шунинг учун И. ни термосфера деб ҳам атайдилар.

Ипакчилик, пиллачилик — қ. х. нинг ипак қўрғи боқиш, янги қўрт зотлари етиштириш, пилладан мўл ҳосил олиш йўллариини ишлаб чиқиш билан шугулланган тармоғи. И. қўртнинг асосий озинги бўлган тутчилик билан боғлиқ. И. даги асосий иш жараёнлари: ипак қўрғи уруғини очирши, қўрт боқиш, қўрт уруғи тайёрлаш ва пиллани дастлабки ишлаш — димлаш ва қўритиш. СССР да ипак қўрғи Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларида боқилади. Иттифоқда етиштириладиган пилланинг ярмидан кўпроғини Ўзбекистон беради.

Ирмоқ — бош дарёга қўйиладиган дарё, сой, жилга. И. лар одатда бош дарёдан камсув ва калта бўлади. Географик адабиётларда ирмоқлар 1, 2, 3 ва ҳ. к. тартибли ирмоқларга ажратилади. Чунончи, бош дарёга бевосита қўйиладиган сувларни биринчи

тартибли И., биринчи тартибли И. га қўйилувчи сувларни иккинчи тартибли И. ва ҳ. к. дейилади. Баъзан кичикроқ қўл ва сув ҳавзаларига қиртилладиган дарёлар ҳам И. деб аталади. Баъзи бир туркий тилларда, мас., усмоний туркларда И. сўзи дарё сўзи маъносда ишлатилади. Соё ҳамда жарларга ён томонлардан келиб қўшилладиган кичикроқ соё ва жарлар ҳам И. дейилади.

Ирригация (латинча *irrigatio* — сугориш), **с у г о р и ш** — қурғоқчил ерларга сув келтириш, далаларни сугориш, тупроқнинг ўсимлик илдизлари озикланадиган қатламида сув запасини ростилаш. Мелiorация турларидан бири.

Ирқ — кишиларнинг тарихий таркиб топган йирик территориал группалари. И. лар келиб чиқишига кўра бир бўлиб, фақат баъзи бир ташқи физиологик белгиларига — сочининг шакли ва ранги, тавасининг ранги, кўзининг шакли, юз скелетининг ўлчамлари ва айрим хусусиятлари, бурун, лаб тузилишига кўра фарқ қилади. Бу фарқлар наслдан наслга ўтади. Ирқий белгилар одам зоти пайдо бўлгандан кейин яшаш шароитидаги тафовутлар таъсирида вужудга келган. Одамларнинг асосий анатомик ва физиологик ҳамда психологик хусусиятларида ирқий фарқлар йўқ. Ирқий тафовутлар жамият тараққиётига таъсир этмайди. Бутун дунёдаги одамлар учта катта И. га: монголоид, европеоид ва экваториал, яъни негр-австралоид И. ларга бўлинади. Бу асосий И. лар оралигида кўпдан-кўп ўткинчи И. лар бор.

Ирқий камситиш — бошқа ирқларга мансуб халқларни таҳқирлаш, сиёсий ва граждандлик ҳуқуқларидан маҳрум қилишга қаратилган реакция империалистик сиёсат.

Иссиқ булоқ — сув ҳарорати юқори бўлган булоқ. И. б. лар икки хил бўлади: нисбий И. б.

лар, уларда сув ҳарорати шу жойдаги хавонинг ўртача йиллик т-расидан юқори бўлади; абсолют И. б. лар, улар суви т-раси 37° дан юқори, яъни ер юзидаги максимал ўртача т-радан юқори бўлади. И. б. ларнинг кўли минераллашган сувдидир ва шифобахш хусусиятга эга.

Иссиқлик электр станциялари — иссиқлик двигателлари ёрдамида электр энергия ишлаб чиқарилган қорхоналар. Иссиқлик двигателида газ, кўмир, мазут, торф ва б. ёқилшни мумкин. Ёқилгининг иссиқлик энергияси иссиқлик двигателида механик энергияга, сўнгра генераторда электр энергияга айланади. И. э. с. асосан икки хил бўлади: конденсацион электр станция (фақат электр энергия ишлаб чиқаради) ва иссиқлик электр маркази (ҳам электр энергия, ҳам иссиқлик — буғ ва иссиқ сув ишлаб чиқаради).

Ихтисослашиш — кишиларнинг бирон-бир машғулотда банд бўлиши ёки меҳнатнинг айрим операцияларга бўлиниши. Қ. х. да айрим ёкилар экинга ёки чорвачиликнинг муайян соҳасига ихтисосланади. Саноатда бир ёки бир неча деталь тайёрлашга ихтисосланади. Бу эса, ишлаб чиқаришни механизациялашни осонлаштиради, маҳсулотни арзонлаштиради, шунингдек, э-дларда муайян узел, агрегат, мас., автомобиль двигатели тайёрлашга ихтисосланади.

Ички денгизлар — қуруқлик ичкарасига кириб борган ва океан ёки денгизга бир ё бир неча бўғоз орқали қўшилган денгизлар: Балтика денгизи, Қора денгиз ва б.

Ички кучлар — қ. *Эндоген кучлар*.

Ички сувлар — 1) қуруқлик ичкарасига узоқ кириб турадиган қўлтиқ ва денгизлар, дарёлар, қўллар; 2) бирор давлат территориясида жойлашган дарё, қўл, денгизлар, қўлтиқлар, бўғозлар. Давлатлар қирғоқларига туташ

денгизларнинг қирғоқ бўйидаги эни 18,5 км ли сув халқаро ҳуқуққа кўра мазкур давлатнинг ихтиёрида бўлади.

Ишлов берувчи саноат — кон саноати, қ. х., ўрмон хўжалиги, балиқ тутиш, сувликдан келадиган, шунингдек, синтетик йўл билан олинadиган хом ашёга ишлов берadиган ёки уни қайта ишлайдиган саноат тармоқлари. И. б. с. нинг энг муҳим тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик, қора ва рангли металлургия, нефтни қайта ишлаш, химия, электротехника, электрон, ёғочсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қоғоз, тўқимачилик, тикувчилик, пойабзал, ун, шакар-қанд, консерва саноати ва б.

Иқлим — муайян жойнинг шу жойга хос бўлган ва йилдан-йилга такрорланиб турадиган об-ҳаво типлари (қуруқ, ىссик ёки серёғин, совуқ ва ҳ. к.). И. Қуёш радиацияси, ер юзаси ҳолати ва атмосфера ҳаракати ҳосиласидир. И. об-ҳаводан фарқ қилиб, барқарор бўлади. У йиллар, асрлар мобайнида эмас, геологик даврлар мобайнида ўзгаради.

Иқлим минтақалари — Ер шарида иқлим хусусиятлари билан фарқ қиладиган ўлкалар. Иқлимий районлаштиришнинг энг катта бирликлари. Кенглик бўйлаб чўзилган бўлиб, четаралари параллелларга айнан тўғри келмайди. Б. П. Алтсов қуйидаги И. м. ни ажратди: 1 та экваториал, 2 та экваториал муссон (субэкваториал), 2 та тропик, 2 та субтропик, 2 та мўътадил, сўнгра субарктика, субантарктика, арктика, антарктика И. м.

Иқлимлашиш — ўсимлик ва ҳайвонларнинг янги шароитга мослашиши. Ўсимлик ва ҳайвонлар кишилар томонидан янги районларга олиб бориб экилиши ёки маккажўхори билан қартошканинг бутун ер юзига тарқалиши И. га яққол мисолдир, аслида бу ўсимликларнинг ватани

Жанубий Америка. СССРда турли мўйнали ҳайвонлар (мас., Шимоллий Америкадан ондатра, Жанубий Америкадан нутрия, турли балиқлар, мас., чивинларнинг личинкаларини еб-туғатадиган гамбузия балиқчаси Жанубий Америкадан), хилма-хил ўсимликлар (цитруслар, чой ўсимлиги, шакарқамиш ва б.) иқлимлаштирилган.

Иқлимшунослик — иқлим ҳақидаги фан. И. Ер шарида ёки унинг айрим қисмларида иқлимларнинг пайдо бўлиш сабаблари, иқлим типлари ва уларнинг тарқалиши, иқлимларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини ўрганади. И. нинг геологик ва тарихий даврлардаги иқлимий шароитини ўрганувчи тармоғи палеоиклимшунослик дейилади. И. нинг амалий бўлимлари агроиклимшунослик, биоиклимшунослик, медицина иқлимшунослиги ва индустриал иқлимшуносликдир. Кичик жойлар иқлимнинг ички тафовутларини микроиклимшунослик ўрганади. Мас., сўнги йилларда шаҳар микроиклимшунослиги жадал ривожланмоқда. И. хулосалари метеорологик маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилишга асосланади.

Иқтисодий актив аҳоли — аҳолининг ишлаб чиқаришнинг турли сфералари ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда банд бўлган қисми.

Иқтисодий географик характеристика — хўжалик объектлари (корхоналар, шаҳарлар, районлар) ҳақидаги билимларни муайян план асосида системали равишда баён этиш; бунда бу объектларнинг жойлашиш хусусиятлари ва тараққиёт перспективалари кўрсатилади.

Иқтисодий географик ўрин, иқтисодий географик ҳолат — иқтисодий географик объект (шаҳар, район, мамлакат) нинг шу объектдан ташқарида бўлган, лекин унинг тараққиётига таъсир этадиган табиий ва тарихий-иқти-

содий объектларга нисбатан тутган ўрни. Масалан, мамлакатнинг денгизга нисбатан ўрни, дунё савдо йўлларига нисбатан ўрни, қўшни мамлакатларга нисбатан ўрни, муайян халқаро сийёсий аҳвол шароитида мамлакатнинг душманларига ва иттифоқчиларига нисбатан муносабати ва ҳ. к. И. г. ў. мамлакат тараққиётининг турли босқичларида турлича бўлиши ва унинг ривожланишига турлича таъсир этиши мумкин.

Иҳота дарахтзорлари, дала иҳота ўрмонзорлари — экинларни шамол, бўрон, гармсел ва б. дан, т. й. ни қор, қум босишидан ҳимоя қиладиган дарахтзорлар. И. д. шамол тезлигини камайтиради, тупроқни ювилишдан, намини буғланишдан сақлайди. И. д. асосан дуб, оқ акация, жийда, саксовул, қайрағоч, гледичия, айлағ ва б. дан иборат бўлади. Суғориладиган р-нларда И. д. учун дарахтлар кўпинча арқ бўйларига, экинларнинг чети ва йўл ёқаларига ўтказилади. Ўзбекистонда 10000 га дан ортиқ майдонда И. д. барпо этилган.

И

Йил — Ернинг Қуёш атрофида бир марта тўлиқ айланиб чиқиш даврига тахминан тенг бўлган вақт. Астрономияда тўрт хил йил ҳисоби бор: 1) юлдуз йили. Бу йил Қуёшнинг осмон сферасида юлдузларга нисбатан бир марта кўринма айланиб чиқиши учун кетган вақтга, яъни 365, 2564 ўртача қуёш суткасига тенг; 2) тропик йил. Бу йил Қуёш марказининг баҳорги тун-кун тенглиги нуқтасидан кетма-кет икки марта ўтиши оралиғидаги вақтга, ўрта ҳисобда 365, 2422 суткага тенг; 3) календарь йил. Григорий календарини бўйича 365, 2425 суткага тенг; 4) ой йили 12 ой ойига (синодик ойга) тенг. Ўрта ҳисобда 354, 367 суткага тенг. Бу ҳижрий йил.

Йил фасллари, ф а с л л а р —

баҳор, ёз, куз, қиш. П. ф. нинг алмашишига Ер айланиш ўқининг орбита (Ернинг Қуёш атрофида айланиши йўли) текислигига нисбатан оғшиганлиги (66°33') сабаб бўлади. Ер Қуёш теварағида айлانганда Ер ўқининг йўналиши ўзгармайди. Шу сабабдан Ер Қуёш атрофида айланар экан, бир Шимолий қутб, бир Жанубий қутб Қуёшга қараб қолади. Шимолий қутб Қуёшга рўпара бўлганда шимолий ярим шар кўпроқ исийди, Жанубий қутб Қуёшга рўпара келганда эса жанубий ярим шар кўпроқ исийди олади. Шимолий ярим шарда Қуёшнинг баҳорги кун-тун тенглиги нуқтасидан ўтиши вақти (20—21 март) баҳор фаслининг бошланиши деб, Қуёшнинг ёзги турниш нуқтасидан ўтиши (21—22 июнь) ёз фаслининг бошланиши деб, Қуёшнинг кузги кун-тун тенглиги нуқтасидан ўтиши (23 сентябрь) куз фаслининг бошланиши деб ва Қуёшнинг қишки турниш нуқтасидан ўтиши (21—22 декабрь) қишининг бошланиши деб қабул қилинган. Жанубий ярим шарда буларнинг акси бўлади.

П. ф. бир-бирдан Ер юзининг ҳамма жойида ҳам фарк қила бермайди. Мас., экватор яқинида доим бир хилда исийиқ ва ёғин кўп бўлади, яъни йил бўйи об-ҳаво деярли бир хил бўлиб туради. Бу ўлкаларга икки томондан туташган жойларда (экватор ёни ўлкаларида) йил икки фаслга бўлинади: қурроқчил ва серёмғир фасллар. Ўзбекистон жойлашган кенгликларда эса баҳор ва куз фасллари қисқа (2 ой атрофида), ёз фасли узун (5 ой чамаси) бўлади. Қутбний ўлкаларда, аксинча, ёз жуда қисқа, қиш узоқ давом этади.

Йилга — сой, кичик дарё, булоқдан оқиб чиққан сув, қ. *Жилга*.

Йулдош шаҳарлар — йирик саноат марказлари яқинида бўлган ва ҳўжалик жиҳатдан улар билан чамбарчас боғланган шаҳарлар.

Каатинга — Бразилия яси тоғлигидаги Сан-Франциско дарёси ҳавзасида кенг тарқалган қуруқ, жуда сийрак бутазор ўрмонлар. К. лар тропик чала чўллар ландшафт тинига киради. Ҳасиллик қопламда кактус ва сутламалар оиласига кирувчилар кўп тарқалган. К. яйлов чорвачилигида фойдаланилади.

Кабир (арабча катта) — географик ном ва терминлар таркибий қисми сифатида қўлланиладиган сўз: Саҳрон Кабир — «Катта чўл».

Кабиса йил — 366 кунлик йил. Тропик йил (қ. *Йил*) 365, 2422 суткага тенг. Мана шу фарқин хисобга олиб, Григорий календаринда ҳар тўртга бўлинадиган йил (4, 8, 12... 72, 76, 80...) ва 1700, 1800 каби йиллардан юзликларнинг сони тўртга бўлинадигандари (1600, 2000) кабиса йили бўлиб, 366 кунга тенг.

Каботаж — бир мамлакатнинг портлари орасида кема қатнови. К. икки хил бўлади: катта К. — турли деңизларда жойлашган портлар орасида кема қатнови; кичик К. — бир деңизда жойлашган портлар орасида кема қатнови.

Кавир — Ўрта Осиё жануби ва Эрондаги шўрхок чўллар. Рельефининг ботиқ шаклида бўлади. Чўл номлари таркибида ҳам учрайди: Дашти Кавир.

Кадастр (французча *кадастре* — аҳолини рўйхатга олиш) — бирон объектни даврий ёки мунтазам равишда кузатиш йўли билан тўпланган маълумотлар мажмуи. Олиқ-солиқ кадастри (солиқ солиш учун аҳолини бирма-бир рўйхатга олиш), сув кадастри, ер кадастри ва ҳ. к.

Кайнозой группаси (эраси), к а й н о з о й (юнонча, *кайнос* — янги, *зоэ* — ҳаёт) — Ер геологик тарихининг энг янги эрасида пайдо бўлган ёқизиқлар. 60—70 млн. йил давом этган. Учта системага (даврга) бўлинади: палеоген, неоген ва антропоген (тўрғламчи).

Каледон бурмаланиши — илк палеозой билан ўрта палеозой бошларида бурмалар, тоғлар пайдо бўлиши ва магма отилиб чиқиши. Иккига бўлинади: эрта каледон бурмаланиши босқичи ордовик охири — силур бошлари; кеч каледон бурмаланиши босқичи силур охири — девон бошлари. Греландия, Британия ороллари, Скандинавия, Марказий Қозоғистоннинг гарбий қисми, Шимолий Тяньшань, Олтой, Ғарбий Саян, Шимолий Монголия, Жануби-Шарқий Хитой ва Шарқий Австралия каледонидлари (тоғлари) каледон бурмаланишида пайдо бўлган тоғлардир.

Калийи тузлар — таркибида калий бўлган ва сувда тез эрийдиган минераллардан (сильвин, карналлит, каннит ва б. лардан) иборат чўкинди тоғ жинслари. Таркибида 10—15% калий бўлган К. т. конлари саноат аҳамиятига эга бўлади. К. т. дан, асосан, ўғит тайёрланади. К. т. запаси бўйича СССР дунёда биринчи ўринда туради. Конлари: СССРда — Урал (Соликамск), Оренбург обл., Ғарбий Украина, Қозоғистон, БССР; чет элларда — ГДР, ГФР, АҚШ, Канада, Польша ва б.

Кальдера (испанча *кальдера* — дошқозон) — вулкан тепасидаги чўзинчоқ ёки юмалоқ чуқурлик. Диаметри 10—20 км гача чуқурлиги бир неча юз м гача бўлади. Вулкан бўғиздан газ портлаб, отилиб чиқиши ёки вулкан сўнгандан кейин ғовак жинсларнинг ўпирилиб тушиши оқибатида пайдо бўлади.

Камалак, Ҳасан-Ҳусан — атмосферадаги оптик ҳодиса. Бир ёки бир неча ранг-баранг катта ёйлар. Ёмғир ёғаётган булут томонда сув томчиларига қуёш нури тушиб синишдан ҳосил бўлади. Доймо қуёшдан тескари томонда кўринади. Камалак ранглари қуёш спектрининг ранглиридан иборат.

Камар — 1) жарлик, дарёнинг

тик тушган чуқур, сув айланиб оқадиган жойи, пастлик ерни ўраб турувчи қирлар, қирдаги узун чўзилган дўнглар. Жой номлари сифатида ҳам учрайди. Мас., Камар қишлоғи (Оҳангарон водийсида); 2) тоғлардаги тоқчасимон ўйиқ жойи.

Камгак — тоғ ёнбағридаги ўйиқ, унғур, ботиқ, тор йўлак.

Кампос (португалча *кампос* — текислик) — Бразилия тоғлигидаги саванналар номи.

Камсувлик — дарёларда сув оқимининг энг камайган даври. Ўрта Осиёдаги катта дарёларда К. куз ойларига тўғри келади, паст тоғлардан бошланувчи дарёлар баҳорда қор ёғиб, ёмғир кўпроқ ёғадиган даврдан бошқа ҳамма вақт К. бўлади.

Каналлар — сувни бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш учун қурилган катта ариқлар. К. бир неча турга бўлинади: 1) кема қатнайдиган К.; 2) энергетика К. и; 3) ирригация К. и; 4) қуритиш ёки дренаж К. и; 5) водопровод К. и; 6) ёғоч оқизиладиган К. ва ҳ. к. Ўзгич К. кўпинча бир неча функцияни бажаради.

Каньон (испанча *канон* — дара) — ёнбағирлари тик, таги тор чуқур дарё водийси. Колорадо дарёсидаги (АҚШ) Катта Каньон энг йирик К. лардандир (узунлиги 320 км, энг чуқур жойи 1800 м).

Каолин, **чинингил** — оқ тусли гил, асосан каолинит минералидан иборат; таркибида дала шлати бўлган тоғ жинсларининг нурашидан ҳосил бўлади. Химия, тўқимачилик, қоғоз, резина ва соғун саноатида тўлдирувчи сифатида ишлатилади; К. дан чинни илланади.

Капитал қўйиш — қурилиш ишлари, асбоб-ускуналарни монтаж қилиш ва сотиб олиш, шунингдек, геология разведка ишларига сарфланадиган пул маблағлари.

Капиталистик монополиялар — ишлаб чиқариш ва капиталнинг юқори даражада концентрацияла-

шиши туфайли вужудга келадиган эркин рақобатни ҳамда бозорда айрим товарларнинг ҳукмронлигини бартараф этиш, юқори монопол фойда олиш мақсадида тузиладиган капиталистик уюшмалар. К. м. маълум соҳада махсуслаб ишлаб чиқаришни ва савдонини ўз қўлига олиб, махсуслашга монопол юқори баҳо қўйиб, ортқича фойда олади.

Монополиялар, даставвал, оғир саноатда ташкил топди, энгил саноат, транспорт, страхование соҳаларида ҳам тез ривожланди. Ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви билан бир даврда банк капиталининг йириклашуви ҳам содир бўлди. Ривожланган капиталистик давлатларда банк капиталининг концентрациялашуви натижасида банк ишнинг асосий қисмини ўз қўлига тўплаб олган бир неча йирик банк ташкил топди, шу тариқа банк монополиялари вужудга келди. Дастлабки монополиялар миллий монополиялардан иборат эди. Миллий монополиялар кейинчалик халқаро монополияларга айланди. Дастлабки монополия конвенция, корнер, ринг деб аталар, товарларнинг баҳоларини аниқлаш учун маълум муздакга тузилар эди. Кейинчалик асосий монополия шакллари — картель, синдикат, трест ва концернлар пайдо бўлди: **К а р т е л ь** — саноатнинг бир тармоғидаги капиталистлар бирлашмаси. Унинг иштирокчилари товарларнинг сотилиш баҳоси, ишчилар ёллаш, ҳисоб-китоб шартлари ҳақида келишиб, бозорларни ўзаро тақсимлаб олади, ҳар бир корхона учун товар ишлаб чиқариш ва сотиш миқдори (квота) ни белгилайди. **С и н д и к а т** — саноатнинг бир тармоғидаги корхоналар бирлашмаси. Унда коммерция ишлари, яъни хом ашёни сотиб олиш, товарларни сотиш каби ишлар умумий идора томонидан бажарилади. **Т р е с т** — айрим ёки турли саноат тармоқларига мансуб корхоналар бирлашмаси. Унинг иштирокчилари

ҳам ишлаб чиқариш ҳамда коммерция соҳасида мустақиллигини йўқотиб, трест пайчиликларига ёки акционерларга айланадилар. Трестнинг барча ишларига трест идораси раҳбарлик қилади. Агар трест турли тармоқдан ўзаро боғлиқ бўлган корхоналардан тузилган бўлса, комбинат деб аталади. Концери — капиталистик монополиянинг энг юқори ва мураккаб формаси ҳисобланиб, асосан, саноат, транспорт, савдо корхоналари, банк, страхование компанияларидан ташкил тонади.

Каррлар — карст тараққий этган ўлкаларда учрайдиган, чуқурлиги бир неча см дан 1—2 м гача бўлган жўяқсимон чуқурликлар. Қатор-қатор бўлади ёки тараққайлаб кетган хиллари учрайди. Кини ўткир қирралар ажратиб туради.

Карст (Югославиядаги Карст платоси номидан), карст ҳодиси аси — сувда яхши эрийдиган тоғ жинслари (оҳактон, доломит, бургут, тоштуз)да рўй берадиган ва бу жинсларнинг эриш процесси билан боғлиқ бўлган ҳодиса; оқибатда тоғ жинсларида бўшлиқлар, ғорлар, ер юзасида эса воронкалар, ўпирилмалар, чуқурликлар пайдо бўлади. Бундай жойларда дарёлар ер остига кириб кетади ва бир қанча масофадан сўнг яна ер юзасига чиқади. К. СССРда Қримда, Россия текислигининг бир қанча жойларида, Кавказда, Урал ва Урта Осиёда учрайди.

Карст далалари — бир-бирига қўшилиб кетган карст ванилари, воронкалари. Одатда тоғ жинслари қатламлари бўйлаб қўзилиб кетади. Таги текис, ёнбағри тик бўлади. Говак гил жинслар тагида тўпланиб, унумдор туپроқ ҳосил қилади. яхши экнизор бўлади.

Карталар — қ. *Географик карталар*.

Картографик метод — географик объект, ҳодиса ва жараёнларни карталар ёрдамида ўрганиш ва таҳлил қилиш. Географик тадқи-

қотларда К. м. ёрдамида объект, компонент, ҳодиса ва жараёнларнинг территориал тарқалиши, ўзаро алоқаси, ривожланишини аниқлаш мумкин. Бу метод айниқса айрим компонентларни (рельеф, иқлим, туپроқ ва ўсимликлар) ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Картография — географик карталар, карта тузиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги фан. Қуйидагилар К. га кирди: 1) карта шунислик — карталар тарихи ва уларнинг тараққийети; 2) математиканинг тасвири шарҳуасидан яси юзага кўчириш усулини ўрганадиган махсус бўлими; 3) оригиналлар тузиш усули; кейинчалик босмаҳонада ана шу оригиналлардан карта қўпайтирилади.

Картометрия — турли объекتلарнинг майдони, ҳажми ва б. ўлчамларини карталарга қараб ўлчаш усулларини ўрганадиган фан. Давлатлар, океанлар, ҳавзаларнинг майдонларини, денгизларнинг қирғоқ чизиғи, дарёларнинг узунлигини, ер майдони қўламини аниқлашда ишлатилади.

Картосхема — одатда картографик тўр ишлатилмайдиган ва катта аниқлик талаб қилинмайдиган карта. Схематик тасвирланган К. да тасвирланган воқеа (ҳодиса) ҳақида яққол умумий тасаввур беришга ва унинг муҳим томонларини таъкидлаб кўрсатишга имкон беради.

Каскад (французча *каскаде* — шидлат билан тушмоқ) — зинапояга ўхшаб тушадиган қатор сунъий ёки табиий шаршалар. Гидроэлектростанциялар каскади — бир дарёда жойлашган бир қанча электростанциялар. Бундай ГЭСлар қўшимча электр энергия олишга ёрдам беради.

Кат — қ. *Кент*.

Каучукли ўсимликлар — тўқималарида табиий каучук олиш учун ишлатиладиган сутшира —

латекс кўп бўлган ўсимликлар (ге-веза, товсағиз, гваюла ва б.).

Каштан тупроқлар — дашт тупроқлари тури. Каштан дарахти меваси тусида (жигар ранг) бўлганлигидан шундай аталади. Ассан, чалов ва бурган ўсадиган даштларда ёғин етарли бўлмаган шэронтда ривожланади. К. т. таркибидаги чиринди (гумус) миқдорига қараб, оч каштан, оддий каштан, тўқ каштан хилларга бўлинади. СССРда Қозоғистон, Жанубий Украина, Шимолий Кавказ, Волга бўйлари, Ғарбий Сибирнинг жанубий қисмида, чет элларда Туркия, Монғолия, Шимолий Хитой, АҚШ ва Аргентинада кенг тарқалган. Бундай ерларда бугдой, маккажўхори, кунгабоқар ва б. экилади.

Кварц — минерал. Оқ, рангсиз, шишасимон ялтироқ. Таркибида бошқа аралашмалар бўлса, турли рангда товланади. Рангсиз, тиниқ кристалли К. тоғ хрустали, бинафша ранглиси — аметист, кулранг ёки қўнғир тусли шаффоф хили — раухтопаз, қора ранглиси — мореон, олтиндек сариқ ранглиси цитрин деб аталади. К. лар қимматбаҳо тошлар ҳисобланиб, заргарликда ишлатилади. Шунингдек, оптика, радиотехника, ўтга ва кислотатага чидамли асбоблар тайёрлашда, медицинада, ойна, керамика, абразив саноатида ва қурилишда ишлатилади. Ўзбекистонда Чимёнда тоғ хрустали, Чирчиқда кварцли қумтош конлари бор. К. ли қумлар республиканинг кўп жойларида топилган.

Кемирчак — силлиқланмаган майда тошлар, шағал. Йўлларга солинш учун тошларни тегирмонда майдалаб ҳам К. тайёрланади.

Кварцит — таркиби асосан кварцдан иборат зич, қаттиқ тоғ жинси. Кварцли қумтошларнинг қайта кристалланишидан ҳосил бўлади. К. дан ўтга чидамли фиш (динас), кислотабардор қурилиш материаллари тайёрланади.

Кенг баргли ўрмонлар — қиш-

да барг ташлайдиган шاپалоқ япроқли дарахтлар — бук, дуб, заранг, жўка, грав ва б. дан иборат ўрмонлар. К. б. ў. деярли бутунлай Шимолий ярим шарнинг мўътадил иқлим минтақасида тарқалган.

Кент — катта қишлоқ, шаҳар. Суғд ёзувида ва араб географларининг асарларида кат (кас) шаклида қайд қилинган ва «уй» маъносини англатган. К. (кат) қадимий терминлардан бўлиб, бутун Ўрта Осиёда, шунингдек, Шарқий Туркистонда, Эрон ва Афғонистонда кўплаб жой номлари таркибида учрайди. Кат эронча, тўғрироғи, сугдийча бўлиб, дастлаб бир оила ёки бир неча оила яшайдиган ва девор билан ўралган ҳовлини англатган. Кат хинд-европа, фин-угор, монғол тилларида ҳам турли шаклларда ишлатилади (украинча хата сўзи ҳам кат сўзидан олинган). К. сўзи жой номлари таркибида кан, канд, кат шаклларида ҳам сақланиб қолган. К. шаҳар номлари таркибида ҳам ва қишлоқ номлари таркибида ҳам учрайди. Мас., араб географларининг асарларида Илоқда, яъни Оҳангарон водийсида тилга олинган 14 шаҳар ва қишлоқдан 7 таси, Чоч, яъни Тошкент атрофида қайд қилинган 27 шаҳар ва қишлоқдан 14 таси кат сўзидан таркиб топган. Ҳозирги даврда жойларга ном қўйишда К. сўзидан кам фойдаланилади.

Кечув, кечик — дарё, сой, қўллардаги пнеда, отда, машина ва бошқаларда ўтиш мумкин бўлган саёз жой.

Кимберлит — таркибида олмос бўлган отқинди тоғ жинси. К. мамлоқ ёки овал шаклидаги қувурсимон жисмлар ҳосил қилади: газ портлаши натижасида ер пўстида ҳосил бўлган бўшлиқларга К. тўлиб қолган.

Кичик металлургия — йирик машинасозлик заводларидаги металлургия цехлари.

Кларклар — Ер пўстидаги химиявий элементларнинг ўртача

миқдорини (процент ҳисобида) кўрсатувчи рақамлар. Қ. академик А. Е. Ферман тавсиясига кўра академик олим Ф. Кларк номи билан аталади. Қ. ландшафтларини ва айрим компонентларни геохимиявий жиҳатдан ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ландшафтларда айрим элементлар кларкиннинг оз-кўнлиги катта роль ўйнайди. Мас., Урта Осиёнинг баъзи тоғ олди районлари сув таркибида иод кларкиннинг кичиклиги бўқоқ ҳосил бўлишига олиб келади.

Космос — қ. *Космос*.

Кокс — коксланувчи кўмирларини махсус печларда ҳаво иштирокисиз 950—1050 даражагача қиздириш йўли билан олинadиган ёқилги. Қ. говак парчалардан иборат бўлиб, таркибида углерод 98% га етади. Иссиқлик бериш қобилияти—8000 ккал/кг. Домна печларида чуён эритиб олинди ёқилги бўлиб хизмат қилади.

Кокс гази — тошкўмир коксланаётганда олинadиган газ; бу жараёнда газ билан бир қаторда суюқ маҳсулот (смола) ва қаттиқ қолдиқ (кокс) ҳосил бўлади. Қ. г. қимматли ёқилги ва химия саноатида кенг ишлатиладиган хом ашёдир.

Коксланувчи кўмир — тошкўмирнинг коксланганда (ҳавосиз қиздирилганда) кокс, кокс гази ва смолалар берадиган тури.

Колла — Ҳабашистон тоғларидаги иссиқ баландлик ландшафт минтақаси. 1800—2000 м гача баландликда жойлашган. Ҳавонинг ўртача ойлик температуралари +20° дан ортиқ. Табиий ўсимликлари сийрак ўрмонлар ва саванна ўсимликларидан иборат. Тупроқлари латерит типидagi қизғиш-қўнғир, қизил тупроқлардир. Кофе дарахтининг ватани.

Ком — Зарафшон водийсида катта ариқ шундай деб аталган. Қ. жўйдан кўра каттароқ бўлган. Бу сўз ҳозир асосан жой номлари таркибида қолган: Коми Зар (Бухорога сув берган Шохруд кана-

лининг икки тармоғидан бири), Шопурком, Коми Абу Муслим, Коинмех (тўғриси Коми Муғ — «оташпарастлар ариғи») ва б.

Комбинат (латинча *комбино* — бирлаштираман)—1) корхоналарнинг бир-бирлари билан технология жиҳатдан бирлашиши; 2) бир тармоққа мансуб бўлган ва технология жиҳатдан бир-бирлари билан ўзаро боғланмаган корхоналарнинг маъмурий жиҳатдан бирлашиши (мас., кўмир комбинатлари).

Кометалар (يونонча *кометес* — сочи узун)— Қуёш системасидаги jismlar; планеталар каби ҳаракат қилади. 500 дан ортиқ Қ. маълум. Қ. нинг ядроси, бош қисми ва думи бўлади. Қ. нинг ядроси энг ёруғ қисми бўлиб, юлдузга ўхшайди. Баъзи бир Қ. нинг думи бир неча юз млн. км келади, лекин жуда сийрак газ ва чаңлардан иборат бўлади.

Комплекс (латинча *комигелкус* — боғлиқлик)— бир бутунни ташкил этадиган предмет, ҳодиса ва хусусиятлар мажмуи. Мас., территориал ишлаб чиқариш комплекси— бирон территорияда ривожланаётган ва бир-бири билан боғлиқ тармоқлар ҳамда ишлаб чиқаришлар мажмуи.

Компонентлар — қ. *Географик компонентлар*.

Кон — ер пўстида бир ёки бир неча хил фойдали қазилмалар тўпланиб қолган жой. қатлам. Шундай конларнинг муайян геологик тузилиши билан боғланган территориал тўплани ҳавза дейилади.

Кон саноати — ишлаб чиқаришнинг турли хил хом ашё ва ёқилги қазиб чиқариш билан шуғулланadиган тармоқлари. Қ. с. ёқилги— энергетика хом ашёси (нефть, ёнувчи газ, кўмир, ёнувчи сланец ва б.) қора, рангдор, асл, нодир, радиоактив металл рудалари, химия саноати хом ашёси (апатитлар, фосфоритлар, калий тузлари, олтингурут ва б.), ми-

негал бинокорлик материаллари қазиб чиқариш тармоқларига бўлинади. Фан-техника ютуқларини жорий қилиш натижасида ишлаб чиқаришнинг бу тармоқлари жуда ривожланди. Фойдали қазилмаларни очиб усулда қазиб олиш, материк саёзлигидан қазиб чиқариш тез ривожланмоқда.

Конвекция, а г м о с ф е р а д а г и конвекция — т-ра фарқлари натижасида ҳавонинг вертикал ҳаракат қилиши. Бунда айрим ҳаво оқимлари юқорига қўтарилади дам пастга тушади. Ҳаво оқими конденсация даражасига етганда булут пайдо бўлади.

Конгломерат (латинча *конгломератус* — тўпланган) — қум, шөгил ва б. тош бўлақларининг бир-бирларига ёпишишдан ҳосил бўлган тоғ жинси. Темир оксиди, карбонатлар, гилли материаллар ва силликат кислотаси К. да цементловчи материал ролини ўйнайди. Денгиз, кўл, аллювиал, пролювиал К. турлари бор.

Конденсация (латинча *конденсация* — қуюқлашиш) — модданинг газ ҳолатидан суюқлик ҳолатига ўтиши. Мас., атмосферадаги, ер-сув юзасидаги, тоғ жинслари ичидаги сув буғлари ҳавонинг сув буғларига ўйиниши ёки т-ранинг шудринг нуқтасигача пасайиши о-ибатида конденсацияланади.

Конституцияли монархия — қ. *Монархия*.

Конструктив география — ҳозирги замон географиясида фан-техника ютуқлари таъсирида вужудга келган энг янги, истиқболли комплекс йўналиш. Бу терминни фанга академик И. П. Герасимов киритган. К. г. нинг асосий вазифаси табиий ва ҳўжалик комплексларини оқилона ўзгартириш, ривожлантириш ҳамда бошқаришдан иборат. К. г. географик прогноз ва аҳули географиясининг ақтуал масалаларини ҳам ўз ичига олади. Айрим тадқиқотчилар К. г. нинг синоним сифатида антропоген ландшафтшунослик, перспек-

тив ландшафтшунослик, футургеография (келажак географияси) каби терминларни ишлатмоқдалар. Бироқ, буларнинг мазмуни К. г. дан торроқ.

Континентал иқлим — суткалик ва йиллик т-ра амплитудалари катта фарқ қиладиган ва ёғни кам ёғадиган жойлар иқлими. К. и. аксарини денгизлардан узоқ ўлкаларда, шунингдек, океандан тоғлар билан тўсилган ёки шамол қуруқликдан океанга қараб эсадиган жойларда кузатилади.

Континентлар — қ. *Материклар*.

Концентрат (латинча *концентратус* — тўпланган) — фойдали қазилмаларини бойитиш (концентрация қилиш) йўли билан олинган маҳсулот.

Концентрация — предмет, ҳодиса-воқеаларнинг бир жойга тўпланиши, йиғилиши, бирлашиши, капитал К. си — қўшимча қиймат бир қисмининг капиталлашиши ҳисобига хусусий капиталларнинг йириклашиш процесси; ишлаб чиқариш К. си — йирик корхоналар сонининг қўлайиши ва жамиятда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ва маҳсулотлар тобора кўпроқ қисмининг ана шу йирик корхоналарда тўпланиши.

Концессия — (латинча *концессия* — руҳсат, ён бериш) — ер ости бойликлари, ер-сув, корхона ва шу қабиларини маълум шартлар билан давлат ёки маҳаллий идора органлари томонидан фойдаланишга бериш шартномаси. Концессион шартномалар мазмуни шартномада белгиланган шартларга боғлиқ. Империалистик монополиялар К. дан ривожланаётган ва мустамлака мамлакатларни иқтисодий ва сиёсий қарамликда тутиб туриш воситаларидан бири сифатида фойдаланади.

Кооперация (латинча *кооперация* — ҳамкорлик) — меҳнаткашларнинг биргаликда ҳўжалик юритиш учун маблағ (пай) тўлаб ту-

радиган оммавий кўнгилли бирлашмаси. К.нинг асосий шакллари: қ. х. кооперацияси, матлубот кооперацияси (истеъмол моллари сотиб олиш), ҳунармандчилик кооперацияси, кредит кооперацияси ва уй-жой кооперацияси. Капитализм даврида К. коллектив капиталистик корхоналар бўлиб, эксплуатацияга барҳам бермайди, меҳнаткашларнинг моддий аҳволини маълум даражада яхшилаши мумкин, холос. Социалистик мамлакатларда К. кенг меҳнаткашлар оммасини социалистик қурилишга жалб этиши воситасидир. Майда якка хўжаликлар К. орқали йирик социалистик корхоналарга бирлашадилар, бундай хўжаликларда даромад ҳар кимнинг меҳнатига қараб тақсимланади ва кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши барҳам топади.

Координаталар — Ер шаридаги ҳар қандай нуқтанинг географик кенглиги ва географик узунлиги.

Копра — кокос пальмаси меваси, яъни ёғинининг маъзи. К.дан кокос ёғи олинади, кунжараси чорва молларига берилади.

Кориз — бир-бирлари билан ер остида бирлаштирилган оқар қудуқлар. К.трассаси белгилаб чиқилган, трасса бўйлаб ҳар 10 м да қудуқлар қазилган. Сувли қатлам каллибига қараб, сув чиқадиган бош қудуқнинг чуқурлиги 14—30 м, баъзан 60—70 м бўлган. Қудуқлар лаҳим (туннель) орқали бир-бирига бирлаштирилган. Лаҳимнинг бўйи 1,5 м, эни 1 м, узунлиги бир неча км гача бўлган. К.Яқин Шарқ мамлакатлари, Эрон, Афғонистон ва Шарқий Туркистонда кўп қурилган. К.дан Закавказье ва Ўрта Осиёнинг тоғ олди райониларида ҳам кенг фойдаланилган.

Космос, к о н о т — атрофимизни ўраб турган дунё, замон ва макон билан чекланмаган ва материянинг ўз тараққиёт жараёнида кирадиган шаклларига қараб ҳад-

дан ташқари хилма-хил борлиқ. К.чексиз кўп космик jismlardan иборат бўлиб, улар Ерга нисбатан чексиз кагтадир. К.донмо ўзгариб туради; планеталар, юлдузлар, юлдуз системалари (қ. *Галактика*) пайдо бўлади, ривожланади, парчаланиб кетади, уларни ташкил этган материя янги шакллarga кирради — янги юлдузлар, янги юлдуз системалари пайдо бўлади. Замонавий астрономик асбоблар ёрдамида миллиард-миллиард юлдузлардан иборат сон-саноқсиз юлдуз системаларини (галактикаларини) кўриш ёки расмга олиши мумкин. Ана шу юлдуз системалари шу қадар узоқдаки, уларнинг энг яқинидан тарқалган нур бизгача бир неча юз минг йилда келади. Биздан 15 млрд ёруғлик йилдан узоқда бўлган галактикалар ҳам маълум.

Кредит (латинча *кредитум* — қарз) — товар ёки пул маблағларини қарзга бериб турish.

Крик — Австралияда вақтинча оқадиган сувлар ёки йилнинг иссиқ фаслида қуриб қоладиган дарёлар номи. Йилнинг қуруқ пайтида кўпгина К. дар айрим-айрим сув ҳавзаларига айланади.

Криоген морфоскульптура (юнонча *криос* — совуқлик) — донмий музлаб ётган ерлар ва тоғларнинг ивал (қор-муз) зонасида экзоген кучлар таъсирида пайдо бўлган рельеф шакллари. Мас., термокарст рельефи, солифлюкция рельефи, гидролакколитлар ва ҳ. к.

Криолитозона — Ер пўстидаги донмий музлаб ётган қатламга қобиқ. К.ни криолитология фани ўрганади.

Криология, к р и о г р а ф и я (юнонча *криос* — совуқлик), умумий музшунослик, муз ҳақидаги фан. К. қор қоқлами, музлар ва музликларнинг физик, химик ва минералогик хусусиятларини ўрганади.

Криосфера — Ер юзасининг атмосфера, гидросфера ва литосфера ўзаро туташган ҳамда муз-

лари бор ёки муз ҳосил бўла оладиган қобили. К. нинг ўртача қалинлиги 10 км.

Кузги экинлар — кузда экилиб келгуси йили пишиб, ҳосил берадиган экинлар. К. э. баҳорда баҳори экинлардан олдин ривожланиб, баҳорда тупроқда бўлган намликдан тўлароқ фойдаланган ва бегона ўтларни сиқиб қўяди. К. э. баҳори экинларга нисбатан серҳосил бўлиб, эртароқ пишади — кузги буғдой, арна, жавдар ва б. ана шундай экинлардир.

Кулча муз — диаметри бир неча см дан 3—4 м гача етадиган, қалинлиги 10 см гача бўлган донра шаклидаги парча муз. К. м. қор ва муз қилмишқлардан (қарами) ҳосил бўлади. Қўл ва денгизларда сув музлаши олдидан кузатилади.

Кун ботиш — горизонтнинг қуёш ботадиган ғарб томони.

Кунаш — қуёшга қараган, қуёшга ўнг, ёруғ томон; к. *Кунгай*.

Кун томон — горизонтнинг жануб томони: «кун томонга қаратиб қурилган уйлар қуруқ бўлади. Кунга (кун томонга) қаратиб қурилган уйда касал бўлмас» деган ишқил бор.

Кунгай — тоғ, тепа, жар, водий ва бошқаларнинг қуёш нури кун тушинадиган, жанубга қараган ёнбағри, қуёш кўп тушиб турадиган жой. Тоғ, жой номлари сифатида ҳам ишлатилади: Кунгай Олатови.

Кундуз — сутканинг қуёш чиққандан ботгунча ўтган ёруғ қисми. Кундузнинг узун-қисқалиги географик кенлик билан йил фаслларига боғлиқ. Ер шарининг турли жойида К. узунлиги ҳар хилдир. Экваторда доим кеча билан К. тенг бўлади. Лекин рефракция туйғайли доим кундузи кечасидан узокроқ. Шимолий ярим шарда энг узун кун 21—22 июнда, энг қисқа кун 22 декабрда кузатилади.

Кун-тун тенглиги — Қуёшнинг осмон сферасидаги йиллик ҳаракат йўлида унинг маркази осмон

сфераси экваторнинг баҳорги ва кузги тун билан кун тенглиги нуқталарини кесиб ўтган вақт. Бу вақтда Ернинг қутблардан бошқа ҳамма қисмида кеча билан кундуз тенг бўлади. К.-т. т. бир йилда 2 марта: 21—22 март ва 23 сентябрда бўлади.

Кун туғиш — горизонтнинг қуёш чиқадиган, шарқ томони. «Кун туғиш томондаги тепа тагида жойлашган бизнинг қишлоқ».

Кўзанақ қум — градалари ари уясига ўхшаб бир-биринга тик йўналган қумлар. К. қ. лар одатда бир-биринга перпендикуляр шамоллар кучи тенг бўлган шаронда вужудга келади. Қизилқумнинг марказий қисмида кўп учрайди.

Кўк — осмон. «Кўкка булут чиқибди, ҳаво айниқса керак».

Кўк сув — тоза, тинч сув. Қаттиқ тоғ жинсларидан оқиб ўтадиган, кўллардан, тоғдаги муздан оқиб тушадиган, булоқлардан оқиб чиқадиган сувлар ана шундай тинч, кўкимтир рангда бўлади. Дарёлар номи сифатида ҳам учрайди. Мас., Кўккўлдан оқиб чиқадиган *Кўксув* дарёси.

Кўл — қуруқликдаги чуқурликларни тўлдирган сув ҳавзаси. К. лар ҳосил бўлишига кўра тектоник (Иссиқкўл, Байкал ва б.), вулкан кўллари (вулкан кратерларида — огизларида), музлик кўллари (музлик ўйиб ҳосил қилган чуқурликларда, мореналар тўсиб қўйган водийларда), карст кўллари, лиман кўллари, ўзан кўллари, сунъий К. лар (сув омборлари) бўлади. Сув режимига кўра оқар ва оқмас К. лар бўлади. Сувда эриган тузлар миқдорига қараб шўр (минералли) ва чучук сувли кўлларга бўлинади. Энг катта кўллар Урта Осиёда — Каспий, Орол, Иссиқкўл ва б.

Кўл темир рудаси — кўлда ҳосил бўладиган темир рудаси. Кўлга сув билан оқиб келган гил ҳолидаги темир ва органик моддаларнинг чуқуридан ҳосил бўлади. К. т. р. бир оз миқдорда Ўзбекис-

тошнинг қуёни юра қатламларида (Ангрен кўмири кони, Фарғона водийси ва Ҳисор тоғлари жанубида) учрайди.

Кўланка — соя жой.

Кўлмак (ҳ а л қ о б) — кучли ёғин, тошқин вақтларида чуқур, паст, ботиқ ерлари тўлдирадиган сув, грунт сувлари ер юзасига чиқиб тўпланиб қолган зах, ботқоқ ерлар.

Кўлоб — дарёлар қайирида сизот сувлар, тошқин сувлари, бошқа жойларда қор ва ёмғир сувлари тўпланиб қолган ботиқ жойлар, зах ерлар.

Кўлшунослик, **ли м н о л о г и я** — гидрологиянинг кўлларни, сув омборлари, ҳовузларни ўрганадиган соҳаси. К. сув ҳавзаларининг келиб чиқиши, географик ўрни, морфологиясини, сувнинг физик ва химиявий хоссаларини сув ҳавзаларидаги жараён ва ҳодисаларнинг вужудга келиши ҳамда ривожланиш қонуниятларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганади. К. сув транспорти, гидроэнергетика, сув таъминоти, суғориш, балиқ овчи ва балиқ урчитиш, табиий бойликлар қазиб олиш, медицинада муҳим аҳамиятга эга.

Кўмир — ёнғич модда, ёқилғи, қ. *Тошкўмир*.

Кўйиллик музлоқ ер — мангу гўнг ер, абадий музлоқ ер. Узоқ вақт давомида (бир неча йилдан то миң йилларгача) музлаб ётадиган (т-раси 0° дан паст бўлган) тоғ жинслари. Одатда кўтбий ўлкаларда ва баланд тоғларда учрайди. СССР да К. м. е. лар майдони 10 млн. кв. км дан ортиқ. К. м. е. ларнинг вужудга келиши ҳақида икки хил фикр бор: бир фикрга кўра, улар муз босиш давридан қолган реликт ҳосилдир, бошқа фикрга кўра, ҳозирги замонда вужудга келади. Йиллик ўртача т-ра 0° дан паст ўлкаларда ҳозир ҳам К. м. е. лар вужудга келаётгани ҳақида маълумотлар бор. К. м. е. ларнинг юза қатлами қисқа ёз фаслида эрийди, совуқ

тушиши билан музлаб қолади; бу қатлам *фазл қатлам* (қаранг) дейилади.

Кўртош — катта қисми майда, ғовак жинслар, сув, ўсимликлар орасида кўмилиб қолиб, кичик қисми кўриниб турган йирик ғўлатош, К. лар сувда кемалар қатновига, йўлларда исиз транспорт ҳаракатига қийинчилик туғдиради.

Кўрфаз — қ. *Қўлатиқ*.

Кўр ғор — огзи очилмаган ёки нуроқ жинслар, ўсимликлар билан беркилиб кетган ғорлар, қ. *Ениқ ғор*.

Кўса ер — ўсимлик ўсмайдиган тақир, яланғоч ер.

Кўтал — тоғлардан ошиб ўтган йўл, пастроқ доvon. К. сўзи тарихий манбаларда, мас., «Бобирнома» да жой номлари таркибиде учрайди. Жиззах областида *Ўзбеккўтал*, *Қозоқкўтал* деган жойлар бор.

Кўтарилма булоқ — суви кўтарилиб, «қайнаб» чиқадиған булоқ. Кагта босим остидаги сувли қатлам эрозия натижасида очилиб қолшидан ҳосил бўлади. К. б. лар дарё ўзаниларида, жарларда, ёнбағирларда учрайди. Тектоник ёриқ, силжиқларда ҳам бўлади.

Кўтарилма оқим — кўл, денгизларда сувнинг юқорига кўтарилиб чиқиши. Шамол кўл, денгизнинг юза қисмидаги сувни ҳайдаб кетиб, сув сатҳи пасайганда пастдан сув кўтарилиб чпқади. Мўътадил минтақалардаги кўлларда қиш бошида юзадаги сув совиб, оғирлашиб пастга тушади ва унинг ўрнига пастдан енгил илпқ сув чиқади. Натижада кўтарилма ва пасайма оқим вужудга келади.

Кўтарилма шамол — 1) илпқ ҳаво массасининг фронт юзаси бўйлаб юқорига томон ҳаракатланиши. Циклонларнинг илпқ фронтида ер юзасини қоплаган совуқ ҳаво устига илпқ енгил ҳаво чиқа боради ва дастлаб патсимон, сўнгра ёмғирли қат-қат булутларни ҳосил қилади; 2) Ер юзаси қишидан пастдаги ҳаво ҳам исби

юқорига кўтарилиши. Бунда тўп-тўп булутлар ҳосил бўлади. Бундай ҳодиса Урта Осиё текисликларида баҳорда, тоғларда ёзда ҳам кузатилади.

Кўтарма — икки изза оралигидаги баланд жой. Кўпинча заҳоб, ботқоқ, изза жойларда турли иншоот, йўл қурилиши мақсадларида бунёд этилади.

Кўчки — 1) тоғларда ёнбағирнинг юқори қисмида йиғилиб қолган қорнинг шиддат билан отилиб тушиши. Қор кўчишига қорнинг кўп йиғилиб қолиши, ёнбағирдаги қорнинг қайтадан кристалланиши, т-ра таъсирида зичланиши оқибатида қор қоплами ичда буш қатламнинг вужудга келиши сабаб

бўлади. Бир қор кўчишда 1,5—2 млн. м³ гача қор кўчгани кузатишган. Қулаб тушган қорнинг қалинлиги 60 м га етган. Қор К. лари Урта Осиёда, Кавказда, Альп, Кордильера тоғларида кўп рўй бериб туради. Баъзан қишлоқларга, йўлларга, алоқа линияларига, тоғлардаги ўрмонларга катта зарар етказди; 2) тоғ жинсларининг оғирлик кучи таъсирида ёнбағир бўйлаб пастга сурилиб тушиши (қ. *Сурилма*); 3) тоғ жинслари катта массасининг тоғларининг тик, жарлик ёнбағирларида тоғдан узилиб, қулаб тушиши (қ. *Тоғ қулаши*).

Кўхистон (тоғистон) — тоғлар ўлкаси, тоғли ҳудуд.

Л

Лаб — дарё, кўл, жар ва бошқа сув ҳавзалари соҳилининг қирғоқ бўйи қисми.

Лава (латинча *лабес* — кўчки) — вулкан кратеридан ёки ер пўстидаги ёриқлардан ер юзасига оқиб чиқиб, газларининг бир қисмини йўқотган магма. Ер юзасида лава т-раси 1000—1200° бўлади. Л. қотишидан вулкан тоғ жинслари, мас., базальт ҳосил бўлади.

Лагуна (итальянча *лагуна*, латинча *лакунс* — кўл) — денгиздан келтирма марзалар орқали ажралган табиий, саёз сув ҳавзаси. Ҳалқасимон маржон ороллари ўртасидаги сув ҳавзаси ҳам Л. деб юритилади.

Лайлак қор — кўпинча баҳорда ёғадиган йирик паға-паға қор. Ҳавода кўтарилма оқим кучайиб, турли т-радаги ҳаво аралашган вақтда ёғади. Баҳорда лайлак келиши вақтида кўпроқ ёққанидан Л. қ. дейилади.

Лакколит (يونонча *лаккос* — чуқурлик ва *литос* — тош) — унча чуқур бўлмаган ер қатламлари орасида қотиб қолган магматик жисм. Шакли линзасимон ёки гумбассимон бўлади, чуқинди жинслар орасида томирлар ҳосил қилади.

Лалмикорлик — қ. *Баҳорикорлик*.

Лангар — тўхташ жой, карвонсарой, қўноқ, маъзил. «Азизавлиёлар»нинг мазори, қабри ҳам Л. дейилган. Жой номлари шаклида кўп учрайди.

Ландшафт — табиий комплексларнинг умумлаштирувчи тушунча; геологик замини, рельефи, иқлим, тупроқлари, ўсимлик туркумлари, ҳайвонот дунёси, гидрологик режимининг бир хиллиги билан ажралаб турадиган ва табиий чегараларга эга бўлган территория. Совет ландшафтшунослигида Л.нинг уч хил талқини мавжуд: 1) регионал тушунчада Л. ер юзасининг табиий чегаралардан, унча катта бўлмаган қисми. Бу фикрни дастлаб Л. С. Берг тарклиф этган. Л. С. Берг фикрича, Л. географиянинг асосий бирлиги, ўрганиш объекти; 2) Л. типологик тушунчаларни умумлаштирувчи тушунча. Мас., тоғ-ўрмон қўнғир тупроқларидаги бутазор — сийрак ўрмонлар ландшафти; 3) Л. умумий тушунча. Мас., ўрмон ландшафти, чўл ландшафти, ботқоқ ландшафти.

Ландшафт архитектураси —

архитектуранинг бир бўлими. Л. а. нинг асосий вазифаси архитектура объектларини табиий ландшафтга мослаштиришдан иборат.

Ландшафт биотикаси — ландшафтнинг биологик компонентлари (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) комплекси. Л. б. ни ўрганиш ландшафтларнинг биологик моҳиятини очиб беради.

Ландшафт геофизикаси (физикаси) — ландшафтшуносликнинг ландшафтларни ва географик процессларни физика методлари ёрдамида ўрганишни тармоғи. Л. г. да модда ва энергия алмашинувиининг физик жиҳатларига; географик қобик ва ландшафтларнинг энергетикасига; чунончи ер юзасининг радиация ва иссиқлик балансига, тупроқларнинг иссиқлик ҳамда намлик режимига катта эътибор берилади.

Ландшафт геохимияси (химияси) — ландшафтшуносликнинг бир тармоғи. ландшафтдаги моддалар миграциясини ўрганивчи фан. Л. г. да геохимиянинг энг муҳим ғоялари ва методлари ландшафтларни ўрганишда тадбиқ қилинади. Асриمانнинг 40-йилларида ташкил топган бу йўналишнинг асосчиси — академик Б. Б. Полинвдир. Ландшафт-геохимиявий тадқиқотларда биологик ҳамда техноген модда алмашинувиға, элементлар кларкиға ҳамда физик-химиявий процессларға катта эътибор берилади. Л. г. ландшафтларнинг химиявий моҳиятини очиб беради, фойдали қазилмаларни қидириб топиш, табиатни муҳофаза қилиш ва медицинада муҳим амалий аҳамиятға эға.

Ландшафт динамикаси — ландшафтдаги оддий механик ҳаракатлардан то структурасининг ўзгаришигача бўлган жараён ҳамда ўзгаришлар. Л. д. ландшафтларнинг ривожланишиға, яъни сифат жиҳатидан бир ҳолатдан иккинчи ҳолатға ўтишиға сабаб бўлади. Л. д. нинг энг муҳим белгиси модда ва энергия алмашину-

видир. Л. д. ни ўрганишда суткалик, мавсумий ва кўп йиллик ритмик ўзгаришларни ҳисобға олиш катта аҳамиятға эға.

Ландшафтлар классификацияси — ландшафтларни пайдо бўлиши, структураси ва бошқа муҳим белгиларига кўра системаға солиш, группалаштириш. Ландшафтларни классификация қилишда улар турли таксономик бирликларға ажратилади; булар: ландшафт типи, ландшафт кичик тип, ландшафт класс, ландшафт кичик класс, ландшафт тури. Бир хил группаға кирувчи ландшафтлар умумий хусусиятларға эға бўлади. Буни ҳисобға олиш эса, уларни ўрганишни осонлаштириш ҳамда ўзлаштиришда муҳим амалий аҳамиятға моликдир. Л. к. табиий географик районлаштириш проблемасини ҳал қилишда ҳам катта роль ўйнайди.

Ландшафт компонентлари — қ. *Табиат компонентлари*.

Ландшафт (табиий географик комплекс) моделлари — ландшафт структурасини график тарзда акс эттирувчи схемалар. Ландшафтининг моносистема ва полисистема модели мавжуд. Ландшафтининг компонентларо алоқалари — *моносистема моделини*, турли катта-кичикликдаги комплексларо алоқалари *полисистема моделини* ҳосил қилади.

Ландшафт морфологияси — ландшафтшуносликнинг бир тармоғи. Л. м. — ландшафтларнинг ички типологик комплекслари (фация, урочище, звено, жой ва ҳ. к.) ни, яъни морфологик бирликларини тадқиқ қилади. Л. м. ландшафтлар структурасиға кўра морфологик бирликлар мажмуидан иборат деб қаралади. Л. м. йирик масштабни ландшафтшунослик тадқиқотлари олиб боришға имкон беради, шунинг учун ҳам катта амалий ва назарий аҳамиятға эға. Академик В. Б. Сочава раҳбарлиғида ривожлантирилаётган геотопология ҳам мазмуниға кўра Л. м. га ўхшаш.

Ландшафт профили — ландшафтниң маълум бир йўналиш бўйича ўтказилган график тасвири. Ландшафт профилини тузишда танлаб олинган горизонтал ва вертикал масштабда барча табий компонентлар: рельеф, геологик тузилиш, тупроқлар, ўсимликлар, иқлим элементлари туширилади, ландшафт комплексларининг чегаралари белгиланади. Л. п. ландшафтниң компонентлари ва морфологик қисмлари структурасини ҳамда жойлашини яққол акс эттиради.

Ландшафт структураси — ландшафтларнинг тузилишини, яъни компонентлари, кичик комплекслари ҳамда морфологик қисмлари (фация, урочище ва ҳ.к.) нинг ўзаро ички алоқасини ҳамда бир бутунлигини ифодаловчи термин. Ландшафтлар структурасига кўра оддий ва мураккаб бўлади. Мас., муз зонаси ландшафтлари оддий структурага эга, тропик ва субтропик ландшафтлар эса мураккаб структуралidir. Мураккаб структурали ландшафтлар компонентларининг кўпчилиги, улар ўзаро алоқасининг кучлилиги ҳамда ландшафт комплексларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Ландшафт сфераси — географик қобикнинг тропосфера, литосфера ва гидросфера бевосита туташган, нисбатан юққа марказий қисми. Л. с. географик қобикнинг биологик фокусидир. У ҳозирги нураш пўстини, тупроқ-ўсимлик қопламани, барча тирик организмларини ва ҳавонинг ерга тутаниб турган пастки қисмини ўз ичига олади. Л. с. нинг қалличилиги тундрада ва арктика саҳроларида 5—10 м дан тропикларда 100—150 м гача етади. Бу терминни Ф. Н. Мильков тасвир этган. Базин олимлар Л. с. ни географик қобикнинг синоними деб қарайдилар.

Ландшафт типлари — морфологик структураси ва табий гео-

график шаронтига кўра бир-бирига ўхшаш регионал ва типологик ландшафт комплексларининг умумлашма номи. Чунончи, ҳар бир географик зонада муайян бир ландшафт типини (тундра, тайга, ўрмонли дашт, дашт, чўл ва ҳ.к.) устун туради.

Ландшафт ҳосил қилувчи омиллар — географик комплексларнинг шаклланишида иштирок этувчи ландшафт компонентлари: иқлим, геологик тузилиши, рельеф, тупроқлар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси. Л. ҳ. қ. омиллар зонал (иқлим, тупроқлар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси) ва азонал (рельеф, геологик тузилиши) бўлади. Бундан ташқари, улар литоген (тор жинслари, рельеф шакллари), гидронқлимий (сув ва ҳаво) ҳамда биоген (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) омиллар деб ҳам юрнтилади. Ҳар бир компонентнинг ландшафт хили ва тишини шакллантиришдаги роли ҳамда салмоғини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ландшафтлар рекултивацияси, ерлар рекултивацияси — инсон фаолияти таъсирида мувозанати бузилган ёки ншдан чиққан табий ва антропоген ландшафтлар (чунончи, қишлоқ хўжалик ерлари) ни тиклаш, қайта ишга солиш ёки улар ўрнида янги типдаги ландшафтлар бунёд қилиш. Л. р. га тоғ-қоп саноати районларидаги терриконларни ўзлаштириш, қайта шўрланган ва ботқоқ босган ерларни тиклаш, саноат чиқиндилари уюмлари ўрнида маданий ландшафтлар яратиш ва б. киради.

Ландшафтларнинг вертикал дифференцияси (табақаланиши) — текислик ландшафтларининг рельефининг паст-баландлигига кўра сифат жиҳатидан ўзгариши, алмашиниши. Мас., текисликлардаги қир ландшафтлари атрофидаги пасттекислик ландшафтларидан фарқ қилади.

Ландшафтларнинг прогрессив элементлари — ландшафтниң кел-

гуси ривожланиш йўлидан дарак берувчи энг динамик элементлар. Мас., дашт зонасида орол тарзида кичик-кичик ўрмонларнинг пайдо бўлиши, доимий музлақларнинг айрим жойларда эриб кетиши, музлик рельефи областларида эрозия рельефининг ривожланиши, ўрмон зонасининг айрим жойларида дашт ландшафтларининг пайдо бўлиши ва ҳ. к. Л. п. э. ландшафтлар ривожини прогноз қилишда муҳим кўрсаткичдир.

Ландшафтнинг ёши — ҳозирги ландшафтлар структураси шакллана бошлаган вақт. Мас., Ўрта Осиёдаги текислик ландшафтларининг ёши олигоцен эпохасига тўғри келади. Чунки, палеоген даврининг охирида — олигоцен эпохасида Турон текислиги ўрнидаги денгиз чекиниб, бу ерда континентал (куруклик) ландшафтлар шакллана бошлаган.

Ландшафтнинг реликт элементлари — қадимги ландшафтларнинг ҳозирги вақтгача сақланиб қолган намуналари. Улар ҳозиргидан бошқача табиий шароитда пайдо бўлган, шунинг учун ҳам ҳозирги табиий шароит билан етарли уйғунликка эга эмас. Л. р. э. га чўллардаги қадимги дарё водийлари — ўзбўйлар, дарё тирсақларининг асосий ўзандан ажралиб қолиб қўлмак ҳамда ботқоқлик ландшафтларини ҳосил қилиши ва ҳ. к. лар киради. Улар ландшафтларнинг ривожланиш тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Ландшафтшунослик — Ернинг ландшафт қобиғи ва уни ташкил этган ландшафт комплексларини, бу комплексларнинг тузилиши, географик жойлашиши, ривожланиши, хўжаликда фойдаланишини ўрганувчи фан. Табиий географиянинг бир тармоғи, Л. барча географик комплексларни — ландшафт қобиғи ва географик минтақалардан тортиб энг кичик комплексларгача, яъни ландшафт, жой, урочишгача бўлган комплексларни ўрганади. Л. ни фақат ландшафтни ва унинг таркибий қисмларини бўлган жой, урочише, фацияларини

ўрганадиган фандир, деб ҳисобловчилар ҳам бор. Л. нинг асосий тадқиқот методи бевосита жойда кузатиш, табиий комплексларни картага тушириш. Ландшафтлар таърифи миқдорий ва сифат кўрсаткичларга асосланади. Л. табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга ёрдам беради. Л. фанига биринчи бўлиб В. В. Докучаев ва унинг шогирдлари асос солишган. Улар тупроқ зоналарини ўрганиб, ландшафтларнинг зоналик қонуниятини ишлаб чиқишди. Совет ландшафтшунослигини ривожлантиришга Л. С. Берг, А. А. Григорьев, С. В. Калесник, А. Г. Исаченко катта ҳисса қўшишди. Л. кейинги икки ўн йилликда анча ривожланди: ландшафт, унинг тузилиши, компонентлари, таркибий қисмлари, тадқиқот методларига бағишланган анчагина илмий ишлар нашр қилинди. Мамлакатимиз турли жойларининг ландшафт карталари тузилди.

Лапилли (латинча *лапиллус* — тош парчаси) — вулкан отилганда учиб бораётиб қотган лаванинг кичик (диаметри бир неча см гача) парчалари ва кратердан чиқиб қотиб қолган вулкан жинслари бўлаклари.

Латерит тупроқлар (латинча *латер* — гинт) — сернам троник ўрмонлар тагида таркиб топган тупроқлар. Жанубий Америкада, Марказий Африкада, Жануби-Шарқий Осиёда ва Австралиянинг шимолида кенг майдонларда тарқалган. Таркибида темир қўлпигидан ранги кўпроқ қизил бўлади. Устки қисмида чиринди 4—6%. Латерит тупроқли ўзқаларда шоли, какао, гевея, кофе ва б. экинлар экилади.

Латифундия (латинча *латус* — кенг ва *фундус* — мулк) — катта ер поместьеси; бунда ер эгаси (латифундиячи) ерни ишлатиш учун эксплуатациянинг турли шаклларида фойдаланади, жумладан, натурал ижарага беради ва ҳ. к.

Легенда (латинча *легенда* —

Ўқилиши керак бўлган нарса) — карта мазмунини очиб берадиган барча шартли белгилар ва изоҳлар. Л. карталарнинг четларига ёки карта рамкиси ичидаги бўш ерга жойлаштирилади. Атлас ва кўп саҳифали карталарда Л. алоҳида саҳифага босилади ёки брошюра ҳолида илова қилинади.

Легирлаш (немисча *Легирован* — эритмоқ) — металл ёки металл қотишмаларининг механик, физик, химиявий ва физик-химиявий хоссаларини яхшилаш учун уларга бошқа металллар (баъзан, металлмаслар) ёки металл қотишмалари қўшилиши. Легировчи элементлар (хром, никель, мис ва б.) одатда, суяқ ҳолатдаги металл ёки металл қотишмаларига қўшилади. Л. йўли билан бутунлай янги хоссаларга эга бўлган металл қотишмалар олинади. Қаттиқ жисм сиртини повлар билан бомбардимон қилиб, шу жисм ичига ташқи атомларин киритиш жараёни ҳам Л. деб аталади.

Лёсс (немисча) — сарғиш, майда заррали бўшоқ тоғ жинси. Таркибида гил минералардан ташқари, кварц, слюда, дала шпати, карбонат, темир икки оксид заррачалари ҳам бўлади. Л. орасида карбонат доначалари учрайди. Лёсларнинг қалинлиги бир неча метрдан 400 метргача борлади. Лёсс устида ҳосил бўлган туپроқлар унумдор бўлади. Лёсс оқар сувлар, кўл, музлик ётқизиларидан, шамол келтирмаларидан вужудга келади. Лёсда капилляр найчалар тик жойлашганлигидан лёсдаги жарлар тик девор ҳосил қилади.

Лигнит (латинча *лигнум* — дарат) — қўнғир кўмир турларидан бири. Ёғочли қолдиқлари аниқ кўриниб туради. Кукун қўнғир кўмирга қараганда ёпишқоқ бўлади. Иссиқлик қобилияти — 5—6 минг ккал. Ёқилғи, химия саноати учун хом ашё бўлади.

Лиман (يونونча *лимен* — гавань, қўлтиқча) — 1) қирғоқлари

унча баланд бўлмаган ва қияроқ, қинғир-қийишқ қўлтиқ. Л. денгиз соҳилининг пасайиб, текисликлардаги дарё, водийларнинг сув босишидан ҳосил бўлади. Л. майдони бир неча м² дан ўнлаб км² га боради. Азов ва Қора денгизнинг шимолӣ соҳилларида Л.лар кўп;

2) СССР Европа қисмининг қурғоқчил жануби-шарқий р-нларидаги саёз пастликлар. Баҳорда Л. га қор-муз сувлари тўлиб, кўллар ҳосил қилади, ёзда эса қуриб қолади. Бундай Л. лардан ўтлоқ сифатида фойдаланилади.

Лимнология — қ. *Қўлунослик*.

Литоген омилар — ландшафт ҳосил бўлишининг геологик-геоморфологик омиллари.

Литораль (латинча *литоралис* — қирғоқ бўйи, соҳил) — денгиз суви қайтганда денгиз тубининг очилиб қоладиган қисми. Суткасига икки марта сув остида қолади ва икки марта сувдан очилади. Тубининг қиялиги ва сувнинг қўтарилиши — қайтиши амплитудасига қараб Л.нинг эни бир неча метрдан бир неча километргача бўлиши мумкин. Замини хусусиятларига қараб балчиқли, қумли, тошли ва қояли Л.лар бўлади.

Литосфера — қ. *Ер пўсти*.

Лой — 1) заррачалари жуда майда (фракциясининг диаметри 0,01 мм дан кичик) майин тоғ жинслари. Л. табини ҳолатда, сувга бўкканда ёпишқоқ ва пластик хусусиятга эга бўлади. Сувни ёмон ўтказди. Келиб чиқишига кўра икки хил бўлади: а) қолдиқ Л. Улар жинсларнинг нурашидан ҳосил бўлиб, ўз жойида сақланиб қолади; б) чўкинди Л. — сув, шамол, муз воситасида бошқа жойдан келтириб ётқизилган Л. Л. ётқизиларни қургинда налахса-палахса бўлиб ёрилади кетади.

Лойли вулканлар — қ. *Балчиқли вулканлар*.

Лот (голландча *лоод*) — денгиз, кўл ва б. сувларнинг чуқурлигини ўлчайдиган асбоб. Оддий

(дастаки), механик ва гидроакустик хиллари бор. Олдий Л. метрларга бўлинган сым (лотлинь) учига конус (пирамида) шаклидаги қўроғошн ёки чўян (3,5—5 кг) боғланган мосламадан иборат бўлиб, 50 м гача чуқурликни ўлчашга имкон беради. Механик Л. сувга ботирилган найчадаги гидростатик босимни ўлчашга асосланган, найчанинг бир учи кавшарланган, сувга ботириладиган иккинчи учи эса очик бўлади. Сув жуда чуқур бўлса, гидроакустик Л. билан ўлчанади.

Луб экинлари, луб толлал

экинлар — луб толаси учун ўстириладиган ўсимликлар (зигир, наша, каноп, жут, рами, кандир ва б.). СССРда, асосан, зигир ва каноп экилади. Л. э. толасидан ҳар хил матолар, каноп, арқон, балиқ тутадиган тўрлар, брезент палос ва б. тайёрланади. Уруғи таркибдаги майдан озик-овқат учун ва техника мақсадларида фойдаланилади. Кунжараси ҳайволлар учун яхши озиқ. Поясидан қурилиш плиталари, қоғоз, термоизоляция материаллари тайёрланади. Ўзбекистон ва Туркманистонда каноп, жут экилади.

М

Мавж (тўлқин) — сув юза қисмининг ҳаво босимининг ўзгариши, шамол, ер қимирлаши, сув қадқоши натижасида рўй берадиган тебранма ҳаракати. М., сув юзасида кетма-кет келадиган марза ва улар орасидаги ботиқлардан иборат. М. нинг энг паст қисми М. этаги, энг баланд қисми М. ёли ёки қирраси, энг баланд қисми билан энг паст қисми орасидаги тик баландлик М. баландлиги, бир ёли билан иккинчи ёли ёки бир этаги билан иккинчи этаги орасидаги масофа М. узунлиги дейилади. М. маълум вақт мобайнида (мас., бир секундда) ўтган масофа М. тезлиги дейилади. М. баландлиги океанларда 15 м га, денгиз элзиласи вақтида 50 м гача етиши мумкин. М. узунлиги 250 м гача боради.

Мавзе — жой. Шаҳарнинг айрим номлар билан юритиладиган қисмлари. Мас., Кўкча мавзеи Бўржар мавзеи.

Мавсум — 1) фасл, йил фасли. Мавсум клими, астрономик, фенологик белгиларига қараб ажратилади. Иқлимий ёки синоптик мавсум астрономик фаслларга тўғри келмайди. Урта мишқада, жумладан, Ўзбекистонда тўртта мавсум — баҳор, ёз, куз, қиш аж-

ратилади (қ. *Йил фасллари*); 2) бирор иш бажариладиган давр. Мас., чигит экиш мавсуми, балиқ овлаш мавсуми, пахта териш (ўрм-йиғим) мавсуми.

Мавсумий шамоллар — фаслдан фаслга ўз йўналишини ўзгартирадиган шамоллар. Қуруқликнинг йилнинг иссиқ фаслида тез исиб, ҳаво босимининг кескин камайиши ва айни пайтда океанларда салқинроқ бўлиб, ҳаво босимининг катталлиги натижасида қуруқлик билан океан ўртасида эсиб туради. Қишда қуруқликдан океанга, ёзда океандан қуруқликка томон эсади. М. ш. ҳукмрон ўлкаларда (Шарқий, Жанубий Осиё, Жануби-Шарқий Австралия ва ҳ. к.) қишнинг қуроқчили, ёзнинг сернам келишига сабаб бўлади.

Магистраль (латинча *магистралис*—асосий)—1) асосий йўналиш, йўллардаги асосий линия (т. й. магистрали, сув магистрали); 2) катта шаҳарлардаги сарқатнов кенг кўча; 3) электр тармоғи, телеграф ва телефон алоқасидаги асосий кабель сими; 4) канализация, водопровод ёки газ тармоғидаги асосий қувур; 5) сугориш тармоғида сув ҳавзаси, дарё, каналдан сугориладиган ерларга

суд оқадиган асосий тақсимлаш канали.

Магма (юнонча *магма* — суюқ мой) — ер қаърида мураккаб физик-химиявий жараёнлар натижасида ҳосил бўлган оловсимон суюқ модда. М. ер қаъридан кўтарилаётганда таркибий қисмларга ажралиб қаватланиб таркибидagi учувчан моддалар йўқолади, натижада турли таркибли интрузив, эффузив ва темир жинслар ҳосил бўлади.

Магматик тоғ жинслари — магманинг совиши ва кристалланишидан ҳосил бўлган тоғ жинслари. Совиш шароитига қараб М. т. ж. иккига бўлинади. Эффузив жинслар — лаванинг ер юзасида совишидан, интрузив жинслар — магманинг ер пўстида совишидан ҳосил бўлган М. т. ж. Интрузив жинслар жуда секин совиб, тўла кристалланади. Эффузив жинслар тез совиши натижасида шншасимон тузилишга эга бўлади.

Магнетит (Болқон ярим оролидаги Магнезия ўлкаси номидан) — магний, углерод ва кислороддан таркиб толган оқ ёки қуларанг минерал. Утга чидамли ёшт, цемент тайёрлашда, қоғоз, қанд ишлаб чиқаришда ишлатилади. СССРда — Уралда, Шарқий Сибирь, Узоқ Шарқда, чет элларда — Хитой, Австрия, Чехословакия, Канадада конлари бор.

Магнетит — темирнинг кенг тарқалган минерали. Темир рудасининг энг муҳим минералларидан бири.

Магнит меридиани — қ. *Ер магнетизми*.

Магнит аномалияси — кўп миқдорда темир рудаси бўлган ерларда ер юзасининг бирон қисмида магнит оғишининг кескин ўзгариши (қ. *Ер магнетизми*). СССРда Курск областида Курск магнит аномалияси айниқса маъхур.

Мадор — тропик терминининг эскирган номи; мас., мадори сара-

тон — саратон тропиги, мадори жад — жади, тропиги, мадор ўрмони — тропик ўрмон, қ. *Тропик*.

Майдон — очиқ, текис жой, дала ер. Ўрмон орасидаги дарахтсиз сайҳон ер, тоғлардаги текис жойлар, шаҳарларда маълум мақсадда (бозор, йиғилиш, кўргазма жойи) ажратилган яланг ер. Жой номлари таркибида ҳам учрайди: Майдонтод, Майдон қишлоғи.

Маквис, маккия — қаттиқ баргли, тиканли доим яшил бута ва дарахтчалардан иборат чакалакзорлар. М., кўпинча, Урта денгиз мамлакатлари тоғларининг ўрта қисмларига (700 м гача) ҳос, ўтиб бўлмас бутазорлар ҳосил қилади. М. тагида бир йиллик ўтлар ўсади. Кўпчилик ўсимликлар таркибида ўткир ҳидли эфир мойлари бор.

Макон — жой. Бирор тур ҳайвон яшайдиган, ўсимлик ўсадиган жой. Биохор, биосеноз терминларига яқин келади. Мас., тўнғиз макони — тўқай, шерлар макони — чангалзор.

Макроқлим (юнонча *макрос* — улкан) — катта терр-ялар: географик зоналар, материклар ва океанлар, ҳатто, бутун Ер шари айрим қисмларининг иқлими. М. дан фарқ қилиб, маҳаллий иқлим, *микроқлим* — кичик терр-яларнинг иқлимидир.

Макроландшафт — йирик табиий географик бирликлар — ўлкалар, зоналар, провинциялар ва округлар ландшафти. Мас., Устюрт платоси ландшафти, Қорақум ландшафти, ўрмон ландшафти ва Ҳ. к.

Макрорельеф — йирик рельеф шакллари: тоғ тизмалари, ясси тоғликлар, пасттекисликлар (яна қ. *Мезорельеф*, *Микрорельеф*). Ер юзаси катта қисмларининг умумий қиёфаси М. га боғлиқ бўлади.

Манба — дарё сув оладиган жой, дарё бошланган жой: музлик, булоқ, чашма.

Мангро ўрмонлари — тропик-

ларнинг денгиз суви кўтарилганида сув босадиган ботқоқли қирғоқларидаги доим яшил ўрмонлар. Асосан, доимий яшил бута ва паст бўйли (5—10 м) дарахтлардан иборат. Дарахтларнинг кўпдан-кўп илдизлари тирговучга ўхшаб ушлаб туради.

М. ў. Африканинг шарқий соҳилларида, Мадагаскарда, Сейшел, Маскарен ороллари, Жанубий Осиё (Малайя архипелагида) ва Австралияда, Африка, Марказий ҳам Жанубий Американинг Атлантика соҳиллари ва б. ерларда кўп.

Мангу тўнг ер — абадий, кўп йиллик музлоқ ер; қ. *Кўп йиллик музлоқ ер*.

Мангу қор — йил бўйи эрмай ётадиган қорлар. Иссиқ ва муътадил ўлкаларда баланд тоғларда, кутбий ўлкаларда эса текисликларда ҳам учрайди.

Мансаб — дарёлар қуйиладиган жой; океан, денгиз, кўл, бошқа бир дарё М. бўлиши мумкин.

Мантия, Е р м а н т и я с и — ер үсти билан ўзати (ядроси) орасида жойлашган қатлам. Қалинлиги 2865 км — ер юзасидан тахминан 35 км дан бошланиб 2900 км чуқурликкача давом этади. М. да модданинг зичлиги $3,3 \text{ г/см}^3$ дан (юқори қатламларда) $5,7 \text{ г/см}^3$ гача (ядро билан чегарадош зонада). М. нинг химиявий таркиби — тош метеоритлар ва ультра асосли отқинди тоғ жинслари (периодит, дунит) таркибига яқин деб ҳисобланади. Айрим суяқ магма ўчоқларини ҳисобга олмаганда, М. да модда қаттиқ ҳолатдадир.

Марганец рудалари — таркибида марганец бўлган минерал бирикмалар. Марганец қўшилса, пўлат билан чўян болгаланувчан ва қаттиқ бўлади. М. р. нинг 90% идан кўпроги қора металлургияда, қолган қисми химия саноати ва б. соҳаларда ишлатилади. М. р. запаси ва қазиб чиқарилиши жиҳатидан СССР биринчи ўринда туради. М. р. конлари: СССРда —

Никополь (УССР), Чиатура (Грузия); чет элларда — Ҳиндистон, Бразилия, ЖАР, Марокаш, Габон, ХХР, Руминия, Венгрия.

Маржон — иссиқ ўлкалардаги денгизда яшовчи ҳайвонлар. Уларнинг қолдиқлари йиғилиб, маржон оролларини ҳосил қилади. М. лар сув т-раси $+20^\circ$ дан паст бўлмаган, саёз, катта тўлқинлар бўлмайдиган денгизларда яшайди. Шу сабабли М. фақат экваториал ҳамда тропик ўлкалардагина учрайди.

Маржон ороллари — маржон ҳайвонлари, сувўтлар ва бошқа организмлар қолдиқлари йиғилишидан вужудга келган ороллар. Ҳозирги замон маржон ороллари экваториал ва тропик ўлкалардан бошқа ерларда учрамайди. Фақат Гольфстрим оқими ўтадиган Багама ороллари яқинидагина тропиклардан ташқарида учрайди. М. о. жойлашган ўрни ва шаклига қараб, қирғоқ riflари, тўсиқ riflари, атоллларга бўлинади.

Маржон riflари, м а р ж о н қ у р и л м а л а р и — тўда-тўда бўлиб яшайдиган маржонларнинг оҳақка айланган склетларидан таркиб топган сув ости қоялари. М. р. нинг пайдо бўлиши учун сув илқ (камида 20°), саёз (40—50 м гача), шўрлиги нормал (35%) ва тоза, денгиз туби қоядан иборат бўлиши керак. М. р. жуда катта ва қалин бўлиши мумкин: денгиз сатҳидан 1500 м баланд М. р. билан бирга (Зонд архипелаги) замани сув сатҳидан 1200 м чуқурда бўлган М. р. ҳам бор (Маршалл ороллари).

Марза — рельеф шакли. Тенаси қабарик шаклдаги узун чўзилган баландлик. М. лар тектоник йўл билан ҳосил бўлиши (антиклинал бурма), дарё, денгиз тўлқини келтирган қўмлардан вужудга келиши (қум тиллари, барлар), морена жинсларининг тўпланишидан пайдо бўлиши (озлар), кишилар томонидан буёб этилиши (йўл кўтармалари) мумкин.

Марлар — Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқдаги ботқоқликларда ўсувчи сийрак тилоғоч ўрмонлари.

Мармар — метаморфизм таъсирида оҳақтошдан пайдо бўлган кристалли тоғ жинси. Оқ, кул ранг, пушти ва б. рангларда бўлади. Осон араланади ва яхши силликланади. Асосан деворларни қоплаш учун ишлатилади. Майда донадор оқ туридан ҳайкал ҳам ишланади. СССРда Уралда, Кавказда, Ўзбекистонда (Фозгон) конлари бор.

Маршлар — денгиз суви кучли кутарилган ва шамол ҳайдаган вақтдагина сув босадиган паст текис соҳил. Одатда шўра ўсимликлари ўсади. Шимоллий денгиз соҳилларининг баъзи жойларида маршлар денгиз сатҳидан пастда жойлашган. Аҳоли бундай жойларни денгиз босишидан тўғонлар қуриб асрайди. М. пичанзорга айлантирилади, ем-хашак экинлари экилади.

Маргзор — майсазор, ўтлоқ жой.

Масштаб — чизма, план ёки картадаги нуқталар орасидаги uzunlikning натура (жой) даги масофалар uzunligига nisbati. М. 2 хил бўлади: сонли М. ва чизиқли М. Сонли М. каер ёки nisbat

билан кўрсатилади (мас., $\frac{1}{1000}$); бунда картадаги 1 см жойдаги 1000 см га тўғри келади демакдир. Чизиқли М. см ларга бўлинган чизиқ билан кўрсатилади. Бу чизиқда картадаги 1 см га жойдаги неча м ёки км тўғри келиши кўрсатиб қўйилган.

Математик география—1) географиянинг Ер шарининг математик элементлари ҳақидаги бўлими. М. г. да Ернинг шакли, ўлчамлари, ҳаракати, жойларнинг координаталари, айрим пунктлар орасидаги масофа, океан ва материкларнинг майдонига кўра nisbati каби маълумотлар берилади. М. г. географиянинг энг қадимги

бўлимларидан бири бўлиб, унда географик ва картографик маълумотлар уйғунлашиб кетган. 2) географияда математик методларнинг кенг қўлланилиши. Математик методлар географик билим ва тушунчаларни формаллаштиришга, географик объект, ҳодиса ва процессларнинг моделини тузишга, илмий тадқиқот ишларида электрон-ҳисоблаш машиналарини қўллашга имкон беради. Математик методлар баъзи бир географик фанларда (иқлимшунослик, гидрология, аҳоли географияси, шаҳаршунослик, районини планлаштириш ва ҳ. к.) айниқса муваффақиятли ривожланоқда.

Материк ёнбағри — океан тубининг қирғоққа яқин қисми; шельф билан океан қазри орасида. Чуқурлиги 200—3600 м. Бу ерда сув ости тизмалари, қирлари ва сойликлари учрайди.

Материк музлиги — кутбий ўлкаларда баъзи ороллари (Гренландия, Баффин Ери) ва Антарктида материгини ёппасига қоплаб ётган музликлар. М. м. пластик бўлиб, баледроқ жойлардан агрофага томон секин силжиб бориб, океанга сурилиб тушадиган музликлар ҳосил қилади.

Материк ороллари — бир замонлар материкларнинг таркибий қисми бўлиб, кейинчалик қуруқликнинг чўкиши, тектоник ёриқлар патижасида ажралиб қолган қуруқликлар. Бундай ороллар заминни материкларнинг сув остидаги давомидир. М. о. нинг баъзи бирлари жуда катта бўлади; мас., Гренландия, Янги Гвинея, Янги Зеландия, Буюк Британия, Новая Земля.

Материк саёзлиги, шельф — денгиз ва океанлар қирғоғини ўраб турган сув ости саёзлиги. Эни бир неча км дан 1300 км гача. Дунё океани умумий майдонининг 8% ини ташкил этади. М. с. денгиз чўкиндилари (шагал, қум, қумоқ, лойқа) кўп тўпланадиган

жой бўлиб, ёруғ ва пилқ бўлганидан организмлар, жумладан баллиқ кўп. М. с. да кўплаб нефть ва газ конлари топиламоқда.

Материклар. континентлар — Ер шарининг денгиз ва океанлар билан қўрашб олган энг йирик қуруқликлари. Ҳаммаси бўлиб олтита М. бор: Евросиё (Европа билан Осиё)—50,7 млн. кв. км; Африка—29,2 млн. кв. км; Шимолий Америка—20 млн. кв. км; Жанубий Америка—17,6 млн. кв. км; Антарктида—14,0 млн. кв. км; Австралия—7,6 млн. кв. км. Барча М. лар майдони—139,7 млн. кв. км; яна қ. *Қўта*.

Машиқ — шарқ, шарқий ёлкалар. Машиқдан магрибгача — шарқдан гарбгача.

Магор — гор (қ. *For*).

Магриб (арабча)—1) дунёнинг тўрт томондан бири — гарб; 2) Африкада Тунис, Жазоир, Марокашдан иборат регион.

Маҳаллий вақт — Ер юзасидаги ҳар бир жойнинг ўз астрономик вақти. Ўрта Қуёш қуёш кульминацияда бўлганда М. в. 00 сәт 00 минут бўлади. М. в. ҳар бир жойнинг географик узунлигига боғлиқ. Бир меридианда жойлашган ҳамма нуқталар учун М. в. бир хил бўлади.

Маҳаллий шамоллар — унча катта бўлмаган территория учун хос бўлган об-ҳаво режими ва ҳосил қилувчи ва тез-тез такрорланиб турувчи шамоллар. М. ш. атмосферанинг маҳаллий ҳаракатлари оқибатида (тоғ-водий шамол) ёки умумий атмосфера циркуляциясининг маҳаллий шаронт таъсирида ўзгариши натижасида вужудга келади. (Аффон шамол, чинқу, самум, Бекобод шамол). Қ. *Тоғ-водий шамол*.

Меандр (Кичик Осиёда эгрибурги бўлиб оқадиган Катта Мендерес дарёси номидан)— текислик дарёларининг илон изи бўлиб бурлиб-бурлиб оқиши, ўзанининг эгри-бургилиги.

Межень — дарёда сув энг ка-

майган вақт. Ер ости сувидан тўйинадиган дарёларда ёз кириб кунлар исиб кетиши билан М. бошланади.

Мезозой бурмаланиши, Тинч океан бурмаланиши — ер йўсти ва ер юзаси табиати ривожланишининг мезозой босқичида (мезозой эрасида) рўй берган тоғ пайдо бўлиш жараёнлари ва бурмаланишлар. М. б. да, чувиачи, Шимоли-Шарқий Сибирь тоғлари (Юқори Яна, Черский, Сунтир Хаят, Пера, Мома, Анной тизмалари), Шимолий Америка Кордильера тоғлари ва б. ҳосил бўлган.

Мезозой группаси (эраси), мезозой (юнонча *мезос* — ўрта, *оралик*, *зой* — ҳаёт) — Ер геологик тарихининг тўртинчи эраси. Ердаги ҳаёт тараққиётининг ўрта босқичига тўғри келади. М. э. бундан тахминан 230 млн. йил илгари бошланиб, қарийб 163 млн. йил давом этган. Палеозой эрасидан кейин, кайнозой эрасидан олдин ўтган. Триас, юра ва бўр даврларига бўлинган. Бу эрада умуртқасизлар орасида сувда-қуруқликда яшовчилар ва учувчи судралувчилар характерли бўлган, уларнинг баъзилари (динозаврлар, ихтиозаврлар, птерозаврлар ва б.) жуда йирик бўлган; умуртқасизлардан аммонитлар, белемнитлар кўп бўлган. улар эра охирига келганда қирилиб битган; ўсимликлардан гинкгосимонлар, саговник-симонлар кўп ўсган. М. э. да ёпиқ уруғли ўсимликлар, қушлар, халталилар, плацентар сүт эмизувчилар ва денгиз ҳайвонларининг кўп гуруплари биринчи марта пайдо бўлган. Асосан, Тинч океан соҳилида тоғ бурмалари кўтарилган.

Мезоклим — нисбатан кичик территориялар иқлими. Мас., кичик тоғ водийси иқлими, шаҳар иқлими, соҳил иқлими ва ҳ. к.

Мезорельеф — майдонга кўра ўртача (макрорельефдан кичик, микрорельефдан катта) релье-

еф шакллари. Мас., водитлар, алоҳида турган паст тоғ ва қирлар, сойликлар, балкалар ва ҳ. к.

Мезосфера (юнонча *мезос* — ўрта, *сфера* — шар) — атмосферанинг стратосфера билан ионосфера оралигидаги қатлами, баландлиги 50—55 км дан 80 км гача. Т-ра қўйи қисмида 0° бўлса, юқори қисмида — 90°га етади.

Мелиоратив география — ерлар ва умуман, табиий муҳит ҳолатини тубдан яхшилашнинг географик асослари ҳақидаги илмий йўналиш. М. г. нинг асосий вазифаси территорияларни мелиорация турларига кўра районлаштириш, асосий мелиорация усуллари ва тадбирларига табиий географик жиҳатдан баҳо бериш ва мелиорация тадбирлари натижасининг табиий шароитга таъсирини, шунингдек, бу тадбирларнинг турли регионлардаги самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Мелиорация (латинча *мелиорацио* — яхшилаш) — қишлоқ хўжалигида фойдаланаладиган ерларнинг ҳолатини тубдан яхшилаш мақсадида амалга ошириладиган агротехник ва гидротехник тадбирлар. М. катта майдонларда барча табиий шароитни одамнинг хўжалик фаолияти учун фойдали қилиб ўзгартириш; фойдали ўсимлик ва ҳайвонлар учун тупроқда қўлай сув, ҳаво, иссиқлик ҳамда озик режимини, атмосферанинг ерга яқин қатламда эса ҳавонинг намлик, иссиқлик ва ҳаракатланиш режимини вужудга келтириш; жойини соғломлаштириш ҳамда табиий муҳитни яхшилаш имконини беради. М. қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг асосий омилдир. Асосий мелиоратив ишлар: боғқоқликларни қўришти (БССР), сув ҳавзаларни қўриш, қургўқчил ерларни суғориш, яйлов ва ўтлоқларни яхшилаш, қорни тутиб қолиш, дарактзорлар барпо қилиш, кислотали ерларни оҳаклаш, шўртоб ерларга гипс солиш, бутазорлар барпо қилиш,

кўчма қумларга, шамол ва сув эрозиясига қарши курашиш (Ўрға Осиёда).

Мензула (латинча *мензула* — столча) — геодезияда далада план олишда ишлатиладиган чизмачилик столчаси.

Мензула сьёмкаси — мензула билан кинрегель ёрдамида топографик план олиш. М. с. да жойдаги характерли нуқталарга тўғри келадиган нуқталар мензулага қўлда чизилади.

Мергель — оҳак-гилдан таркиб топган чўқинди тоғ жинси; таркибда 20—80% карбонат бўлади. М. қўрилиш материали, цемент саноати хом ашёси сифатида ишлатилади.

Меридиан (латинча *меридианус* — туш пайти) — Ер юзасидан ўтиб ҳар иккала қутбни туташтирувчи фаразий чизиқ; унинг барча нуқталари бир хил географик узунликка эга бўлади. М. бўйлаб географик кенглик ҳисоблаб чиқарилади: экватордан шимолда шимоллий кенглик, жанубда жанубий кенглик бўлади. 0° билан кўрсатилган М. бош М. дейилади. Бош М. деб Лондон яқинидаги Гринвич обсерваторияси меридиани қабул қилинган.

Меркурий, У т о р у д — Қуёшга энг яқин планета. Қуёшдан 58 млн. км. Қуёш атрофини 88 суткада айланиб чиқади. М. диаметри 4865 км. М. Ойга ўхшаб, Қуёшга фақат бир томони билан қараб туради. М. нинг бир томонида доим кундузи бўлиб, 400° иссиқ бўлса, иккинчи томонида доимо тун бўлиб инҳоятда совуқ. М. юзасида қора, оқни доғлар ва кучсиз атмосфера борлиги аниқланган.

Метагалактика — ҳозирги телескоплар билан кўринадиган 1 млрд. дан ортиқ галактикалар мажмуи. Галактика — Сомон йўли М. таркибига қирадиган юлдуз системаларидан бири.

Метагеография — географияни фан сифатида тадқиқ қилувчи

Йўпалиш. М. географиянинг объекти ва предмети, фанлар система-сидаги ўрни, асосий тушунчалари ва аксиоматикасини аниқлайди ҳамда ўрганади.

Металлургия (металл ва юнонча *ергон* — иш) — руда ва таркибида металл бўлган материаллардан металл олиш, металл ва қотишмаларнинг химиявий таркибини, структурасини ўзгартириш жараёнларини ўз ичига олган фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаси. Ер бағридан қазиб олинган рудаларга дастлабки ишлов бериш, металл ва қотишмалар олиш, рафинациялаш (тозалаш), уларга маълум шакл ва хоссалар бериш ҳам М. вазифасига киради; қ. *Ранги металлургия* ва *Қора металлургия*.

Метаморфизм (юннча *метаморфиз* — ўзгартиш) — Ер пўстининг пчки қисмида иссиқлик ва босим таъсирида чуқинди ҳам магматик тоғ жинслари структураси, минералогик ва химиявий таркибининг ўзгариши. М. таъсирида ҳосил бўлган тоғ жинслари **метаморфик тоғ жинслари** дейилади.

Метаморфик тоғ жинслари — метаморфизм натижасида ҳосил бўлган тоғ жинслари. Мас., оҳактош мрамарга, гил гилли сланецга айланади. Гнейс, кристалли сланец, кварцитлар ҳам М. т. ж. ҳисобланади.

Метеорологик станция — муайян муддатларда турли асбоблар ёрдамида изчилик билан метеорологик кузатишлар олиб бориб, об-ҳаво ҳолатини маълум қилиб турадиган станция. М. с. лардан олинган маълумотлар асосида об-ҳаво прогнози тузилади.

Метеоритлар (юннча *метеора* — осмондаги ҳодиса) — олам бўшлиғидан Ерга тушиб турадиган тош ёки металл жисмлар. Ерга тушган жойда чуқурлик пайдо бўлади. Энг оғир темир метеорит Габада (Африкада) топилган.

Унинг оғирлиги 60 т, ҳажми 9 м³ бўлган. Бир суткада Ерга оғирлиги 100 кг га яқин тахминан 2000 метеорит тушади. 1947 й. СССРда Сихотэ-Алинь метеорити тушган. Бу метеоритдан оғирлиги 35 т келадиган 350 та бўлга териб олинган; яна қ. **Метеорлар**.

Метеорлар, учар юлдузлар — космик фазодан қаттиқ жисмларнинг тезлик билан кириб келиши натижасида атмосфера-нинг юқори қатламида (80—130 км баландда) кўринадиган ёруғлик ҳодисалари. Жисмлар ер атмосферасига кириб келгач, 2000—3000° гача қизиб ёнади, сирти буғга айланаб нур сочади. Шар шаклидаги оловга ўхшаб, гулдираб овоз чиқариб учадиган М. бolidлар дейилади; яна қ. *Метеоритлар*.

Метеорология (юннча *метеора* — осмондаги ҳодиса, *логос* — фан) — атмосферада рўй берадиган ҳодисаларни: ҳавонинг иссиши ва совishiни, туман пайдо бўлиши, ёгин ёгиши, ҳавонинг ҳаракати, атмосферадаги электрик, оптик ва акустик ҳодисаларини ва б. ни ўрганадиган фан. Бу ҳодисаларнинг ҳаммаси Қуёшдан Ерга келадиган иссиқлик билан боғлиқдир. М. об-ҳавонинг ўрғаниши билан бирга уни олдиндан айтиб ҳам беради. Бунда М. га метеорологик станциялар катта ёрдам беради. М. иқлимшунослик билан ҳамбарчас боғлиқ.

Метислар (латинча *миктус* — аралаш) — турли ирқларга мансуб кишилар ўртасидаги никоҳдан пайдо бўлган авлодлар; мас., Америкада индеецларнинг европеонд ирқи вакиллари билан аралашшидан пайдо бўлган М.

Метрополия (юннча *метер* — она, *полис* — шаҳар) — 1) мустамлакалари бўлган империялистик давлат; мас., Буюк Британия ўз мустамлакалари учун М. бўлган; 2) баъзи бир давлатларда (мас., Канадада) провинция ёки областнинг марказий шаҳри. Давлатлар-

нинг пойтахтлари ҳам М. дейилади.

Меҳнат ресурслари — мамлакатнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги барча аҳолиси, шунингдек, ишлаб чиқаришда иштирок этадиган 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ва пенсияонерлар. СССРда 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар ва 60 ёшгача бўлган эркеклар меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳисобланади.

Меҳнат тақсими — жамият тараққиёти жараёнида меҳнат феолиятининг сифат жиҳатдан фарқ қилиши. Жамият миқёсида ва корхона ичиди М. т. мавжуд бўлади. Мас., ишлаб чиқариш йирик тармоқларга (саноат, қ. х., транспорт ва б.) бўлинади; бу тармоқлар, ўз навбатида, яна майда тармоқларга (мас., саноат оғир саноат, енгил саноатга) бўлинади ва х. к.

Бир мамлакат доирасида ва мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашиши ҳам М. т. дейилади, мас., территориял М. т. ва қалқаро меҳнат тақсими.

Меҳнат унумдорлиги — ишлаб чиқариш жараёнида кишилар меҳнатининг фойдалилиги, самарадорлиги ва маҳсулдорлиги. М. у. ишловчининг маълум вақт (соат, смена, ой, йил) давомида тайёрлаган маҳсулот ҳажми билан белгиланади. М. у. даражаси техникдан фойдаланиш ва меҳнат қуролларини такомиллаштириши, иш кучининг малакаси, меҳнатнинг ўшатирилиши ва б. га боғлиқ.

Миграция (латинча *миграцио* — кўчиш) — 1) аҳоли миграцияси — аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши; 2) ҳайвонларнинг яшаш шароити ва ривожланиш циклининг ўзгариши муносабати билан бир географик муҳитдан бошқа муҳитга кўчиши; 3) капиталнинг мўнтазам равишда кўшимча қиймет олиш учун ҳамда ёнбери мақсадларда бир мамлакатдан бошқа мамлакатга чиқарилиши.

Микроқлим — кичик территорияларнинг иқлими.

Микрорельеф — Ер юзасининг кичик рельеф шакллари: дарё террасалари, қум теналари, кичик-кичик ўр-қирлар ва б.

Милитаризация (латинча *милитарис* — ҳарбий) — тинч даврда боққичилик ҳушларига тайёрланиш мақсадида саноатни ёки умуман мамлакат экономикасини ҳарбий изга солиш. М. давлат монополияси қанитализми шароитида айниқса авж олди.

Миллий даромад — х а л қ д а р о м а д и — муайян вақт (мас., бир йил) давомида мамлакатнинг бутун аҳолиси меҳнати билан яратилган жами бойликлар. Бунда сарфланган хом ашё, энергия, машина, ишлаб чиқариш биноларининг ейилган қисми ҳисобга олинади.

Миллий парклар — чет мамлакатлардаги махсус қўриқланган территориялар, энг йирик қўриқхоналар. М. п. учун ҳайвон ҳамда ўсимлик дунёсига боғ, эътиборга лойиқ горлари, қоялари, қўллари, булоқлари бўлган серманзара ва нодир ландшафтли жойлар танланади. М. п. гўё табиий музей сифатида қўриқланади, уларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади. М. п. одатда уч қисм территориядан иборат бўлади: туристлар кириб бир неча кунлаб бемалол дам олиши мумкин бўлган қисм. Туристлар томоша қилиши мумкин бўлган қисм ва катъий қўриқланган қисм. Дунёдаги энг йирик М. п. Канададаги Вуд-Баффало, АҚШдаги Йеллоустон ва Посемит, Кениядаги Найроби, Швециядаги Сарек — Шёфаллетелар. Уларда нодир ҳайвонлар ва ўсимликлар, шунингдек, диққатга сазовор табиий объектлар бор.

Минерал (латинча *минера* — руда сўзида) — химиявий таркиби ва физик хоссаларига кўра тахминан бир хил бўлган табиий жисмлар. Ер пўстида содир бўла-

диган физик-химиявий жараёнлар патijasида ҳосил бўлади. М. тоғ жинслари, рудалар ва б. минерал жисмлар таркибида бўлади. Ҳозир М. ларнинг 3 мингга яқин тури маълум. Ер пўстидаги тоғ жинслари ва рудалар М. лардан таркиб топган. М. лар кўпинча кристаллардан иборат бўлади. Суюқ (сув, симоб) ва газсимон М. лар ҳам бор.

Минерал сувлар — таркибида баъзи бир химиявий элементлар ва бирикмалар, шунингдек газлар бўлган сувлар. Сув таркибидаги тузлар 1 г/л дан ортиқ бўлса М. с., кам бўлса, чуқуқ сув дейилади. Агар 50 г/л дан ортиқ бўлса, шўр сув, намақоб бўлади. Сув таркибида йод, бром, литий, барий, темир ва б., газлар — карбонат ангидрид, радон, сульфат газлари бўлиши уларда шифобахш хусусият вужудга келтиради. Тошкент минерал суви, Нарзан суви ва б.

Минтақа — Ер юзасининг табиий географик кенглик — зонал бўлинишининг энг юқори босқичи; қ. *Географик минтақа*.

Минтақа вақти — вақтнн ҳисоблаш системаларидан бири. М. в. га Ер юзасини ҳар бири ўртача 15° дан қилиб меридиан йўналишидаги 24 та минтақага ажратиш асос қилиб олинган. Минтақалар тартиб сони Гринвич меридиани ўрта меридиан бўлган минтақадан бошлаб шарққа томон 0 дан 24° гача ҳисобланади. Бир минтақа дозрасидаги ҳамма жойда бир вақтда соат бир хил ҳисобланади. М. в. деб шу минтақанинг ўрта меридианидаги ўртача қуёш вақти қабул қилинган. Хўжалик за бошқа амалий ишларда қийинчилик туғилмаслиги учун М. в. чегаралари қатъий меридиан бўйлаб эмас, баъзан мавмурий чегаралар, дарёлар ва ҳ. к. лар бўйлаб ўтказилади. М. в. дастлаб 1883 йили АҚШда жорий қилинган. СССРда 1919 йилда М. в. га ўттилган.

Мирабилит — қ. *Глаубер тузи*.

Мис рудалари — миснинг сафоат аҳамиятига эга бўлган минераллари. Таркибида 1% дан 2% гача ва ундан ортиқ мис бўлган рудалардан мис олинади. Дунёда ишлаб чиқариладиган миснинг 90% и сульфидли рудалардан олинади. М. р. конлари: СССР (Урал, Закавказье, ҚозССР, ЎзССР) да, АҚШ, Чили, Конго, Канада, Шимоллий Родезияда бор.

Модда ва энергия алмашинуви — географик қобикъ ва айрим ландшафтлардаги компонентларро алоқаларни ифодаловчи қонуният. Табиатда компонентларро модда ва энергия алмашинуви туфайли *табиий территориал комплекслар* вужудга келган. Табиатда моддий ва энергия алмашинуви, одатда, айланма ҳаракат тарзида рўй беради. Океан сувлари циркуляцияси, атмосферадаги айланма ҳаракатлар, сувнинг айланма ҳаракати, биологик, литологик айланма ҳаракат ва б. ана шундайдр. Айланма ҳаракатлар туфайли табиатда чиқит ҳосил бўлмайди. Табиатдаги модда ва энергия алмашинуви географик қобикънинг бир бутунлигига сабаб бўлади.

Мойли экинлар — мой олиш учун экиладиган ўсимликлар. Қунгабоқар, зигир, қунжут, канақунжут, махсар, ерёғоқ, соя, горчица, конопля, пахта ва б. М. э. жумласига киради. Шунингдек, зайтун, тунга, кедр, ёнғоқ, бодом каби дарахтларнинг мағизларидан ҳам мой олинади. Қунгабоқар, зигир, конопля, пахта, ерёғоқ, қунжут М. э. орасида энг катта ўрни тутади.

Молибден рудалари (юпонча *молибдос* — қўрғошин) — молибденнинг саноат аҳамиятига эга бўлган минерал бирикмалари. Асосий агрегатлари молибденит ва новеллит. М. р. да 0,1% дан 1% гача ва ундан кўпроқ молибден бўлади. Молибден темир, никель, кобальт билан бирикмалар ҳосил қилади, пўлатнинг қаттиқ (мус-

таҳкам) бўлишига ёрдам беради. М. р. қонлари СССРда — Арм. ССР, Шимолий Қавказ (Тирингауз), ҚозССР (Қўнғирот, Бўшаққўл), Ўзбекистонда эса Олмалик, Қорамозор, Зирабулоқ-Зиёвуддин, Нурота тоғларида, чет элларда — АҚШ, Чили, Канада, Норвегияда бор.

Момақалдиरोқ — ҳавода чақмоқ пайтда рўй берадиган гулдираш ҳодисаси. М. чақмоқ чаққанда ҳавонинг жуда тез испб, кенгайишидан, яъни портлаш тўлқинида рўй беради.

Монархия (юнонча *монархиа* — яқка ҳукмронлик) — эсеплататорлик жамиятларида давлатнинг бир шахс — монарх (қирол, подшо, шоҳ, император) томонидан бошқарилиши. Монарх ҳокимияти умрбод бўлиб, авлоддан-авлодга ўтади. Ҳокимият бутунлай монарх қўлида бўлса, ҳоким мутлоқ дейилади; конституцияли монархияда монарх ҳокимиятини парламент чеклаб қўйган бўлади; парламент розидигисиз монарх давлат аҳамиятига эга бўлган қонулар чиқариш ҳуқуқига эга эмас; мас., Буюк Британия, Бельгияда ана шундай.

Мониқ булут — булут турларидан бири. Муз кристаллчаларидан иборат бўлиб, шакли юпқа патга ўхшайди. Одатда, соя бермайди. Тропосферанинг юқори қатламларида жуда паст ҳароратли шароитда вужудга келади. Баъзан ҳаво фронтида илқ ҳавонинг фронт юзаси бўйлаб кўтарилишидан ҳосил бўлиб, ҳаво айнашидан дарак беради.

Мониторинг — атроф муҳитнинг ҳолатини кузатиб туриш, уни назорат қилиш ва бошқаришга қаратилган илмий-амалий тадбирлар системаси. М. атроф муҳитнинг келгусидаги ўзгаришларини олдиндан аниқлашни ҳам ўз ичига олади.

Монокультура **хўжалиги** (юннча *монос* — битта ва латинча *культура* — экиш) — биргина

жойнинг ўзида бир хил экинни узлуксиз экиш. Оқибатда ернинг унумдорлиги камаяди, эрозия авж олади.

Монополиялар — қ. *Капиталистик монополиялар*.

Морена — музликлар олиб келиб қолдирган тоғ жинслари парчалари (валунлар, палахса тошлар, шағал, қум, гил).

Моренали ландшафт — юзасини музлик оқизиклари қонлаб ётган ерлар. М. л. да хилма-хил айрим ва қатор тепалар (қадимги морена қолдиқлари), улар орасида кўпинча қўл ёки ботқоқлик билан банд чуқурликлар, катта-кичик валунлар кўп бўлади.

Морфоскульптура — рельеф ҳосил қилувчи асосан ташқи омиллар (оқар сувлар, ер ости сувлари, шамоллар, музликлар, доимий музлоқлар, нураш ва б.) таъсирида пайдо бўлган қиёсан кичик рельеф шакллари. Мас., жар, ясси жар, морена тепалиги, барҳан, дюна, дўнг қум, карст воронкалари ва ҳ. к.

Морфоструктура — рельеф ҳосил қилувчи эндоген ва экзоген омилларнинг биргаликдаги таъсирида, биروق, эндоген омилнинг етакчи роли таъсирида вужудга келган йирик рельеф шакллари: айрим тоғ занжирлари, тизмалар, тоғ водийлари, қирлар, платолар, пасттекисликлар ва бошқалар.

Мувозанат профили — узоқ вақт давомида сув ювиб бориши натижасида дарё тубидаги нотекисликлар текисланган ўзанинг бўйлама кесими.

Муз — сувнинг қаттиқ, кристалл ҳолати. Тоғлардаги музликларни ҳам маҳаллий аҳоли муз дейди. Совуқ маъносида ҳам ишлатилади. Тоғ номлари таркибида учрайди: Музтоғ, Музтоғота ва ҳ. к.

Муз босиши — табиий муз тўпланиши ва унинг силжиб, атрофдаги жойларни қоплаши. Ер юзининг айрим қисмларини геологик даврлар давомида бир неча

бир муз босганлиги маълум. Бундай муз босишлари турли жойда турли номлар билан аталади. Европада уч марта, Шимолий Америкада тўрт марта М. б. бўлган. Ҳозирги Антарктидадаги, Гренландиядаги ва Арктика оролларидаги музлар ҳам ана шундай музлардир.

Муз далалари — дрейф қилиб (секин сузиб) юрадиган музлардан энг йириклари, диаметри 10 км ва ундан ҳам катта бўлиши мумкин. Кўп йиллик М. д. нинг қалинлиги 3—4 м га етади.

Муз зоналари, Арктика совуқ саҳралари зоналари ёки қутб ий зоналар — Шимолий қутб билан Жанубий қутб атрофларидаги ўлкалар. Шимолий ярим шарда М. з. тахминан 70° ш. к. гача боради, жанубий ярим шарда Антарктида ва унинг ён-веригаги ороллари ўз ичига олади. М. з. да иқлим ниҳоятда совуқ бўлганидан музлик кенг тарқалган.

Муз тикилиши — муз оқиши вақтида дарё ўзининг торайган жойларида, тирсақларда, саёзликларда муз йиғилиб, дарёни тўсиб қўйиши. Шимолга оқадиган дарёларда юқори оқимида муз кўчиб, қуйи қисмига келиб тўпланишидан ҳам М. т. бўлади. Амударёнинг қуйи оқимида ҳам кузатилади. М. т. баъзан тошқинларга сабаб бўлади.

Муз ғори — деворлари, таги, шипи муз кристаллари, муз ғумалаклар билан қопланган ғор. Бундай ғорлар ичида ҳаво т-раси йил бўйи 0° дан паст туради ва тоғларнинг баланд қисмларида, салқин, совуқ ўлкаларда учрайди.

Музлик — шароит қулай жойда қор тўпланишидан ҳосил бўлиб, қия томонга силжиб турувчи муз массаси. Қор чегарасидан юқорида рельефнинг қор тўпланиши учун қулай бўлган боғиқ шаклларида тўпланадиган қорнинг зичлашишидан вужудга келади. Ер юзида ҳозирги вақтдаги музликлар майдони 16 млн. км²

дан ортиқ. М. лар жойлашган ўрни ва шаклига кўра тоғ М. ва текислик М. га бўлинади. М. лар нишаб томонга сурилиб туради; 1° қияликдаги ерда М. силжиши учун унинг қалинлиги 55—60 м бўлиши керак. 1,5—2 м қалинликдаги муз силжийди. М. нинг силжиш тезлиги муз т-расига, жойнинг қиялигига ва музнинг қалинлигига боғлиқ. М. кўнига бир неча км дан 2—3 м гача силжиши мумкин. Тоғ музликлари дарёларнинг тўйинтирувчи муҳим сув манбаидир.

Музлик даврлари — Ерининг геологик тарихида қуруқликни қалин музликлар қоплаб ётган босқичлар. Кембрийдан олдин, палеозой ва кайнозой эраларида М. д. бўлиб ўтган. Мас., СССРнинг Европа қисми ва Ғарбий Европанинг каттагина қисмини бир неча марта муз босган.

Музлик қўллари — музлик ўйган чуқурликларда пайдо бўлган қўллар. М. к. дан морена қўли ва кар қўли фарқ қилинади. Кола я. о., Карелия, Финляндияда кўпдан кўп музлик ўйиб юборган дастлабки чуқурликларда М. к. вужудга келган.

Музлик тили — тоғ музлигининг қор чизғидан пастга тушиб келган тармоғи.

Музлик цирки — тоғларнинг тепа қисмидаги бир ёни очиқ товоқсимон табиий чуқурлик. Соғуқдан нураш натижасида ҳосил бўлади. Кар деб ҳам юритилади. Ичида кўпинча муз йиғилиб ётади.

Музлик қўли — водий музлигига ён водийлардан келиб қўшилган музлик — водий музлиги ирмоғи. Агар ён водий баландроқ бўлса, М. к. асосий музликка қўшилиш жойида музлик шаршарасини ҳосил қилади.

Музтоғ — қ. *Айсберг*.

Мулаглар — европалар билан негрлар никоҳидан пайдо бўлган авлодлар.

Муссон (арабча *мавсум* сўзи-

дан) — қишда қуруқликдан денгизга, ёзда денгиздан қуруқликка томон эсадиган шамоллар. М. қуруқлик билан денгизнинг бир хил несимаслиги оқибатида ҳаво босимининг фарқ қилишидан пайдо бўлади. Сув қуруқликка қараганда секин исиб секин совийди, шунинг учун ёзда қуруқлик устидаги ҳавога нисбатан денгиз устида ҳаво т-раси паст, босим эса юқори бўлади, шунинг учун шамол денгиздан қуруқликка қараб эсади. Қишда эса, аксинча, қуруқлик тез совиб кетади, қуруқлик устида т-ра паст, босим эса юқори бўлади, шунинг учун шамол қуруқликдан денгизга томон эсади. М. аксарини тропик ва мўътадил минтақаларда кузатилади.

Муссон иқлими — атмосфера циркуляцияси муссон характерида бўлган, яъни ҳаво массалари ёзда денгиздан қуруқликка, қишда эса қуруқликдан денгизга томон ҳаракат қиладиган ўлкалар иқлими. М. и. да қиш қуруқ, ёз эса серёғир бўлади. М. и. га Ҳиндистон, Ҳиндхитой, Узоқ Шарқ, Шарқий Хитой муссон иқлимлари мисол бўла олади.

Муссон шамоллари — фаслдан фаслга ўз йўналишини ўзгартирадиган шамоллар. Қ. *Мавсумий шамоллар*.

Мустамлакалар — империалистик давлатлар томонидан босиб олинган ва сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан қарам бўлган мамлакатлар ва ўлкалар. М. биринчи давлат (метрополия) қўл остида бўлади. Миллий озодлик ҳаракати оқибатида иккинчи жаҳон урушидан сўнг кўпчилик М. мустақилликка эришди. Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг XV сессияси 1960 йилда совет делегациясининг таклифи билан барча М. га мустақиллик бериш тўғрисида декларация қабул қилди.

Мустамлакачилик, колониализм — империалистик давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан за-

иф мамлакатларни босиб олиш, эзиш ва эксплуатация қилишга қаратилган сиёсати.

Мутлақ баландлик — қ. *Абсолют баландлик*.

Мучал, мучал ҳисоби — 12 та ҳайвоннинг номи билан аталган (12 йиллик) даврий йил ҳисоби. Бу ҳайвонлар: сиңқон, сиғир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўнғиз. Қиши шу ҳайвонлар номи билан аталган 12 йилнинг қайси бирда туғилган бўлса, унинг мучали шу ҳайвон номи билан аталган. Мас., қўй йилида туғилган кишининг мучали — қўй, от йилида туғилган кишининг мучали — от ва ҳ. к. М. ҳисобида шу айтилган 12 йиллик давр бир айланиб келса, одам бир мучалга тўлган бўлади. Лекин кишиларнинг ёшини аниқлашда уларнинг она қориндаги вақти ҳам бир йилга тенг деб ҳисобга олинади, яъни киши бир М. га тўлганда унинг ёши 12 эмас, 13; икки М. га тўлганда 25 бўлади ва ҳ. к.

Мўйна — мўйнали ҳайвонлар (соболь, сувар, оқсиңқон, сассиңқузан, тийин, тулки, қуён, норка, бобр, қундуз, ондатра, нутрия, суғур, юмронқозиқ ва б.) ва бу ҳайвонларнинг териси.

Мўйноқ — бўйин, бўғоз, дарё, қўл, орол, қуруқлик, тоғ, қир ва ҳ. к. ларнинг тор чўзиқ қисми.

Мўътадил иқлим — *мўътадил минтақа* иқлими, бу минтақада қуёш ҳеч қачон зенитга чиқмайди; йил фасллари бир-бирдан кескин фарқ қилади. М. и. уч хил бўлади: 1) мўътадил денгиз иқлими (мас., Фарбий Европада), бутун йил давомида ҳавонинг рутубатли, серёғин бўлиши, қишнинг анча илӣқ, ёзнинг салқин келиши билан фарқ қилади. Т-раининг йиллик амплитудаси у қадар катта эмас (мас., Лондонда 14°); 2) мўътадил-континентал иқлим қиш ва ёз т-расининг кескин фарқ қилиши билан характерланади: қиши совуқ, ёзи ис-

сиқ, температуранинг йиллик амплитудаси 40° га етади ва ундан ҳам ошади; ёғни кам ёғади (мас., СССР территориясининг катта қисми ва Шимолий Американинг марказий р-лари); 3) мўътадил муссон иқлими, мўътадил континентал иқлим областларидаги каби, қишнинг совуқ аёз бўлиши ва қорнинг кам ёғиши билан фарқ қилади, мўътадил денгиз иқлими областларидаги каби ёз у қадар иссиқ эмас, ҳаво рутубатли бўлиб, ёғни кўп ёғади. Т-ранинг йиллик амплитудаси катта — 30° ва ундан ортиқ (мас., Узоқ Шарқ, Хитойнинг шимоли).

Н

Навигация (латинча *навиго* — кемада сузман) — 1) маҳаллий иқлим шароитига қараб, денгиз, дарё ва кўллarda кема қатнай оладиган мавсум; 2) денгизда сузиш, кема қатнови; 3) денгизда ва космосда кемаларни бошқаришнинг назарий асослари ва амалий усулларини ишлаб чиқадиган фан.

Назарий география — географиянинг йўналишларидан бири. У барча географик фанлар натижалари ва ҳисобларини умумлаштириш, бляча географик фанлар учун умумий бўлган қонуниятларини аниқлаш, умуман, бир бутун географиянинг асосий назарий масалаларини баён қилиш билан шуғулланади.

Найзатош — тоғларнинг ўткир учли чўққиси, ўткир учли қоя.

Намланиш — бирон территориядаги ёғинлар миқдорининг шу жойдаги мумкин бўлган (потенциал) буғланишга нисбати. Мумкин бўлган буғланиш миқдоридан ёғинлар миқдори катта бўлса, бундай жойлар ортиқча (ўта) намликка эга бўлади (мас., ўрмон зонаси). Аксинча, ёғинлар миқдоридан мумкин бўлган буғланиш катта бўлган ерлар қурроқчи бўлади. (Мас., чала чўллар, чўллар

Мўътадил минтақа — географик қобикнинг энг катта зонал бўлинишларидан бири. Шимолий М. М. 40° ва 65° шим. кенгликлар, жанубий М. М. 42° ва 58° жан. кенгликлар орасида жойлашган. Иқлимийнинг аниқ мавсумийлиги, иқлимлари континенталлигининг катталиги, қишнинг каттиқ совуқлиги билан ажралиб туради. Қуруқликда тайга, аралаш ўрмонлар, кенг баргли ўрмонлар, мўътадил минтақа ўрмонли даштлари, даштлари, чала чўллари ва чўллари ландшафт зоналарини ўз ичига олади.

ва ҳ. к.) Н. ни миқдорий ifодалаш учун аридик ва гумидлик индекслари ҳамда намланиш коэффициенти формулаларидан фойдаланилади.

Намлик — қ. *Ҳаво намлиги*.

НАТО — Шимолий Атлантика Харбий Ташкилоти (инглизча номининг биринчи ҳарфларидан тузилган; расмий номи Шимолий Атлантика пакти ташкилоти), 1949 йили империалистик давлатлар томонидан тузилган ҳарбий-сиёсий блок. Дастлаб бу блокка АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Дания, Исландия, Норвегия ва Португалия кирган. 1952 йилда унга Греция ва Туркия, 1955 йилда ГФР кирган. 1966 йили НАТО харбий ташкилотидан Франция, 1974 йилда Греция чиқиб кетди.

Натурсоциология, геодемонология — кишилик жамияти билан географик муҳит ўртасидаги алоқаларни тадқиқ қилувчи фаннинг турли олимлар томонидан тавсия этилган номлари. Н. нинг асосий мақсади бу алоқаларнинг оқилона йўлларини топиш, улардан тўғри фойдаланишдир.

Национализация — ишлаб чи-

қарши воситалари: ер, ф-ка, з-д, банклар, транспорт воситалари ва б. ларнинг хусусий мулкдан давлат мулкига айлантирилиши. Пролетар давлатида Н.—эксплуататор синфлар мулкнинг пролетар ҳокимияти томонидан ҳеч қандай тўловсиз, революцион йўл билан мусодара қилиниши ва умумхалқ бойлигига, давлат социалистик мулкига айлантирилишидир. Капиталистик мамлакатларда Н.— давлатнинг шахсий кишилардан ер, айрим корхоналар ёки бутун саноат тармоқларининг сотиб олинишидир. Давлат бу ҳолда Н. қилнаётган корхоналар қийматини собиқ эгасига тўлиқ тўлайди ва бу корхоналар буржуа давлати мулкига айланади. Лекин буржуа давлатида давлат мулки капиталистик мулкнинг бир тури бўлиб, Н. қилинган корхоналарда ишлаб чиқариш ишчиларни эксплуатация қилиш асосида олиб борилади.

Наҳр (арабча, кўпчилиги ахбор)— ариқ, канал. Жой номлари таркибида учрайди. Мас., Тошкентдаги Анҳор, Фарғона областидаги Улуғиор (Улуғнаҳр) каналлари.

Нейтрал мамлакатлар — қ. *Бетараф мамлакатлар*.

Неоколониализм (юнонча *нео* — янги, колониализм сўзининг ўзаги *колос* — обод қиламан, жойлаш аман) — мустамлакачилик системаси парчаланиб бораётган шароитда империалистик давлатларнинг мустақилликка эришган собиқ мустамлакаларини бўйсиндириш ва эзиш учун қилаётган янгича, яширин ҳаракатлари. Бунинг учун иктисодий ёрдам кўрсатиб, мамлакатларни империалистлар фойдасига сиёсий ён беришга мажбур қилиш, империалистларга қўл келадиган ҳукуматлар тузиш мақсадида реакция сиёсий партиялар ва группаларни қўллаб-қувватлаш; бу мамлакатларни империалистлар томонидан тузилган ва социалистик мамлакатларга қарши қаратилган ҳарбий блок-

ларга ва миллий-озодлик ҳаракатига жалб қилиш шарти билан ҳарбий материаллар бериш ва ҳарбий инструкторлар юбориш Н.нинг энг тарқалган шаклларидир.

Неотектоника, энг янги тектоника — тектониканинг бир бўлими, неоген ва антропоген даврларида рўй берган ва давом этаётган тектоник ҳаракатларни ҳамда бу ҳаракатлар оқибатида вужудга келган структуралар билан рельеф шаклларини ўрганadi.

Нефелин (юнонча *нефеле* — булут; ўткир кислоталарда Н. парчаланиб, булутга ўхшаб кетади) — таркибида алюминий бўлган, рангсиз, кул ранг, яшил, пўшти ва б. ранглардаги минерал. Бир қанча отқинди жинслар таркибида учрайди. Алюминий рудаси сифатида, шиша, цемент ва химия саноатида ишлатилади. СССРда Кола я. о. (Хибин тоғлари), Урал (Ильмень тоғи), Красноярск ўлкасида Н. конлари бор.

Нефтепровод, нефть қувури — нефть ва нефть маҳсулотларини юбориладиган ишшоотлар (ер ости ва сув ости қувурлари, насос станциялари, нефть сақланган жойлар, ҳар хил қурилмалар). Н. орқали нефть юбориш транспортнинг бошқа турларига nisбатан қўлай ва арзон бўлиб, исрофгарчиликни камайтиради. СССРда Н. қуриш кенг авж олдирилган. Хозир 50 минг км дан ортиқ Н. бор. СССР ва б. социалистик мамлакатлар ўртасида қурилган «Дўстлик». Н. (3700 км) улкан ишшоотлардан биридир.

Нефть, қорамой — ёнувчи мойсимон суюқлик. Ранги одатда, тўқ кўнгир ёки кўкиш — кўнгир. Ёнганда 10400—11000 ккал/кг иссиқлик беради. Таркибига кўра Н. парафинли, нафтенли бўлади ва баъзан ароматик углеводородларнинг мураккаб аралашмасидан иборат. Н. да аралашма ҳолда кислоталарни бирикмалар (асосан нафтенли кислоталар), олтингурут ва азот, смолани ва асфальт-

ли моддалар бўлади. Н. да 84—85% га яқин углерод, 12—14% водород бор. Н. тоғ жинслари (қум, кумтош, оҳактош) орасида ётади. Н. дан ҳайдаш йўли билан бензин, керосин, сурков мойлари, мазут, гудрон, вазелин, парафин ва б. олинади. Н. запаси бўйича СССР дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Асосий конлари: Сибирь (Тюмень обл.), Волга билан Урал орални («Иккинчи Боку») Апшерон ярим ороли (Боку), Шимолий Кавказ (Майкоп, Грозний), Эмба р-ни, Ғарбий Украина, Сахалин. Чет элларда АКШ, Венесуэла, Яқин ва Урта Шарқ мамлакатлари.

Нивал иқлим — қор эриб улгурмайдиған иқлим. Н. и. ли жойларда ҳаво т-расининг пастлиги қорнинг буғланиб ва эриб кетишига имкон бермайди, натижада кўп йиллик қор музликларга айлана бошлайди. Н. и. кутбий ўлкалар ва баланд тоғлар тепасида қарор тонади.

Нивал миштақа — баланд тоғларда қор чизигидан юқорида жойлашган нивал иқлимли баландлик миштақаси. Унда донмий қор ва музликлар катта майдонни эгаллайди. Органик ҳаёт яхши ривожлана олмайди. Усимликлардан лишайниклар ва йўсунлар, ҳайвонлардан кушлар характерли. П. м. нинг пастки чегараси кутбий ўлкаларда анча пастдан (ҳатто денгиз сатҳидан), арнд иқлимли ўлкаларда (чунончи, чўл зонасидаги тоғларда) анча баланддан ўтади.

Нивация — қор сувлари таъсиринда рельеф ҳосил бўлиш жараёни.

Нивелир (французча *нивелир* — текисламоқ) — жойнинг нисбий баландлиги, яъни бир нуқтанинг иккинчи нуқтадан қанча баландлигини аниқлаш учун ишлатиладиган асбоб. Олдий Н. учига кўидаланг тахтача ўрнатилган ёғоч таёқдан иборат. Тахтача ўртасида миҳ бўлиб, Н. ни тик (вер-

тикал) ўрнатиш учун унга шоқул боғланган. Нивелирлашда анча мураккаб Н. лар ишлатилади.

Никель рудалари — таркибида никель бўлган минерал бирикмалар. Одатда таркибида 1—2% никель бўлган Н. р. конларни қазиб олинади. Никель ҳавода оксидланмайди ва яхши снлликланади, шунинг учун ҳам металл буюмлар никелланади. Никель қўшилса пўлат жуда эластик бўлади. Соф никель химия саноати ва машинасозликда (аппаратлар тайёрлашда) ишлатилади. Н. р. конлари: СССРда — Кола я. о., Шарқий Сибирь, Урал, Қозоғистон; чет элларда — Канада, Янги Каледония, Куба, Бразилия.

Нисбий баландлик — бирон жойнинг иккинчи бир жойга нисбатан тик баландлиги. Мас., тоғ ёки тепаликнинг этагидан тепасигача тик чизик бўйлаб баландлиги.

Нисбий намлик — муайян т-радаги ҳавода мавжуд бўлган сув буғи миқдорининг (е) шу т-радаги тўйиниш ҳолатидаги миқдорига (Е) нисбати, яъни $R = \frac{e}{E} \times 100\%$. Мутлақ қуруқ ҳавода Н. н. нулга тенг, тўйинган ҳавода эса 100% бўлади.

Нишаб, дарё **нишаби** — оқар сувларнинг, дарёларнинг бошланиш ери билан қуяр жойи орасидаги ёки айрим қисмлари орасидаги баландлиkning дарё узунлигига ёки ўша қисми узунлигига нисбати; мас., дарё бошланиш жойи денгиз сатҳидан 300 м баландда, қуяр жойи 0 м, дарё узунлиги 70 км бўлса, дарёнинг нишаби 300 м: 70 км = 4,28 м/км. Текислик дарёлари нишаби кичик, тоғ дарёлариники катта бўлади.

Нов — 1) сув ўтказиш мақсадида қуриладиган махсус қурилма; кўпинча чуқурликлар устидан арнқ ўтказиш учун қурилади (акведук); 2) океанлар остидаги кўпинча узун чўзилган чуқур ботиқлар. Мас., Мариана нови, Ява нови ва ҳ. к.

Нодир ландшафтлар — нисбатан кам сақланиб қолган, илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган, тугаб бораётган ўсимлик ёки ҳайвон турлари тарқалган ландшафтлар. Н. л. да кўпинча қўриқхона ва заказниклар ташкил этилади. Баъзан улардан истироҳат жойлари сифатида фойдаланилади.

Норд (немисча) — шимол; *N* ҳарфи билан қисқартириб ёзилади.

Нуличи меридиан — қ. *Бошланғич меридиан*.

Нура — ёнбағирлари тик тушган сой. Географик номлар таркибида ҳам учрайди: Қизилнура (Чатқолда), Қоранура (Қозоғистонда).

Нураш — т-ранинг ўзгариб туриши, атмосферанинг физик-химиявий таъсири, ер ости ва ер усти сувлари ҳамда организмлар таъсирида ер юзидаги тоғ жинслари ва минералларнинг бузилиш ва емирилиш жараёни. Н. нинг физик, химиявий ва биологик турлари бўлади. Физик Н. т-ранинг кескин ўзгариб туриши ва тоғ

жинсларининг қуёш нуридан турлича қизиниш сабабли катта-кичик бўлақларга бўлиниши. Химиявий Н. тоғ жинси билан ҳаво (кислород, карбонат ангидрид ва б.) нинг бир-бирига таъсири ва турли сувли эритмаларнинг таъсирида рўй беради; бунда жинсларнинг минералогик таркиби ўзгаради; мас., дала шпати каолинга айланиши мумкин. Биологик Н. ўсимлик ва организмларнинг тоғ жинсларига таъсири натижа-сида содир бўлади. Бу организмлар тоғ жинслари ва минералларнинг таркибига таъсир этадиган эритмалар ажратиб чиқариб, уларни емиради.

Нураш пўсти — тоғ жинсларининг ҳаво, сув ва организмлар таъсирида ўзгаришидан ҳосил бўлган ғовак жинслар қатлами. Тўб тоғ жинсларидан ғовакчилиги ва химиявий таркибининг ўзгарганлиги билан фарқ қилади. Табиий шаронгга қараб Н. п. нинг қалинлиги ҳар хил. Иссиқ ва сернам ўлкаларда қалин (200 м гача) бўлади. Н. п. ҳосил бўлиши Ернинг барча геологик даврларида рўй берган.

О

Об — сув (тожикча). Урта Осиёдаги айрим терминлар, кўпинча географик номлар, шу сўз иштирокида гузилган: мас., обдон, об-ҳаво, обхўр, обонбор; Сибб (Сибх-об), Варзоб, Мурғоб, Сурхоб ва ҳ. к.

Обдон (тожикча — сувдон) — сув омбори, ҳовуз.

Обод — одам кучи билан маҳаллий табиати ўзгартирилиб, яхшиланган жой. Обод қилиш сув чиқариш, ботқоқликларни қури-тиш, ўр-қирларни текислаш, ўсимлик экиш, шаҳар ва қишлоқлар бунёд этиш йўли билан амалга оширилади.

Обомбор — қ. *Сув омбори*.

Об-хаво — атмосферанинг (ҳавонинг) муайян бир вақтдаги ҳо-

лати. Вақт ва масофада тез ўзгариб туради. О. маълум бир вақтнинг ўзида бир-бири билан уйғун метеорологик элементлар мажмуи билан ифодаланади (ҳаво т-раси, намлиги, шамол, булутлар, ёғин, ҳаво босими, тиниқлиги ва ҳ. к.). О. ўзгариши деганда мана шу элементларнинг ўзгариши тушунилади. О. даврий (кеча билан кундуз), фаслий ҳамда нодаврий равишда (циклон ўтиши, турли ҳаво массаларининг келиши, антициклон туриши оқибатида) ўзгариб туради.

Об-ҳаво прогнози (юнонча *прогнозис* — олдиндан билиш) — метеорологик станциялардан олинган маълумотлар ва синоптик кар-

талар асосида об-ҳавонинг келажак ҳолатини аниқлаш. О. п. қисқа муддатли (бир неча ўн соатлик), узоқ муддатли (бир неча кунлик, ойлик ва ҳ. к.) бўлади. Москва, Вашингтон, Мельбурн ҳақон метеорологик марказлари қилиб тапланган. СССРда О. п. билан Гидрометеомарказ шуғулланади.

Овдон — ландшафти (табиати) атрофдаги ерлардан фарқ қилувчи жой. Туркман ва қозоқларда кўпроқ ишлатилади.

Овлоқ, авлоқ — ёввойи ҳайвонлар кўп бўлган, ов қилинадиган жой. Қадимда Ўрта Осиёда қулон, жайрон, кийик, архар, паррандалар ов қилинадиган жойлар О. дейилган.

Овринг—Тожикистоннинг тоғлик р-иларида тик тоғ ёнбағирларидан ўтган тор йўлларнинг илмий адабиётда қабул қилинган номи. О. қояларини ўйиб, мустаҳкам қозиклар устига шох-шаббалар тўшаб ишланади. Ўтиб бўлмайдиган жойларга осма кўприклар қурилади. Тик силлиқ қояга баланд зинапойлар осиб қўйилади. Баъзан қоянинг тепасига катта қозиклар қоқилади, пиниқ новдалардан эшилган арқон ҳалқа шу қозикларга осилади. Арқон ҳалқаларининг пастки учига ғўлалар ётқизилади. Кишилар ана шу ҳалқа туннель нчидан ғўлалар устидан юради. О. лар, асосан, пиёда юришга мўлжалланган. Баъзи қисмларида эшак — отларда ўтса ҳам бўлади. О. ларни тепадан тушган сув, тошлар ва қор кўчкилари ишдан чиқаради. Шуг'он ва Рушонда О. маржа (марза), парин (паринд), Яғнобда рафақ дейилади. Тоғларда катта йўллар қурилиши муносабати билан О. ўз аҳамиятини тобора йўқотмоқда.

Одоқ (оёқ сўзидан)— дарё ва сойлар этаги, қуйилиш ери, баъзан ўрта оқими соҳилларидаги текис пастлик ерлар. О. ларни тошқин вақтида баъзан сув босади, ер ости сувлари юза бўлиб, дарё сувининг сатҳига қараб ўз-

ғариб туради. Тупроғи, кўпинча, шўртоб-ботқоқ бўлиб, қамши, қўға, юлғун, шўра, ажриқ билан қопланиб ётади.

Озиқ-овқат саноати — аҳолини озиқ-овқат моллари билан таъминлайдиган саноат корхоналарининг умумий номи. О. о. с. 30 хилдан ортиқ ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Асосий тармоқлари: ун тортни, қанд-шакар, ғўшт, баллиқ, сут, кондитер, ёғ, консервалар, макарон, маргарин, витаминлар ишлаб чиқариш, non ёниши.

Озлар (шведча *ос* — тизма) — қадимги музлик сувлари қолдирган диагональ қат-қат ёки горизонтал ётқизиклар (қум, шағал, баъзан валунлар) дан таркиб топган узун (30—40 км гача), камбар (бир неча м дап 2—3 км гача), баланд (бир неча ўн метргача) қатор тепаликлар. Тўртламчи даврда музлик босган ўлкаларда — Швеция, Финляндияда, СССР Европа қисми шимолида учрайди.

Озоносфера — атмосферанинг ер юзасидан 10—50 км баландликдаги озонли қатлами. 20—25 км баландликда озон айнлиқса кўп бўлади.

Ой — Ернинг ягона табиий йўлдоши ва Ерга энг яқин осмон жисми. Ой Ер атрофида деярли эллиптик орбитада ўртача 1,02 км/сек тезлик билан (Ой орбитасига Дунё шимолий қутбидан қараганда) соат илгига тескари йўналишда ҳаракатланади. Ер марказидан Ой марказигача минимал масофа 3564°0 км, максимал масофа 406800 км, ўртача масофа 384400 км, Ойнинг Ер атрофида айланиш даври (сидерик Ой) ўрта ҳисобда 27,32166 сутка. Қуёш Ойни Ерга нисбатан 2,2 марта катта куч билан тортади.

Ойдини — 1) юзаси тоза, очиқ сув, қўл. Ойдинкўл; 2) тўлин ойли кеча.

Ой ўтови — Ой нурининг баланд юпқа булутдаги майда муз кристаллчаларида синиб ҳосил бўладиган рангли айлана; атмосферадаги оптик ҳодиса. Бундай ҳо-

дуса одатда циклоннинг илиқ фронти келганда рўй беради.

Ойдин кўл — атрофи очиқ, тиниқ сувли кўл; қ. *Ойдин*.

Океан, **Дунё океани** — Ер юзасидаги яхлит сувли майдон. Ер курраси юзасининг 71% ини ташкил этади, майдони 361 млн. км². Тўрт қисмга — океанга бўлинади: Тинч, Атлантика, Ҳинд, Шимолий Муз океанлари. Баъзан Антарктида атрофини ўраган совуқ сувлар Жанубий Совуқ океан деб ҳам ажратилади. О. тагининг рельефи ва чуқурлигига қараб, материк сазлигини, материк сибғарни, океан туби (ложеси) ва океан қаърига ажратилади. Бутун океан майдонининг 80% и океан тагига, 7% и океан қаърига тўғри келади. О. сув т-раси юза қисмида иссиқ ўлкаларда 29°, кутбий ўлкаларда 0° ва ундан ҳам паст; О тагида кутбларда 0° дан экваторда +1,7° гача. Шўрлиги ўртача 35‰. Субтропик кенгликларда 37,5‰ дан кутбий ўлкаларда 30—34‰ гача.

Океан оқишлари — қ. *Денгиз оқишлари*.

Океания — Тинч океанининг марказий ва гарбий қисмларидаги ороллар тўдаси. 28°25' ш. к. билан 52°30' ж. к. ҳамда 130° шқ. у. билан 105° в. у. оралиғида Гарбий қисми Австралия ва Мадагаскар архипелагига ёndoш. Ороллар майдони 1,26 млн. км².

Океан қаъри — Дунё океанининг энг чуқур қисмлари. Ўртача чуқурлиги 4000 м. максимал чуқурлиги 7000 м гача. О. қ. га океан ботиклари ва уларни ажратиб турган океан кўтарилмалари киради.

Океанография — 1) океанологиянинг синоним; 2) дунё океанининг гидрографик (физик-химиявий) режими ҳақидаги фан; 3) океанологиянинг регионал, яъни конкрет океан ва денгизларни таъвирловчи бўлими.

Океанология — Дунё океанини ўргатувчи фан. О. океанлардаги физик, химиявий, геологик ва

биологик процессларни, океан таги структурасини ҳамда Дунё океанининг табиий бўлинишларини ўрганади. Океанология тадқиқотлар океанларда кема қатновини тўғри йўлага қўйишда, денгиз касбкорлигида, қирғоқда портлар, гидротехника иншоотлари қуришда, океан ва денгизлар остидаги фойдали қазилмаларни топиш ҳамда қазиб олишда, океан сувларининг ҳаракатини аниқлашда, об-ҳавони олдиндан айтиб беришда муҳим аҳамиятга эга. Бундай тадқиқотлар махсус кемаларда, сувдаги автоматик станцияларда, шуниингдек, қирғоқдаги станцияларда олиб борилади. Ҳозирги вақтда океанларнинг биологик, минерал ва энергетик ресурсларини ўрганиш айниқса актуал масалалар. Океанология тадқиқотларининг муҳим илмий ва катта амалий аҳамиятини ҳисобга олиб, 1978 й. СССРда махсус, Тинч океан географияси илмий тадқиқот институти ташкил этилди. О. билимни тармоқлардан иборат. Булар океанлар физикаси, химияси, геологияси ва биологиясидир.

Олам — бизни ўраб олган, вақт ва фазода чексиз дунё. Ундаги ҳаракатда бўлган материя шакллари шунчасиз. О. кичиги каттасининг таркибий қисми ҳисобланган системалардан ташкил топган. Энг кичик система Ер — Ой системадир. У Қуёш системасига кириши. Қуёш системаси 100 млрд. дан ортиқ юлдузни ўз ичига олган система бўлган Галактикага киради. Ҳозирги вақтда жуда кўплаб галактикалар борлиги, улар ҳам маълум системани — метагалактикани ташкил этиши аниқланган. Баъзи галактикалар биздан 15 млрд. ёруғлик йилга тенг масофада эканлиги маълум бўлди. 1 ёруғлик йилни ёруғлигининг бир нилда босиб ўтган йўлига тенг, ёруғлик бир секундда 300 000 км йўл боради; яна қ. *Космос*.

Олагов, **олагов** — термиз,

Урта Осиёдаги бир қанча тоғ тизмалари номлари шаклида учрайди; мас., Кунгай Олатов, Терскай Олатов, Қирғизистон Олатови ва ҳ. к. Қорди тоғлар тегаси олабуда кўринганидан О. деб аталган бўлса эҳтимол. О. монголча ола — «тоғ» сўзидан келиб чиққан бўлиши ҳам мумкин. Ола арабча олий (баланд) ўзидан олинган деган фикр ҳам бор.

Олачалоқ — 1) О. соя — сийрак баргли дарахт сояси. Бунда барглари орасидан қуёш нури ерга тушиб туради; 2) О. тундра — гил жинселар тарқалган жойлардаги тундра. Бундай тундрада мох, лишайлик ер юзисини сиздирга қопламай, ҳар ер-ҳар ерда ер юзасини очиб ётади. Бундай очиқ жойлар қабарик ҳам, ботиқ ҳам, текис ҳам бўлиши мумкин, диаметри 2–3 м га боради; 3) О. ўтлоқ — ҳар ер-ҳар ерда тупроқ очилиб қолган ўтлоқлар. Улар тоғларда тупроқ ювилиб кетиб, тоғ жинселари очилиб қолишдан, юзалама эрозиядан, текисликларда О. шўр босишдан ва ҳ. к. лардан ҳосил бўлади.

Олиш — сувайирғич, тўғон боши, катта ариқ, сой, дарёлардан сув чиқариш учун очилган жой. Обкюр ерларда учрайди.

Олмос — энг қаттиқ минерал. Кристалли соф углерод, рангсиз; ҳаво ранг, кўк, сариқ, қўнғир ва қора ранглари ҳам учрайди. Қирра бериб сайқаланган О. бриллиант дейилади. О. тоғ жинселарини бурғилашда, металл кесиб ва ойна силқилашда, тош ва металлларни ўйиб гул солишда ва б. техник мақсадларда ишлатилади. Бриллиант зебу зийнат буюмлари бўлиб хизмат қилади. Энг йирик конлари — Жаңубий, Марказий ва Ғарбий Африка, СССР (Якутия). Ҳозирги вақтда табиий О. дан қолдирилмайдиган сунъий О. ишланмоқда.

Олтин рудалари — таркибида олтин бўлган тоғ жинселари. О. р. конлари туб конларга ва сочма

конларга бўлишади. Туб конлар орасида тарқоқ бўлса ҳам таркибида олтин бўлган кварц ертомирлар катта роль ўйнайди. Сочма конлар туб конларнинг нураши ва сувнинг бошқа жойларга олиб бориб ташлаши натижасида пайдо бўлади. Сочма конлардан вазин бир неча кг келадиган туғма олтин парчалари ҳам топилади. Олтин тангалар зарб этиш, аниқ ва оксидланмайдиган приборлар, зебу зийнат буюмлари ишлаш, тиш күйиш учун фойдаланилади.

Олтингувурт — туғма элемент ҳолида учрайдиган минерал. Аксарини чуқинди конларда учрайди. О. асосан сульфат кислотга олтин учун ишлатилади. О. конлари: СССРда — Украина, Урта Осиё, Куйбисhev обла., чет элларда — АҚШ, Мексика, Италия, Япония.

Олчин — Урта Осиёда амал қилган ўлчов бирлиги, тахминан 60 см бўлган.

Она жинс — метаморфизм ёки нураш процессида бошқа жинселарни ҳосил қиладиган тоғ жинси. О. ж. янинг энг устки қатлами биологик ва биохимиявий процесслар таъсирида, шунингдек, инсон фаолияти оқибатида тупроққа айланади. Тупроқнинг химиявий ва механик таркиби, физик хоссаси ва унумдорлиги О. ж. хоссаларига боғлиқ; яна к. *Тупроқ*.

Орбита (латинча *орбита* — из, йўл) — планета, комета, планета йўлдоши, сунъий йўлдош ва б. осмон жинселарининг йўли, траекторияси. Қўёш системасидаги кўнчилик жисмларнинг О. си эллипс шаклида бўлиб, унинг марказида қўёш (планета, кометалар, О. ларида) ёки планета (планеталар йўлдошлари, Ернинг сунъий йўлдошлари О. ларида) туради. Тезлиги 7,8 км/сек дан катта бўлган (биринчи космик тезлик) жисм Ер атрофида эллипс шаклидаги О. бўйлаб ҳаракат қилади ва Ернинг йўлдоши бўлиб қолади. Агар жисм 11,2 км/сек тезликда (иккинчи космик тезлик) ёки ундан

ҳам катта тезликда ҳаракат қилса, парабolik О. бўйлаб, Ердан узоқлашиб кетади ва ерга қайтиб келмайди.

Ориентирлаш, ориентир олиш — жойда горизонт томонларини топа билнш. Қўёш, юлдуз, жойдаги аломатларга қараб ва компас ёрдамида ориентир олинади.

Орол, ота — ҳамма томондан сув билан ўралган кичикроқ қуруқлик. Ороллар тўдаси *архипелаг* дейилади. О. лар материк ороллари, вулкан ороллари ва маржон оролларига бўлинади.

Орошон — қ. *Арашон*.

Орқа — 1) географик предметларнинг географик ўрнини, яъни бошқа бир предметдан кейинда, нарида жойлашганини билдирадиган сўз. Географик номлар таркибига учрайди. Орқа Олой, Орқа тоғ ва ҳ. к.; 2) орқа томон, сирт, тепалик, сувайирғич.

Осадкомер — қ. *Ёгинўлағич*.

Осилма — тоғларда катта қияликда идон изи бўлиб кўтариладиган йўл, сўқмоқ. «Пиёдалар айлалиб юрмасдан осилмадан чиқиб қўя қолади», «Осилмадан чиқсангиз, шундай қишлоққа кирасиз», дейдилар.

Осма водий — тагн бош водийдан баландда жойлашиб, унга тик кесилиб ёки жарлик ҳосил қилиб тушадиган водий. О. в. мазкур водийда асосий водийдагига нисбатан чуқурлатиш эрозияси суст рўй берганда ҳосил бўлади. Эрозияга турли даражада чидамлик тоғ жинсларида ҳам О. в. ҳосил бўлади. Тектоник узлиш натижасида ҳам вужудга келади.

Осма музлик — тик тоғ ёнбағрида саёзроқ чуқурликда дўппайиб турган музлик; тоғ этагига етмасдан баландроқда «осилиб» туради.

Ост (немисча) — шарқ. Қисқа шаклда О ҳарфи билан белгиланади.

Ост-Индия (инглизча *Шарқий Ҳиндистон*) — Ҳиндистон ҳам-

да Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёдаги баъзи мамлакатлар терр-ясининг европаликлар ўртасидаги эски номи. Вест-Индия терминининг акси сифатида вужудга келган.

Остоналар, остона тошлар — дарё ўзанининг қаттиқ жинслардан таркиб тоналган саёз ёки баландроқ жойлари. О. яқинига кўпинча ГЭСлар қурилади. О. кема қатновига ва ёғоч оқишига халақит беради. Бунинг учун айланма канал қуришга тўғри келади.

Ота (туркларда — ада) — орол. Жой номлари таркибига учрайди. Мас., Каспий денгизидаги Қамншлюта; қ. *Орол*.

Отонoқ — ҳар ер-ҳар ерда кичик-кичик дўнгалари бўлган текислик.

Отқинди тоғ жинслари — ер юзасига оқиб чиққан магманинг қотишидан ҳосил бўлган магматик тоғ жинслари. Эффузив тоғ жинслари ҳам дейилади.

Офтобру — қуёшга рўпара (кунгай) томон, ёнбағри, шимоллий ярим шардаги тоғларнинг жанубга қараган ёнбағри.

Оч газ — тоғ устидаги ботик, ўйиқ рельеф шакллари, қ. *Газ*.

Ошув — доvon. Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Олтойда кенг тарқалган. Довон номлари таркибига ҳам учрайди: Ошувтор, Қўш-ошув, Тузошув ва ҳ. қ.; қ. *Довон*.

Оқ кўмир — қ. *Гидроэнергоресурслар*.

Оқар кўл — суви оқиб чиқиб турадиган кўл. Одатда, О.к. суви чучук бўлади. Мас., Байкал, Онега, Ладога кўллари, Сарез, Саричелак, Куккўл ва б.; қ. *Кўл*.

Оқар сув — ўзан ҳосил қилиб оқувчи сув; дарё, жилга, сой, канал, ариқ сувлари. Кўл ва б. оқмас сув ҳавзаларидаги сув турғун сув дейилади.

Оқим — 1) денгиз сувининг силжиши; қ. *Денгиз оқимлари*; 2) дарё ўзанидан сувнинг оқиши; 3) муайян вақт давомида дарё ўза-

нидан оқиб ўтган сув миқдори.

Оқсув — Урта Осиёда кенг тарқалган термин. Кўпинча сув номлари (гидроним) га айланган. Кўпгина олимлар, жумладан Н. Г. Малицкий музлик тагидан оқиб чиқадиган сув оқсув дейилади, чунки таркибидаги муз зарралари туфайли музлик суви оқ тусда кўринади, деб ҳисоблайди. В. Л. Вяткин фикрича, тоғ дарёлари оқсув (ёки оқдарё) дир. Академик В. В. Бартольднинг кузатишича, ўз ўзанида оқадиган сув Оқсув ёки Оқдарё, канал қазиб оқизилган сув эса Қорасув ёки Қорадарё деб юритилади. А. А. Кононов оқсувни оқар сув деб билади. Оқсув сўзи «Бобирнома»да кўп учрайди. Умуман музлик сувлари оқиш кўрингидан шундай ном олган.

Оқин — сув оқими, тез оқар сув, дарёнинг тез оқар жойи. Туркий тилларда огин, оғиш, оғис шаклларида учрайди.

Оққум — оқ, тоза қум, ўсимлик билан қопланмаган қум. Одатда ўсимликлар ўсмайдиган тўзи-ма бархан қумлари оққум деб юритилади.

Оққуя — қумли чўллардаги чучук сувли қудуқлар. Амударё бўйидаги чўлларда чучук сувли қудуқлар шундай ном билан аталади.

Оғиз — дара, водий, ғорларга кириладиган жой, улар бошладиган жой. Ички денгизларни, қўлтиқларни ташқи денгиз ва океанлар билан қўшиб турадиган бўғоз.

Оғир машинасозлик — машинасозликнинг деталлари катта ва залварли машиналар ишлаб чиқарадиган тармоғи. О. м. корхона-

лари металлургия, кон-руда саноати учун асбоб-ускуналар, йирик темирчилик-пресслаш, кўтармъ транспорт воситалари, шунингдек, йирик экскаваторлар, тепловозлар, т. й. вагонлари, дизеллар ва турбиналар, буг қозонлари ишлаб чиқаради.

Оғир саноат — аксари ишлаб чиқариш воситалари: машина ва асбоб-ускуналар, ёқилги, энергия, металллар, химиявий маҳсулотлар, қурилиш материаллари ва б. ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари. О. с. ишлаб чиқарадиган ишлаб чиқариш воситалари бўлмаса, халқ хўжалигининг биронта ҳам тармоғи ривожлана олмайди. Халқ хўжалигининг техника тараққиёти О. с. нинг тараққиёти даражаси билан белгиланади. О. с. ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсишига замин яратади ҳамда мамлакатнинг ҳарбий қудратини таъминлайди.

Оҳактош — асосан кальцитдан таркиб топган чўкинди тоғ жинси. Тоза О. оқ бўлади, аралашмалар — гил, қум, доломит туфайли сариқ, жигар ранг, қора ва тўқ кул ранг О. лар ҳам учрайди. Метаморфизм оқибатида қайтадан кристаллашиб мрамарга айланади. О. денгиз ва кўл сувларидан кальцит чўкиши натижасида химиявий йўл билан, шунингдек, денгиз организмлари (моллюскалар, маржонлар)нинг оҳакли чиганоқлари ва склетларининг тўпланиши натижасида биологик йўл билан пайдо бўлади. Цемент ва гидравлик оҳак ишлаб чиқариш учун, қурилиш материали, металлургия э-дларида флюс, химиявий хом ашё сифатида ва нордон тупроқларни оҳаклаш учун ишлатилади.

П

Палакса, палакса тоғ — ер пўстининг тектоник ёриқлар билан ажралган қисми, бир бўлаги. Палакса тоғларнинг ёнбағри тик, усти текис ёки садгина қия бўла-

ди. Қадимда бурмаланиб, кейин текисланиб қолган ўлкаларда ву-жудга келади. Булар ёшарган тоғлар дейилади.

Палеогеография — Ер юзаси

табиатининг ривожланиш тарихини ўрганувчи фан. П.—табиий география ва тарихий геологиянинг бир қисми. П. икки йirik бўлимдан иборат: умумий палеогеография — географик қобикнинг ривожланиш тарихини ўрганади; регионал палеогеография эса — айрим ландшафтлар (табиий территориял комплекслар)нинг ривожланиш тарихини ўрганади. П. тадқиқотларида географик қобик ва ландшафтларнинг ўтмиш тоғ жинслари қатламларининг таркиби, ёши, ёғиш ҳолати, уларда сақланиб қолган органик ҳаёт қолдиқлари, реликт рельеф шакллари ва бошқалар асосида тикланади. Географик қобик географик ландшафтлар ва компонентларнинг ҳозирги табиатини тўғри тушуниш ҳамда уларнинг келгуси ривожланишини аниқлашда П.нинг асосий методи бўлиши тарихий методнинг роли жуда катта. П.нинг географик қобик ва ландшафтларини сўнгги 1 млн. йил, яъни тарихий давр мобайнидаги ўзгаришларини ўрганувчи қисми тарихий география (аниқроғи тарихий табиий география) ни ташкил этади. Тарихий география — иссон пайдо бўлгандан буёнги географик шароити ва унга жамият таъсирини ўрганиш билан шуғулланади.

Палеогеоморфология — геоморфологиянинг ўтмиш геологик даврлардаги рельеф шаклларини ўрганувчи тармоғи. П.нинг асосий объекти кўмилиб қолган рельеф шаклларини (эски ўзаклар, водийлар, жарлар ва ҳ.к.) ҳамда денудация процессида очилиб қолган қадимги рельеф шаклларини ўрганишдир. П. қадимги рельеф шаклларини тасаввур қилишга имкон беради.

Палеогляциология — қадимги геологик даврлардаги музликларни, шунингдек, Ер шаридаги ҳозирги музликларнинг пайдо бўлиш тарихини ўрганувчи фан.

Палеозой группаси (э р а с и),

палеозой (юнонча *палеос* — қадимги, *зоэ* — ҳаёт) — ер геологик тарихининг учинчи эраси ва бу эрада пайдо бўлган тоғ жинслари. Буидан 570 млн. йил олдин бошланиб, 330 млн. йил давом этган. П. 6 даврга бўлинади: кембрий, ордовик, силур, девон, тошкўмир ва пермь даврлари.

Палеониклимшунослик — иқлимшуносликнинг тармоғи, ўтмиш геологик даврлар иқлимларини ўрганади.

Палеонтология (юнонча *палеос* — қадимги, *логос* — фан) — қирилиб битган қадимги (қазилма) ўсимлик ва ҳайвонларни ҳамда Ернинг бутун геологик ўтмиши давомида органик дунёнинг қандай тараққий этганини ўрганадиган фан. Организмларнинг тошқотган қолдиқлари ва излари турли ўсимлик ҳамда ҳайвон гуруппаларининг қандай изчиллик билан тараққий этгани ва ўзгаргани ҳамда қирилиб битганини билишга имкон беради. П. тоғ жинсларининг ёшини аниқлашга ва геологик ўтмишда организмлар ҳаёти учун шароит қандай бўлганини ўрганишга имкон беради (қ. *Геохронология*).

Пампа (индееча *пампа* — ўтлоқ текислик) — Аргентина ва Уругвайдаги субтропик дашт.

Параллеллар — Ер юзасида экваторга параллел ўтказилган шартли доиралар. Карта, глобусларда кўрсатилади. П. шимол билан жануби кўрсатади. Экватордан узоқлашган сари П. қисқара боради. П. га қараб жойнинг географик кенглиги аниқланади.

Парламентар тузум — мамлакатдаги қонун чиқарувчи ҳокимият парламент ихтиёрида бўлган давлат тузumi. Парламентар республикаларда ва конституцион монархияларда парламент қонун чиқарувчи олий орган бўлиш билан бирга ҳукумат фаолиятини назорат ҳам қилиб туради. Президентли республикаларда (мас., АҚШда) парламент қонун чиқа-

рувчи орган холос; президент давлат бошлиғигина эмас, балки хукумат бошлиғи ҳамдир; президент министрларни тайинлайди ёки ишдан олади, парламент олдида жавобгар эмас.

Парма — Шимолӣ Уралнинг гарбий ёнбағрида бош тизмага параллел жойлашган ва қора қарағай — оқ қарағай ўрмонлари билан қопланган пастроқ тоғ тизмаларининг маҳаллий номи.

Партов ер — узоқ давр (10—15 йил) экин экилмасдан ташлаб қўйилган ер.

Пастағлар — тропик кенгликларда юқори босим минтақалардан (25—30° кенгликлардан) экваторга томон йил бўйи эсиб турадиган донмий шамоллар. П. шарқдан шарбга томон эсади. Лекин Ер шарининг айланиши таъсирида шимолӣ ярим шарда шимол-шарқдан жануби-гарбга, жанубий ярим шарда жануби-шарқдан шимол-гарбга бурилади.

Пастлама булоқ — суви оқиб гушадиган булоқ. Суви қатламдаги сув сатҳи булоқ чиққан жойга нисбатан баланд бўлганда ҳосил бўлади.

Пастлик, пастлик ер — атрофдаги жойларга қараганда паст, ботиқ ерлар. П. лар суффозион чўкич, оқар сувлар эрозияси оқибатида ҳосил бўлади. Чўлларда шамол ҳосил қилган сойликлар ўрнида ҳам вужудга келади. П. ларда ер ости сувлари юза жойлашганидан кўпинча ботқоқ, шўрхок бўлади.

Паст текислик — атрофдаги жойларга нисбатан паст (пастқамда) жойлашган текислик.

Пасттекислик — океан сатҳидан 200 м гача баланд бўлган текислик, мас., Амазонка пасттекислиги. Океан сатҳидан паст бўлган П. лар ҳам бўлади (мас., Каспий бўйи пасттекислиги).

Пастқамлик — дашт, ўрмонли дашт зоналарида суффозия, тупроқ ҳосил қилиш жараёнида вужудга келган саёз, таги текис

паст ерлар. Кўпинча доира, чўзиқ доира шаклида бўлади. Чуқурлиги бир неча метргача етшиши мумкин. Атрофдаги дашт ерлардан пастроқ бўлгандан қайини, тоғтерак, буталар кўпроқ ўсади, баъзан сиёз сувлар чиқиб, шўрхокларга айланади.

Патсимон булут — булутларнинг халқаро классификациясидаги ўн хил булутнинг бири — *Cirrus (ci)*. Узун чўзилган патлар шаклида бўлади. Муз кристаллчаларидан иборат. Тропосферанинг юқори қисмида жуда паст т-рада вужудга келади. Баъзи П. б. лар атмосфера фронти яқинлашганда фронт юзаси бўйлаб юқорига кўтарилаётган илқ ҳаводан ҳосил бўлади. Бундай П. б. атмосфера фронти даракчисидир. Бундай булутлар гарб томонда гўё бир нуқтадан чиқиб келаётганга ўхшайди.

Патсимон тўп булут — булутларнинг халқаро классификациясидаги ўн хил булутнинг бири — *Cirrocumululus (Cs)*. Узун-узун чўзилган юққа қатламли булут. Одатда жуда майда пага-пага булутлардан иборат бўлади. Муз кристаллчаларидан иборат бўлиб, тропосферанинг юқори қисмида паст температурада вужудга келади. П. т. б. лар ҳаво тик кўтарилаганда ва циклонларнинг салқин фронтида пайдо бўлади.

Патсимон қат-қат булут — булутларнинг халқаро классификациясидаги ўн хил булутнинг бири — *Cirrostratus (Cs)*. Тўққизданган юққа кумушсимон булут. Тропосферанинг юқори қатламларида пайдо бўлади. Муз кристаллчаларидан иборат. Илқ фронтини юқори қисмида вужудга келади.

Пахта — муҳим техника экин ва толаси. Пахта тозалаш 3-дларида чигит толадан ажратиб олинади. П. тўқимачилик саноатининг энг арзон ва кенг тарқалган хом ашёсидир. Ҳар йили бутун дунёда тайёрланадиган барча тўқимачилик тодаларининг қарийб

ярмини П. толаси ташкил этади. П. толасидан ҳар хил газлама, техник тўқималар — корд, транспортёр ленталари, тасмалар каби турли-туман (жами 50 га яқин) буюмлар олинади. Чигит таркибида 24—49% мой бўлиб, ундан 45 дан ортқ маҳсулот (пахта мойи, шулха ва б.) тайёрланади.

Ҳозир 70 дан ортқ мамлакатда П. етиштирилади. Дунёда етиштириладиган пахтанинг $\frac{9}{10}$ қисмини СССР, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Мексика, Миср, Бразилия, Туркия беради. Ўзбекистон — СССРнинг асосий пахта базаси. Иттифоқда етиштириладиган пахта-нинг $\frac{2}{3}$ қисмини Ўзбекистон беради.

Паға булут — булутларнинг халқаро классификациясидаги булут турларидан бири — *Altostratus*. Оқ ёки кул ранг тусли пахта уюмига ўхшайди. Тропосферанинг ўрта қисмида сув томчиларидан пайдо бўлади.

Паға қор — йирик, юмшоқ қор. Илқ фронгда нам ҳавонинг юқорига тез кўтарилши жараёнида ёғади. Кўпинча эрта баҳорда кузатилади.

Пелагиал (юнонча *пелагос* — денгиз) — океан, денгиз ва кул сувларининг пелагиал организмлар тарқалган қисми (қатлами). П. сув т-расининг чуқурлик ошган сари пасайишига қараб эпиплимнион, металимнион ва гипоплимнион зоналарига бўлинади. П. нинг тагида ҳавзаларнинг сув ости қисми бенталь жойлашади. П. бенталь билан бирга бутун ҳавзани ташкил этади.

Пелагиал организмлар — сув ҳавзалари (океан, денгиз, кўллар) нинг сувли қатламида яшовчи организмлар. П. о. — ҳаракатчан организмлар, яъни нектон ва оқим бўйича пасив ҳаракат қилувчи — планктонга бўлинади.

Пемза (латинча *пумекс* — кўпик) — вулкан отилишидан пайдо бўлган отқинди тоғ жинси, тешик-

тешик лава. Ёғоч, тош, металлларни пардозлаш учун ишлатилади ва энгил бетонга қўшилади. Конлари: СССРда — Арманистон СССР.

Перидотит — аксари оливин, пироксендан иборат, ер пўстининг чуқур қисмида ҳосил бўлган магматик тоғ жинси. Кўпинча яшил ва яшил-кул рангда бўлади.

Посибелизм — буржуа илмий оқими; П. табиий муҳит кишилик жамиятининг ривожланиши учун фақат имконият яратади, ҳолос, табиатдан кўп ёки кам фойдаланиш эса инсоннинг ўзига эмас, балки унинг маданий даражасигагина боғлиқ деб ҳисоблайди. Марксистик таълимотга кўра, жамият тараққиётининг етакчи омили географик муҳит ҳам эмас, жамиятнинг маданий-техник даражаси ҳам эмас, балки моддий бойликларни ишлаб чиқариш усулидир.

Перигей (юнонча *пери* — яқинида, *ге* — Ер) — Ой ёки суъий йўлдош орбитасининг Ерга энг яқин нуқтаси.

Перигелий (юнонча *пери* — яқинида, *гелиос* — Кўёш) — Кўёш атрофида айланадиган планета, комета ва б. космик jismlar орбитасининг Кўёшга энг яқин нуқтаси.

Периселений (юнонча *пери* — яқинида, *селение* — Ой) — Ой йўлдоши орбитасининг Ой юзасига энг яқин нуқтаси.

Пилла-поча — зинасимон ёнбағир. Гранит, базальт тоғ жинслари одатда П.-п. ҳосил қилиб емирилади.

Пирит (юнонча *пир* — олов) — олтингугурт, темир ва б. металллар аралашмасидан иборат минерал. Таркибида мис, рух, никель, олтин ва б. металлларнинг аралашмаси бўлган П. дан рангли ва нодир металллар, сульфат кислота олишда, қолдиқларидан эса темир рудаси сифатида фойдаланилади.

План (латинча *планум* — текислик) — кичик территориянинг ёки бiron бинонинг текис юзадаги

таъсири. П. 1:2000 ва ундан ҳам йирик масштабда тузилади.

План олиш — қ. *Съёмка*.

Планеталар (юнонча *планетос* — сайёр) — Қуёш атрофида айланиб юрадиган ва қуёшдан ёруғ оладиган шарсимон осмон jismlari. 9 та йирик П. бор. (Меркурий, Венера, Ер, Марс, Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун, Плутон.) Бундан ташқари, 1600 дан ортиқ кичик П. — астероид бор.

Планетеизмал — планеталарни ҳосил қилган дастлабки космик чанг ва газлар. Улар коинотда булутлар кўринишида бўлган. Ҳозирги вақтда ҳам Галактикадаги юлдузлар оралиғидаги фазода, айниқса Галактика маркази яқинида бундай чанг ва газ туманликлари кузатилади.

Планктон (юнонча *планктос* — сайёр) — ҳаракат органлари бўлмаган ва сувда оқиб юрадиган организмлар. П. орасида ҳайвонлар ҳам (зоопланктон), ўсимликлар, хусусан сувўғлар ҳам (фитопланктон) бор. П. балиқ ва б. денгиз ҳайвонлари, жумладан китлар учун озиқ бўлиб хизмат қилади. Қислородга бой муътадил совуқ сувларда, мас., Баренц, Азов, Каспий ва Япон денгизларида П. айниқса кўп бўлади.

Плани ҳўжалик — ягона давлат плани асосида ривожлантириладиган халқ ҳўжалиғи. Ижтимоий, социалистик мулк ҳўкуроп бўлган социализм шароитидагина П. х. юритилиши мумкин. Капитализм шароитида айрим хусусий корхоналар рақобат қилади ва нўшлаб чиқариш анархияли ривожланади, социализм шароитида эса ижтимоий мулк барча корхоналарини бир бутун халқ ҳўжалиғи организмга бирлаштиради ва уларнинг план асосида тараққий этишини тақозо қилади. П. х. халқ ҳўжалиғини рационал равишда ва тез тараққий эттириш учун барча имкониятлардан яхшироқ фойдаланишга имкон беради.

Плантация (латинча *планта-*

цио — экин экиш) — маҳсулоти аксарини экспорт қилинадиган кофе, какао, чой, шакарқамиш, пахта, шoли, каучуқли экинлар экиш билан шуғулланадиган йирик капиталистик қ. х. корхонаси. Иқтисодий жиҳатдан қолақ мамлакатларда плантация ҳўжаликлари айниқса кенг тарқалган. Монополиялар бу мамлакатларнинг арзон ишчи кучи ва бой табиий ресурсларини эксплуатация қилиб, ўта катта фойда оладилар.

СССРда ва б. мамлакатларда бирон махус экин экиладиган катта майдон П. дейилади.

Платина рудалари (испанча *плата* — кумуш) — таркибида платина группасига кирадиган металлар (платина, осмий, иридий, палладий, родий, рутений) бўлган минерал бирикмалар. Булардан энг муҳими бўлган платина қийин эрийдиган, химиявий жиҳатдан мустаҳкам ва электри яшин ўтказадиган металлдр. Платина химиявий идишлар, заргарлик буюмлари ясашда, электротехникада, тиш қўйишда ва б. ишлатилади.

Плато — ер юзаси яссини ёки сал тўлқинланган, бир оз парчаланган баланд текислик. Атрофдаги текисликлардан тик жарликлар ҳосил қилиб қад кўтариб туради. Мас., Устюрт платоси. Баланд платолар кўпинча яссини тоғлик деб аталади.

Платформа (французча *плат* — ясси, *форма* — шакл) — ер пўстининг узoқ вақт давомида кўтарилмасдан ва чўкмасдан ҳамда бурмаланмасдан турган катта (умумий майдони бир неча млн. кв. км келадиган) қисми (палахаси). П. иккинчи ярусдан иборат бўлади; биринчи, қуйини ярус магматик ва метаморфик жинслардан таркиб топган бўлиб, П. нинг бурмаланган мустаҳкам заминини (фундаментини) ташкил этади. Усткни яруси ана шу замин устида горизонтал ётган чўкинди жинслардан тузилган (қалинлиғи 3—5 км). П. нинг ҳар иккала яруси

аниқ бўлган қисмлари плита дейилади. П. нинг устида чўкинди жинслар қатлами бўлмаган, мустақам замин ер юзасига чиқиб қолган қисмлари қалқон деб аталади. Мисол, Шарқий Европа текислигининг катта қисми плитадир (Россия плитаси), Скандинавия ва Кола ярм ороллари, Карелия ва Финляндия терр-яси қалқонга мисолдир. (Балтика қалқони.)

Плётс — дарё ўзанининг саёз жойлари орасидаги чуқурроқ қисмлари.

Плита — платформаларнинг устини салгина қия ёки горизонтал чўкинди жинслар қопланган ботиқ қисмлари. Платформаларда заминнинг кристалли ва метаморфик қаттиқ жинсларнинг кейинги геологик даврларнинг денгиз ва континентал ётқизиқлари қоплашдан вужудга келади.

Подзол тупроқлар — мўътадил совуқ иқлим шароитида яна баргли — аралаш ўрмонлар тагида пайдо бўладиган тупроқлар. Бу ерларда ёғин буғланишига қараганда кўп ёққанидан осон эрийдиган моддалар тупроқнинг устки қатламларидан ювиллиб тушиб, қуйи қатламларида тўпланади. П. т. нинг устки қатлами қўнғир ёки бўғиш рангда бўлиб, чириндис кам (1—4%). Бу қатлам тагида майда кварц қуми доналаридан иборат кул раиғ (подзол) қатлам ётади, озик моддалар бу қатламдан қуйига тушиб кетган.

Тагида ўтлар ўсиб ётадиган аралаш ўрмонли р-нларда чимли подзол тупроқлар ҳосил бўлади. Бундай тупроқларнинг устки қатлами қорамтир бўлиб, чириндисен кўпроқ. П. т. музлик ётқизиқлардан пайдо бўлган, кам унум. Унумдорлигини ошириш учун ўғит солиш, оқақлаш ва агротехникадан тўғри фойдаланиш керак.

Пойма — дарё водийсинини сувга энг яқин қисми; қ. *Қайир*.

Пайнов (*пой* — оёқ, *нов* — сув оқадиган ўзан, ариқ) — сув оқиб чиқиб кетадиган жой.

Полесье — қадимги музликлар олиб келган жинслар, аксарини қумлардан таркиб топган паст текисликлар. Игна баргли (аксарини қарагай) ва кенг баргли ўрмонлар билан қопланиб ётади.

Полимерлар (юнонча *полимерос* — кўп қисмлардан иборат) — молекулаларни кўп сонли такрорланувчи группалардан таркиб топган катта молекуляр массали химиявий бирикмалар. Синтетик П. полиэтилен, полипропилен, фенолформальдегид смолаларга бўлинади. П. дан толалар, плёнкалар, пластмассалар, лаклар, елим, смолалар олинади. Полимер материаллар — ҳозирги давр химиясининг асосий маҳсулотларидир.

Полиметалл рудалар (юнонча *поли* — кўп) — таркибида бир неча металл, яъни қўرғошни, рух, шунингдек, қумуш, мис, олтин, висмут, кадмий, индий, қалай, кобальт ва б. бўлган рудалар. П. р. олдин бойитилди (қ. *Бойитиш*). Қонлари: СССРда — Шимолий Кавказ, Қозоғистон, Шарқий Сибирь, Узоқ Шарқ, Ўзбекистонда эса Чатқол, Қорамозор, Қурама тоғлари; чет элларда — АКШ, Канада, Австралия, Перу, Япония, Польша, ГФР, Марокаш ва б.

Полинезия (юнонча *поли* — кўп, *незос* — орол) — Океаниядаги ороллар. Гинч океанининг марказий қисмида, 23°30' ш. к. билан 28° ж. к. ҳамда 176° шқ. у. билан 109°20' ғ. у. оралиғида. П. таркибида Тонга ороллари, Гавайи ороллари, Кук архипелаги, Самоа ороллари, Пасха ороли ва бошқалар кирди. Қуруқлик қисмининг умумий майdonи 26 миң км².

Полоניה — Қарпат тоғларининг балаид тоғ ўтлоқлари билан қопланган, теналари яеси балаид қисмининг номи.

Польдер (голландча *польдер* — қуритилган ер) — денгизларнинг нагстекисликдан иборат соҳили (мари)нинг қуритилган ва ўзлаштирилган қисмлари. Денгиз ва дарё сувларидан дамбалар би-

лан тўсилган. П. жуда унумдор бўлади. Нидерландия, ГФР, Дания, Англия ва АҚШда учрайди.

Порт (латинча *портус* — қўлтиқ) — океан, денгиз, қўл ёки дарё қирғоғидаги пункт (жой) ҳамда ён-веридаги *акватория* (сувнинг бир қисми. П. тўлқинлардан тўсилган бўлиб, кемалар туриши ва юк ортиш-юк тушириш ишлари учун мослаб жиҳозланган бўлади. Турли омборлар ҳамда пассажирларга хизмат қиладиган вокзаллар, кемаларни ремонт қиладиган ва уларни ёқилги, сув, озиқ-овқат билан таъминлаб турадиган корхоналар ҳам П. таркибига киради.

Пояс — қ. *Минтақа*.

Прерия (французча *прери* — ўтлоқ) — Шимолий Америкадаги дашт. Қояли тоғлар билан Миссисипи дарёси ораллигида. Асосан бошоқли ўтлар ўсади, тупроғи қора тупроқ. Ҳозирги вақтда деярли ёппасига ҳайдаб юборилган.

Провинциаллик — ландшафтларнинг бир табиат зонаси доирасида географик узунлик йўналишида алмашиш бориши. П. ка асосий сабаб материк чеккасида ичкарига томон иқлимларнинг ўзгаришидир. Мас., СССРда тайга зонаси Россия текислигида, Ғарбий Сибирда, Ўрта Сибирда, Шимоли-Шарқий Сибирда ва Узоқ Шарқда мустақил табиий географик провинциялар ҳосил қилади.

Прогноз — қ. *Об-ҳаво прогнози*.

Промилле — бирон-бир соннинг миңдан бир улуши. ‰ аломати билан белгиланади. Сувнинг шўрлигини аниқлашда П. сувнинг 1000 оғирлик улушига неча улуш туз тўғри келишини билдиради. Дунё океани сувининг ўртача шўрлиги 35‰. Айрим жойларда 42‰ гача, кутбвий ўлкаларда 33—34‰ бўлади.

Протекторат (латинча *протектор* — ҳимий) — заиф мамлакатнинг бирон-бир импералистик давлатга қарамлик формаси. Асосий ҳо-

кимият, жумладан ташқи сиёсат метрополия қўлида бўлиб, мамлакатни метрополия тайинлайдиган амалдорлар идора қилади. Мас., Европада Италия Сан-Марино устидан, Франция Монако устидан, Швейцария Лихтенштейн устидан П. ўрнатган. П. ўрнатиш миллатлар ва халқларнинг ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш ҳуқуқига зиддир.

Протерозой эраси (группаси), протерозой (يونонча *протерос* — илк, *зое* — ҳаёт) — Ер тарихининг кембрийдан олдин ўтган вақтининг катта қисмини ўз ичига олган эра ва шу эрада пайдо бўлган жанслар. Бир неча эрага тўғри келадиган (2 млрд. йилдан ортиқ) вақтни ўз ичига олган. П. қўйи. П., ўрта П. ва юқори П. деб унга бўлинади. П. ётқизикларида ибтидоий организмлар, асосан сувўтлар ва бактерияларнинг қолдиқлари учрайди.

Психрометр (يونонча *психрос* — совуқ, *метрео* — ўлчаётган) — ҳаво намлигини ўлчашда ишлатилган асбоб. Икки термометрдан иборат — бири қуруқ, иккинчисининг учига латта ўраллиб, сувли илчиға тикиб қўйилган. Ҳўл термометр т-раси қуруқ термометр т-расига нисбатан пастроқ бўлади. Ана шу икки термометр кўрсатган т-ра фарқиға қараб махсус жадваллар ёрдамида ҳаво намлиги аниқланади.

Пушта — 1) Венгрияда қумли тупроқларда чалов ўсадиган дашт. Ҳозирги вақтда П. ларнинг кўп қисми ҳайдалиб экинзор ва инчанзорларга айлантирилган; 2) икки ариқ ораллигидаги кўтарма ер. Тожикистонда дўнг, тепа маъносида ҳам қўлланилади.

Пушча — инҳоятда қалин катта ўрмонзор, чакалқор. Одатда Европанинг мўътадил минтақадаги ўрмонлари П. дейлади, мас., Беляя Вежа Пушчаси.

Пўргана — денгизда рўй берадиган кучли (ҳалоқатли) довул, кучли гирдоб шамоли. Емғирли қора тўл булут остида пайдо бў-

лади. Бунда гирдоб шамоли ҳавонигина эмас, денгиз сувини ҳам кўтариб кетади. Пўртанадаги ша-

мол тезлиги секундига 100 м дан ошшини мумкин.

Р

Рабод — ўрта асрларда Шарқдаги шаҳарларнинг савдо ва ҳунармандлик дўконлари жойлашган қисми. Жой номлари таркибида кўп учрайди.

Работ — дастлаб ислом дини тарқала бошлаган давларда ҳарбийлар учун мўлжаллаб қурилган бино, истеҳком. Кейинчалик карбонсарой (меҳмонхона) маъносини ҳам аниқлаган. Р. термини кўплаб жой номлари ҳосил қилган.

Радиация — қ. *Қуёш радиацияси*.

Радиация баланси, қолдиқ радиация — Ер юзасига тушадиган яъни қуёш радиациясидан шу юза тарқатган эффектив нурланишнинг айирмаси. Р. б. ер юзаси иссиқлик балансининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, *кал/см²* да ифодаланади. Р. б. минут, ой ва йил учун ҳисоблаб чиқарилиши мумкин. СССР территориясида йиллик радиация баланси шимолда 10 *кал/см²* дан жанубда 50—52 *кал/см²* гача. Р. б. одатда кечаси ва қишда манфий, кундузи ва ёзда мусбат бўлади.

Радиозонд — ҳаво босими, тараси, намлигини ўлчашга хизмат қиладиган метеорологик асбобларни ҳавога кўтариб чиқариш учун ичига енгил газ тўлдирилган резина шар. Ўлчаш натижалари радиотўқинлар орқали ердаги радиоприёмникка хабар қилиб турилади. Р. 30—35 км гача кўтарилади.

Район (французча *район* — бир нуқтадан таралган) — бирон-бир хусусиятларига қараб ажратиладиган территория; иқтисодий, табиий географик, маъмурий Р. лар бўлади; мас., ўзининг иқтисодий — географик ўрни, ихтисослашиши ва ишлаб чиқаришининг пропорционалиги ҳамда ўзаро

боғлиқлик даражаси билан фарқ қиладиган территория иқтисодий Р. дейилади.

Рангли металлургия — темирдан бошқа барча металл рудаларни қазиб чиқариш, бойитиш ва металллар ишлаб чиқариш. Рангли металллар 4 гурпуга бўлинади: 1) оғир металллар — мис, никель, қўрғошни, қалай, кобальт, мншь-як, симоб ва б.; 2) енгил металллар — алюминий, магний, титан, натрий, бериллий, калий ва б.; 3) асл металллар — олтин, қумуш, платина, осмий ва б.; 4) ноҳир металллар — вольфрам, молибден (тарқоқ металллар — таллий, галлий, германий ва бошқалар), сийрак ер элементлари (лантан), радиоактив металллар (полоний, радий, актиний, торий, уран ва бошқалар). Рангли металл рудалари таркибида одатда металл кам миқдорда бўлади (мас., мис рудаси таркибида 1% мис бўлса, қазиб олинади); шунинг учун рудалар бойитилади (қ. *Бойитиш*). Руда таркибида кўпинча бир неча металл бўлади (қ. *Полиметалл рудалар*) ва олтингугурт учрайди.

Рег — қум, қумлоқ, қумли жой. Ўрта Осиёдаги шаҳарларда жамоат тўпланадиган марказий майдонларга қуруқ бўлгани деб ерга қум солиб қўйилган. Бундай жойлар регистон, яъни қумли жой деб аталган.

Регион (латинча *регио* — ўлка) — йirik территориял бирлик (мас., табиий, иқтисодий, сиёсий Р.); Р. одатда районга нисбатан каттароқ бўлади.

Регионал география — айрим материклар, мамлакатлар, маъмурий бирликлар (республика, область, миллий округ ва ҳ. к.) ёки табиий географик бирликлар (ўлка, зона, провинция, табиий об-

ласть, округ, район ва ҳ. к.) географияси. Р. г. да территориялар табиати, ҳужалиги ва аҳолисининг маҳаллий (шу жойга ҳос) хусусиятларини ажратиб кўрсатишга алоҳида эътибор берилади.

Регионал ландшафт комплекслари — ер юзасида фақат бир жойда учраб, бошқа жойда айнан такрорланмайдиган табиий территориялар комплекслари. Улар структурасининг ўзига ҳослиги ва пайдо бўлиши жиҳатидан бир бутунлиги (яхлитлиги) билан ажралиб туради. Табиий географик районлаштириш бирликлари: табиий географик ўлка, зона, провинция, округ ва район Р. л. к. га мисолдир.

Регионал табиий география — табиий географиянинг уч асосий тармоғи (умумий табиий география, регионал табиий география ва табиий компонентлар географияси)дан бири, табиий территориялар комплекслари (геокомплекс, ландшафт) ҳақидаги фан. Р. т. г. географик қобикнинг турли катта-кичикликдаги комплексларини, уларнинг таркиби, структураси ва ривожланишига кўра ўзига ҳос хусусиятларини, табиий шароит ва ресурсларининг регионал хусусиятлари ҳамда улардан оқилона фойдаланиш йўллариини ўрганади. Р. т. г. билан ландшафтшуносликнинг мазмуни бир, яъни бир-бирининг синоним деган фикр тобора кенг ёйилмоқда.

Р. т. г.нинг ривожланиши ландшафтлар ҳақидаги таълимнинг, табиий географик районлаштириш проблемасининг ва территорияларни табиий географик тасвирлаш методикасининг ривожланиши билан боғлиқдир.

Регистон — қумли жой, қумли ер; к. *Рег*.

Регрессия — денгизнинг чекинishi. Р. қуруқликнинг кўтарилиши ёки океан тубининг чуқирishi, ёнки, океан ҳавзасида сув ҳажмининг камайishi оқибатида рўй беради.

Резервация, резерват (латинча *резерво* — сақлайман) — мамлакатнинг туб-жой аҳолиси мажбуран ҳайдаб чиқариладиган районлар: АҚШда индеецлар, ЖАРда — африкаликлар, Австралияда аборигенлар учун Р. ажратилган.

Рекультивация (латинча *ре* — қайтадан, янгитдан, латинча *культиво* — экиб обод қиламан) — кишилар фаолияти (қонлар қазishi, гидрониншоотлар кўриши, ўрмонларни кесishi, шаҳарлар бунёд этиши ва б.) натижасида экин битмайдиган бўлиб қолган ерларнинг унумдорлигини тиклаши.

Реликтлар (латинча *реликту* — қолдиқ) — илгарилари кенг территорияда тарқалиб ҳозир кичик майдонда қолган ёки асосий ареалидан ажралган ўсимлик ва ҳайвон турлари. Ўтмиш геологик даврларнинг фауна ва флора қолдиқлари ҳам Р. дейилади.

Рельеф (французча *рельеф* — кўтараман) — ер юзаси шакллари: тоғлар, текисликлар, ястекисликлар, адирлар, ясен тоғликлар, теналиклар, қирлар, водийлар, ботиқлар, сойликлар, жарлар ва б.

Репатриантлар (латинча *репатриация* — ватанга қайтиши) — асирликдан ва мажбурий кўчириб кетилганликдан сўнг ўз ватанига қайтиб келган кишилар.

Республика (латинча *республика* — жамоат иши) — олий давлат ҳокимияти муайян муддатга сайланадиган сайлов органи қўлида бўлган идора усули. Ишлаб чиқариш воситалари (завод, фабрикалар, ер-сув, банк ва б.) капиталистлар ва помещиклар ихтиёрида экан, буржуа Р.ларида ҳокимият ҳам амалда капиталистлар ва помещиклар қўлидадир. СССРда ва б. социалистик мамлакатлардагина ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулк бўлиб, кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши тугатилган, чинакам халқ ҳокимияти!

амал қилади ва давлатни идора қилишда меҳнаткашлар ҳал қилувчи роль ўйнайдилар.

Резекспорт (*ре* — қайтадан) — мамлакатга олдин келтирилган хом ашё, товарларнинг бошқа мамлакатларга сотиш учун шу мамлакатдан чиқарилиши (қ. *Экспорт*).

Ритмлар, ритмликлик — табиий ҳодиса ва жараёнларнинг муайян вақт давомида такрорланиб туриши. Р. даврий ва циклли бўлади. Даврий Р. ҳодиса ва жараёнларнинг аниқ бир (деярли тенг) вақт давомида такрорланиб туришини, циклли Р. эса турли муддатда такрорланиб туришун аке эттиради. Даврий ритмларга — кун билан туннинг, йил фасллариининг алмашиниши, циклли ритмларга эса ҳқлим тебранишлари (ўртача ҳар 2—3, 5—6, 11, 22—23, 30—35, 80—90 йилда ва х. к.), кўл сувлари сатҳининг тебранишлари, музликларнинг босиб келиши ва қайтиши мисолдир. Р. географик қобик ривожланишининг муҳим қонуниятларидан бири бўлиб, уларни ўрганиш табиий ҳодиса ва жараёнларни прогноз қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ландшафтлар бир-бирдан таркиби ва структураси жиҳатдангина эмас, балки улардаги жараёнларнинг ритмикаси характери билан ҳам ажралиб туради.

Савачна — нам тропик ўрмонларининг ҳар икки томонида жойлашган табиат зонаси. С. да бўлиқ ўтлар (2 м ва ундан ҳам баланд ўтлар, асосан бошоқчилар) орасида тўн-тўп дарахтлар ва буталар (Африкада сояновимон акциялар, баобаблар, пальмалар, дарахтсимон молочайлар, Жанубий Америкада пальмалар, Австралияда эвкалипт ва акциялар) ўсади. Йил икки мавсумдан иборат: қиш қуруқ ва иссиқ, ёз эса иссиқ ҳамда серёмгир бўлади. Ла-

Риф — суви саёз жойларда денгиз тагидаги ёки сув юзасига чиқиб турган баландликлар. Денгиз тубидаги қоялар ёки қирғоқларнинг емирилишидан, ённки маржон қурилмаларидан ҳосил бўлади. Маржон рифлари қирғоқ яқинида бўлса, қирғоқ рифлари дейилади (денгиз суви қайтганда бундай Р. бутунлай кўриниб қолади), қирғоқдан узоқда бўлса, тўсиқ рифлар дейилади; мас., Австралиянинг шимол-шарқий қирғоғи яқинидаги Катта Тўсиқ рифи 2000 км чўзилган.

Рош — экинларни жўяксиз суғорганда полларни бир-бирдан ажратиш учун ясалган марза, кўтарма. Бухоро области Ёғждувон, Шофрикон, Вобкент районларида кўн қўлланилади. Рош беллик, чел деб ҳам аталади.

Рубъи маскун (арабча — *обод чорак*) — Ер шаридаги қуруқликнинг кишилар яшайдиган обод қисми.

Руд (тожикча *руд*) — сув, дарё, ариқ, канал. Жой номлари таркибида кўп учрайди: Шохруд, Ҳарируд ва х. к.

Руда — саноатда фойдаланиш учун яроқли миқдорда металллар ёки уларнинг бирикмаларини ўз ичига олган тоғ жинслари. Таркибида нометалл фойдали қазилмалар бўлган тоғ жинслари ҳам Р. дейилади, мас., асбест рудаси, графит рудаси, апатит рудаси ва б.

С

терит тупроқлар кенг тарқалган. Сернам мавсумда ўсимликлар барқ уриб ўсади, қуруқ мавсумда ўтлар кўриб, дарахт ва буталар барг ташлайди. Хилма-хил ҳайвонлар: фил, жирафа, антилопа, зебра, бегемот, арслон, қўшлар (туяқуш) ва б. яшайди. Ҳозирги вақтда С. ларининг кўп қисмлари ҳайдаб юборилган ёки яйловга айлантирилган.

Савр — 1) зоднак юлдуз туркумларидан бири; 2) шамсия (кўш) йил ҳисобида иккинчи ойнинг

помн; 22 апрелдан 21 майгача давом этади.

Сайзлик — денгиз ва океанлар таги рельефининг кўтарилган қисмлари. С. тўққиларга, оқимларга ва сувда яшовчи ҳайвон ҳамда ўсимликларга таъсир кўрсатади. Қўёш нури сув остига етиб бorganлигидан сувўтлар кўп, бинобарин, сувда кислород сероб бўлиб, широнг балиқлар учун қулай бўлади.

Сайроб — тоғларда орографик ёмғир кўп тушадиган, серсув жой, водий боши.

Сайхон — атрофи очик, текис, кенг яланг ер.

Сахрама — дарёнинг тор, тезоқар қисми, остонатош, шалола.

Самум (арабча *самум* — иссиқ шамол) — Арабистон ва Шимоллий Африка чўлларига эсадиган иссиқ ва қуруқ шамол. С. эсганда қум бўрони туриб, т-ра 50° га етади ва ундай ҳам ошади.

Сангбўрон — тоғ ёнбағиридан тошларининг кўчиб, юмалаб тушиши. Ўсимлик билан қопланмаган қуруқ тошдоқ ёнбағирларда кўп бўлади. С. тошбўрон шаклида ҳам ишлатилади.

Сангир — тоғлардаги тик жарлик, дарёнинг қулаши натижасида ҳосил бўлган тик қирғоғи.

Сангзор (тожикча) — тошдоқ, дарё водийсидаги сертош майдон.

Сапрпель (يونича *сапрос* — сассик, *пелос* — лойқа) — окмай турган сув ҳавзалари тубида ўсимлик ва ҳайвон организмлари қолдиқларидан ҳосил бўладиган органик лойқа, балчиқ. Медицинада (балчиқ билан даволашда), ёқилви ва ўғит сифатида ишлатилади.

Саратон — 1) Зодиак зонасидаги йолдузлар туркуми; 2) Шамсия (қўёш) ҳисобида тўртинчи ой, 22 июндан 21 июлгача давом этади. Шув ойда Қўёш осмон сферасида Саратон йолдузлар туркумидан ўтди; 3) ёз фаслининг энг иссиқ даври. «Саратон олови»,

«Саратоннинг сариқ кунн» иборалари бор.

Сардоба — чўлларда (айниққиса тақирларда) ер устидаги сувлар тўпланадиган сув омбори. Қўпинча усти сув кам булганснн учун гиштин гумбаз билан ёпилган, сув ерга шимилиб кетмасин учун базиларининг тагига гишт ётқизилган бўлади. Айрим С. ларда сув йил бўйи сақланади. Ҳовузли ертўллалар ҳам С. дейилади. Урта Осиёда, хусусан Жанубий Ўзбекистон ва Шарқий Туркменистонда кўп учрайди. С. ҳовузининг чуқурлиги 10—15 м, диаметри 12—16 м, деворининг қаллиғи 1—1,5 м бўлган. С. гумбазига уч томондан вентиляция дарчаси ва тепасига битта мўри ишланган. Булар сувнинг бузилмай сақланишига имкон берган.

Сарисув — тоғолди лёсс ва гилдан иборат қия текисликлардан оқувчи лойқа сув. Баъзи жойларда дарё номига айланнб кетган. Мас., Марказий Қозоғистондаги Сарисув дарёси.

Сари чашма — булоқ кўзи, булоқнинг сув чиқадиган жойи.

Сарин шамол — салқин шамол.

Сариқ тупроқ — сернам субтропикларда кенг баргли ўрмонлар тагида гилли сланецдан иборат она жинсдан пайдо бўлган тупроқ. Чириндисен кам. Темирнинг сувли оксидлари туфайли сариқ бўлади. Хитойда, АҚШнинг жанубида, Австралиянинг жануби-шарқида ва янги Зеландияда, СССРда эса Ғарбий Грузия ва Озарбайжонда (Ленкоран) учрайди. Буадай ерларда субтропик экинлар (цитрус, чой ва б.), тоқ, эфир мойли ўсимликлар, тамаки, сабзавот ва б. экинлар экилади.

Сароб — атмосферада нурнинг аномал рефракцияси ҳодисаси. С. да кўриниш (манзара) ва предметлар ўз ҳолича ҳам, тескари ҳам кўриниши мумкин. С. атмосферада температуранинг юқорига қараб ўзгаришининг тўғри ҳолати

жуда барқарор ёки нихоятда барқарор бўлганда рўй беради. С. да предметлар ўз ҳақиқий жойидан юқорида ҳам, пастда ҳам, ён томонда ҳам кўриниши мумкин. С. чўллаларда ҳаво жуда қизиб кетганда, тинч об-ҳавода кўпроқ содир бўлади.

Сарғон ер — қамши саргайнб қуриб қоладиган ер.

Сахро — 1) Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида, чунончи араб ва эроний тилларда «чўл» маъносида ишлатиладиган сўз, жой номлари таркибиде ҳам учрайди, мас., Сахрон Кабир; 2) Ўзбек тилида чўл сўзининг синоними сифатида (1960 йилларгача) ишлатилиб келган; 3) ҳозирги Ўзбек географик адабиётида Арктика, Антарктикадаги ва баланд тоғлардаги доний совуқ қормузлар макони (муз сахроси).

Сброс — қ. *Узилма*.

«Северный полюс» (СП) — Шимолий Муз океанининг чуқур қисмида дрейф қилиб юрадиган муз устида жойлашган совет илмий обсерваториялари. Биринчи станция «СП-1» 1937—38 йилларда, иккинчиси «СП-2» 1950—51 йилларда ишлаган. Шундан сўнг «СП» станциялари мунтазам равишда ишлаб келмоқда. Ҳозир «СП-23» тадқиқотлар олиб бормоқда. «СП» станциялари йил бўйи океанология, муз физикаси ва динамикаси, метеорология, аэрология, геофизика, гидрохимия, шунингдек, денгиз биологиясига доир тадқиқотлар олиб боради. Оқибатда Арктика табиати ҳақида кенг маълумотлар тўпланди; Ломоносов, Менделеев сув ости тизмалари ва б. кашф этилди.

Седлар — Ил дорёсининг ўрта оқимида, Судан сойлигиндан оқиб ўтадиган қисмида пастак қирғоқлар ҳамда саёз ўзанларни қоплаб ётадиган қамши ва папирс туқайлари.

Седиментация (латинча *седи-ментум* — ўтириб қолш) — тоғ жинслари зарраларининг ўтириб

қолиши. Чўкниди жинслар пайдо бўлишининг дастлабки босқичи; қ. *Аккумуляция*.

Сейсмограф (юнонча *сей-мос* — zilzila, *графо* — ёзма) — zilzila бўлганда ёки молдалар портлатилганда ер пўстида рўй берадиган тебранишларни қайд қиладиган асбоб.

Сейсмология (юнонча *сей-мос* — zilzila, *логос* — фан) — zilzilалар ҳақидаги фан. Zilzilанинг сабаблари, сейсмик тўлқинларнинг ер ичида тарқалиши, zilzilалар географияси ва zilzilалар оқибатига қарши кураш йўлларини ўрганади.

Сел — тоғ vodiylари, сойлар ва жарлардан қисқа вақт ичида жуда катта тезлик билан оқиб келувчи тош аралаш loйқа сув оқими. С. лар қаттиқ жала қуйиши, тоғлардаги қорнинг жуда тез эриши, ёнбағирнинг қия ва унда нуроқ жинсларнинг кўп йиғилиб қолиши натижасида вужудга келади. Одатда С. оқимлари қурғоқчи иқлимни, ўсимликсиз ёнбағирларда кучли бўлади. С. ҳодисаси ўрта Осиёда (Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё vodiylарида, Копетдоғда, Тяншаннинг Ғарбий ва Шимолий тизмалари vodiylарида), Кавказда, Ғарбий Европа, АКШ, Жанубий Американинг тоғли районларида, Японияда кўп кузатилади. Хўжаликка катта зарар келтиради.

Селдара — тоғларда, тоғ олди қирларида сел ҳосил бўладиган, сел келадиган дара; сой. Одатда сел ҳосил бўладиган сой унча узун бўлмайди ва кўллари — ирмоқлари кўп ҳамда калта бўлади. Лекин бош сой — селдара тоғдан чиқишда тор ўзанга эга бўлиб, ёйилма конуси ҳосил қиладди.

Селена — қадимги юнонларда Ой ном; С. термини баъзи бир сўзлар таркибиде учрайди; мас., селенография — Ой литосферасини ўрганадиган фан.

Сельваслар (латинча *селва* — ўрмон) — Жанубий Америка (Бра-

зия)даги нам тропик (экваториал) ўрмонлар.

СЕНТО (Марказий шартнома ташқиоти блокнинг инглизча номи қисқартмаси)—1955 йилда тузилган ҳарбий-сиёсий блок. Дастлаб Бағдод пакти деб аталган бу блокка Буюк Британия, Туркия, Эрон, Ироқ ва Покистон кирган. 1958 йилда пактдан Ироқ чиқиб кетди.

Серир (арабча)—Саҳрон Кабирнинг қаттиқ шағаллардан таркиб топган пастроқ қисмлари.

Сизот сув — еришиг говак юза қатламидаги ва тупроқдаги бўш-лиқларни тўлдирган сув. С. с. сувли қатлам ер юзиде ётган жойларда бўлади. Сувли қатлам устини сув ўтказмайдиган қатлам қопламайди. С. с. сатҳи бевосита ер усти сувлари ва ёғин сувлари билан туташ бўлгани учун фасладан-фаслга ўзгариб туради; баъзан ботқоқликлар ҳосил қилади.

Силжаш — тоғ жинсларининг тектоник ёриқ бўйлаб, бир-бирига ивбатан горизонтал силжиши; қ. *Силжиқ*.

Силжиқ — тоғ жинсларининг тектоник ёриқлар бўйлаб горизонтал силжиган палаҳаси. Катта С. лар юзлаб, ҳатто миңглаб км га чўзилади, узоқ давр мобайнида рўй беради.

Силикат саноати — оловбардош, чинни — фаянс ва керамик буюмлар (ғишт, черепица; водопровод ва канализация трубалари, сопол идишлар), цемент, оҳак, ойна шиша ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари.

Сингма сув — ер юзасидан чуқурга сингиб кетадиган сув. Ер пўстидаги ер ости сувлари ҳаракат йўналишига қараб иккига бўлинади: мантиядан ажраб чиқадиган ва юқорига йўналган ювенил сув ҳамда пастга синиб борувчи С. с.

Синдикат — қ. *Капиталистик монополиялар*.

Синеклиза (юнонча *син* — биргаликда, *енклизис* — эгилиш) —

ер пўстининг платформадаги сал букилган катта (диаметри бир неча юз км келадиган) қисми (мас., Россия платформасидаги Москва С. си).

Синклиналь (юнонча *синклино* — эгиламан) — қабариқ томони пастга қараган тоғ жинслари қатламлари. С. антиклиналь билан ёнма-ён учрайди.

Синоптик карталар (юнонча *синоптикос* — ҳамма нарсаи бирдан кўрадиган), об-ҳаво карталари — муайян терр-яда маълум вақтда об-ҳавонинг ҳолати рақамлар ва шартли белгилар билан кўрсатилган карталар. Бутун Ер шарй ёки бирон р-нининг С. к. и. тузилиши мумкин. С. к. асосида об-ҳаво прогнозлари эълон қилинади.

Синтетик маҳсулотлар — мураккаб химиявий реакциялар йўли билан олиннадиган сунъий маҳсулотлар. Ҳозирги вақтда хилма-хил бўёқлар, дорн-дармонлар, заҳарли моддалар, суяқ ёқилги, сунъий каучук тола ва б. С. м. олинмоқда.

Сирокко (арабча шарқ сўзидаи) — Саҳрон Кабирдан Ўрта денгиз ҳаваси, жумладан Апеннин я. о. га томон эсадиган иссиқ ва қуруқ қаттиқ шамол. С. ўсимликларга зарар етказадн, баъзан қуритиб қўяди.

Сирт — 1) Тяньшань тоғларида 3500—4000 м баланликда жойлашган усти текис, салгина тўлқинсимон ер, текисланган юза. С. лар тоғларнинг мезойи эрасида пасайган ва текисланган ҳамда кейинчалик қайта кўтарилган қолдиқларидир. Ландшафти альп ўтлоқларидан иборат. Иқлими салқин. Ёзги ўтлоқлар сифатида фойдаланилади; 2) Волга дарёси билан Урал тоғлари оралиғида жойлашган, ер юзаси салгина парчаланган кенг сувайирғич ер; мас., Ялчи Сирт.

Сигалон — тоғларда тик ён бағирларнинг ўрта ва қуйи қисмида тўпланган силлиқланмаган

парча тошлар. Туб тоғ жинселарининг нураши ва нуроқ жинселарининг юқоридан қўлаб тушиши натижасида ҳосил бўлади. С. даги жинселарининг катта-кичиклиги уларнинг таркибига боғлиқ: славец, гранит С. лар майда тошли, сўхактош С. лар йирик тошлидир.

Скрэб — Австралиянинг қурғоқчил районларида бутасимон эвкалипт, тиканли акация ва буталжасимон дарахтлардан иборат донмий яшил чакалакзорлар.

Сланецлар — таркиби турлича бўлган қат-қат ёки китоб варақлари каби юшқа пластинкалардан иборат чўқинди ёки метаморфик тоғ жинселари.

Слюдалар — урганда юзаси силлиқ, жуда юпқа варақларга ажраладиган, жинс ҳосил қилувчи минераллар. Мас., табиатда кенг учрайдиган мусковит билан флювинит изолятор сифатида, металлургия печлари ойналари учун, электр саноати ва радио саноатида, биотинг эса электротехника саноатида изолятор сифатида ишлатилади. Конлари: СССРда — Урал, Шарқий Сибирь, Карелия, Украина; чет эъларда — Ҳиндистон, Шри Ланка, Малагаси республикаси, Канада, АҚШ ва б.

Совуқлик кутблари — ер шарда ҳаво т-раси энг паст бўлган жойлар. Верхоянск-Оймякон Шимоллий ярим шарининг совуқлик кутбидир; бу ерда абсолют т-ра -70° , январнинг ўртача т-раси $50,5^{\circ}$ га етди. Шарқий Антарктидадаги сөзет «Восток» станицяси атрофи жанубий ярим шарининг яна эмас, балки бутун планетанинг совуқлик кутбидир — бу ерда абсолют минимум т-ра $-88,3^{\circ}$ га, йиллик ўртача температура эса -55° га тенг бўлган.

Созтупроқ — заррачалари жуда майда тоғ жинселари (гил), берч — ёнишқоқ тупроқ.

Сой — 1) кичик дарё, ирмоқ; 2) сойлик, қуруқ водий.

Сойлик — 1) текисликлар, тоғ олди қия текисликлари, қир ва

адирларда кенг, саёз, бир томонга чўзилган пастлик ер. Юзалама эрозия ва тўлқинсимон кучсиз бурмаланиш натижасида вужудга келади; 2) ер пўстининг турли хил йўллари билан ҳосил бўлган ботиқ қисмлари; қ. *Товосой*.

Соялар иқлим — (латинча *соларис* — қуёшли) — радиацион иқлим. Жойнинг географик кенглиги ва Қуёшнинг горизонтдан баландлигининг ўзгаришининггина назарда тутиб, назарий ҳисоблаб чиқариладиган иқлим. Бунда иқлим ҳосил қилувчи бошқа омиллар: қуёш нурунинг атмосферадан қайтиши, ҳаво қатламида тарқалиши, ер юзасининг ҳолати, рельеф, атмосфера циркуляцияси, оқимлар ва х. к. лар ҳисобга олинмайди. Шу сабабли С. и. ҳақиқий иқлимдан фарқ қилади.

Сонли масштаб — қ. *Масштаб*.

Сопка — Забайкалье ва СССР Ҳузоқ Шарқида теңалик ва тоғлар шундай аталади. Камчаткада ва Қурил оролларида вулкан (Қлючи сопкаси, Авача сопкаси), Қрим билан Кавказда балчиқ вулкан С. дейилади.

Социаллар — тоғ жинселари, рудали ертомирларининг емирлишидан ҳосил бўлган ва таркибида қимматли минераллар: олтин, платина, олмос учрайдиган ғозак ётқизиллар. Нураган жинселар шунининг ўзида қолади ёки бошқа ерларга, қўнроқ дарё водийлари, кўл қирғоқларига олиб бориб ташланади.

Соҳил (арабча) — қуруқликнинг деңгиз, кўл ва дарё қирғоғига параллел чўзилган ҳамда унга нишаб бўлган қисми. С. да қирғоқларга хос бўлган ҳозирги замон ва қадимги рельеф шакллари — террасалар, эски ўзанлар бўлади; қ. *Қирғоқ*.

Спелеология (يونونча *сепелайон* — ёр, *логос* — фан) — ёрларини, уларнинг пайдо бўлишини, ёр ичидаги микроиқлим, сувлар, органик дунёни, ўтмишда ва ҳо-

зирги вақтда горлардан фойдаланилганини ўрганадиган фан.

Сталактитлар (юнонча *сталакта* — томчи) — горларнинг тагида устун, сумалак шаклларида чўққайиб турган минерал ҳосилалар. С. кальций карбонатга тўйинган сувнинг гор тепасидан томиб туриб буғланиб кетиши ва кальций карбонатнинг чўқиб қолнишидан пайдо бўлади.

Сталактитлар (юнонча *сталактос* — томчилаб туриб қотган) — горларнинг шипи ва деворларининг юқори қисмларида сумалак, найча, попук шаклларида осилиб турган минерал ҳосилалар. Кальций ва карбонат ангидридга тўйинган сувнинг гор тепасидан сизиб ўтиб буғланиб кетиши ва кальций карбонатнинг тўпланиб қолнишидан ҳосил бўлади.

Статут (латинча *statuo* — қарор қиламан) — муайян территория ёки халқаро ташкилот идора органларининг ташкилий тартиби ва фаолиятини белгилаб берадиган низом.

Стационар метод — географик тадқиқот методларидан бири. С. м. да географик объект, ҳодиса ва жараёнлар узоқ вақт давомида узлуксиз ниловчи илмий-тадқиқот станцияларида ўрганилади. Бу метод экспедиция методидан фарқли ўлароқ, географик жараён ва объектларнинг майдонда тарқалишини эмас, балки вақт давомида ўзгаришини, динамикасини ва ривожланишини ўрганишга имкон беради. С. м. ландшафтларнинг структураси, динамикаси, мавсумий ўзгаришлари ва ривожланишини тадқиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга. СССРда стационар тадқиқотлар деярли барча қўриқхоналарда ва кўндан-кўн илмий станцияларда (жумладан, Сибирь ва Узоқ Шарқ география институти станцияларида) олиб борилмоқда. Урта Осиёда Марказий Тяньшань баланд тоғ географик станцияси ишлаб турибди.

Субальп минтақаси — ўртача ва субтропик кенликлардаги йил бўйи бир текисда етарли миқдорда ёғин ёғадиган тоғларнинг баландлик минтақаси. Альп минтақасидан пастда, тоғ ўрмон минтақаларидан юқорида. Баланд бўйли субальп ўтлоқлари, қишғир-қийшиқ дарахтлар, чакалақзорлар характерли. С. м. ўтлоқларидан ёзги яйлов сифатида фойдаланилади.

Субантарктика минтақаси — жанубий ярим шардаги географик минтақа, океанларнинг 58° — 60° ва 65° — 67° гача жанубий кенликлардаги қисмларини ўз ичига олади. Иқлим совуқ (ҳавонинг ўртача температураси қишда -5° дан -15° гача, ёзда 0° — 2°), қаттиқ шамоллар бўлиб, туман туриб туради. 500 мм ёғин ёғади. Қишда ёппасига сузиб юрувчи музлар билан қопланади. Сувда планктон кўп. С. м. дан кўплаб баллиқ ва денгиз ҳайвонлари овланади.

Субарктика минтақаси — Шимоллий ярим шардаги географик минтақа. Жанубда 60° — 65° ш. к., шимолда 67° — 73° ш. к. гача боради. Иқлими совуқ, январнинг ўртача температураси материкларда ва ороларда -5° дан -40° гача, юлшики $+5^{\circ}$ дан $+12^{\circ}$ гача. Вегетация даври 70—110 кун, 300—500 мм ёғин ёғади. Замин тўғиб ётади. С. м. тундра ва ўрмонли тундра зоналарига бўлишади. Океан сувида баллиқ ва бошқа ҳайвонлар кўп.

Субтропик иқлим — мўътадил иқлим билан тропик иқлим орасидан иқлим, қиш илқ, ёзн иссиқ; энг совуқ ойнинг ўртача т-раси 0° дан юқори. С. и. ли территориялар 30° — 40° ш. к. билан 30° — 35° ж. к. ларда. С. и. бир неча хил бўлади: ўрта денгиз бўйи иқлими, нам субтропик ўрмонлар иқлими, субтропик чўллар иқлими ва муссонли С. и.

Субтропик минтақалар, субтропиклар — Ернинг ҳар иккала ярим шаридаги географик

минтақалар, 30° ва 40° кенгликлар орасида. Мўътадил минтақалардан фарқ қилиб, вегетация йил бўйи давом этади, совуқ ойнинг ўртача т-раси 0° дан юқори. Тропик минтақалардан фарқи эса мавсумларда термик режимнинг кескин тафовут қилишидир, денгиздан қуруқлик ичига кириб борган сари ёғин миқдори камайиб иқлим континенталлаша боради. Нам ва қуруқ С. бўлади. Нам С. СССРда Кавказнинг Қора денгиз соҳилида ва Ленкоран пасттекислигида учрайди. Тупроғи қизил тупроқ, хилма-хил ва бой ўсимликлар ўсади. Қуруқ С. га Қримнинг Жанубий соҳили, Шарқий Закавказье, шунингдек, Ўрта Осиё чўлларининг жанубий чеккалари қиради.

Субурбанизация (инглизча *субурб* — шаҳар ёни) — шаҳарларнинг шаҳар атрофлари ҳисобига ўсиши. Шаҳар атрофида қурилган уй-жойлар ва саноат корхоналари ҳисобига шаҳар кенгайиб, тобора катта территорияни қамраб олади.

Сув — водород билан кислороднинг бирикшидан ҳосил бўлган суюқ, рангсиз модда. Қалинлиги 2 м дан ошса, ҳаво ранг тусга қиради. Нормал босим шаронтида +100°С да қайнайди. +4° да энг зич бўлиб, 1 см³ сув 1 граммга тенглашади. Табиатда уч хил кўринишда — муз, суюқ сув, буғ ҳолатда учрайди. Кўпчилик минерал ва тоғ жинсларида бирикма ҳолда бўлади. С. сўзи географик номлар ёсаллишида иштирок этади. Мас., Қизилсув, Оқсув, Кўксув, Қашқасув, Қорасув.

Сув боши — дарё, канал, ариқлар бошланган жой, манба. Сув боши булоқлар, тоғлардаги қор ва музлардан бошланувчи жилғалар, кўллар, бошқа дарё ва ҳ. к. лар бўлиши мумкин.

Сув бўйи — дарё, кўл, канал, ариқ, денгизлар қирғоғи бўйлаб чўзилган камбар ер, соҳил.

Сув йиғиладиган ҳавза — би-

роқ дарё, кўл ёки денгизга ер ости сувлари оқиб келадиган ер, майдон. С. й. ҳ. сувайирғич билан чегараланган бўлади.

Сув кўтарилиши ва қайтиши — Ой билан Қуёш таъсирида денгиз сатҳининг даврий равишида (суткасига икки марта) кўтарилиб ва пасайиб туриши.

Сув омбори — кишилар томонидан бирор мақсадни кўзлаб (сув чиқариш, ГЭС қуриш, микроиқлимни ўзгартириш ва ҳ. к.) бунёд этилган сув ҳавзаси. Ўрта Осиёда дарё оқимини тартибга солиш, сув тўплаш, ГЭСлар қуриш мақсадида қурилади. Мас., Қаттақўрғон, Жанубий Сурхон, Туямўйин сув омборлари ва б.

Сув ости тизмалари — океанлар ва баъзи бир денгизлар тагидаги узун чўзилган ва баландлиги 4—5 км га етadиган кўтарилмалар. С. о. т. узун чўзилган тектоник тизмалардан (улар ҳаммаси бўлиб 75 минг км чўзилган), бурмали-палахсали, вулканик тизмалардан, ёйсимон оролдарнинг бурмали-палахсали тизмалари ва вулкандардан, ер пўстининг ёриқлари бўйлаб чўзилган жарликлардан иборат бўлади.

Сув сарфи — сув оқимининг кўндаланг кесимидан муайян вақт давомида оқиб ўтган сув миқдори. Дарё, канал, жилға, анҳорларнинг С. с. секундида куб метр (*м³/сек*) ҳисобида, булоқ, кичик ариқ, қудуқлар С. с. секундида литр (*л/сек*) ҳисобида бериллади.

Сув ўтказадиган жинслар — сувни ўзидан осон ўтказадиган тоғ жинслари. Масалан, қум, оҳақтош.

Сув ўтказмайдиган жинслар — сувни ўзидан жуда секин ўтказадиган тоғ жинслари, мас., гил, гранит.

Сувайирғич, жўн — икки дарё ҳавзаси ёки икки денгиз, океан ҳавзаси орасидаги чегара. Ёғинсочин суви, дарё сувлари ана шу чегарадан икки қарама-қарши то-

монга оқади. Мас., Волга бўйи қирлари Волга ва Дон дарёлари ораллигидаги С. дир. Тинч океан (Тинч океан билан Ҳинд океанига қуйиладиган дарёлар) ҳавзасини Атлантика океани (Атлантика ҳамда Шимоллий Муз океанларига қуйиладиган дарёлар) ҳавзасидан ажратиб гурадиган чегара Ер шарининг бош С. н. дейилади.

Суверен давлат (французча *суверените* — олий ҳокимият) — ички ишларда ва ташқи алоқаларда мустақил иш кўрадиган, бошқа давлатларнинг аралашшига йўл қўймайдиган, сиёсий жиҳатдан мустақил давлат.

Суви қатлам — Ер пўстининг тоғ жинси парчалари орасидаги бўшлиқларда, ёриқларда оғирлик кучи ёки гидростатик босим таъсирида снлжиб юрадиган сувлар мажмуи бўлган қатлами. С. қ. ер юзига чиққан жойларда булоқлар чиқади, ер юзиде бўлса, ботқоқлик, заҳоб, шўрхок вужудга келадн.

Сувнинг айланиши — қуёш радиацияси ва оғирлик кучи таъсирида Ер шарида сувнинг тўхтовсиз айланиб юриши. Қуёш радиацияси таъсирида Дунё океани юзасидан тахм. 450 минг км³, қуруқликдан 61 минг км³ сув буғланади. Океан юзасидан кўтарилган сув буғларининг аксарн қисми тўйиниб, яна океан устига ёғин бўлиб ёғади (403 минг км³); буғларнинг ҳаво оқимлари олиб кетган қисми қуруқликка ёғади (108 минг км³). Бу ёғинларнинг бир қисми ерга снлгиб, ер ости сувларини ҳосил қилади, бир қисми ер юзасидан оқиб, дарёларни вужудга келтиради, қолган қисми эса буғланиб кетади. Ҳаво оқимлари қуруқликка келтирган сув пировард натижада Дунё океанига етиб боради.

Сунбула — 1) зодиак зонасидаги юлдузлар туркуми; 2) Шамсия ҳисобидаги йилнинг олтинчи ойи, 22 августдан 22 сентябргача давом этади. Бу вақтда Қуёш ос-

мон сферасида С. юлдузлар туркуми олдидан ўтади. Бу ойда сув тинийди, совийди. Сунбула сувини ичган мева қишда яхши сақланади.

Сунбул ҳаво — салқин, булутли, об-ҳаво.

Сунъий йўлдош, Ернинг сунъий йўлдоши — кўп босқичли элтувчи ракеталар ёрдамида Ер атрофи орбитасига чиқарилган ва хилма-хил илмий ҳамда техник приборлар билан жиҳозланган космик аппарат. Биринчи С. й. 1957 йил 4 октябрда СССР да учирлиди. Эндидликда С. й. лардан Ер атмосферасининг юқори қисми ва космик фазони ўрганиш билан биргаликда радио масалалари ва телеалоқалар ўрнатиш, Ернинг табиий бойликларини ўрганишда фойдаланилмоқда.

Сунъий толалар — табиий органик полимерлардан олинмадиган химиявий толалар, вискоза толалари, мис — аммиак толалари, ацетат толалар, оқимлли сунъий толалар С. т. дир. С. т. тўқимачилик ёки корд иплари, штапель толаси ҳолида чиқарилади.

Супасимон тоғлар — усти ясси ва ёнбағирлари қаттиқ жинслардан тузилганлигидан тик тушган тоғлар.

Супатоғ — усти текис ёки салгина ўр-қир, ёнбағирлари кесилгандек тик тушган якка-якка тоғ, тепа, қир. Устки қисминн горизонтал жойлашган чўкинди жипслар ёки лава қоплаган бўлади. С. т. супасимон ўлкаларнинг эрозия натижасида парчаланши, текисланган юзаларнинг тектоник ёриқлар билан айрим палахсаларга бўлиниши натижасида вужудга келади.

Сур ўрмон тупроқлари — аксари кенг баргли ўрмонлар тагида ҳосил бўладиган тупроқлар. Таркибида 2—9% чиринди бор. Подзол тупроқларга нисбатан серунум. С. ў. т. шимолдан подзол тупроқлар билан жанубдан қора тупроқлар орасида. СССРда

(Молдaviaдан Забайкальегача), шунингдек, Канада билан АҚШнинг чегарадош р-ларида учрайди.

Сурилма — тоғ жинсларининг оғирлик кучи таъсирида ёнбағир бўйлаб пастга сурилиб тушиши. Кўпинча сувли ва сув ўтказмайдиган гилли қатламлар устма-уст жойлашган, ёнбағир остини сув юйиб кетган жойларда рўй беради. С. лар тоғли районлар хўжалигига баъзан катта зарар етका-

зади. Ёнбағирларни яланғочлаб, йўл ва иншоотларни кўмиб юборади. С. ларга қарши ёнбағирларга ўсимлик экиш, сувли қатламга тушадиган сув миқдорини камайтириш тадбирлари амалга оширилади.

Сутка — Ернинг ўз ўқи атрофида ғарбдан шарққа бир марта айланиб чиқиши учун кетган вақт, 24 соатга тенг. Вақт ўлчов бирлиги.

Т

Табиат — 1) бизни ўраб олган борлиқ, олам. Т. вақт ва фазода чексиздир, тўхтовсиз равишда ҳаракатда, ривожланишда ва ўзгаришда бўлиб туради. Кишилик жамияти Т. нинг, моддий оламнинг ўзига хос бўлагидир; 2) Ер шаридаги жонсиз ва жонли табиат. Т. ни табиатшунослик фанлари ўрганади.

Табиат зоналари — қ. *Географик зоналар*.

Табиат комплекси (географик комплекс) — табиатнинг ўзаро таъсир этиб ва бир-бирини тақозо қилиб, ягона система ҳосил қилиб турувчи компонентлари: рельеф, иқлим, ер усти ва ер ости сувлари, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёсининг қонуний уйғунлиги.

Табиат компонентлари, табиат элементлари — табиатни ҳосил қилувчи асосий таркибий қисмлар, яъни тоғ жинслари, рельеф, ер усти ва ер ости сувлари, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, ҳаво массалари. Т. к. ландшафт компонентлари деб ҳам юритилади. Т. к. нинг ўзаро инебатига қараб ландшафтлар хилма-хил бўлади. Т. к. нинг ўзаро инебати ўзгарса, табиат, яъни ландшафт ўзгаради. Шу сабабли табиатни ўзгартириш учун унга таъсир кўрсатилганда (сув омборлари, тўғонлар қурши, ерларни сўғориш, ботқоқларни қуритиш, овчилик ва дарахтларни кесиш ва

қ. к.) унинг барча оқибатларини ҳисобга олиш керак.

Табиат элементлари — қ. *Табиат компонентлари*.

Табиатни муҳофаза қилиш, табиатни қўриқлаш — табиатни инсоният манфаатларини кўзлаб сақлашга ва оғли равишда ўзгартиришга, унинг маҳсулдорлигини сақлаб қолишга ҳамда ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган барча хил тадбирлар системаси. Бу тадбирлар давлатлар, халқлар ва жамият, фан-техника, ишлаб чиқариш ташкилотлари, шунингдек, иқтисодий ҳамда маъмурий ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Фан-техника тараққиёти ва жаҳон аҳолисининг инҳоятда тез кўнайиши (демографик портлаш) муносабати билан жамиятнинг табиатга бўлган таъсири тобора кучаймоқда. Бу таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Шу туфайли Т. м. қ. проблемаси тобора актуал бўлиб қолмоқда. Т. м. қ. нинг энг асосий масалалари — атроф муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва барча хил табиий ресурслар: ер, сув, иқлим, ўсимлик, ҳайвонот ресурслари ҳамда қазилма бойликлардан оқилона, яъни уларни иест-иобуд қилмай фойдаланишдир. Социалистик жамият табиатдан инсоният манфаатлари йўлида тўғри фойдаланишга имкон берса, капиталистик жамиятда ай-

рим шахс ва синфлар манфаатини кўзлаб табиатдан, айниқса унинг ресурсларидан йиртқичларча фойдаланиш ҳоллари ҳам кузатилади. Т. м. қ. планетар миқёсдаги проблема бўлганлиги сабабли у билан боғлиқ кўпдан-кўп масалаларни ижобий ҳал қилишда жаҳон мамлакатларининг халқаро ҳамкорлик қилишини тақозо этади.

Т. м. қ. нинг икки хил талқин мавжуд: 1) алоҳида ажратилган территориялардаги табиий комплекслар, яъни ландшафтларни табиий ҳолда сақлаш-қўриқлаш, ноёб ўсимлик ҳамда ҳайвонларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш. Бундай ишлар миллий парклар, қўриқхоналар ва заказникларда олиб борилади. Бу — табиатни пасив муҳофаза қилишдир; 2) табиатни ундан халқ хўжалигида фойдаланиш жараёнида, ушн ўзгартириб, антропоген ландшафтлар бунёд этиш жараёнида муҳофаза қилиш. Бу — табиатни актив (фаол) муҳофаза қилишдир.

Табиатни қўриқлаш — қ. *Табиатни муҳофаза қилиш*.

Табиий географик область — табиий географик районлаштириш бирлиги. Тоғли табиий географик ўлкаларнинг йirik регионал бирлиги. Мас., Қутбий Уралнинг тундра области, Шимолий Уралнинг тайга области ва ҳ. к.

Табиий географик провинция — табиий географик районлаштириш бирлиги. Географик зонанинг табиий географик область доирасидаги қисми. Мас., Шимолий-ғарбий тайга провинцияси, Печора тундраси провинцияси, Печора тайгаси провинцияси ва ҳ. к.

Табиий географик прогноз — ландшафт комплексларининг табиий ва антропоген омиллар таъсирида яқин ва узоқ келажакда бўладиган сифат ва миқдорий ўзгаришларни аниқлаш, таърифлаш. Т. г. п. қ. ишида ландшафтлар ривожланишининг барча асосий омиллари: иқлимий, тектоник, ли-

тоген, биоген ва антропоген омилларнинг роли ҳисобга олинади. Т. г. п. қ. ишида табиатнинг (географик қобикнинг) ривожланиш қонуниятларини ўрганиш ва ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга.

Табиий географик процесслар (ж а р а ё н л а р) — табиатдаги модда ва энергия ўзгаришлари, шакл ўзгаришлари, ҳамда умуман табиий географик комплексларнинг ривожланишига сабаб бўлувчи барча хил жараёнлар. Т. г. п. га атмосфера циркуляцияси, намининг айланиб юриши, рельеф ҳосил бўлиши, нураш, тунроқ ҳосил бўлиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг мавсумий ҳамда асрий ўзгаришлари, компонентлараро алоқаларда рўй берувчи процесслар яққол мисолдир. Т. г. п. ни тадқиқ этиш ландшафтларни динамик система сифатида ўрганишга, уларни муҳофаза қилиш ва ўзгартиришнинг оқидона йўллари-ни танлашга имкон беради. Бунда географик комплекслараро ҳамда компонентлараро модда ва энергия алмашинуви механизмини аниқлаш айниқса катта назарий аҳамиятга эгадир.

Табиий географик район — табиий географик районлаштиришдаги энг кичик таксономик (регионал) бирлик. Т. г. р. кўпинча географик ландшафт ва регион терминларининг синоними сифатида ҳам қўлланилади.

Табиий географик районлаштириш — территорияларни табиий-географик хусусиятларига қараб турли катта-кичикликдаги регионал birlikларга бўлиш системаси. Т. г. р. табиатда объектив мавжуд бўлган ва таксономик жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ регионал табиий географик комплекслар (ўлкалар, провинциялар, округлар, районлар ва ҳ. к.) ажратилади, асослаб берилади, тасвирланади ҳамда картага туширилади. Т. г. р. ҳар бир регионнинг ўзига хос шароити ва ресурсларини баҳолашга имкон беради. Шу-

нинг учун ҳам Т. г. р. қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва ихтисослаштиришда, ерларни ўзлаштириш ҳамда табиатни ўзгартиришнинг ҳар бир жойга хос илмий асосланган методларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Умумий Т. г. р. дан ташқари амалий Т. г. р. ҳам мавжуд. Бунга қишлоқ хўжалик мақсадларини кўзлаб Т. г. р., қурилиш мақсадлари учун Т. г. р., ерларни обикор деҳқончилик мақсадида районлаштириш ва бошқалар кирди. Совет табиий географиясида регионал табиий географик бирликлар зоналик ва азоналликнинг бир бутунлиги асосида ривожланади, бинобарин, ҳар бир тақсономик бирликлардаги регионда табиатнинг ҳам зоналик, ҳам провинциаллик қонуниятига акс этади, деган тасаввур қарор топти. Т. г. р. қуйидаги принцип ва могодлар асосида амалга оширилади: территориал яхлитлик (умумийлик) принципи, генетик принципи (бунда турли ландшафтларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига кўра ўхшаш томонлар ёки тафовутлари ҳисобга олинади), комплекслик принципи, нисбий бир хиллик принципи; жузъий (компонентлар бўйича) районлаштириш схемаларини бир-бирига таққослаш методи, етакчи омил методи, регионал бирликларни ландшафт — типологик комплекслар карталарига қараб ажратиш методи, микродий таърифлаш методи, табиий географик бирликларни бевосита далада аниқлаш методи. Комплексе Т. г. р. дан ташқари, айрим табиий компонентларни районлаштириш, яъни жузъий табиий географик районлаштириш ҳам мавжуд. Бунга геоморфологик, иқлимий, тупроқ-географик, геоботаник ва зоогеографик районлаштириш мисолдир.

Комплексе табиий географик районлаштиришнинг асосий бирликлари қуйидагилардир: географик миқтақа, географик зона, гео-

график зонача, табиий географик ўлка, табиий географик провинция, табиий географик округ, табиий географик район.

Ҳозирги вақтда географик қобиқнинг дифференциацияси (табақаланиши), яъни регионал ландшафт комплексларига бўлиниши ҳақидаги таълимот Т. г. р. назарий асосдир, чунки Т. г. р. шу табақаланишнинг конкрет акси этиши деб ҳисобланмоқда. Материклар билан океанларни биргалликда Т. г. р. гоёяси олга сурилмоқда.

Табиий географик ўлка — табиий географик районлаштиришнинг йirik бирликларидан бири. Т. г. ў. материкнинг катта қисмидан иборат бўлиб, асосан географик ўрни, геологияси ва морфо-структурасининг умумийлиги, ўзига хос макроқлимни ҳамда ландшафтлари территориал тақсимланишнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мас., Россия текислиги ўлкаси, Новая Земля — Урал тоғли ўлкаси, Фарбий Сибирь текислиги ўлкаси, Урта Сибирь ўлкаси, Шимоли-Шарқий Сибирь ўлкаси, Урта Осиё текислик ўлкаси, Урта Осиё тоғли ўлкаси ва ҳ. к.

Табиий география — 1) географик қобиқ ва ландшафтлар ҳақидаги фан, табиётшуносликнинг асосий тармоқларидан бири, Ер ҳақидаги фанлар қаторига кирди. Географик қобиқнинг моддий таркиби, структураси, ривожланиши ва территориал бўлинишини ўрганади. Табиий географик комплекслар, яъни географик қобиқ ва турли катта-качик ландшафтлар, яъни табиий территориал комплексларининг замон ва маконда мавжудлигини тап олиш совет Т. г. сининг олий ютуғи ва асосий методологик принциpidир. Т. г. нинг бу таърифи нисбатан янги бўлиб, уни совет географлари А. А. Григорьев, Л. С. Берг, А. Г. Исаченко, С. В. Калесник ва В. Б. Соцавалар асослаб бердилар; 2) табиий географик фанлар системаси.

Бу система умумий табиий география ёки умумий ер билими, регионал табиий география ёки ландшафтшунослик, геоморфология, иқлимшунослик, қуруқлик гидрологияси, океанография, гляциология, геокриология ёки музлоқшунослик, тупроқлар географияси, биогеография (геоботаника билан зоогеография), фенология, палеогеография ва бошқалардан иборат.

Ҳар иккала маънода ҳам ҳозирги замон Т. г. снинг предмети — географик қобик (ландшафт қобиги), табиий территориял комплекс (табиий комплекс, ландшафт, геоконплекс, геосистема) ва компонент тўшунчалари аке эгтиради. Шунга қўра Т. г. уч асосий тармоққа: умумий Т. г., регионал Т. г. ва компонентлар географиясига бўлинади.

Умумий Т. г. географик қобикни бир бутун илмий тадқиқот объекти сифатида қараб, унинг таркиби, структураси ва ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганади. Умумий Т. г. нинг назарий асослари негизда қуйидаги географик қонуниятлар ётади: 1) географик қобикнинг бутунлиги қонуният; 2) айланма ҳаракатлар қонуният, яъни географик қобикда моддалар ва энергиянинг турли айланма ҳаракатлари мавжудлиги (чупончи, сувнинг айланма ҳаракати, атмосфера циркуляцияси, биология айланма ҳаракатлар, тоғ жанглариинг айланма ҳаракати ва ҳ. к.); 3) географик қобикнинг ритмика қонуният, яъни барча табиий географик жараён ва ҳодисаларнинг маълум вақт давомнда қонуний такрорланиши; 4) территориял табақаланиш (бўлиниш) қонуният, яъни географик қобикнинг катта-кичик табиий территориял комплекслар — табиий ўлка, зона, провинция, область, район ва ҳ. к. ларга бўлиниш қонуният; 5) географик зоналик ёки дунё зоналиги қонуният; 6) географик зонал-

ликининг даврий қонуният; 7) зоналик қонуният; 8) зоналик ва аоналликининг бир бутунлиги (биргаликда учраши) қонуният; 9) қутбий асимметрия қонуният; 10) географик қобикнинг ривожланиш қонуниятлари ва ҳ. к.

Регионал Т. г. нинг мазмуни ландшафтшуносликдаги янги тасаввурлар, чупончи, антропоген ландшафтлар, ландшафтлар рекултивацияси, экологияси, динамикаси ҳақидаги гоаялар туфайли анча кенгайди ва чуқурлашди. Ландшафтларнинг ўз-ўзини бошқарувчи инфомацион система сифатида талқин қилиниши уни ўрганишда кибернетика принципларини ва система услубини қўл-лашга, ландшафтларнинг тобора мукамал моделларини тузишга имкон бермоқда. Ландшафтлар морфологияси (тонологияси), геохимияси, геофизикаси ва ботаникасига доир катта илмий тадқиқотлар олиб борилмақда.

Табиий компонентларни ўрганиш билан махсус географик фанлар—геоморфология, иқлимшунослик, қуруқлик гидрологияси, океанография, тупроқлар географияси (географик тупроқшунослик) ва биогеография шугулланади.

Табиий ресурслар, табиат ресурслари (французча *ресурс* — маблағ) — инсоният учун яшаш воситаси бўлиб хизмат қиладиган ва ҳужаликда фойдаланиладиган табиат элементлари (моддий бойлик ва энергия турлари). Ерлар, фойдали қазилмалар, ўсимлик ҳамда сув бойликлари, ёввойи ҳайвонлар, қўлай иқлим шаронти, сув ва шамол энергияси кабилар Т. р. дир.

Т. р. тугайдиган аммо, қайта тикланиши мумкин бўлган (мас., ер, ўсимлик ва ҳайвонот ресурслари), тугайдиган ҳамда қайта тикланмайдиган (мас., фойдали қазилмалар конлари) ва тугамайдиган (мас., қуёш энергияси, шамол энергияси) ресурсларга бўлинади.

Т. р. дан барча табиий бойликлар халқ мулки бўлган социалистик тузум шароитидагина оқилона тежаб-тергаб фойдаланилади. Капиталистик давлатларда Т. р. дан ваҳшийларча, нест-нобуд қилиб фойдаланилади. Бу ҳол капиталистик мамлакатларда айниқса ўсимлик ва сув ресурсларидан нооқилона фойдаланилишини ҳамда кўпилаб қишлоқ хўжалик ерларининг ишдан чиқиб қолишида яққул намоён бўлмоқда. Чунончи, чет мамлакатларда кўпилаб ўсимлик турлари ва баъзи ноёб ҳайвон турлари бутунлай тугаб кетмоқда, СССР ва б. социалистик мамлакатларда табиий ресурсларни муҳофаза қилиш умумхалқ ишидир.

Табиий-территориал комплекс — бир бутун системани ташкил этадиган географик компонентлар (тоғ жиислари, рельеф шакллари, ҳаво, сув, tupроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси)нинг қопуниш мажмуи; компонентлар бир-бирларига доимо таъсир этиб туради.

Тайга — мўътадил минтақа ўрмонлар зонасининг шимолий қисмидаги игна баргли ўрмонлар. Т. Европа, Осиё ва Шимолий Американинг шимолида жуда катта майдонни эгаллайди. Т. шимолга томон сийрақлаша бориб, ўрмонли тундрага айланади. Т. нинг жанубий чегараси Ғарбий Европада 60-параллелдан ўтади, шарққа кетган сари жануброққа туша боради ва Узоқ Шарқда 50-параллелга етади. Т. иккинчи континентал бўлиб, қиш қаттиқ совуқ ва узоқ келади, ёзи етарлича иссиқ, июлнинг ўртача т-раси +10° дан +20° гача, йилга 300—600 мм ёғин ёғади, чуқур жойлар ботқоқ.

Тупроғи асосан подзол тупроқ. Евросиё текисликларида кўпроқ қора қарағай, оқ қарағай, кедэ, Шарқий Сибирнинг континентал районларида аксарин тил-оғоч ўсади; баргли дарахтлардан қайин, тоғтерек учрайди. Ҳайвонот дунёси бой, мўйнали ҳайвонлар (типин, тулки, айиқ, силовсин,

соболь, ондатра), ўтхўр ҳайвонлардан лось, шимол бугуси кўп.

Т. да аҳоли анча сийрак. Аҳоли ёғоч тайёрлаш ва ёғоч оқизиш, мўйнали ҳайвонлар овлаш, даррандачилик билан шугулланади. Совет Иттифоқи терр-ясидаги Т. да саноат гез ривожлана бошлади, йўллар қурилмоқда, шаҳарлар кўпаймоқда, сут чорвачилиги, деҳқончилик ривожланмоқда. Байкал-Амур магистрали Сибирь Т. си терр-ясичи янада обод қилинши имкон беради.

Тайфун — Узоқ Шарқ деиғизларида кўтариладиган кучли тропик циклон. Тезлиги 30—80 км/соат, баъзан 100 км/соатгача етади. Т. асосан ёзда ва кузда океанда Филиппин оролари яқинида найдо бўлиб, Хитой, Япония, Корея қирғоқларига, баъзан Совет Узоқ Шарқи терр-ясига етиб келиши мумкин. Т. турганда ўта қаттиқ шамол эсиб, жала ёғади, сув тошқини ва катта вайронагарчилик рўй беради.

Тал, талл (арабча) — тепа, тепалик. Зарафшон водийсида жой номлари шаклида айниқса кўп учрайди. (Талли — Барзу, Таллигулов ва ҳ. к.)

Таможня тарифи (таможня тамга сўзида, французча *тариф* — таъриф) — мамлакатга киритиладиган ёки мамлакатдан чиқариладиган товарлар учун давлат томонидан олинадиган солиқ.

Тарихий география — тарих ва географиянинг тармоғи. Т. г. бирор мамлакат ёки территориянинг тарихий давр мобайнидаги (кўпинча унинг муайян босқичидаги) табиий, иқтисодий, сиёсий география ва аҳоли географиясидир. Шунга кўра Т. г. тарихий табиий география, тарихий иқтисодий география, тарихий сиёсий география ва тарихий аҳоли географиясига бўлинади. Т. г. — тарихий ўтмиш географиясидир.

Тарихий давр мобайнида табиат билан инсоннинг ўзаро муносабати, географик муҳитнинг

жамият тараққиётига таъсирин, инсон ўз фаолиятида табиатдан қандай фойдаланиб келганлиги, турли шаҳар ҳамда мамлакатларнинг географик ўрни мавқенининг ўзгариши каби масалалар Т. г. нинг асосий масалаларидир. Тарихий географик тадқиқотларда турли даврларда яратилган қўл-ёзма ва адабий маббалардан, археология, топонимика, тилшунослик материалларидан, шунингдек, статистик ва иқтисодий маълумотлардан кенг фойдаланилади.

Тармоқ — асосий (бош) дарё ва қаналлардан ажраб чиққан сув, асосий тоғ тизмасидан ажраб чиққан иккинчи, учинчи ва ҳ. к. даражалли тизма, асосий йўллардан ажралиб чиқувчи йўл ва ҳ. к.

Тароқ — тоғларнинг қатор ўткир чўққилари бўлган қирраси, музликдаги ёриқ.

Ташқи кучлар, экзоген жараёнлар (юнонча *εξω* — ташқи, *γενος* — пайдо бўлиш) — Ер юзаси ёки ер пўстининг юқори қатламларида қуёш энергияси, оғирлик кучи (сурилиш, кўчклар) ва организмлар фаолияти таъсирида содир бўладиган жараёнлар. Бу жараёнларга нураш, эрозия, ер ости сувлари ҳаракати, денгиз тўқинларининг қирғоққа урилиши, музликлар ва шамол фаолияти кирди. Т. к. натижасида тоғ жинслари емирилади, емирилган маҳсулотлар кўчади ва янги жойларда тўпланади.

Ташқи савдо баланси — мамлакатнинг муайян вақтдаги (масалан, 1 йилги) экспорт ва импорт қиймати орасидаги ўзаро нисбат. Агар экспорт импортдан ошса, мамлакат Т. с. б. актив баланс, импорт экспортдан ошса, пассив баланс дейилади.

Тақир — чўл ва чада чўл ўлкаларда пастлик жойларни эгаллаган анча кенг, деярли теп-текис майдон. Ер юзаси, асосан, гил жинслардан таркиб топган. Ёгингарчилик вақтида кўпинча сув тўпланиб, саёз қўлларга айлана-

ди. Кун исини билан сув буғланиб кетиб, Т. юзасида бетартиб ёриқлар ҳосил бўлади. Т. ларда олий ўсимликлар ўсмайди, фақат сувўтларгина учрайди. Тупроқда чиринди кам — 0,3—0,8%. Тупроқни баъзан шўр босади. Т. лар одатда қум тепаликлари орасидаги ботиқларда, текис пастлик ерларда бўлади. Кўпинча қадимги дарё vodiйларида, дельталарда, тоғ олдн текисликларида учрайди. Т. лар одатда икки хил бўлади: берч тақир ва бўзлоқ тақир. Берч тақирда одатда тупроқ зарралари чағсимон оғир механик таркибли гилдан иборат бўлади. Берч донча ҳам гнёҳ бўлмайди. Бўзлоқ Т. да тупроқ механик таркибида гил билан бирга қум ҳам бўлади. Ер юзаси унча ёрилиб кетмайди, ҳар ер-ҳар ерда қавар ва бошқа ўсимликлар учрайди.

Текислик — ер юзаси ясаи ёки бир оз ўр-қир бўлган катта майдон; қ. *Пасттекислик*.

Тектоника, геотектоника (юнонча *τεκτονικός* — бинкорликка оид) — геологиянинг бир тармоғи бўлиб, ер пўстининг тузилишини, унинг тектоник ҳаракатлар ва деформациялар таъсирида ўзгаришини ўрганади.

Температура инверсияси — атмосферанинг бирор қадамда юқорига кўтарилган сари температураини ортинчи. Т. и. ҳавонинг ер юзасига яқин қисмида ва эркин атмосферада рўй бериши мумкин. Ер юзаси яқинидаги Т. и. тупроқнинг ва ундан кейин ер устидаги ҳавонинг қаттиқ совиб кетишидан бўлади. Соёликларда совиқ ҳаво туриб қолиб ҳам инверсия рўй беради. Эркин атмосферадаги инверсия тропосферадан стратосферага ўтишда, стратосферада рўй беради. Инверсияда ҳаво температураси 10—15° ортинчи мумкин.

Тепа, тепалик — усти гумбаз шаклидаги, ёмбағирлари қия дўнг, баланд жой. Нисбий баландлиги 200 м дан ошмайди. Жой номлари таркибида ҳам уч-

райди: Оқтепа, Қўштепа, Белтепа ва б.

Терайлар — Ҳимолай тоғлари этагидаги геоботаник зона, ботқоқ босган чакалакзорлар. Чирмовуқ ўсимликлар чирмаши кетган қалин ўрмонларда сал, ғаров, совун дарахт, мимоза, магнолия ўсади. Иқлими яшаш учун жуда оғир — сернам, дим, иссиқ. Ҳозирги вақтда анча қисмида ботқоқликлар қуриштирилди, қишлоқ хўжалиги ерларига айлантирилган.

Терраса, кўҳна қайир — рельеф шакли; дарё водийси, тоғ, тепалик ёнбағирларидаги горизонтал ёки бир оз қия майдон. Дарё Т. лари — дарё ўзанининг қадимги қолдиқлари; йирик дарёларда Т. нинг эни 10 км га стади ва ундан ортиқ бўлади; кўл Т. лари кўлнинг сув сатҳи баланд бўлган пайтда тўлқин урилишидан ҳосил бўлган қуруқлик полосалари; денгиз Т. лари денгиз сатҳи пасайганда ёки қуруқлик сатҳи ўзгарганда кирғоқда қолган қуруқликлар.

Темир йўл пароми — темир йўл составлари (поездлар)ни денгизлар, қўлтиқлар орқали ўтказиб қўйиш учун хизмат қиладиган кема; мас., Каспий денгизида Красноводск — Боку пароми ишлаб турипти.

Теокоратик монархия (юнонча *теос* — худо, *кратос* — ҳокимият) — бутун ҳокимият руҳонийлар, черков қўлида бўлган давлат формаси; қ. *Монархия*.

Территориал ишлаб чиқариш комплекслари, ишлаб чиқариш территориял комплекслари — социалистик жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини территория буйлаб жойлаштириш формаси бўлиб, фантехника революцияси шароитида ишлаб чиқарувчи кучларни тарақлий эттириш вазифаларига мос тушади. Т. и. ч. к. иқтисодий райси (кенжа район) хўжалигининг таркибий қисми ҳисобланади ва ўзаро боғланган саноат ва қ. х.

корхоналари мажмуидан иборат; Т. и. ч. к. муайян терр-яда (маъмурий чегарага мос келиши шарт эмас) таркиб топади, территориал меҳнат тақсироти системасида актив иштирок этади.

Территориал сувлар — денгиз ёки океanning ён-верига давлат соҳилига яқин жойлашган ва шу давлатнинг миллий терр-яси ҳисобланадиган қисми. Т. с. нинг кенглиги соҳилдаги давлат томонидан ёки халқлар битим билан белгиланади. СССРда Т. с. кенглиги 12 денгиз млн (22,2 км).

Терская — тоғ ва тизма тоғларнинг, жар, водийларнинг қуёшга тесқари, шимолга қараган, соя ёнбағри, Қўёш нури кам тушадиган жой. Географик номлар таркибида ҳам учрайди: Терская Олатов.

Техника экинлари — саноатнинг турли тармоқлари учун хом ашё берадиган қ. х. ўсимликлари. Қандай маҳсулот олинишига қараб бир неча гурпага бўлинади: крахмалли экинлар (картошка, батат — шўпин картошка ва б.), қандли экинлар (шакарқамши, қанд лавлаги ва б.), мойли экинлар (кунгабоқар, ернгоқ, соя, канакунжут, кунжут, зигир, горчица, зайтун, тунг ва б.), эфир мойли экинлар (ялпиз, герань, атиргул, лаванда, корнандр ва б.), толали ўсимликлар (пахта, узун толали зигир, жут, канац, канопля ва б.); бундан ташқари, гуттаперчали, доривор, ошловчи, наркотик, бўёқ берувчи ва қ. х. экинлар бўлади.

Тилла — қ. *Олтин*.

Тинч океан бурмаланиши — мезозой эрасида Тинч океан атрофларида рўй берган бурмаланиш (Шарқий Осиёдаги тоғлар, Кордильера, Анд тоғлари). Яна қ. *Мезозой бурмаланиши*.

Типологик ландшафт комплекслари — типологик хусусиятларга қараб ажратиладиган табиий географик комплекслар. Т. л. к. ни ажратиш ва классификация

қилишда территорияларнинг табиатига кўра бир бутунлиги (яхлитлиги) эмас, балки турли ердаги ландшафтларнинг ўзаро ўхшашлиги (бир ландшафт типига кириши) ҳисобга олинади. Бинобарин, бунда бир хил ландшафт типини бир неча узоқ ареал ҳосил қилади. Н. А. Гвоздецкий Т. л. к. ни қуйидагича классификация қилган: класс — тип — подтип — группа — хил. Урта Осенё текислиги ландшафтлари классини қуйидаги типларга бўлинади: субтропик чала чўллар, чўллар, субтропик ўтлоқлар, маданий — воҳа типлари. Тоғ ландшафтлари типлари: гляциал — нивал, тоғ тундралари, тоғ ўрмонлари, тоғ ўтлоқлари, тоғ ўрмонли даштлари, тоғ даштлари, тоғ чала чўллари типлари.

Тирсак — дарё, сой ва йўлларнинг бурилиб, айланиб ўтган жойи. Дарёлар йўлида қаттиқ жинслар ер юзасига чиқиб қолган жойларни айланиб ўтиб ҳосил қилади. Мас., Волга дарёсининг Самара тирсаги дарёнинг Жигули қирғини айланиб ўтишидан ҳосил бўлган. Тоғларнинг кескин бурилган жойи ҳам Т. дейилади.

Товар маҳсулот — қ. *Ялпи маҳсулот*.

Товоқсой — ер юзидаги ҳамма томондан баландликлар билан ўралган ёки дарё оқиб ўтса, у кетадиган ва чиқиб кетадиган жойда ташқари билан йўлак (водий, дара) орқали туташган ботиқ жой. Шақли ва вужудга келиши ҳар хил бўлиши (тектоник, музлик, эрозия) мумкин. Рельефини ана шундай бўлган жойларнинг номи сифатида ҳам учрайди. Мас., Тovoқсой.

Толали ўсимликлар — тўқма-чилик санояти учун толалар берадиган экинлар: пахта, узун толали зигир, жут, каноп, канопля ва б.

Томиржинс — ер пўстидаги ёриқларни тўлдирган минерал жинслар. Улар чуқур магматик манбалардан чиққан моддалар бў-

лади. Томирларда кўпинча рангдор, қора, подир металл рудалари учрайди.

Томоқ — дарёларнинг қуяр жойи, дара оғзи, денгизларнинг тор қисми.

Тонна-километр — I т юқининг I км масофага олиб борилиши. Т.-к. — транспорт ширининг ўлчов бирлиги.

Туннель, *ту н е л ь* (инглизча) — транспорт воситалари, кишилар ўтиши, сув оқishi учун мўлжалланган горизонтал ёки қия ер ости иншооти, бўшлиқ. Нимага хизмат қилишига қараб транспорт Т. лари, яъни т. й., автойўл, метрополитен, шёда кишилар Т. лари, гидротехник Т. лар, коммунал (водопровод, канализация, иссиқлик — газ таъминотига хизмат қиладиган) Т. лар ва б. бўлади. Қарерда қурилишига қараб тоғ сув ости ва текислик ёки шаҳар Т. лари (мас., метрополитен Т. лари) бўлади.

Топографик карталар (юнонча *топос* — жой, *графо* — ўзман) — 1:5000 дан 1:200000 гача бўлган йирик масштабдаги карталар. Т. к. да жойдаги предметлар аниқ ва муфассал тасвирланади; турли объектлар махсус белгилар билан, рельеф эса горизонталлар билан кўрсатилади. Карта рамкасининг ўнг ва чап чеккалари меридианларнинг йўналишига тўғри келади. Т. к. дан халқ ҳўжалигида ва мамлакат мудофаси мақсадларида фойдаланилади.

Топонимика (юнонча *топос* — жой, *онима* — ном) — топонимларни, географик номларни ўрганадиган фан. Т. муайян тилдаги географик номларни тўплаш, уларнинг ривожланиш, ўзгариш тенденцияларини, ареалларини аниқлаш, номларнинг муҳим лексик-семантик, грамматик хусусиятларини ёритиш, топонимик луғатлар тузиш, жой номлари транскрипцияси сингари проблемалар билан шуғулланади.

Топонимлар тил луғат тарки-

бининг бир қисми бўлиб, тил қонуниятларига бўйсунди; шунга кўра Т. тилшунослик фанлари қаторига киради. Бироқ жой номлари бошқа сўзлардан фарқ қилади ва муайян терр-яда таркиб тонади, бинобарин географик қонуниятлар, тушунчалар ва терминларини (рельеф шакллари, ўсимлик ва ҳайвон номларини, қазилма бойликларини) акс эттиради; шу жиҳатдан Т. географиянинг ҳам ажралмас қисмидир. Топонимлар узоқ яшайди, уларда ҳар хил тарихий воқеалар, тарихий шахсларнинг номлари, халқ, элат, қабила, уруғ номлари акс этган бўлади; шу нуқтан назардан Т. тарих фанлари билан ҳам боғлиқ. Жой номлари мажмун топонимия деб аталади. Топонимия тил тарихи (тарихий лексикология, диалектология, этимология ва б.) учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Баъзи топонимлар узоқ даврлардаги халқларнинг тили, тарихий ўтмиши, яшаган терр-ясини аниқлашга, фойдали қазилмаларни қидириб топishга хизмат қилади.

Ўзбек топонимияси ҳам совет даврида илмий асосда ўрганила бошлади. Жумладан, Фарғона, Қашқадарё, Шимолӣ Хоразм, Сурхондарё, Тошкент, Самарқанд топонимлари тадқиқ қилинган.

Торнадо — АҚШнинг жануби-шарқида, Мексика қўлтиғи яқинида кўтариладиган кучли қуюн.

Торос — қўтбий денгизларда катта-кичик муз парчалари уюми. Катта-катта ясси муз бўлаклари шамол таъсирида ешиб, парчаланиб, бир-бирининг устига мингашади; Т. тарининг сув устидан чиқиб турган қисми 8—10 м, қирғоққа яқин жойларда 20 м га етади.

Торф, е р т е з а к — ботқоқликларда чала парчаланган ўсимлик қолдиқларидан ҳосил бўлган тоғ жинси. Табиий ҳолда намлиги 88—94%. Т. асосан ёқилғи сифатида, шунингдек, қ. х. да (ўғит), медицинада ишлатилади. Т. дан

термоизоляцияно материаллар, кокс ва б. олинади. Дунёдаги Т. запасларининг $\frac{2}{3}$ қисми СССРдадир (асосан таёга зонасида).

Тошкўмир — ўсимликлардан пайдо бўлган ёнувчи чўкинди жинс; таркибида 75—97% углевод бор. Т. энг муҳим қазилма ёқилғилардан бири. Т. дан кокс, ёнувчи газ олинади. Т. химия саноати учун хом ашё ҳисобланади. Иссиқлик бериш қобилияти 7—8,7 млнг ккал/кг. Конлар: СССРда — Кузбасс, Донбасс, Қарағанда, Печора ҳавзалари ва б.; чет элларда — АҚШ, ГФР, Буюк Британия, Франция, Япония ва б.

Тошқин — дарёларнинг ўзандан чиқиб, атрофдаги текисликларни босиб кетиши. Ўзбекистон дарёларида Т. кўп ёмғир ёғадиган ва паст тоғлардаги қорлар эрийдиган баҳорда ва баланд тоғлардаги муз ҳамда қор эрийдиган ёзда кузатилади.

Тоғлар — ер пўстининг якка-якка ёки қатор тизмалар шаклида кўтарилган жойлари. Бурмали, палахсали, палахсали-бурмали бўлиши мумкин. Т. турли хил баландликда бўлади (абсолют баландлиги 600 м дан баланд жойлар одатда тоғлар дейлади). СССРда Т. нинг баландлиги 7495 м га (Коммунизм чўққиси) етади, дунёда энг баланд тоғлар Ҳималай Т. ларидир (Жомолунгма чўққиси 8848 м).

Тоғ водийси — тоғларда бўладиган жуда камбар водий, нишаби турли жойда турлича бўлади. Т. в. да қайирлар катта бўлмайди ва водийнинг кенгайган жойларидагина учрайди.

Тоғ-водий шамоли — тоғли ўлкаларда тунда тоғ ёнбағри ва водий бўйлаб пастга томон, кундузи эса водий ва ёнбағир бўйлаб юқори томон эсувчи шамоли. Т. в. ш. ҳавонинг тоғлар билан атрофдаги текисликларда, водий тағи билан ёнбағирда турли даражада иссиқи ҳамда тунда тоғларда ва ёнбағирда тез совиб кетиши нати-

жасида бир хил баландликда атмосфера босимида тафовут вужудга келиши оқибатида ҳосил бўлади.

Тоғ жинслари — ер пўстини ташкил қилган табиий минерал бирикмалар. Т. ж. бир минералдан (мас., мрамар кальцитдан таркиб топган) ёки бир неча минералдан (мас., гранит дала шпати, кварц ва слюдадан таркиб топган) ёйинки турли тоғ жинслари парчаларидан иборат бўлиши мумкин. Пайдо бўлишига қараб Т. ж. ер пўсти ичида ёки ер юзасида магманинг қотишидан пайдо бўлган отқинди ёки магматик жинсларга (мас., гранит, базальт), турли Т. ж. нинг ер юзасида емирилиб, бошқа жойга олиб бориб ташланишидан келиб чиққан чўкинди Т. ж. га (қумтош, оҳақтош), ер пўстининг ички қисмларида иссиқлик ва босим таъсирида бошқа Т. ж. нинг ўзгаришидан ҳосил бўлган метаморфик Т. ж. га бўлинадан (мас., гнейс, кристалли сланец, мрамар, графит).

Тоғ массиви — у қадар пастибаланд бўлмаган ёки эни ҳам, бўйи ҳам деярли тенг бўлган кенг тоғли ўлка; мас., Тяньшань тоғларидаги Хонтангри тоғ массиви.

Тоғ оғзи — дарага кираверишдаги энг тор жой. Одатда тектоник узилмаларда, қаттиқ, туб жинслар ер юзасига чиққан жойларда вужудга келади. Дарвоза, даҳан терминлари билан ҳам ифодаланади.

Тоғ пайдо бўлиши — Ернинг ички ва ташқи кучлари таъсирида ер юзасида тоғлар пайдо бўлиши. Ернинг вертикал кўтарилиши ҳамда оқар сувлар фаолияти таъсирида тоғ тизмалари, тоғ массивлари, водийлари, сойликлар ва текисликлар вужудга келади.

Тоғ тизмаси — ҳар икки ён бағри аниқ кўриниб турган узун чўзилган тоғ.

Тоғли ўлка, тоғлар — теварак атрофдаги текисликлардан баланд кўтарилиб турадиган пас-

ти-баланд кенг терр-ялар. Т. ў. да тизмалар ва айрим тоғлар орасида водийлар, ботиқлар бўлади. Т. ў. ларнинг баландлиги бир неча км, узунлиги бир неча минг км бўлади.

Тоғлиқ — денгиз сатҳидан жуда баландда жойлашган, устида текисланган юзлар билан бирга тоғ тизмалари ҳам бўлган кенг, баланд тоғли ўлка. Мас., Тибет, Эрон, Помир тоғли ўлкалари.

Транзит (латинча *транзитус* — ўтиш) — бирон станция, район, давлат орқали юк ёки пассажир олиб ўтиш. Юк ёки пассажир транспортнинг бошқа турига ўтказиладиган ёйинки бошқа томонга йўналтирадиган станция ҳам Т. дейилади. Ирмоқ қабул қилмасдан бирон территориядан оқиб ўтиб кетадиган дарё Т. дарё деб аталади.

Трансгрессия (латинча *трансгрессия* — ўтиш) — материк бир қисмининг чўкиши оқибатида денгизнинг қуруқликка босиб келиши. Т. ҳодисаси Ернинг бутун геологик тарихи давомида бўлиб келган; қ. *Регрессия*.

Транспорт (латинча *транспорто* — ташийман) — халқ хўжалигининг юк ва пассажир ташийдиган тармоғи, Т. нинг асосий турлари темир йўл, денгиз, дарё, автомобиль, ҳаво ва трубопровод Т. лари. Т. иши юк обороти ва ташийдиган пассажирлар миқдори билан ўлчанади. СССРда Т. нинг энг муҳим тури — т. й. транспортидир. Мамлакат умумий юк оборотининг $\frac{3}{4}$ дан ортиқроғи т. й. транспорти зиммасига тўғри келади. СССРнинг денгиз юк оборотида экспорт-импорт операциялари асосий ўрни тутади. Дарёларда юк ва пассажир ташийнинг роли ортиб бормоқда. Автомобиль, трубопровод ва ҳаво Т. лари тез суръатлар билан тараққий этмоқда.

Трапплар (шведча *траппа* — зинапоя) — отқинди тоғ жинсларидан (базальт, диабаз, габбро) ҳосил бўлган рельеф шакли — зина-

..оялар (поғоналар), Т. лар Шарқий Сибирь ясси тоғлигида, Жанубий Африка ва Ҳиндистонда учрайди (Деқан ясси тоғлиги).

Трест (инглизча *трест* — ишснч) — капиталистик монополияларнинг бир шакли; Т. га бирлашган барча корхоналар савдо-сотик ишларида ва ишлаб чиқариш соҳасида мустақилликдан маҳрум этилган бўлиб, ягона бошқармага бўйсунади; қ. *Капиталистик монополиялар*.

Трог (немисча *трог* — тоғора) — тоғ дарёсининг бир замонлар музлик ўйган водийси. Водий туби кенг бўлиб, маълум баландликкача икки ёнбағри бирдан тик кўтарилиб, водий янада кенгайди ва бир оздан сўнг яна тик ёнбағри бошланади.

Тропик иқлим — тропик кенгликларнинг йил бўйи ҳаво иссиқ бўладиган иқлими. 20° ли йиллик изотерма Т. н. чегараси деб қабул қилинган. Иссиқ минтақа террасида қуйидаги иқлим типлари учрайди: экваториал тропик иқлим — экватор атрофларидаги ўлкалар учун характерлидир (мас., Заир дарёси бўйлари, Амазонка пасттекислиги, Малай архипелаги); бу ерларда шамол кам бўлиб, ўртача йиллик т-ра +26°, йил фасллари т-раси деярли фарқ қилмайди; йилга 1500—2500 мм, баъзан 3000—3500 мм ва ундан ҳам ортиқ ёғин ёғади. Ҳаво донмо иссиқ ва рутубатли.

Муссонли тропик иқлим экваториал тропик иқлимнинг ҳар икки томонида учрайди (Ҳиндистон я. о., Ҳиндихитой, Шим. Австралия, Шарқий Африка); ҳарорат экваториал тропик иқлим ҳароратидан кам фарқ қилади, лекин экватордан муссон эсадиган сернам даврда ёғин жуда кўп (муссонга рўпара тоғ ёнбағирларида 10000 мм гача) ёғади; қуруқ иқлимли ўлкалардан муссон эсадиган даврда эса ҳаво қуруқ бўлади. Пассатлар тропик иқлим тропиклар ёнидаги р-нлар учун

характерлидир. Пассат шамолларининг йўналиши ва тезлиги доимий бўлиб, тоғли р-нларни иссиқно қилганда, ёғин кам ёғади. Ҳаво иссиқ бўлади.

Тропик минтақалар — Ер шаридаги иккита табиат минтақаси. Шимоллий ва Жанубий ярм шарларда, тахминан 20° ва 30° кенгликлар орасида. Ҳарорат иссиқ (ойлик ўртача т-ра +10° дан ортиқ) пассат эсиб турганидан ёғин кам — йилга 50—200 мм (материкларнинг шарқий тоғли р-нларига 1000—2000 мм) ёғин ёғади. Қуруқликда чўллар ва чала чўллар, сернамроқ р-нларда саванналар ва ўрмонлар асосий ўрин тутадн.

Тропик ўрмонлар — тропик минтақада, йил бўйи иссиқ, серёғин жойларда, 25° ш. к. берен 30° ж. к. орасида ўсадиган ўрмонлар. Т. ў. кўп ярусли бўлиб, хилма-хил ўсимликлардан, аксари баланд бўйли дарахтлардан (60—70 м ва ҳатто 80 м) иборат; дарахтлар тагида соя-салқинни севадиган дарахтлар, сўнгра буталар ва қўлдан-кўп паразит ўсимликлар ўсадн. Хилма-хил чирмовуқлар дарахт таналарини ўраб олган. Т. ў. да катта-кичик ҳар хил ҳайвонлар яшайди. Иқлим носоғ, аҳоли сийрак яшайди. Т. ў. Жанубий Америкада, экваториал Африкада, Малайя архипелагида айниқса катта майдонни эгаллайди.

Тропиклар, мадорлар — экватордан 23,5° ш. к. ва ж. к. дан ўтган доиралар, параллеллар. Экватордан шимолдагиси шимоллий тропик ёки Саратон тропиғи (мадори), жанубдагиси жанубий Т. ёки Жад тропиғи (мадори) дейилади. Ҳар бир тропикда фақат бир марта: шимоллий тропикда 22/VI да, жанубий тропикда 22/XII да Қуёш зенитга (тик тепада) туради. Т. орасидаги жойларда Қуёш йилга икки марта зенитга чиқади. Шимоллий тропикдан шимолда ва жанубий тропик-

дан жанубда Қуёш ҳеч қачон зенитда турмайди.

Тропосфера (юнонча *трос* — ўзгариш, *сфера* — шар) — атмосферанинг ер юзасига яқин энг қуйи қисми. Т. нинг қалинлиги қутбда 8—10 км, ўртача кенликларда 10—12 км, экватор атрофларида 16—18 км. Т. даги ҳаво асосан ер юзасидан иссиқ олади. Ҳаво т-раси Т. нинг устки чегарасида қутбда —55°, экватор яқинида —80°. Атмосферадаги бутун ҳаво массасининг $\frac{1}{5}$ қисмидан кўпроғи ва сув буғининг деярли ҳаммаси Т. да. Т. да ҳаво горизонтал ва вертикал ҳаракат қилиб, булутлар пайдо бўлади ва ёғин (қор, ёмғир, дўл) ёғади.

Трубопровод транспорти, қурур, **трубопровод** — суяқ, газсимон ёки қаттиқ юкларни трубалар орқали ҳайдаш транспорти. Т. т. дан асосан газ, нефть ва қаттиқ материалларни (ғалла, қурилиш материаллари, тошкўмир ва б.) ҳайдашда фойдаланилади.

Туб жинс — пайдо бўлган жойида қолган ва нураш таъсирида кам ўзгарган тоғ жинси.

Туб кон — нураш таъсирида ўзгармаган ёки кам ўзгарган туб жинслар (магматик, чўкинди, метаморфик жинслар) орасида пайдо бўлиб, ўша ернинг ўзиде қолган кон.

Туман — атмосферанинг қуйи қисмида (баъзан бир неча юз м баландликкача) учрайдиган майда сув томчилари ёки муз кристаллари. Т. тушганда 1 км ва бир неча юз м дан нарини кўриб бўлмайди. Тепага кўтаришган Т. булут дейилади. Ҳаво қизиса, сув томчилари буғга айланиб, Т. тарқалиб кетади.

Тумшук — тоғ, тепа, орол ва ҳ. к. ларнинг учли, туртиб чиққан чеккаси. Жой номи сифатида ҳам қўлланади. Мас., Гобдун тоғининг шарқий тумшугидаги қишлоқ Тумшук деб аталади; қ. *Бурун*.

Тундра (финча *тунтури* — ўрмонсиз яланг қир) — Субарктика

минтақасидаги табиат зонаси. Т. шимолда арктика муз саҳролари зонаси билан, жанубда эса ўрмонли тундра зонаси билан чегарадош. Т. иқлими совуқ; қиш қаттиқ бўлиб, 8—9 ой давом этади, ёз қисқа ва салқин. Июль ойининг ўртача т-раси +10° дан ошмайди. Вегетация даври 50—100 кун. Текисликларда 150—350 мм, тоғларда 500 мм гача ёғин ёғади. Қор қоплами юпқа. Ёзда тупроқнинг 0,5—1,5 м ли устки қисмигина эрийди. Т. да ботқоқликлар ва кўллар кўп. Асосий ўсимликлари — мох, лишайник, паст бўйли ўтлар, буталар ва чала буталар. Ҳайвонлардан шимол бугуси, бўри, лемминг, песец, қўқор; қушлардан оқ каклик, тундра каклиги учрайди, сувларда балиқ кўп. Ёзда ҳар хил қушлар учиб келади. Аҳолининг асосий машғулоти — бугучилик, балиқ тутиш, овчилик.

Тундра тупроқлари — тундра зонасида аксари ботқоқланган тупроқлар. Т. т. юпқа (баъзан кўпи билан 5 см), чириндиси кам (1—2%) бўлади. Т. т. кўп йиллик тунган замин устида иқлим совуқ, нисбий намлик катта шароитда пайдо бўлган. Бундай шароитда ўсимлик қолдиқлари парчаланишига улгурмай торфга айланади. Т. т. Евросиё ва Шимолли Американинг шимолий қисмида, Гренландиянинг жанубий қисмида, Шимолий Муз океанидаги баъзи оролларда учрайди.

Тупроқ — ер пўстининг ўсимликлар ўса оладиган даражада унумдор бўлган энг устки юмшоқ қисми. Т. биосфера, атмосфера ва литосферанинг ўзаро таъсир этиши натижасида пайдо бўлади. Т. асосан ҳар хил минераллардан, шунингдек, органик моддалардан иборат бўлиб, таркибига сув, тупроқ эритмалари, ҳаво ва ҳар хил микроорганизмлар бор. Т. нинг минерал моддалари она жинсининг нурашидан, органик моддалар — чиринди эса ўсимлик ҳамда ҳай-

вон қолдиқларининг чиршидан ҳосил бўлади. Т. нинг унумдорлиги чиршиди миқдори ва таркибига боғлиқ. Механик таркибига (зарраларнинг катта-кичиклигига) кўра қумли, гилли қумоқ, қумлоқ Т. лар, пайдо бўлишига кўра подзол, чимли подзол, қора, каштан, сур, қизил ва б. Т. лар бўлади. Т. типлари ер шарида географик зоналар бўйлаб жойлашган.

Тупроқ эритмаси — тупроқ ичида учрайдиган ва таркибда эриган ҳолда газлар, минерал ва органик моддалар бўлган сув. Т. э. тупроқ пайдо қилиш процессида турли реакцияларда, тупроқда моддалар алмашишида ва ўсимликларнинг озиқланишида иштирок этади.

Тупроқ ҳавоси — тупроқ ичидаги бўшликларда, капилляр тешикларда учрайдиган ҳаво.

Туризм (французча *тур* — сафар) — жонажон мамлакат ёки чет мамлакатлар билан танишиш мақсадида ёки спорт мақсадларида муайян маршрутда саёҳат қилиш. Т.— географик билимларни пропаганда қилиш, географик ва ўлкашуносликни бойитиш воситасидир. Тоғ Т. и альпинизм дейилади. СССРда Т. бўйича спорт нормалари ва разрядлар, жумладан спорт мастери уивоқи, «СССР туристи» значоғи жорий қилинган.

Туф — турли йул билан пайдо бўлган тоғ жинслари. Оҳакли Т. ёки травертин — минерал бўлоқларнинг оҳакли чўкидиси. Қурилиш материали сифатида, цемент саноатида ва оҳак олиш учун ишлатилади. Вулканик Т. вулкан отилганда чиқадиган кул, шлак, лапилли ва б. нинг цементлашишидан ҳосил бўлади. Қурилиш материали бўлиб хизмат қилади.

Тўзима қум — ўсимлик билан қопланмаган, шамолда тўзиб, бир

жойдан иккинчи жойга кўчиб юрадиган қум. Т. қ. барханлар, қум далаларини ҳосил қилади. Т. қ. чўл ўлкаларда турли хил қурилишларга, қишлоқ хўжалигига зарар етказди. Бундай қумлар Қизилқум ва Қорақумда кўп учрайди.

Тўғни сувлик — йилнинг маълум мавсумида дарёда сувнинг ҳар йили кўпайиши ва эрга баҳорда қорнинг, ёзда тоғлардаги қор ҳамда музларнинг эриши, шунингдек узоқ вақт давомида ёмғир ёғишидан сув сатҳининг кўтарилиши.

Тўқин — океан, деңгиз, кўл, дарёларда сув юза қисмининг тебранима ҳаракати; қ. *Мавж*.

Тўрткўл — 1) қадимги яхлит ясси қирларнинг эмирилишидан қолган супасимон тепалар. Унда чўкинили туб жинслар қатламлари горизонтал ётади. Амударё эстагида кўп учрайди. Т. лар баъзан бир ерга тўпланиб, тўрткўл типли рельеф ҳосил қилади; 2) қадимги истеҳкомларнинг харобаси; маънавий жиҳатдан чордевор (чордевор) сўзига тўғри келади. Т. нинг кўл сўзига ҳеч алоқаси йўқ. Қирғизлар Т. ни тўрткўл дейишади. Хоразмда атрофи девор билан ўралган жой Т. дейилган. Ҳозирги вақтда кўпроқ жой номлари шаклида учрайди.

Тўқай, тўқайзор — дарё бўйидаги қалин, чангалзор ўрмон. Сув сероб, микроқилими атрофдаги чўлдан намроқ ва юмшоқроқ бўлганидан ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси ўзига хос бўлади. Тупроғи ҳам аллювиал, гидроморф. Т. ларда дарахтлар билан бирга бугалар ҳам қалин ўсали. Урта Осиё Т. ларида терак, тод, заранг, юлғун, жийда, қамиш ва б. ўсади. Ҳайвонот дунёси: тўғғиз, кичик, чиябўри, тўқай мушуги, тустовуқ ва б.

У

Увал — ёнбағри қия, бора-бора тезарак-агрофдаги текислик-

ка қўшилб кетадиган ясси қирлар. У. нинг нисбий баландлиги 200 м дан ошмайди.

Узилма — ер пўсти айрим қисмларнинг вертикал ёки қия ёриқ бўйлаб юқорига кўтарилиб қолниш ёки чўкиши.

Умумий бозор — қ. *Европа иқтисодий ҳамжамияти*.

Умумий ер билими — қ. *Табиий география*.

Унгуз — қолдиқ дарё водийси, қолдиқ ўзан. Туркманистонда, хусусан, Қорақумда кўп учрайдиган қолдиқ қуруқ ўзанлар шу термин билан юритилади.

Унгур — гор, тоғ қоялари орасидаги ёриқлар. Туркистон, Нурота, Чатқол тоғларида кенг калта горлар У. дейилади.

Ундирувчи саноат — хилма-хил хом ашё ва ёқилғи ундириш, қазиб чиқариш билан шуғулланган ишлаб чиқариш соҳаси. Қон саноати, ёғоч тайёрлаш, балиқ овлаш, овчилик ва б. У. с. нинг асосий тармоқларидир.

Унитар давлат (французча *унитарре*—ягона) — ўзини-ўзи идора қиладиган қисмларга бўлинмаган, ягона қонуналари ва ягона марказий ҳокимият органларига эга бўлган яхлит давлат.

Уран рудалари — таркибда ажратиб олиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ миқдорда уран бўлган минерал бирикмалар. Табиатда 100 дан ортиқ уранли минерал маълум, шулардан 12 таси амаллий аҳамиятга эга. Булардан энг муҳими — уранинит. Қонлари: СССР, ЧССР, АҚШ, Ка-

нада, ЖАР, Хитой, Австралия, Иттифоқи, Франция.

Урбанизация (латинча *урбс* — шаҳар) — шаҳарларнинг кўпайиши ва ўсиши ҳамда аксари иқтисодий р-нлар ядросига айланиши. У. фан-техника революцияси даврида кескин авж олган ижтимоий-иқтисодий процесс бўлиб, шаҳарларнинг ўсиши, шаҳарларда, хусусан йирик шаҳарларда аҳолининг кўпайиши, барча аҳоли пунктларида шаҳар турмуш тарзининг тарқалиши, экономикасининг асосан шаҳарларга хизмат қилишида ўз аксини топади (қ. *Агломерация*).

Урочише — табиий ландшафтининг морфологик бирлиги. У, ўз навбатида, энг кичик морфологик birlik бўлмиш фациялардан ташкил топади. У. лар ландшафт фошида бирор муҳим табиий белгиси билан алоҳида ажралиб туради. Мас., дашт ёки чўл ландшафтларидаги ботиқ жар, дарё водийсидаги дарахтзор ёки бутазор ва ҳ. к.

Устирт (устирт) — қозоқ ва қорақалпоқларда атрофдаги жойлардан баланд усти текис ерлар, ясси қирлар. Устирт номи ҳам шу терминдан оллинган.

Утөрид — қ. *Меркурий*.

Учма — тоғ йўли, жар ёқаси, қулаб тушадиган чуқур жарлик.

Ушук совуқ — кузда, эрта баҳорда бўлиб турадиган совуқ. У. с. экинларга кўпинча зарар келтиради. Бундай совуқ уриши ушук уриш деб ҳам юритилади.

Ф

Фактор (латинча *фактор* — ишлаб чиқарадиган) — бирон жараёнининг, жумладан, ишлаб чиқаришни жойлаштириш жараёнининг асосий шарти.

Фаол аҳоли — ўз машғулотидан келган иш ҳақи ҳисобига яшайдиган аҳоли. Капиталистик мамлакатларда ишламасдан, банка қўйган капиталидан келган да-

ромат эвазига яшайдиган кишилар ҳам Ф. а. жумласига киргизилади.

Фаол қатлам — кўп йиллик музлоқ тарқалган жойларда ер бетидан доний музлоқ қатламга ча бўлган ва фаслларга қараб эриб ва яна музлаб турадиган қатлам.

Фарватер (голландча *фарен* —

сузмоқ ва *ватер* — сув) — кўл, денгиз ва б. сув ҳавзаларида кеманинг сузиши учун хавфсиз бўлган, етарли даражада чуқур қисмлар. Дарёда Ф. сув энг тез оқадиган чуқур жой. Ф. машъал ва б. белгилар билан кўрсатиб қўйиллади

Фасл — қ. *Йил фасллари*.

Фауна (латинча *фаунус* — Қадинги Римда дала ва ҳайвонлар худоси) — Ер шарида ёки бирон р-нда геологик ўтмишда яшаган ёки ҳозир яшаётган ҳайвонлар мажмуи (мас., СССР фаунаси, Урта Осиё фаунаси, денгиз фаунаси); айрим ҳайвон турлари ҳам Ф. дейилади (қушлар фаунаси, ҳашаротлар фаунаси).

Фауна комплекслари — маълум бир географик районда пайдо бўлиб, умумий ареал ҳосил қилган ҳамда ҳозирги яшаш шароити бир хил бўлган ҳайвонлар гуруҳи. Мас., Урта Осиё қумли чўллариининг Ф. к., Закавказье нам субтропикларининг Ф. к., тундра Ф. к., Амурбўйи ва Приморье Ф. к. ва ҳ. к.

Фаунистик районлаштириш, зоогеографик районлаштириш — Ер шарини (кўпинча қуруқликни) фауна таркиби ёки ҳайвонот дунёси хусусиятларига қараб районлаштириш. Ф. районлаштиришнинг асосий таксономик бирликлари: қуруқлик (материк), зосгеографик область, зоогеографик кичик область (областча), зосгеографик провинция, округ ва участкалардир. Мас., Ер шари 6 зосгеографик область — Голарктика, Ҳинд — Малайя, Австралия, Эфиопия, Неотропик ва Антарктика областларига бўлинади. Голарктика области, ўз навбатида, қуйидаги 7 областчага бўлинади: Арктика, Циркумбореал, Урта денгиз бўйи, Марказий Осиё, Хитой-Ҳимолай, Ғарбий Америка ва Шарқий Америка.

Фация (латинча *фацис* — қиёфа) — 1) литогенез шароити бир хил бўлган терр-яда қисқароқ

вақтда вужудга келган тоғ жинси; 2) чуқинди жинс ётқизиқлари пайдо бўлган шароит, мас., кўл фацисы, денгиз фацисы ва ҳ. к.

Федерация, федератив давлат (латинча *федерацио* — иттифоқ) — бир неча давлатнинг битта давлат бўлиб бирлашиши. Ф. га бирлашган давлатлар мустақиллигини сақлаганлари ҳолда ягона иттифоқ (федератив) давлат органларига, ягона армияга, ягона гражданликка эга. Иттифоқ қонунлари Ф. нинг бутун терр-яси учун мажбурийдир. Иттифоқдош совет социалистик республикаларининг тенг ҳуқуқлиги ва ихтиёрий бирлашиши асосида миллий-территориал аломатга қараб тузилган совет федерацияси чинкам демократик Ф. га мисолдир.

Фенология (يونонча *феномена* — ҳодиса, *логос* — фан) — йил фасллариининг алмашиши ва об-ҳавонинг ўзгариши муносабати билан органик ва анорганик табиатнинг мавсумий тараққиётини ўрганадиган фан; масалан, сувларнинг музлаш ва муздан тушиш, ўсимликларнинг қуртак чиқариш, гуллаш мuddатлари, қушларнинг учиб келиш ва учиб кетиш мuddатларини Ф. ўрганади.

Фён — тоғли ўлкаларда тоғлардан эсадиган иссиқ ва қуруқ шамол. Шамол тепадан пастга тushаётганда ҳаво қизиб қурийди ва унинг иссиқлиги намининг буғланиши учун сарфланмайди. Ф. Альп тоғларида, СССРда эса Кавказда ва Урта Осиё тоғларида кузатилади.

Ферроқотишма (латинча *феррум* — темир) — темирнинг марганец билан (ферромарганец), кремний билан (ферросилиций), хром билан (феррохром), вольфрам билан (ферровольфрам), молибден билан (ферромolibден) ва б. элементлар билан қотишмалари. Ф. пўлат эрнтиб олиш, эриган металллардан кислородни чиқариб ташлаш ва металлга бирон хосса бериш учун ишлатилади.

Фирн (қадимги немисча *фирни* — бултурги) — муз доначаларидан иборат эичлашган ҳаво ранг қор. **Ф.** қор билан муз оралигидаги босқич бўлиб, тоғли ўлкаларда қор чизигидан юқоридан ва қутбини ўлкаларда, яъни аксари қор ёғадиган ва ёзда эриб улгурмайдиан жойларда ҳосил бўлади.

Фитоценоз (юнояча *фито* — ўсимлик, *ценоз* — умумий) — ер юзасининг табиати бир хил бўлган қисмида ўсадиган, ўзаро ва теварак атропофдаги муҳит шароити билан чамбарчас алоқада бўлган ўсимлик туркумлари.

Фитоценология (юнонча *фито* — ўсимлик, *ценоз* — умумий, *логос* — фан) — биология билан география оралигидаги фан; фитоценозларни (ўсимлик туркумларини) ўрганеди.

Флора (латинча *флора* — гул ва баҳор маъбудаси) — Ер шарининг бирон қисмида ўсаётган (ҳозирги **Ф.**) ёки бирон геологик даврда ўсган (қазилма **Ф.**) ўсимлик турларининг тарихан таркиб топган мажмуи. Мас., Ўзбекистон **Ф. си**, Осиё **Ф. си**, бўр даври **Ф. си** ва ҳ. к.

Флористик районлаштириш фитогеографик районлаштириш — Ер шарини турли территорияларнинг флораси хусусиятларига қараб районлаштириш. **Ф. р.** нинг асосий таксономик бирликлари: флористик зона, область, кичик область (областча), провинция, участка, округ ва район. Мас., Ўрта Осиёда куйидаги 7 та провинция ажратилади: 1) Турон чўл провинцияси; 2) Марказий Қозоғистон провинцияси; 3) Жанубий Туркистон провинцияси; 4) Туркманистон-Эрон провинцияси; 5) Жунғория-Тяншань провинцияси; 6) Марказий Тяншань провинцияси; 7) Помир-Тибет провинцияси. Турон чўл провинцияси, ўз навбатида, Қорақум, Мисриён, Жанубий Қизилқум ва Бухоро округларига бўлинади.

Флюгер (голландча *флюгел* —

қанот) — шамолнинг йўналиши ва тезлигини аниқлайдиган асбоб. Шамол таъсирида вертикал ўқда айланадиган флюгарка шамолнинг йўналишини кўрсатади. Шамолнинг тезлиги металл тахтачанинг вертикал ҳолатдан қанча градус бурилганига қараб аниқланади, ёй ҳосил қилган штифт номери шамолнинг секундига неча м эсганлигини билдиради.

Флюс — домна печда руда билан ёқилги қатламлари орасига солинадиган модда оҳақтош, қум, доломит ва б.) қоришмаси. **Ф.** солинганда руда орасидаги турли аралашмалар (бекорчи жинс) билан бирга металлдақ осон ажраландиган шлак ҳосил қилади.

Фойдали қазилмаларни бойитиш — қ. *Бойитиш.*

Фосфорит — фосфор бирикмаларига бой чўкинди тоғ жинси. Асосан фосфорли ўғит (фосфорит уни, аммофос, суперфосфат, томасшлак ва б.) ишлаб чиқариш учун ишлатилади. **Ф.** дан бир қанча нодир металллар олинади. Конлари — СССРда (Қозоғистон ва Москва, Киров обл.), АҚШ (Флорида, Қояли тоғлар), Шимолий Африка ва б.

Фрахт — юк ва пассажирлар ташилганлиги учун транспорт воситалари эгасига тўланадиган ҳақ. **Ф.** тушунчаси денгиз орқали юк ташишга нисбатан кўпроқ ишлатилади.

Фронт, атмосфера фронти — физик хоссаси турлича бўлган икки ҳаво массаси орасидаги чегара. **Ф.** ҳаракат қилаётган ҳаво массалари орасида горизонт текислиги билан 1° дан кам бурчак остида кесишади. **Ф.** нинг энчи бир неча ўн км, баландлиги бир неча юз м, узунлиги бир неча юз км бўлади. Совуқ ҳаво устида иссиқ ҳаво юқорига кўтарилиши натижасида булутли **Ф.** системалари пайдо бўлади. **Ф.** ўтаётганда жойда об-ҳаво озми-кўпми кескин ўзгаради.

Фумарола (итальянча *фумарола* — вулканининг тутушли тешиги) — вулкан кратерларидан ёки шлак билан қопланган лава оқимидан газ ва буғлар чиқиб турган жой.

Фельд — Скандинавия ярим оролида тундра ўсимликлари ёки музликлар билан қопланган тепаси ясси тоғлар.

Фьорд — денгизларнинг қирғоқлари тик, кўпинча қояли тор, чуқур қўлтиқлари. Дарё vodiylарини ва сойларни муз ўйиб кетиши, сўнгра уларни денгиз суви босиши натижасида ҳосил бўлган. Узунлиги юзлаб километрга, чуқурлиги 1000 м га етади ва ундан ҳам ошади. Гренландия, Норвегия, Жанубий Американинг жан.-ғарбий қирғоқларида Ф. кўп.

X

Халқ даромади — қ. *Миллий даромад*.

Халқ хўжалиги — бирон мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва меҳнатининг барча соҳаларини қамраб оладиган хўжалик. Х. х. мамлакатнинг саноати, қишлоқ хўжалиги ва транспортининг асоси, алоқа, банк, савдо-сотиқ корхоналарини ҳам ўз ичига олади.

Халқаро геофизик йил — 1957 йил I/VII дан 1958 йил 31/XII гача ўтган давр; ана шу давр давомида келишилган программалар асосида турли мамлакатларнинг олимлари Ерни тадқиқ этишган. Бу «йил» — икки марта ўтказилган Халқаро қутбий йиллар (1882—1883 ва 1932—1933) давомидир. Ер шарини тадқиқ қилншда 65 мамлакат, жумладан Антарктида-ни ўрганишда 12 мамлакат олимлари иштирок этдилар. Махсус экспедициялар океан ва денгизларни ўрганиб, янги сув ости тизмалари, ўта чуқур ботиқларни, фанга номаълум бўлган 200 дан ортиқ ҳайвон турини кашф этдилар. 3-ХГИ да янги тадқиқот усуллари жорий қилинди; авиация, ракета, суъвий йўлдошлар, сув ости фотографияси ва б. дан фойдаланилди. 3-ХГИ даврида барча экспедицияларнинг материаллари икки марказда — Москва билан Вашингтонда йиғилди ва

сақланди. 3-ХГИ тугагандан сўнг халқаро илмий кучлар ёрдамида ер билан космик фазони ўрганиш давом этмоқда.

Халқаро меҳнат тақсимоти — ижтимоий территориал меҳнат тақсимотининг олий формаси, айрим мамлакатларнинг алмашиш (сотиш) учун муайян турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиши.

Хобуб (арабча *хобуб* — чанг) — Суданда кўпинча ёз вақтида тез-тез бўлиб турадиган қум, чанг бўрони.

Хом ашё — ишлаб чиқариш учун меҳнат сарф бўлган, лекин ҳали ишлов берилмаган ёки қайта ишланмаган материал ёки маҳсулотлар. Х. а. ишлов берувчи саноат учун дастлабки материалдир. Энергетика ёқилгиси Х. а. си (нефть, табиий газ, кўмир, ёнувчи сланец, уран), металлургия Х. а. си (турли металл рудалари, барит, плавик шпат, олтингугурт), техник Х. а. (олмос, графит, слюда) ва суъвий Х. а. лар бўлади. Қ. х., ўрмон, балиқ саноати Х. а. лари — ғалла ва техника экинлари, ёғоч-тахта, гўшт, балиқ, сут, хом тери, жун ва б. Ишлов берилган, лекин ҳали тайёр маҳсулот ҳисобланмаган (тайёр маҳсулотга айланиши учун янада ишланадиган) Х. а. я р и м ф а б р и к а т деб аталади.

Ц

Целлюлоза (французча — целлюлоза асли латинча *целлюла* — катак сўздан), клетчатка — ўсимлик ҳужайралари пўстлогининг сувда эримайдиган энг асосий таркибий қисми, табиатда энг кўп тарқалган полимерлардан бири. Ц. ўсимлик толаси (пахта, зигир, конопля)нинг таркибий қисми, сунъий толалар, плёнка (целлофан), пластмасса, лак, портловчи моддалар ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ҳисобланади.

Циклон (юнонча *киклон* — айланувчи) — атмосферанинг паст босимли области; Ц. да босим марказда энг паст бўлиб, шамол атрофдан марказга қараб эсади. Ёнинг айланиши таъсирида Ц. да шамол шимолий ярим шарда соат стрелкаси йўналишига қарши, жанубий ярим шарда соат стрелкаси йўналиши бўйлаб эсади; атмосферанинг куйи қатламида қуюн шаклида ҳаво оқимлари ҳосил бўлади. Ц. нинг эни 1000—

3000 км бўлади. Ц. да айниқса марказида ҳаво булут бўлиб, ёғин ёғади. Айрим Ц. бир неча кун туради; дастлаб соатига 20—30 км ва ундан ҳам тезроқ ҳаракат қилади; шундан сўнг аста-секин сўна бориб, тугайди. СССРда Ц. лар Атлантика океанидан келади ва ўзгарувчан об-ҳаво келтиради. Ц. келганда ёзда ҳаво совуб, шамол туради, булут бўлиб ёмғир ёғади; қишда ҳаво илиб кетиб, қор бўрони туради ва қор ёғади.

Цирк — қ. *Муз цирки*.

Цунами (японча) — сув остида ёки қирғоқ яқинида зилзила бўлганда ёки вулкан отилганда океан сувида ҳосил бўладиган улкан тўлқинлар. Соатига 50—1000 км тезлик билан тарқалади. Тўлқин баландлиги очик океанда 5 м га етади, қирғоққа урилганда 50 м дан ошishi мумкин. Ц. қирғоқни босиб, кўп ерларни вайрон қилиши мумкин. Асосан Тинч океан қирғоқларида кузатилади.

Ч

Чала чўллар — қуруқ иқлим шароитида таркиб топган, муътадил минтақада даштлар билан чўллар орасида жойлашган табиат зоналари. Иқлими қуруқ континентал; ёғингарчиликка (300 мм) инсбатан потенциал, буғланиш 5—6 марта кўп; дарёлар жуда кам. Тупроқлари: оч каштан, кўнғир, бўзтупроқ; чириндис кам (2—4%), шўрланган ерлар кўп. Ўсимликлари: шувоқ, шўралар, чим ҳосил қиладиган бошоқлилар, намгарчилик танқислигига мослашган, паст бўйли чала буталар. Ҳайвонлари: кемирувчилар (юмронқозоқ, қўшоёқ, олаҳуржун), йиртқичлар (қарсақ тулки), судралиб юрувчилар (тошбақа, илонлар).

Чангал (чангалзор) — дарё бўйларидаги, айниқса унинг қайир ва қуйи террасаларидаги ўтиш қийин бўлган бутазор — ўрмонлар. Жангал шаклида ҳам талаффуз қилинади.

Чашма — ер ости сувлари ер юзига оқиб чиқадиган жой, *булоқ* (қаранг). Кўпинча жилгаларга сув берадиган булоқлар Ч. дейилади.

Чағиртош — қиррали парча гошлар цементлашиб ҳосил бўлган тоғ жинси (брекчия).

Чекка денгизлар — материкларга ёндашиб турган ва океандан ярим ороллар ва ороллар билан бир оз ажралган денгизлар. Ч. д. олатда материк саёзлигида ва материк ёнбағрида бўлади.

Барени, Кара, Шарқий Сибирь, Чукотка, Лаптевлар, Норвегия, Беллинсгаузен денгизлари Ч. д. дир.

Чизикли масштаб — қ. Масштаб.

Чилла (форсча-тожикча *чил-қирқ*) — қишнинг ва ёзнинг ўртасидаги қирқ кун. Қишда 26 декабрдан 5 февралгача ва ёзда 26 июндан 5 августгача ўтган давр Ч. дейилади.

Чинк — 1) қир ва баландликларнинг, сулатогларнинг тик тушган баланд (350 м гача) ёнбағри. Қозоқ ва қорақалпоқлар шинг, қирғизлар чинг дейишади. Ч. лар олдида кўпинча пастликлар бўлиб, шўр, ботқоқ босган бўлади. Мас., Устюрт, Манғишлоқ Ч. лари; 2) чуққи, тоғ тепаси, кимсасиз қор босган тоғлар.

Чирик тош — нураб турли шакллارга кириб қолган тош. Ч. т. лар чўтир-чўтир, чанли, тош устун ва ҳ. к. шаклларида бўлиши мумкин.

Чиринди — тупроқнинг тўқ жигар рангдаги органик қисми. Тупроқлар унумдорлиги Ч. нинг миқдори ва сифатига боғлиқ. Ч. ўсимлик ҳайвон ва микроорганизм қолдиқларидан иборат бўлиб, нураган тоғ жинсларининг минерал зарралари билан аралашиб, химиявий жihatдан бирлашиб кетади. Ч. таркибда ўсимликларнинг озикланиш учун зарур бўлган азот, фосфор, олтингурут каби асосий элементлар бўлади.

Чиқиш — Қуёш чиқар томон, шарқ.

Чигир, чийир — тўқай четидан ўтган, тўқай ўртасидан очилган қордан ўтказилган йўл.

Чолқун ёгин — қор ва ёмғирнинг аралаш ёғиши.

Чорвачилик — қ. х. нинг чорвачилик маҳсулолари етиштириш мақсадида чорва моллари урчиши билан шуғулланадиган тармоғи. Ч. аҳолини озик-овқат (сут, гўшт, ёғ, тухум ва б.), енгил саноатни хом ашё (жун, хом тери,

қил ва б.) билан таъминлайди, от-улов (от, эшак, ҳўкнз, хашир, буғу, туя) ва органик ўғит (ўғин) етказиб беради. Паррандачилик, асаларчилик, ипакчилик, даррандачилик ҳам Ч. га киради.

Чув — дарё, сой, оқин сув.

Чувоқ — кунгай, офтобрў, офтоби терминларининг синоними.

Чуқурлик минтақалари — Дунё океанида сув ости ландшафтларининг чуқурлик ортган сари алмашина борини натижа-сида ҳосил бўлади. Чуқурлик ортган сари сувнинг температураси, ёритилиш даражаси, физик-химиявий хоссалари, сувдаги органик ҳаёт ўзгара боради. Дунё океанида қуйидаги Ч. м. ажратилади: 1) қирғоқ бўйи ёки сув ости ўсимликлари минтақаси; 2) сув ости фаунаси устун турувчи шельф минтақаси; 3) материк ёнбағри ёки океан чала чуллари минтақаси; 4) океан ҳавзаларининг туби ёки океан совуқ саҳралари минтақаси.

Чўкинди жинслар — олдиндан мавжуд бўлган магматик, метаморфик ва б. тоғ жинсларининг емирилиб қуруқликда ёки сув ҳавзаларининг тўпанда тўпланишидан пайдо бўлган тоғ жинслари. Ч. ж. қат-қат ва ғовак бўлиб, уларда ҳайвон ва ўсимлик қолдиқлари учрайди. Дона-дона (чақиқ), гилсимон, химиявий ва органик Ч. ж. бўлади. Дона-дона (чақиқ) Ч. ж. турли хил қаттиқ тоғ жинсларининг парчаларидан иборат бўлади (майда ва йирик шағал, қум). Конгломерат ва қумтош ҳам дона-дона Ч. ж. дан таркиб топган. Турли хил гиллар гилсимон Ч. ж. дир. Химиявий Ч. ж. хилма-хил моддалар сувли эритмаларининг чўкишидан вужудга келади: тузлар, гипс, доломит. Органик Ч. ж. ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларининг тўпланишидан пайдо бўлади (боксит, кўмир, ёнувчи сланец, бўр, торф, битум ва б.).

Чўл — 1) мўътадил, субтропик,

тропик минтақалардаги жуда қурқоқчал коэтинентал иқлимли текислик ерлар. Ниллик ёғин миқдори одатда 200 мм дан ошмайди. Потенциал буғланиш жуда катта — баъзан ёғиндан 10—15 җисса кўп. Маҳаллий доимий оқар сув бутунлай йўқ. Суvsиз ёки қор тез эриганда сувга тўланиган қуруқ ўзанлар учраб туради. Ер ости сувлари чуқурда ва шўр босган (асосан хлорид тузли). Тупроги унумсиз, қатлами юшқа. Ўсимликлари жуда сийрак бута, ўтлардан иборат (саксовул, юлғун, қўси-суяк, черкес, янтоқ, шўралар, эфемер ва эфемерондлар, семизўтлар). Ўсимликлар кўпинча барсиз, майда баргли, сертук, илдизи узун бўлади. Ҳайвонлари ҳам ўзига хос. Сув қидриб узоққа бора оладиган чопқир (сайғоқ, кулов) ёки ўсимлик таркибидagi сув билан кифояланадиган (тошбақа), емишидаги сувга каноат қиладиган (илолар), ҳайвонлардан ва паррандалардан иборат. Баъзи ҳайвонлар нesiқ ёз вақтида уйғоқа кетadi, баъзилари фақат тунда тирикчилик қиладди. Чўлларда ерларни суғий суғорибгина деҳқончилик қилиши мумкин. Тошлоқ, гилли, шағалли,

қумли, шўрхок Ч. лар бўлади; 2) ўсимлик кам, дарахт йўқ, кимсасиз кенг жойлар.

Чўл типлари — чўлларнинг ландшафт хусусиятларига кўра хиллари. Ч. т. ни ажратишда тунроқ-грунт қоплами етакчи роль ўйнайди. Урта Осиё чўллари куйиндаги асосий типларга бўлинadi: 1) қумли чўллар; 2) гилли чўллар; 3) гипсли чўллар; 4) лёссли чўллар; 5) тақирлар; 6) шўрхок чўллар.

Чўққи — тоғ, тепа, қирларнинг баланд, найзасимон ўтқир, кўпинча кристалли қаттиқ тошлардан иборат қисми. Тоғларнинг баъзи энг баланд қисми ушун бўлмаса ҳам Ч. дейилади. Дунёдаги энг баланд чўққи Жомолунгма—8848 м Ҳимолай тоғларида, СССРдаги энг баланд чўққи Коммунизм чўққиси (7495 м) Помир тоғларидаги Фанлар Академияси тизмасида жойлашган.

Чўқўлак — чўлларда бута, ўтлар атрофида тўпланадиган қум дўнғаси; Ч. лар бир-бирлари билан қўшилиб, кичик-кичик қум ҳомаларини (грядаларини) ҳосил қиладди.

Ш

Шабнам — илқ ҳаво кириб келганда совуқ предметлар (ўт, бута, дарахт, тош ва б.) сиртида ҳосил бўладиган сув пардаси. Ҳаво ҳарорати 0° дан паст бўлганда бу пардаси ҳосил бўлади.

Шалса — қ. *Шаршара*.

Шамол — Ҳавонинг юқори босимли жойлардан паст босимли жойларга горизонтал йўналишдаги ҳаракати. Ш. қайси томондан эсишига қараб номланади. Босимлар орасидаги фарк қанча катта бўлса, Ш. ҳам шунча кучли бўлади. Ш.нинг йўналиши ва тезлиги асбоблар (қ. *Флюгер* ва *Анемометр*) ёрдамида аниқланади ва Бофортнинг халқаро шкаласи бўйича 0 дан 12 гача баллар орқали баҳоланади.

«Шамол гули» — муайян вақт давомидagi шамолларнинг йўналиши тўғрисида яққол тасаввур берадиган диаграмма. «Ш. г.» чизиш учун марказий нуқтадан горизонт румблари бўйлаб тўғри чизиқлар тортилади. Ҳар бир чизиқнинг узунлиги шу йўналишдаги шамолнинг такрорланишига тўғри пропорционалди; шундан сўнг чизиқларнинг учи бирлаштирилади.

Шарлавуқ — дарё, жылға ва сойларнинг тезоқар жойлари. Дарёлар қаттиқ, туб жинсларни кесиб ўтган жойларда чуқурлатиш эрозияси кучсиз бўлиб, ўзан кенг ва саёз бўлади. Дарё бундай жойларда тез оқади

Ҳаллар	Секундига метр	Шамол хара- теристикаси	Ҳаллар	Секундига метр	Шамол хара- теристикаси
0	0—0,5	Штиль, тинч ҳаво	7	12,5—16,2	Қаттиқ
1	0,6—1,7	Секин	8	15,3—18,2	Жуда қаттиқ
2	1,8—3,3	Енгил	9	18,3—21,5	Довул
3	3,4—5,2	Кучсиз	10	21,6—25,1	Кучли довул
4	5,3—7,4	Ўртача	11	25,2—29,0	Ашаддий довул
5	7,5—9,8	Хушук	12	29,0 дан ортиқ	Тўфон
6	9,8—12,4	Кучли			

Шамол кучини аниқлаш учун Бофортнинг ҳалқаро шкаласи

Шартли ёқилги — иссиқлик бериш қуввати 7000 ккал/кг га барабар деб қабул қилинган ёқилги. Ш. ё. турли ёқилгиларнинг иссиқлик қувватини таққослашга имкон беради.

Шаршара — дарё сувининг ўзандаги жарликлар отилиб тушиши. Бундай жарликлар қаттиқ жинслардан тузилган жойларда вужудга келади. Қатор Ш. лар каскад дейилади. Энг машҳур Ш. лар Шимолний Америкадаги Ниагара (51 м), Жанубий Африканинг Замбези дарёсидаги Викториа (120 м); СССРда Эса Итуруп ороли (Курил ороллари) даги Илья Муромец Ш. ларидир.

Шарқирама — шаршара сўзининг синоними; қ. *Шаршара*.

Шах (шах қатлам) — тупроқнинг ортиқча нам шариқта маълум чуқурликда вужудга келадиган зич қатлами. Оғир тупроқларда кўп учрайди. Сувнинг шимиллишига йўл қўймай, тупроқнинг ботқоқланишига сабаб бўлади.

Шахта — ер ости ишларига хизмат қилишга мўлжалланган вертикал ёки қия тешик (қудуқ). Ш. тегишли қурилмалар билан жиҳозланган бўлади. Баъзи бир Ш. ларнинг чуқурлиги бир неча км га етади. Ер остидан қазилмалар чиқарадиган мустақил корхоналар ҳам Ш. дейилади.

Шағал — тоғ жинсларининг оқар сув ёки денгиз тўлқини таъсирида силлиқланган парчалари. Катталиги 2—10 см бўлган силлиқ тошлар йирик Ш. 2—20 мм бўлганлари майда Ш. дейилади.

Шахар — аҳолиси асосан саннат ва савдо, шунингдек, маданий хизмат кўрсатиш, бошқарув, фан, маданият шохобчаларида машғул бўлган йирик аҳоли пункти.

Аҳоли пунктларининг Ш. категориясига ўтказилиши асосан аҳолининг сони ва машғулоти, саннат корхоналари ва давлат уй-жой фондининг мавжудлиги, савдо ва умумий овқатланиш, мактаб, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик ва маданий хизмат корхоналари ҳамда маданий-оқартув муассасалари тармоқларининг ривожланганлигига боғлиқ.

СССРда аҳоли пунктларининг Ш. категориясига ўтказиш иттифоқдош республикалар компетенциясига кириди. Мас., ЎзССР Олий Совети Президентининг 1965 йил 23 декабрь фармонида кўра аҳолиси 500 мингдан ортиқ бўлиб, йирик иқтисодий, маъмурий ва маданий ҳисобланган Ш. лар республикага бўйсунувчи Ш. лар категориясига, камидан 30 минг аҳолиси бўлиб, саннат, иқтисодий ва маданий марка ҳисобланган Ш. лар автоном республика, областга бўйсунувчи Ш. лар категориясига, аҳолиси камидан 7 минг киши (булар орасида қ. х. билан боғлиқ бўлмаган ишчи ва хизматчилар,

уларнинг онла аъзолари аҳоли умумий сонининг камида $\frac{2}{3}$ қисмини ташкил қилиши керак) бўлган sanoat ва маданият марказлари р-ига бўйсунувчи Ш. лар катэгориясига киради. УзССР да 84 Ш. бўлиб, улардан биттаси (Тошкент ш.) республикага бўйсунувчи, 45 таси автоном республика ва областларга, 38 таси р-нларга бўйсунувчи Ш. лардир (1978).

Шаҳар атроф хўжалиги — шаҳар ёки sanoat маркази яқинида жойлашган ва шаҳар аҳолисини тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари (сабзавот, картошка, хўлмева, сут, тухум ва ҳ. к.) билан таъминлашга ихтисослашган қ. х. корхонаси. Шаҳарни ўраб турган ва у билан ўзаро алоқада бўлган терр-я шаҳар атроф зонаси дейилади.

Шельф (инглизча) — дунё океани тубининг қирғоққа яқин қисми; қ. *Материк саёзлиги*.

Шельф музлиги — материкдан денгизга сурилиб тушиб, тахминан қоргоқ саёзлигигача етиб борган музлик (қ. *Материк саёзлиги*).

Шибляк — Ўрта денгиз бўйидаги ўлкалардаги ва СССРнинг баъзи бир жойларидаги баргини тўкадиган паст бўйли бута ва ўтлардан иборат чакалакзорлар. Бундай бутазорларда қоратикан, наъматак, дўлана, гребенник ва бошқалар ўсади. Одатда улар кесиб юборилган ўрмонлар ўрнида пайдо бўлади.

Шлюз (голландча *шлюз*, латинча *экслюдо* — ушлаб тураман, бўламан) — сатҳи турлича бўлган сув ҳавзаларининг бирдан иккинчисига кема ёки сол ўтказишга хизмат қиладиган гидротехник иншоот. Ш. дарёларга, каналларга ва денгиз портларига қурилади. Ш. кема бемалол сиғадиган бир неча шлюз камерасидан иборат. Шлюз камерасининг икки томонида темир дарвоза бор. Кема Ш. дан ўтаётганда икки ёнма-ён камера суви сатҳи тенглаштирилади; кема бир

камерадан иккинчи камерага ўтгандан сўнг орқадаги дарвоза ёпилади; шундан сўнг Ш. даги сув кема кириши керак бўлган камера сув сатҳи билан бараварлаштирилади, шундан сўнг кема Ш. дан чиқади; неча камера бўлса, шу тақлидда давом этади. Ш. даги сув сатҳи деворлардаги махсус қувурлар орқали сув оқизилиб ёки кучли насослар ёрдамида ҳайдаб кўтарилади ёки пасайтирилади.

Шовва — дарё суви тепадан отилиб тунадиган жой; қ. *Шаршара*.

Шовуш — дарёларда катта-кичик муз парчаларининг оқиши. Дарёларда куз ва баҳорда, Ўрта Осиё дарёларида қишда ҳам Ш. оқади. Дарё қузда музлаш олдидан унда муз парчалари билан бирга хўл қор, қиламиқ оқади, баҳорда сув кўпайиши ва температуранинг кўтарилишидан муз парчаланиб, оқа бошлайди, қ. *Шуға*.

Шоттлар — Африкада тектоник ботиқларда жойлашган шўр-хок текисликлар.

Штиль — умуман шамоля бўлмайдиган ёки салгина шабада ёниб турадиган пайт. Одатда антициклоннинг ички қисмларида бўлади.

Шуға — қузда, қишда сув музлаши олдидан сувда оқадиган ғовак муз парчалари. Улар юмшоқ муз, қиламиқ ва ўзан ости музларидан ҳосил бўлади. Сув юзасида ивиган қорга ўхшаб оқади; қ. *Шовуш*.

Шхералар — тўртламчи давр музликлари босган жойлардаги денгиз ва қўлларнинг жуда парчаланиб кетган қояли қирғоқлари яқинида учрайдиган қояли кичик-кичик ороллар. Балтика, Шимолий, Норвегия денгизларида, Канада Арктика архипелагида кўп учрайди. Бундай ороллар кўпинча қадимги кристаллашган тоғ жинсларидан иборат бўлади.

Шўр — қурғоқчил ўлкаларда ернинг пастқам жойларида минераллашган ер ости сувларининг чиқиши, қўлларнинг ёзда қуриб қо-

лини натижасида тупроқда хлорид ва сульфат тузларининг йиғилишидан ҳосил бўладиган ботқоқ, шўр ер.

Шўртоб — таркибида туз (асосан ош тузи) кўп бўлган тупроқ; тузлар тупроқ эритмаси ёки ер ости суви орқали тўпланади. Ш. кўпроқ шўрхоқнинг ёмғирдан ювилиши ва ер ости сувларининг пасайишидан келиб чиқади. Оқибатда юза қағламдаги тузлар қуйи қатламларга тушиб кетади. Ш. да ўсимлик сийрак шuvoқ, шўра ўсади. Экин экиш учун ювилади, гипсланади, чуқур ҳайдаб, кўп йиллик ўтлар экилади. Африка, Осиё, Жанубий Америка ва Австралиянинг дашт, чала чўл ва чўл зоналарида; СССРда эса Қуйи Волга бўйи, Шимолий Кавказ, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда ки-

чик-кичик ороллар каби учрайди.

Шўрхоқ — дашт, чала чўл ва чўлларда устки қатламларида туз кўп бўлган тупроқ. Ер ости сувларининг буғланиши натижасида тузлар ер устига чиқиб, ғубор ва ҳатто қатқалоқ ҳосил қилади. Устки қатламда 10—15% гача туз бўлиши мумкин. Қўпинча ер ости суви сероб бўладиган чуқурроқ жойларда учрайди. Ерларни нотўғри суғориш натижасида ҳам Ш. лар пайдо бўлади. Ш. ларда шўра ва б. ўтлар сийрак ўсади. Марказий Африкада, Осиё, Австралия, Шимолий Америкада; СССРда эса Қаспий бўйи паст текислигида, Шимолий Крым, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда ороллар каби учрайди. Ш. ларни ўзлаштириш учун ювиш ва ер ости суви сатҳини пасайтириш керак бўлади.

Э

Экватор (латинча *экватор* — тенглаштирувчи, тенгқунлик чизиқ) — Ер юзасида қутблардан баърибар узоқликдан ўтказилган катта айланма чизиқ. Экватор Ер шарини икки ярим шарга — шимолий ва жанубий ярим шарларга бўлади. Географик кенгликлар Э. дан ҳисобланади. Э. узунлиги (Красовский маълумотига кўра) 40 075696 м, 1° ёйининг узунлиги 111321,4 м. Э. да кеча билан кундуз доимо тенг бўлади. Қуёш Э. устида ҳар йили икки марта — 21 март ва 23 сентябрда зенитдан ўтади.

Экваториал минтақа — тахминан 5—8° шим. к. билан 4—11° жан. к. орасида жойлашган географик минтақа. Йил бўйи ҳаво температурасининг юқорилиги (ўртача ойлик температура +24, (28°), ёғинларнинг кўплиги +1500—3000 мм, максимум 10 000 мм гача), биогеохимиявий ва геоморфологик жараёнларнинг интенсивлиги билан ажралиб туради. Территорияни асосан экваториал ўрмонлар зонаси ишғол этган.

Экваториал ўрмонлар (гилея) зонаси — Экваториал минтақа табиат зонаси. Бу зона табиат ритмикасида мавсумийликнинг йўқлиги, подзоллашган латерит тупроқлардаги қалин доимий яшил сернам ўрмонлар—гилеяларнинг тарқалганлиги билан характерланади. Э. ў. з. Жанубий Америка, Африка, Жануби-Шарқий Осиё ва Океаниянинг экваториал областларида тарқалган.

Экзарация, музлик эрозияси — силжиб юрган музлякнинг тагини ўйиши.

Экзоген жараёнлар — Ер юзасида ва ер пўстининг юза қисмида қуёш радиацияси энергияси, ернинг тортиш (гравитация) кучи ва организмлар ҳаёт фаолияти натижасида рўй берувчи процесслар. Бу процесслар эндоген процессларга қарама-қарши бўлиб, ер юзасидаги нотекисликларни текислайди. Буларга нураш, сув ва шамол эрозияси, музликлар, ер ости сувлари ши, деңгиз тўлқинлари ва ҳ. к. ларни киритиш мумкин.

Экзосфера (юнонча *экзо* — ташқи, *сфера* — шар) — атмосферанинг энг сийрак, ташқи қисми. Ер юзасидан 450—800 км баландда бошланиб, бир неча минг км га етади. Э. да ҳаво шу қадар сийракки, энгил газ (водород, гелий, кислород) зарралари катта тезлик билан ҳаракат қилиб, космик фазога ўтиб кетиши мумкин.

Эклиптика (юнонча *еклипсис* — тундиш) — осмон сферасининг Қуёшнинг йиллик кўрнима ҳаракати рўй берадиган катта доира. Бу ҳаракат Ернинг Қуёш атрофидаги ҳаракатини акс эттирганлигидан, Э. ни осмон сферасининг Ер орбитаси текислиги билан кесишиши дейиш мумкин. «Э», сўзининг келиб чиқишига сабаб шуки, Ой орбитаси Э. билан кесишган нуқталар яқинига Ой келган пайтлардагина Қуёш билан Ой тутилади.

Экологик география — экология ва биогеография фанларининг тармоғи. У ҳозирги муҳитнинг организмларнинг географик тарқалишидаги ролини ўрганади. Э. г. ўсимликлар, ҳайвонлар ва микро-организмлар экологик географиясига бўлинади.

Экологик мувозанат — организмлар ва инсон учун зарурий табиий шаронт мувозанати. Бу мувозанат бузилса табиий ландшафтлар номақбул ривожланади, атроф муҳитнинг экологик шаронти ёмонлашади, бинобарин, инсон ва организмлар ҳаёти хавф остида қолади. Э. м. нинг бузилишига атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, маҳаллий иқлим шаронтининг кескин ўзгариб кетиши, сувларнинг ифлосланиши ва бошқалар мисолдир.

Экологик омиллар — организмларнинг яшashi ва географик тарқалишига таъсир этувчи ҳаёт шаронти элементлари. Э. о. қуйидаги группаларга бўлинади: 1) иқлим омиллари (ҳаво, ёруғлик, иссиқлик, сув ва ҳ. к.); 2) эдафик омиллар (тупроқ — грунт қопла-

ми); 3) орографик омиллар орография ва рельеф шакллари); 4) биологик омиллар (организмларнинг ўзаро таъсири); 5) антропоген омиллар (инсон таъсири) ва 6) тарихий омиллар. Шунингдек, бевосита ва билвосита таъсир этувчи Э. о.

Экология (юнонча *ойкос* — уй, макон, *логос* — фан) — организмлар билан табиий муҳит ўртасидаги алоқаларни, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганувчи фан. Урта Оснени экологик жиҳатдан ўрганишда совет экологиясининг асосчиси Д. Н. Кашкаров ва Е. П. Корovinларнинг роли каттадир. Ҳозирги кунда экологик тадқиқотлар табиат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш проблемаларини ҳал қилишда ниҳоятда катта илмий ва амалий аҳамиятга моликдир.

Экспансия (латинча *экспансион* — кенгайтириш) — империалистик давлатнинг бошқа ерларин босиб олиш ҳисобига ўз территориясини кенгайтириш учун ҳаракат қилиши. Иқтисодий Э. — товарларни сотадиган бозор ва хом ашё манбаларини қўлга киритиш.

Экспозиция, ён бағир экспозицияси — тепалик, тоғ, водий, жар ва б. ёнбағирларининг горизонт томонларига, бинобарин Қуёшга нисбатан қандай жойлашганлиги; масалан, ёнбағир жанубга қараган бўлса, жанубий Э. бўлади.

Экспорт (латинча *експорто* — ташқарига чиқарамаи) — ташқи бозорда сотиш учун мамлакатдан товар чиқариш. Империализм даврида товар билан бир қаторда капитал Э. қилиш, яъни пул қарз бериш, шунингдек, чет мамлакатларда корхоналарга капитал қўйиш катта аҳамият касб этади. СССР ташқи савдо статистикасида совет ташқилотлари томонидан чет элларда сотиб олиниб, СССРга киритилмасдан бошқа мамлакатларга жўнатилган моллар ҳам Э. қилинган ҳисобланади.

Экстенсив қишлоқ хўжалиги — фойдаланилаётган ерларнинг би-
рон бир ўлчови, масалан, гектар
ҳисобига харажат ҳам, даромад
ҳам кам бўлган хўжалик, масалан,
яйлов чорвачилиги.

Эмиграция (латинча *emigro* —
кўчиб кетаман) — кишиларнинг
доимий яшаш учун ёки узоқроқ
муддатга, бир мамлакатдан иккин-
чи мамлакатга мажбурий ёки их-
тиёрни кўчиб кетиши.

Эндоген жараёнлар — Ернинг
ички қисмида рўй берадиган фи-
зик ва химиявий процесслар. Улар
ер юзасида турли хил тектоник
ҳаракатлар, вулкан отилишлари,
ер пўстининг ўзариши, ёрилиши,
зилзилалар тарзида акс этади.

Энергетик ресурслар, **энер-
г о р е с у р с л а р** — табиатда мав-
жуд бўлган ва техниканинг хозир-
ги даражасида моддий бойликлар
ишлаб чиқариш учун инсон амалда
фойдалана оладиган энергия за-
паслари. Ҳозирги вақтда турли
ёқилғилар (тошқўмир, нефть,
ёнувчи газ, ёнувчи сланец, торф,
ўтин), гидроэнергия, денгиз суви-
нинг кўтарилиши ва қайтиши,
шамол энергияси, атом энергияси
Э р. ҳисобланади.

Энергетика, **энергетика**
х ў ж а л и г и — саноатнинг халқ
хўжалигини энергия билан таъмин-
лаш учун турли ёқилғи ва б энер-
гетик ресурслар олиш ва улардан
фойдаланиш билан шуғулланган
тармоғи.

Энергияни кўп ишлатадиган
ишлаб чиқаришлар — маҳсулотни
таннархн структурасида энергетик
харажатлар асосий ўрин тутадиган
ишлаб чиқаришлар. Рангли
металлургия, электрометаллургия,
қотишмалар ишлаб чиқариш, хи-
мия саноатининг айрим тармоқла-
ри ва б. Э. к. и. н. г. дир. Бундай
корхоналар кўпинча электр энер-
гия ва ёқилғининг бошқа турлари
арзонга тушадиган р-нларга жой-
лаштирилади.

Энергосистема — Электр узат-
кич линиялар ва тармоқлар билан

ўзаро бирлашган ва истеъмолчи-
ларни биргаликда электр энергия
билан таъминлаб турадиган йирик
электр станциялар бирлашмаси,
Локал (шаҳар, р-н Э. лари), зонал
(районлараро) ва митлий (бутун
мамлакатнинг электр станциялари-
ни бирлаштирадиган) Э. лар бўла-
ди. СССРда дунёда энг йирик яго-
на Э. барно этилган Бу Э. Мар-
каз, Шимоли-Ғарб, Ўрта Волга
бўйи, Урал, Жануб, Шимолий
Кавказ, Закавказье, Сибирь ва
Ўрта Осиёнинг бирлашган Э. ла-
рини ўз ичига олади (600 га яқин
электр станция) СССР ягона Э. си
ўзаро Иқтисодий Ердан Кенгаши
мамлакатларининг Э. лари билан
биргаликда жаҳон «Тинчлик» Э.
сига бирлашган.

Эол процесслари (юнонча *зо-
лос* — шамол худоси) — шамол
таъсирида рельеф ҳосил бўлиш
процесслари. Шамол қаттиқ тоғ
жинсларини емиради, ўяди, сил-
ликқлайди, майда жинсларни бир
жойдан иккинчи жойга учуриб бо-
ради.

Эпигеосфера — географик қо-
биқ тушунчасининг синоними.
А. Г. Исаченко томонидан таклиф
этилган.

Эпицентр — ер ичидаги зил-
зила ўчоғининг устида ер юзасида
жойлашган жой. Горизонтал ҳара-
кат қилувчи тўлқинлар Э. дан тар-
қалади.

Эрглар — Африканинг Саҳрон
Қабир чўлларида қатор-қатор қум
дўнглари кўп бўлган чўллар. Э.
одатда аллювиал жинслар тар-
қалган кенг сойликларда кўпроқ
учрайди. Э. да ўсимликлар ва ҳай-
вонлар яшашни учун шароит рег,
ҳамада, серирларга қараганда қу-
лайроқ бўлади.

Эрозия (латинча *эросио* — еми-
риш) — тоғ жинслари ва тупроқ-
ни оқар сувларнинг ювиб, оқизиб
кетиши. Э. рельеф ҳосил қилувчи
омиллардан бири. Ювилиш юза-
лама ва чуқурлатма бўлиши мум-
кин, яна ён Э. ва тағ Э. бўлади.
Нормал Э. ва ипсоннинг норадио-

нал хўжалик фаолияти оқибатида бўлган тезлатилган Э. бир-биридан фарқ этилади.

Эстуарий — дарёнинг денгизга қўйиладиган жойдаги кенгайган қисми.

Этак — дарё қуйи оқимидаги ерлар (дарё этаги), қишлоқ, шаҳар ёки бирор жойнинг пастки чекка қисми (қишлоқ этаги, ернинг этаги), тоғ этаги ва ҳ. к.

Этнография (юнонча *этнос* — халқ, *графо* — ёзма) — дунё халқларининг маданий ва маънавий хусусиятларини, халқларнинг келиб чиқиши (этногенез), маданий-тарихий алоқаларини ўрга-

надиган фан. Совет Э. си халқларнинг келиб чиқиш проблемалари ва этник тарихи, СССР халқлари маданияти ва турмушида социалистик tub ўзгариш проблемаларини, миллатларнинг яқинлашиш процессларини ўрганади.

Эфемер ўсимликлар (юнонча *эфемерос* — бир кунлик) — қурғоқчил ўлкаларда ўсадиган, *вегетация даври* қисқа бир йиллик ўсимликлар. Мас., Ўрга Осиё чўлларида рангўт, қўнғирбош, долақизғалдоқ каби э. ў. май ойи бошларидаёқ қуриб қолади.

Эхолот — сувнинг чуқурлигини ўлчайдиган асбоб; қ. *Лот*.

Ю

Юк обороти — муайян вақт (масалан, бир йилда) транспортда ташилган юклар мажмуи. Айрим порт, станция ва транспорт узелларининг Ю. о. шу пунктдан жўнатилган, шу ерга келган ва шу пункт орқали ўтган умумий вазни билан ўлланади. Мамлакат, р-н, айрим т. й., дарёнинг Ю. о. ташилган юкларнинг т ҳисобидаги вазни ҳамда қанча масофага (км) ташиб борилганлиги билан ўлланади ва тонна-километр билан ифодаланади.

Юк потоклари — муайян муддат давомида бирон бир турдаги транспорт ташиган юклар ҳаракати; бунда юк қайси пунктдан қайси пунктга борганлиги кўрсатилади. Ю. п. йўлнинг бирон қисмида ташилган юкларнинг миқдорини, ташилган юкларнинг умумий ҳажмида айрим юк турларининг таркиби ва салмоғини аниқлашга имкон беради.

Юлдузлар — ўта қизиган газлардан таркиб топган. Қуёш каби ёруғлик чиқариб турадиган осмон jismlари. Ю. Қуёшга нисбатан бениҳоя катта; лекин ўта узоқда бўлганидан кичик кўринади: Қуёш ёруғлиги Ерга 8,3 минутда, энг

яқин юлдуздан эса ёруғлик 4 йил-у 3 ойда келади. Қуёшга қараганда миллион марта катта ва ёруғ Ю. бор. Барча юлдузлар сеқундига ўнларча ва, ҳатто, юзларча км тезликда ҳаракат қилади. Осмон сферасининг ҳар пккала ярим шарига оддий кўз билан 5000 га яқин Ю., кучли телескопларда эса бир неча миллиард Ю. кўринади. Бир гуруҳ Ю. тўп юлдуз деёнади, мас., Катта Айнқ тўп юлдузи етгита Ю. дан иборат. Ер шари ғарбдан шарққа айлангани учун Ю. шарқдан ғарбда айланатгандай кўринади.

Ют — совуқ вақтда ёмғир томчиларининг ер юзасида, ўсимликлар (ўтлар) устида музлаб, юлқа муз қатламнинг ҳосил бўлиши ҳодисаси. Ю. одатда температура 0° дан —3° гача, баъзан ундан ҳам совуқ бўлганда рўй беради. Қор эриб яна совуқ тушиши натижасида қотиб, муз қатламини ҳосил қилишидан ҳам Ю. бўлади. Ю. ҳодисаси яйловдаги чорва моллари учун жуда хавфли, баъзан кўплаб қўйлар қирилиб кетади. Бунинг олдини олиб, ҳозирги вақтда кишкн яйловларда пичан ғамлаб қўйилади.

Я

Ғйла (туркий яйла, яйлоқ, яйлов — ёзги ўтлоқ) — Қрим тоғлари Жанубий (Бош) грядасининг оҳақтошдан иборат платосимон ўрмонсиз яланг тепалари.

Яйлов — 1) тоғлардаги ёзги ўтлоқ, альп ва субальп ўтлоқлари. Одатда тоғларнинг ясси, ўрмонсиз теналикларида бўлади. Ўрта Осиё тоғларида 2000—3000 м баландликда бўлади. Иқлими сернам, ёзи салқин, кичи қорли. Ўсимликлари қорамтир, қора тупроқларда ўсувчи ўтлоқ, ўтлоқ-дашт ўсимликларидан иборат. Энг катта яйловлар Сусамир, Олай водийларида бор; 2) ҳар қандай ўтлоқ, мол ўтлаб, ёйлиб юрадиган жой.

Яланг, яланглик — ўрмон, дарахтзор орасидаги очиқ, дарахтсиз жой, сайхон. Туркларда алан, тагарларда елан деб юритилади.

Янги тектоника — Қ. *Неотектоника*.

Ялпи маҳсулот — 1) муайян вақт ичида бирон саноат корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг пул ҳисобидagi умумий қиймати; 2) ялпи ижтимоий маҳсулотнинг саноат ва қ. х. да вужудга келтирилган қисми; муайян вақт давомида саноат ва қ. х. корхоналари ишлаб чиқарган барча маҳсулотларнинг пул ҳисобидagi умумий қиймати.

Ярим мустамакалар — расман мустақил, амалда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бирон импе-

риалистик давлатга қарам мамлакатлар.

Ярим орол — уч томондан сув билан ўралиб, фақат бир томондан кичик масофада катта қуруқликка туташган ер.

Ярим фабрика, ярим маҳсулот — истеъмол қилиш учун ҳали тайёр бўлмаган ва қўшимча ишлов талаб қиладиган маҳсулот (целлюлоза, калава ич, қуйма пулат ва б.); қ. *Хом ашё*.

Ясси тоғлик — денгиз сатҳидан 500 м дан баландроқ бўлган, ер юзаси текис ёки бир оз тўлқинсимон баландлик.

Яхмалак (наледь) — Совуқ ўлкаларда, хусусан Сибирнинг шимолий қисмлари, Канада ва Алясканинг шимолий районларида қишда дарё сувларининг музми ёриб чиқиб ёки ер ости сувларининг ер юзасига чиқиб музлаши натижасида ҳосил бўладиган музлар. Қалинлиги бир неча метрга, майдони бир неча кв. км гача етиши мумкин. Баъзилари ёзда ёриб улгурмай кўп йиллик Я. ларни ҳосил қиладди.

Яқин Шарқ мамлакатлари — Ғарбий Осиё ва Шимоли-Шарқий Африкада жойлашган Ироқ, Туркия, Сурия, Ливан, Иордания, Исроил, Миср, Судан, Арабистон ярим оролидаги мамлакатлар, шунингдек, Ўрта денгиздаги Кипр республикаси, Форс қўлиғидаги Баҳрайн ороллариинг умумий номи.

У

Ўзак — дарё тармоғи, оқар сув. Қорақалпоғистонда кўп ишлатилади: Қораўзак. Қорақалпоғистонда ясси жар, тармоқ, пастқам ер Бошқирдистонда жар (Тошўзак жари) шу термин билан юритилади.

Ўзан — дарё водийсининг энг наст, сув қайтиш даврида ҳам оқим бўладиган қисми. Катта

дарёлар ўзанининг эни юзлаб метрдан бир неча км гача етиши мумкин. Тоғларда У. кўпинча тўғри, қирғоқлари тик бўлади, текисликларда эса илон изи, айрим жойлари саёз бўлиб, сувнинг ювиши, чуқиндилар ётқизиши натижасида шакли ўзгариб туради. Қурғоқчил ўлкаларда йилнинг кўп қисмида қуриб ётадиган У. лар ҳам бўлади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши, УИЕК — социалистик мамлакатларнинг халқаро иқтисодий ташкилотидир. 1949 й. тuzилган. Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, СССР, Чехословакия, МХР, Куба кирази. УИЕК нинг мақсади шу ташкилотга кирган мамлакатлар кучларини бирлаштириш ва координация қилиш йўли билан бу мамлакатларда халқ хўжалигини планли тараққий эттиришга, иқтисодий ва техник прогрессни тезлаштириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, халқлар фаровонлигини тўхтовсиз юксалтиришга ёрдам беришдир. Ҳар томонлама иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорликни ташкил этиш, халқ хўжалиги планларини координация қилишда, халқаро социалистик меҳнат тақсими асосида саноат, қ. х., транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш соҳасида биргаликда тадбирларни амалга оширишда ташкилот аъзолари бўлган мамлакатларга ёрдам бериш ҳам Кенгаш вазифасига кирази. УИЕК аъзолари бўлган мамлакатларнинг ҳамкорлиги давлатларнинг суверенлиги принципига асосланган. УИЕК нинг олий органи Кенгашнинг 2 йилда бир марта чақириладиган сессиясидир. Ижроия органи — Кенгаш ижрокоми бўлиб, УИЕК аъзолари ҳукумат бошлиқларининг ўринбосарларидан иборат; айрим масалалар (ташқи савдо, экономика, электроэнергетика ва б.) бўйича доимий комиссиялари бор. УИЕК секретариати Москвада.

Ўзбўй — қаттиқ жала қуйганда ва баҳорда қор тез эриганда сув оқадиган курук ўзан, сой, водий, бўйлама пастлик. Географик номлар таркибиде ҳам учрайди. масалан, Келиф Ўзбўйи ва ҳ. к.

Ўй — жар ер, пастлик ер. Ўйқир, Ўйдимқир, паст-баланд, нотекис ер. Ўйқин ер — сержар ер.

Ўлкашунослик — мамлакат бир қисми (ўлка), айрим табиий объектлар, шаҳар ёки бирон аҳоли

пунктининг асосан маҳаллий аҳоли кучи билан ҳар томонлама ўрганилиши. Ў. нинг асосий йўналишлари: а) табиат ва табиий объектларни ўрганиш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва тиклаш; б) хўжалик ютуқларини ўрганиш; в) тарих ва маданиятни ўрганиш. Ўз ўлкасини бир неча йил давомида мунтазам ўрганиш асосида тўплаган материаллар ўлкашунослик музейларини ташкил қилишга имкон беради.

Ўрмон — асосий ўсимлик турлари бир-бирига яқин (зич) ўсган дарахтлардан иборат қалин ўсимлик тури, қалин дарахтзор. Ў. ларда ўсимликлар бир қанча яруслар ҳосил қилиб ўсади. Пастдан юқорига томон биринчи ярусда мох ва лишайниклар ўсади, сўнгга ўтлар яруси, кейин буталар яруси, энг юқориде дарахтлар яруси бўлади. Ў. лар чуллар, тундра ва Арктика (Антарктика) минтақаларидан бошқа ҳамма минтақаларда зоналар ҳосил қилади. Ўрмонлар дарахт турларига қараб, игна баргли, аралаш, кенг баргли, қаттиқ ялтироқ баргли, йил бўйи яшил, доимий яшил сернам ў. ларга бўлинади. Урал, Сибирдаги туркий халқлар тилларида Ў. деганда оқ қарағай, қора қарағай, кедр, баъзи жойларда тилгоч ўсадиган қалин қорамтир игна баргли ўрмонлар тушунилади.

Ўрмон-дашт, **Ўрмонли дашт** — ўрмон зонаси билан дашт зонаси орасида жойлашган табиат зонаси. Ў.-д. да ўрмонли ерлар билан дашт ерлар биргаликда учрайди. СССР Европа қисмида кенг баргли ўрмонлар (дуб, жўка, шумтол), Фарбий Сибирда қайин, тогтерак, Ўрта Сибирда, Ўзоқ Шарқда даурия тилгоччи ўрмонлари учрайди; даштларда хилма-хил ўтлар ўсади.

Ўрмон полосалари — қ. *Ихота дарахтзорлари*.

Ўрмон-тундра, **Ўрмонли тундра** — тундра зонаси билан ўрмон зонаси орасида жойлашган

ва ўрмонли ерлар (сийрак ўрмонлар) билан тундра биргаликда учрайдиган зона ўрмонлар бўйи 2—8 м келадиган қингир-қийшиқ тиллоғоч, қора қарагай, қайин, арчалардан иборат.

Ўрта денгиз ўлкаси — Ўрта денгиз ҳавзаси, ундаги ороллар, Европа, Осиё, Африканинг Сибериядаги қисмларини ўз ичига олган табиий ўлка; кенг маънода — Олд Осиё тоғлиқларини ҳам қамраб олади.

Ўрта денгиз иқлими — ёзи қуруқ ва иссиқ, қиши илқ ва серёмғир бўлган субтропик иқлим. Ўрта денгиз ўлкасининг кўпчилик қисмида ёзда ҳавонинг ўртача температураси 20—25°, қишда 5—12°, йилга 400—600 (тоғларда 1000) мм ёғин ёғади. У. д. н. Ўрта денгиз соҳилидан ташқари, 35—40° ш. к. билан 30—35° ж. к. орасидаги баъзи жойларда ҳам учрайди.

Ўрта Шарқ — Ғарбий Осиёда, Европа билан Покистон орасидаги территориянинг шарқли номи. Совет адабиётида У. ш. мамлакатлари деганда Эрон билан Афғонистон тушунилади. Чет эл адабиётида Яқин Шарқ мамлакатлари ҳам У. ш. дейилади.

Ўртадаги денгизлар — қу-

руқлик ичкарисида, материклар оралиғида ер ўстининг ёриқлари мишқақисида жойлашган денгизлар; сув таги рельефи жуда нотекис бўлади — чуқур ботиқлар билан саёзликлар ёнма-ён учрайди.

Ўртача температура — муайян вақтнинг ўртача т-раси. Суткалик ўртача т-ра сутка давомида тўрт марта (кечаси соат 1 да, эрталаб соат 7 да, кундузи соат 13 да, кечқурун соат 19 да) ўлчанган т-рани бир-бирига қўшиб, тўртга тақсимлаш йўли билан аниқланади. Ойлик У. т. ой давомидаги ўртача т-раларни қўшиб, кушлар сонига тақсимлаб чиқарилади. Йиллик У. т. 12 та ойлик У. т. ни қўшиб, 12 га тақсимлаш йўли билан топилади. У. т. ларни таққослаш турли жойларнинг иқлимини таърифлашга имкон беради.

Ўр-қир — ер юзаси потекис, чуқурлик ва қирлар алмашиниб келадиган жойлар.

Ўтирма сурилма — қатламланмаган сув ўтказувчи жинсларда ҳосил бўладиган сурилма. Сувга тўйинган бундай жинслар ўтириб қолиб, доира шаклидаги ботиқлар ҳосил қилади. Қора денгизнинг Кавказ қирғоқларида бундай сурилмалар кўп учрайди.

Қ

Қавс — 1) зодиак зонасидаги юлдузлар туркуми; 2) Шамсия (кўёш) дискобидаги йилнинг тўққизинчи оғи. 22 ноябрдан 21 декабргача давом этади. Бу вақтда Кўёш осмон сферасида Қ. юлдузлар туркумидан ўтади.

Қайир, нойма — дарё, канал ва кўллар бўйлаб чўзилган, сув кўпайган вақтда сув босиб кетадиган пастак захоб ерлар. Қ. ларни, одатда, ўтлар, туқай ўсимликларни қоплаган бўлади. Қ. ларда чуқурликлар — эски ўзанлар кўп бўлади. Қ. ларнинг кенлиги дарё оқадиған жой рельефи характерига қараб, бир неча метрдан ўнлаб км гача боради. Текисликда оқувчи

катта дарёларининг Қ. лари эни 40 км гача этади.

Қайнар — суви пастдан юқорига кўтарилиб чиқадиган булоқ — қайнар булоқ. Туркманистонда балчиқ вулкани ҳам Қ. дейилади.

Қалай рудалари — таркибида қазиб олиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ микдорда қалай бўлган минерал бирикмалар. Асосий минераллари: касситерит — қалайтош (таркибида 78,8% гача қалай бўлади), станнин — қалай колчедани (таркибида 27,5% гача қалай бор). Қалайли минерал жу-да кўп. 1—2% ва ундан ортиқ қалай бўлганлари қазиб чиқарилади. Бироқ, таркибида процентнинг

1/10, ҳатто 1/100 улуши миқдориде қалай бўлган конларни қазиб чиқариш ҳам рентабел ҳисобланади.

Қ. р. бойитилади (қ. *Бойитиш*). Қалай билан мис қотишмаси (бронза) қадимдан маълум. Қалай оксидланмайди. Қалай қалайлаш ва қотишмалар (жумладан босмахола ҳарфлари) учун ишлатилади. Конлари: СССРда — Узқ Шарқ, Забайкалье, Қозоғистон; чет элларда — ХХР, Малайзия, Индонезия, Тайланд, Боливия, Нигерия ва б.

Қанот — ер пўстининг бурманланган қатламларида букилган жойлар оралиғидаги озми-кўпми текис нишаб қатламлар.

Қантар (арабча *қантар* — ёй, кўприк) — қишнинг ярми, қантар оғди — қиш ярмидан ўтди.

Қасаба (арабча *қасаба* — шаҳар) — тарихий манбаларда, жумладан «Бобирнома»да «посёлка», «шаҳарча» маъносиде ишлатилган термин.

Қашқа — ҳар ер-ҳар ерида қор ёки муз кўришиб турадиган яланғоч қояли тоғ чўққиси; ўсимлик қопламаган тўзима кум, ўзани тошлоқ тевоқар дарё ва ҳ. к. Мас., қашқақум, қашқатоғ, қашқасув. Номлар таркибиде ҳам бор: Қашқадарё, Қашқасув.

Қизил темиртош — таркибиде темир кўп минерал; қ. *Гематит*.

Қизил тупроқлар — сернам субтропик ва тропик мамлакатларда аксари темирға бой она жинслар устиде ҳосил бўладиган тупроқлар. Хитойнинг марказий ва жануби-шарқий р-лириде, Вьетнам, Японияда, АҚШ, Бразилия, Уругвайда, Африкада, Франциянинг жанубиде, Италия, Испанияда; СССРда Қора денгизнинг шарқий соҳилиде (Грузия) ва Каспий денгизининг жануби-ғарбий соҳили (Озарбайжон)да учрайди. Устки қатламиде 10% гача чириндиси бўлади. Қ. т. да чой, тамаки, тоқ, цитрус экинлар ва б. экилади.

Қиламиқ — дарё, канал, ариқ четларида совуқдан сувнинг музлаб қолиши ҳодисаси. Қ. жуда ҳам юққа бўлади. Сув юзасига тушган қор эриб кетмай ҳам Қ. ҳосил қилади. Бундай Қ. қор Қ. дейилади. Сувнинг музлашиндан муз қиламиғи ҳосил бўлади.

Қимматбаҳо тошлар — қ. *Жавоҳирлар*.

Қимматли металлар — қ. *Асметаллар*.

Қир — усти ясси ёки салгина гумбазсимон баландликлар, тепаликлар, платолар, ясси паст тоғлар. Мас., Урта Россия қирлари, Волгабўйи қирлари. Қопланқир ва ҳ. к. Қорақум ва Қизилқумдаги қолдиқ платолар, усти ясси паст тоғлар ҳам Қ. дейилади. Қ. лар баланд текисликлар, тоғларнинг оқар сувлар, шамол емиршидан, тектоник кўтарилишлар натижасиде ҳосил бўлади.

Қирғоқ — денгиз, кўл, дарё, сув омборлари чеккасида сув билан туташиб турадиган камбар жой. Қирғоқда доний равнида сув бевосита таъсир кўрсатиб туради; қ. *Соҳил*.

Қирғоқ ёни музи — денгизнинг қирғоғи бўйида ҳосил бўлган муз. Кўпинча қирғоқ ёни саёзликларида ҳосил бўлади. Кенлиғи ўйлаб, ҳатто юзлаб километрга етиши мумкин.

Қирғоқ рифлари — қ. *Рифлар*.

Қирғоқ чизиги — сув юзаси билан қуруқлик чегараси.

Қисноқ — дарё ўзани тарайган жой, бўғоз жой. Дарё ўзининг чуқурлатиш эрозияси кучли бўлган қисмларида ҳосил бўлади.

Қитъа — Ер шаридаги қуруқликнинг катта қисми. Қ. га материк ёки материк қисми билан бир қаторда ён-веридеги ороллар ҳам киради. Ер шариде 6 та Қ. бор: Европа, Осиё, Африка, Австралия, Америка, Антарктида. Тинч океаннинг Америка, Австра-

лия ва Осиёдан узоқдаги оролла-ри «орэлли» Қ. ҳисобланади ва Океания деб аталади.

Қишлоқ (қишлоз, қишда тур-риладиган жой) — аҳоли ўтроқ яшайдиган пункт; географик ном таркибида ҳам учрайди: Манғиш-лоқ ярим ороли.

Қишлоқ аҳолиси — қишлоқ жойларда яшайдиган аҳоли; қиш-лоқларда яшаб, қ. х. билан боғ-лақ бўлмаган соҳада, кўпинча ён-веридаги шаҳарда ишлайди-ган кишилар ҳам Қ. а. ҳисобла-нади.

Қишлоқ хўжалик аҳолиси — қашлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли.

Қовоқ — дарё ва кўлларнинг баланд қирғоғи, жарлик, баланд терраса. Жой номлари таркибида ҳам бор: Оққовоқ, Қовоқтов.

Қолган ўзан, **қолган дарё** — дарёнинг олдинги ўзани-дан бутунлай ёки қисман ажралиб қолган қисми. Дарё ўзанига оқи-зиқлар тикилиб қолиши ёки дарё-нинг бошиқа томонга бурилиб кети-ши натижасида ҳосил бўлади. Дастлаб кичикроқ кўл бўлади, кей-ин оқизиқлар тўлиб ботқоқликка ва захкаш ўтлоққа айланади.

Қолдиқ тоғ — қадимда баланд ўлканнинг емирилишидан қолган ва қаттиқ тоғ жинсларидан тузилган якка-якка баландликлар. Нураш қолдиқ тоғлари, суна қолдиқ тоғ-лар, ювилма қолдиқ тоғлар бў-лади.

Қолдиқ ўзан — қ. *Қолган ўзан*. **Қопчиғай** — тоғлардаги дарё оқиб ўтувчи чуқур, тор дара; оҳак-тошдан тузилган тизмаларни дарёлар кўндалангига кесиб ўт-ган даралар одатда шундай бў-лади. Мас., Бойсун сойлигидан Сурхондарё водисигача ўтувчи Оққопчиғай дараси.

Қор чизиги — тоғлардаги шун-дай чегараки, ундан баландда қор эримасдан фирнга айланади. Қ. ч. баландлиги жойнинг географик кенглиги, иқлими, ёғин миқдори, ён бағир экспозициясига боғлиқ. Қ. ч.

экватор яқинидаги тоғларда 5000 м, Новая Земля оролида 600 м, Антарктидада океан сатҳи билан барабар.

Қора металлургия — саноат-нинг чўян, пўлат, ферроқотишма-лар, прокат, труба ва б. металл буюмлар ишлаб чиқариладиган тармоғи. Қ. м. кетма-кет бир неча процесдан иборат: руда қазиб чиқариш, домна (чўян эритиб олиш), мартен (пўлат эритиб олиш), прокат (пўлатдан балка-лар, рельслар, симлар ясаш). Чў-ян эритиб олиш учун домна печига темир рудаси билан бирга ёқилғи (кокс ёки ёғоч кўмир) ва флюс со-линади. Пўлат махсус хоссаларга эга бўлиши учун эрнтаётганда б. металллар қўшилади (қ. *Ферроқо-тишмалар*). Ҳозирги замон метал-лургия корхоналари домна, пўлат эритиш, прокат цехларидан, кокс ишлаб чиқариш ва кокс газларини ишлатувчи корхоналардан иборат. Домна печлари бўлмаган, темир-терсак ва тайёр чўяндан пўлат ишлаб чиқарадиган корхоналар қайта эритиш металлур-гияси деийлади. Машинасозлик з-длари қарамонда бўлган ва ке-ракли сортда пўлат, чўян қуяди-ган металлургия цехлари кенжа металлургия деийлади. Кей-инги вақтда электрометаллургия, яъни электр печларда пўлат эри-тиш тараққий этмоқда (масалан, Бекобод металлургия з-ди электр печь билан ишламоқда). СССР пў-лат (1976 й. 144, 8 млн. т), чўян (105,4 млн. т), темир рудаси, про-кат (101,4 млн. т), пўлат труба (16,8 млн. т), кокс ишлаб чиқа-ришда дунёда биринчи ўринда ту-ради.

Қора тупроқ — деярли қора рангдаги унумдор, донадор струк-турали тупроқ. Устки қатламиди 4—12% чиринди бор. Лёсс, лёсс-мон гил ва қумоқлар устида пай-до бўлган. Дашт ва ўрмонли дашт зоналарида тарқалган: Ғарбий ва Жануби-Шарқий Европада, Осиёда Монголия ва Хитойда, Шимолий

Америкада АҚШ Фарбиди, Канаданинг жанубида, Жанубий Америкада — Аргентина ва Чилининг жанубида, СССР да эса Қарпат тоғларидан Олтойгача кенг полоса бўйлаб жойлашган. Қ. т. ерларда бўғдой, қанд лавлаги, кунгабоқар, конопля, зиғир, гречиха, ловия экилади, чорвачилик, мевачилик, сабзавотчилик ривожланган.

Қора довул — чағ-тўзон бўрони, ёмғирсиз қаттиқ шамол. Кўпинча ёзда ва кузда эсади. Баҳор ёмғирсиз қуруқ келганда ҳам бўлади.

Қора сув — тоғ этакларида, водийларда ер ости сувларидан тўйинадиган сой, дарёлар. Суви тиниқ. Баъзан минераллашган бўлади. Баъзан заҳоб, тўқайлардан оқиб чиқади. Сув сарфи фаслларга қараб унча кўп ўзгармайди. Урта Осиёда унча кўп эмас. Зарафшон, Фарғона водийларида бор. Ташлама ва зовур сувлари ҳам Қ. с. деб юритилади. Туркияда булоқ сувлари Қ. с. дейилади.

Қоратоғ — ёзда устида қор турмайдиган паст тоғлар Ландшафт асосан чала чўл, тоғдаш ландшафтларидан иборат бўлади. Дарёлари кам, борлари ҳам кам сув, кўпчилиги ёзда қуриб қолади. Вақтли сувлар оқадиган қуруқ сойлар кўпроқ учрайди. Урта Осиёда шу номдаги тоғлар жуда кўп. Қора тусли жинслар — сланецлардан ташкил топган тоғлар ҳам шу ном билан юритилади.

Қорахарсанг — Қорақум чўлида гряди қумлари орасидаги чўл йўсини билан қопланган ботик, сойлик.

Қорақум — устини ўсимлик қоплаб ётадиган, мустаҳкамланган қумлар.

Қорлиқ — офтоб ва шамол тегмайдиган жойларда иссиқ пайтларда ҳам эрнай ётадиган қор ва музлар тўплами.

Қоқлар — Урта Осиё чўлларидаги тақирларда учрайдиган табиий саз ётиқлар. Қ. да баҳорги ёгингарчилик вақтида сув бўлади.

Ез келиши билан сув қуриб, ер юзаси туз қатлами билан қопланган тақирга айланади. Туркманистонда гил жинслар тарқалган жойларда баҳорги ёмғир сувини тўплаш учун қуриладиган ҳовузчалар ҳам Қ. дейилади. Бундай ҳовузчалар диаметри 2—3 м, чуқурлиги 1 м атрофида бўлади. Сувдан чорва молларини суоришида вақтинча фойдаланилади.

Қоя — кўпинча учи ўткир, қаттиқ туб тоғ жинсдан тузилган баландлик. Туркий халқлар яшайдиган ўлкаларда жой номлари таркибида ҳам кўп учрайди: Қизилқоя довони (Қирғизистонда), Қўққоя тоғи (Помирда), Қоякент (Доғистонда) ва ҳ. к.

Қуёш — Қуёш системасидаги марказий жисм, Ерга энг акин юлдуз (ўртача масофаси 149,6 млн. км), газлардан иборат шар шаклидаги ўта қизиган осмон жисми. Массаси Ер массасидан 332400 марта, диаметри Ер диаметридан 109 марта катта. Ўз ўқи атрофида 25 ер суткасида бир марта айланади. Юзасида т-ра +6000°, нинда эса 15 млн. градусга етади. Қуёш энергиясининг 2 млрд. дан бир қисминга Ерга етиб келади. Қуёшнинг иссиқлик тарқатадиган юза қатлами фотосфера дейилади. Фотосфера устида сийрак газлардан иборат иккита қалин қатлам — хромосфера ва тоғ жойлашган; ультрабинафша ва радио нурлар апа шу икки қатламдан чиқади.

Қуёш радиацияси (латинча *радиация* — нур сочиш) — Қуёшдан ёруғлик чўқшиш, электромагнит тўлқинларининг 300000 км/сек тезликда тарқалиши. Қ. р. Ергади барча процесслар учун энергиянинг асосий манбаидир. Ер юзасига Қ. р. нинг ҳаммаси ҳам етиб келмайди, бир қисмини булутлар қайтаради, бир қисми иссиқликка айлланиб ютилади, бир қисми тарқалиб, тарқоқ Қ. р. га айланади. Ер юзасига етиб келган Қ. р. қисман ер юзасидан қайтади, қисман

туپроқнинг ва сувнинг устки қатламларини иситиб, ютилади.

Қуёш системаси — Қуёш, 9 планета (Меркурий, Венера, Ер, Марс, Юпитер, Сатурн, Урач, Нептун, Плутон) ва уларнинг йўлдошларидан иборат осмон жисмлари системаси. Қ. с. да бундан ташқари бир неча ўн минг кичик планета (астероид), кўплан-кўл комета ва майда метеор жисмлар бор. Қ. с. даги барча жисмлар Қуёш атрофида, барча планеталар яна ўз ўзи атрофида айланади. Қ. с. жуда катта юлдузлар системасидан иборат Галактика таркибига киради.

Қуёш туриши — Қуёш маркази эклиптиканинг 23°27' оғишган энг шимоллий нуқтасидан (21 ёки 22 июнь — ёзги Қ. т.) ёйинки энг жанубий нуқтасидан (21 ёки 22 декабрь — қишқи Қ. т.) ўтган пайт. Қ. т. да Қуёш жуда секин оғишади, чунки бу жойда Қуёш эклиптика бўйлаб экваторга деярли параллел ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам бир неча кун давомида Қуёшнинг туш пайтидаги баландлиги деярли ўзгармайди (Қ. т. термини ҳам ана шундан келиб чиққан).

Қуйгин — экин суғорилганда оқова сув ташлаб юбориладиган жой. Амударё этагида қўлланиладиган термин.

Қум — катталиги 0,01 мм дан 2 мм гача бўлган қиррали ёки юмалоқ (силлиқланган) зарра ташлардан иборат бўшқ чўкинди тоғ жинси. Қ. лар зарраларининг катта-кичиклигига қараб, 1) доналари 1—2 мм бўлган дағал қум; 2) доналари 0,5—1 мм бўлган йирик қум; 3) доналари 0,25—0,5 мм ли ўрта донали қум ва 4) зарралари 0,01—0,25 мм бўлган майда қумларга бўлинади. Қ. ҳосил бўлишига қараб яна денгиз, дарё, қўл, чўл, музлик Қ. ларига бўлинади. Қ. таркибида минераллардан кварц кўп бўлади, ундан ташқари тоғ шпати, гилли сланец

ва бошқа минералларнинг зарралари учрайди. Қ. лардан қурилиш материали, саноат хом ашёси сифатида фойдаланилади. Қ. таркибида баъзан қимматбаҳо рудаларнинг сочилмалари учрайди.

Қум тили, қум тил — бир учи денгиз ёки қўл қирғоғига туташган ва қум, шағал, чўғаноқдан тузилган камбар қуруқлик. Тўлқин олиб келган оқизиқлардан пайдо бўлади.

Қумлоқ туپроқ — қум ва 10—30% гил зарралардан таркиб топган қўнғир ёки сарғиш — қизил рангдаги тоғ жинси, таркибида гил камроқ бўлса, енгил Қ. т., қум камроқ бўлса оғир Қ. т. дейилади. Ёшл, бепишча ва б. тайёрлашда ишлатилади.

Қумоқ, кумоқ туپроқ — қум ва 3—10% гил зарралардан таркиб топган чўкинди тоғ жинси. Таркибида гил кўпроқ бўлса оғир, қум кўпроқ бўлса енгил Қ. дейилади. Қ. туپроқли ерлар енгил ва, бинобарин, жавдар, тарик, картошка ва полиз экинлари экиш учун яроқли бўлади.

Қумтош — цементланган қум доналаридан иборат чўкинди тоғ жинси (гил, оҳақ, темир оксиди ва б. цементловчи модда бўлиб хизмат қилади). Қ. дан тегириштош, кайроқ, қурилиш материаллари сифатида фойдаланилади.

Қумтоғ — қум дўнғлари: Такламакон чўлида гряда қумлари шундай деб юритилади.

Қурумлар — тоғларнинг ён бағирларидаги ва ясси тепаликлардаги яланг тош уюмлари ва сочилмалар. Қ. қаттиқ тоғ жинсларининг физик нурашидан ҳосил бўлади. Улар оғирлик кучи ва сувнинг тошлар орасида музлаб, яна эриши натижасида тоғ ёнбағирлари бўйлаб пастга сурилиб туради. Тоғларда Қ. юрши учун жуда хавфли бўлади, салга сурилиб, тош оқимларини ҳосил қилади.

Қуруқчилик — ҳаво исиб кетиб узоқ вақтга ёнин ёғмаслиги.

Қ. пайтида ҳавода намлик камайдиган тунроқ қақраб, экинлар кам ҳосил беради ёки бутунлай қуриб қолади. СССРда Қуён Волгабўйи, Қозоғистон, Ўрта Осиёда Қ. бўлиб туради. Тахминан ҳар 3 йилда Қ. дан мамлакатда 1,5 млрд. пуд галла нобуд бўлади. Қ. ка қарши курашини учун далаларга қор тўплаш, ериш чуқур ҳайdash, ихота дарахтзорлари бунёд этиш, далаларни сугорини ва бошиқа тадбирларни амалга ошириши керак.

Қутбий асимметрия қонунияти — Ер шарни табиатининг шимолий ва жанубий ярим шарларда бир-биридан фарқ қилишини акс эттирувчи қонуният. Шимолий ярим шар жанубий ярим шардан қуруқлик ва денгизларнинг тақсимланиши (ҳамда нисбати), иқлим, географик қобиққининг структураси, музлик шакллари, геологик тарихи, биогеографик хусусиятлари ва х. к. ларга кўра фарқ қилади. Ҳатто, Шимолий ва Жанубий қутблар ҳам бир-биридан фарқ қилади: шаклига кўра Шимолий қутб қабарик (бўртиб чиққан), Жанубий қутб эса ботик; Шимолий қутб — денгиз музлари билан, Жанубий қутб эса материк музликлари билан қопланган. Арктикадан фарқли ўлароқ, Антарктидада эмизувчи ҳайвонлар, найчага ўсимликлар, Арктикага хос йирик қушлар — чистик ва гагалар йўқ. Шимолий ярим шарда пингвин, лама, кондор каби ҳайвонлар, араукария ўрмонлари учрамайди ва ҳ. к. Қ. а. қ. ни 1963 й. академик Қ. К. Марков кенг асослаб берган.

Қутбий доиралар — экватордан 66°33' шимолдан ва жанубдан ўтган параллеллар. Шимолий ярим шарда қишки Қуёш турини кўни (21 ёки 22 декабрь) да Қ. д. дан шимолда Қуёш чиқмайди, ёзги Қуёш турини кўни (21 ёки 22 июнь) да Қуёш ботмайди. Жанубий ярим шарда эса бунинг акси бўлади. Қуёш чиқмайдиган қушлар сони экватордан Қутбга томон ор-

та боради ва қутбда кун билан тун ярим йилдан давом этади.

Қутбий иқлим — абадий совуқ иқлим, ҳатто ёзда ҳам т-ра камдан-кам 0° юқори бўлади. Қор ва муз билан қопланган Шимолий Муз океани ва ундаги оролар, Гренландия, шунингдек, Антарктида учун характерлидир.

Қутбий шуълалар, қутбий ёғдулар — 90—1000 км баянликда атомлар билан молекулаларнинг космосдан атмосферага кириб келган катта энергия зарядли зарралар (электрон ва протонлар) билан ўзаро таъсирида атмосфера юқори қатламларининг ёруғлик чиқариши. Қ. ш турганда кечаси осмонда ҳаворанг оқини, сарғиш-яшил, баъзан қизғиш ёки бинафша нурлар ёй, полёса, тўлқин каби хилма-хил шаклларда товланади. Қ. ш. қутбий ўлкалардан ташқари баъзан ўртача кенликларда ҳам кузатилади.

Қутблар, географик қутблар — Ер айланиш ўқи ери юзаси билан кесинган нуқталар. Ер шаридаги барча меридианлар Қ. да берилади. Қутб юлдузига қараган Қ. Шимолий, тескари томондагиси Жанубий Қ. дейлади. Шимолий Қ. Шимолий Муз океани ўртасида, Жанубий Қ. Антарктиданнинг Тинч океанга яқин қисмида.

Қушлар бозори — қайра, чайка, лорик каби денгиз қушлари гала-гала бўлиб тик қояларга уя қўйган жойлар. Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка, Жанубий Африка, Янги Зеландия қирғоқларида, Жанубий ярим шардаги океан оролларида, СССР да эса Новая Земля, Франц-Иосиф Ерн оролларида учрайди. Баъзи бир Қ. б. ўнларча км га чўзилади ва бир неча юз минг қушдан иборат бўлади. Қ. б. дан тухум, пат, пар, Чили билан Перуда парранда гўнги — гуано олинади.

Қую — қўллардаги кичик қудуқ. Жой, қудуқлар номлари таркибда кўп учрайди. Мас., Қора-

қумдаги Ислонқую, Қозиққую ва б.

Куюн — атмосферада вужудга келадиған кучли уорма шамол. Кўпинча момақалдырқли булутларда ҳосил бўлади. Эни денгиз устида бир неча ўн м, қуруқликда бир неча юз м, баландлиги 800—1500 м бўлиши мумкин. Қ. да ҳаво одатда соат стрелкасиға тескари айланади, аини вақтда спираль каби юқорига кўтарилиб, чағи ёки сувни ўзига тортади. Секундига 50—100 м тезлик билан айланади, ер юзаси бўйлаб секундига 10—20 м тезликда ҳаракат қилади ва 40—60 км гача давом этади. Қ. тромб, АҚШ да торнадо деб аталади.

Кўйнеқоналар, қўчқор тумшуклар — музликлар текислаган ва силлиқланган қоялар. Музликлар орасида музлаб қолган тоғ жинсларни парчаларининг тирпаган излари кўринади. Қ. қадимги музлик р-нлари (Финляндия, Кола ярим ороли, Карелия) да кўп учрайди.

Кўйчилик — чорвачилиқнинг бир тармоғи; кўйлар гўшти ва жунни учун бөқилади. Дағал жунли кўйлар (асосан ҳисори, жайдарни ва бошқа зотлар) жушидан мовут, пийма этик, кигиз ва б.; уй-рўзғор жиҳозлари, майни жунли кўйлар (меринос ва б.) жушидан қимматли жун газламалар тайёрланади. Баъзи бир кўй зотларидан ийшиқ, исиқ пўстин ишланади. Қорақўл кўйларининг терисидан шуба, телпак, ёқа қилинади. СССР даги қорақўл кўйларининг кўпчилиги Ўзбекистондадир.

Кўйтош — гранит тоғ жинси тарқалган жойда ер юзасида сочилиб ётадиған силлиқланган гранит тошлар Температуранинг кескин ўзгариши, оқин сув ва шамол таъсирида юмалоқ, чўзиқ шаклга эга бўлиб, дам олиб ётган кўйлар подасини эслатади. Жой номи сифатида ҳам қўлланилади. Мас., Нурота тизмасидаги Кўйтош.

Қўл — асосий тоғ, катта воқидий, бош жар, сойдан турли томонга ажраб чиққан иккинчи даражадаги тизма, сой, дара, жарча. Баъзан географик номлар таркибида учрайди.

Қўлтиқ — океан, денгиз ва кўлларнинг қуруқлик ичкарасига кириб турган қисми. Баъзи жойларда океанларнинг денгизларга ҳос хусусиятлар, гидрологик режимиға эга бўлган қисмлари ҳам Қ. деб юборилган. Мас., Бенгалия қўлтиғи, Форс қўлтиғи, Мексика қўлтиғи ва ҳ. к.

Қўнғир кўмир — сифати пастроқ кўмир. Таркибида 55—78% углерод бор. Чўкинди жинслар орасида қатламлар ҳолида ётади. Усимлик қолдиқларидан ҳосил бўлган Қ. к. гил моддалар аралашмаси туфайли серкул бўлади. Исиқлик бериш қобилияти 5—6 минг ккал/кг. Ёқилғи сифатида ишлатилади; Қ. к. дан суяқ ёниғи, ёнувчи газ ва б. химиявий маҳсулотлар ҳам олинади.

Қонлари: СССРда — Лена, Қан-Ачинск (Сибирь), Москва ёни ва Челябинск ҳавзалари; Ўзбекистонда Ангрен кони; чет элларда — ГДР, ГФР, Чехословакия ва б.

Қўнғир чўл-дашт тупроқлари — оч қўнғир тупроқлар; таркибида чиринди кам (2% га яқин); таркибида тузлар кўп. Қ. ч.-д. т. учрайдиған ерлардан асосан яйлов сифатида, суғорилганда эса — деҳқончиликда фойдаланилади. Қ. ч.-д. т. СССРда Каспий бўйи пасттекислигида ва ундан шарқ томондаги ерларда тарқалган.

Қўнғир ўрмон тупроқлари — қўнғир ранг, чириндиси кам (3—7%) тупроқлар. Қ. ў. т. асосан аралаш ўрмонлар (қора қайин, қора қайин-қарағай ўрмонлари тарқалган жойларда, СССРда Қарпат тоғлари, Қрим ва Кавказ тоғлари, Узоқ Шарқнинг жанубида учрайди.

Қўнғир темиртош, лимонит — таркибида гил ва б. моддалар аралаш темир бўлган бир

қанча минераллар аралашмаси. Қ. т. кенг тарқалган темир рудаларидан бири. Ранги кўнгир, сариқ-қўнгир ва қора. Чўкинди жинсларда учрайди, таркибда темир 30% дан кам бўлмаган Қ. т. рудалари саноат аҳамиятига эга бўлади.

Конлари: СССРда — Керчь, Бакал (Жанубий Урал), Липецк; чет элларда — Франция (Лотарингия), Куба ва б.

Қўриқ ерлар — деҳқончиликда фойдаланиш мумкин бўлган, яъни ҳайдаб, турли экинлар етиштириш мумкин бўлган, бироқ, ҳали ўзлаштирилмаган ёки эндигина ўзлаштирилаётган ерлар. СССРда 1954—1955 йиллардан бошлаб

Қ. е. ни ўзлаштириш айниқса кенг куламда твж олдирилди. Қисқа муддатда Қозоғистон, Сибирнинг жануби, Волгабўйи, Урал, Кавказ ва Ўрта Осиёда катта майдонларда — 35 млн. гектардан ортиқ Қ. е. ўзлаштирилди. Қозоғистонда қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асида кенг еритиб берилган.

Қўриқхона — табиат комплексининг бир қисми — ҳайвонлар, ўсимликлар, фойдали қазилма, ноёб рельеф шакллари қонун асосида муҳофаза қилинадиган жой. Қ. лар вақтли ёки доимий бўлиши мумкин. Кўпчилик Қ. ларда ов ҳайвонлари муҳофаза қилинади ва кўпайтирилади. У ердаги ҳайвонлар сони бошқариб турилади.

Ҳ

Ҳаво массалари — тропосфера ҳавосининг бир-биридан т-ра, намлик, ҳаракат йўналиши ва б. хусусиятлари билан фарқланадиган катта қисмлари. Ҳ. м. нинг т-раси, намлиги ва б. хоссалари секин-аста ўзгаради. Бир ҳаво массасидан иккинчи ҳаво массасига ўтганда бу хусусиятлар кескин алмашинади.

Ўзаро туташ икки ҳаво массаси орасидаги чегара а т м о с ф е р а ф р о н т и дейилади. Денгиз устида шаклланадиган денгиз Ҳ. м. ва қуруқлик устида шаклландиган континентал Ҳ. м. бўлади. Қуйидаги Ҳ. м. мавжуд:

1) Арктика ва Антарктика Ҳ. м.; 2) ўртача кенлик Ҳ. м. (Қутбий Ҳ. м.); 3) тропик Ҳ. м.; 4) экваториал Ҳ. м. (ҳавоси иссиқ ва серив) бўлади.

Ҳ. м. нинг бошқа р-нлардан кириб келиши об-ҳавога таъсир кўрсатади. Шў сабабли Ҳ. м. хоссалари ва уларнинг ҳаракатини ўрганиш об-ҳавони олдиндан айтиб беришда катта аҳамиятга эга (қ. *Прогноз*).

Ҳаво намлиги — ҳаводаги сув буғлари миқдори. Ҳаво қанча ис-

сиқ бўлса, унда сув буғлари шунча кўп бўлиши мумкин: масалан, 1 м³ ҳавода сув миқдори қуйидагича:

темпе- +20° бўлганда— 17 г га яқин
ратура

«— +10° «— 9 г «—
«— 0° «— 5 г «—
«— -20° «— 1 г «—

Агар ҳаво муайян т-рада сув буғларини бошқа юта олмаса, тўйинган ҳаво, ҳаво намни юта оладиган бўлса, қуруқ ҳаво дейилади. Агар тўйинган ҳаво совуса, сув буғлари томчиларга (шудринг, туман, булут) айланади.

1 м³ ҳаво таркибидаги сув буғларининг грамм ҳисобидаги миқдори ҳавонинг абсолют намлиги дейилади. Ҳаводаги сув буғлари миқдорининг айти т-рада тўйинган ҳаво учун зарур бўлган сув буғлари миқдорига нисбати ҳавонинг нисбий намлиги дейилади ва процент ҳисобида ифодаланади. Масалан, агар 0° температурада 1 м³ ҳавода 3 г сув буғи бўлса, тўйиниши учун

эса 5 г сув буги талаб қилinsa, буида иксебий намлик $\frac{3}{5} \times \frac{5}{5} \times 100 = 60\%$ га тенг бўлади.

Ҳамада — Саҳрои Кабирдаги тошлоқ чўллар. Қадимги кристалл тоғ жишлари ер юзасига чиқиб қолган қолдиқ тоғларда, қирларда, нураш натижасида вужудга келади. Органик дунёси жуда камбағал.

Ҳамал — 1) Зодиак зонасидаги юлдузлар туркуми; 2) Шамсия (Қуёш йили) ҳисобидаги биринчи ой, 22 мартдан 21 апрелгача давом этади. Бу вақтда Қуёш осмон сферасида Ҳ. юлдузлари туркумидан ўтади. Ҳ баҳор ойи. «Ҳамал кирди — амал кирди» мақоли шундан олинган.

Ҳаракатчан капилляр сув — тупроқдаги капилляр найчаларда сув кўнайиб, эркин ҳаракат қиладиган капилляр сув. Капилляр найчалардаги сув кўнайса, у эркин ҳаракат қила бошлайди ҳамда ўсимлик осон ўзлаштирилади.

Ховар — текис жой. Текис, кенг ер, тен-текис жой ховартик

деб юртилади (Сурхондарё водийсида).

Ҳовуз — Ўрта Осиёнинг сув танқис жойларида сувни сақлаш учун қазиладиган кичик сув омбори. Ҳ. лар одатда тўғри тўртбурчак шаклида қазилган.

Ҳома — гряда, қатор тепа, узун чўзилган баландлик. Бухоро областида кенг тарқалган. Мас., қум ҳомалари (грядалари).

Ҳосилдорлик — бир га экин майдонидан қ. ҳисобида олинган қ. х маҳсулоти миқдори.

Ҳут — 1) Зодиак зонасидаги юлдузлар туркуми; 2) Шамсия (Қуёш йили) ҳисобидаги ўн иккинчи ой, 22 февралдан 21 мартгача давом этади. Қуёш бу вақтда осмон сферасида Ҳ. юлдузлар туркумидан ўтади. Ҳ. кишининг охириги ойи. «Яхши келса ҳут, ёмон келса ют» мақоли бор. Ҳ. ойи яхши келганда қорлар эриб, кунлар исиб кетади, чорвани ҳайдаб бокса бўлади. Баъзан совуқ келиб, авжи ем-хашак тугаган вақтда чорва молларини ҳайдаб боқиб қийин бўлиб, ют бўлади.

ФОНДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Агапов С. В., Соколов С. Н., Тихомиров Д. И.* Географический словарь, М., «Просвещение», 1968 (иккинчи нашри). Мактаб ўқувчилагига мўлжалланган.
2. Энциклопедический словарь географических терминов, М., «Советская энциклопедия», 1968 Академик *С. В. Калесник* таҳрири остида.
3. Словарь географических терминов, М., «Прогресс», I том, 1975, II том, 1976. Инглизчадан таржима.
4. *Мильков Ф. Н.* «Словарь-справочник по физической географии», М., «Мысль», 1970 (иккинчи нашри).
5. *Алаев Э. Б.* Экономико-географическая терминология. М., «Мысль», 1977.
6. *Барков А. С.* Табиий географиядан изоҳли луғат. Т., Ўқувпедадавнашр, 1958, русчадан таржима.
7. Ўзбек совет энциклопедияси, I—II томлар.
8. *Ҳ. Ҳ. Ҳасанов*, География терминлари луғати, «Фан» нашриёти, 1964.